

2971
86.38
Л93

АҲМАД ЛУТФИЙ



РИСОЛАТ

ҚУТЛУҒ ТАВАЛЛУД:
ОЛАМ УЗРА ТУШГАН НУР

1

АҲМАД ЛУТФИЙ

РИСОЛАТ

ҚУТЛУФ ТАВАЛЛУД:
ОЛАМ УЗРА ТУШГАН НУР



«Sano-standart» нашриёти
Тошкент – 2018

УЎК 297.1
КБК 86.38
Л 93

Аҳмад Лутфий.

Рисолат (Қутлуғ таваллуд: олам узра тушган нур. —
Тошкент: «Sano-standart», 2018. — 288 бет.

Тақризчи:

Шайх Абдулазиз Мансур

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари,
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби*

Масъул муҳаррир:

Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов

*Ўзбекистон халқаро Ислом академияси доценти,
сиёсий фанлар доктори*

Таржимонлар:

**Абдукамол Абдужалилов,
Равшан Мамадалиев**

Қўлингиздаги ушбу китоб Икки Олам Сарвари Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари тўғрисидадир.

Туркиялик олим ва ёзувчи Аҳмад Лутфий Қозончи қаламига мансуб олти жилддан иборат муҳташам бадиий асарнинг биринчи жилжидида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилишларидан то Рисолат тонгги отгунга қадар бўлган ҳаётлари моҳирлик ва ҳассослик ила баён қилинган.


Асар Сиз азиз ўқувчиларга манзур бўлишидан умидвормиз.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2018 йил 10 августдаги
№ 4486-рақамли тавсияси билан чоп этилди.*

ISBN 978-9943-5463-0-1

© Равшан Мамадалиев, 2018

© «Sano-standart», 2018



ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ

*Муҳаббатдин Муҳаммад бўлди пайдо,
Муҳаббатсиз кишидин қоч, Ҳувайдо.*

Бисмиллаҳир Роҳмаанир Роҳийм!

Сизу бизларни гўзал суратда яратган ва чексиз неъматларга буркаган Роббимиз Аллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар бўлсин. Буюк Парвардигорнинг иродаси ила улкан вазифаларни елкаларида кўтарган биз умматларига ҳидоят йўлини кўрсатган суюкли Пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталибга саловат ва саломлар етсин.

Ўн саккиз минг оламини йўқдан бор қилган Аллоҳ таоло ҳар ненинг аввалида Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нурларини яратди. Сўнгра Ҳабибига бўлган муҳаббати боис жамийки мавжудотларни халқ қилди. Ана шу шарафли муҳаббат сабабидан сизу биз бугунги кунда ҳоли ҳаётда яшаб, Роббимиз мўл-қўл қилиб қўйган неъматлардан баҳраманд бўлиб турибмиз.

Ҳар бир инсонга берилган энг катта неъмат, ҳеч шубҳасиз, ҳаёт неъматидир. Умрни Аллоҳ таоло буюрган ишларга сарф этган ҳолда, ҳам дунё саодатига, ҳам охират бахтига мушарраф бўлиш ғоят муборақ ва ўз навбатида улкан масъулият талаб қиладиган вазифадир.

Халқ қилган барча мавжудотлари орасида отамиз — Одам алайҳиссаломга шараф тожини кийдириб, уни «ҲАЗРАТИ ОДАМ» дея улуғлаган Роббимиз бизларга ҳоли ҳаётда қандай умр кечириш лозимлигини вақти-вақти билан юборган пайғамбарлари (алайҳимуссалом) ёрдамида ўргатиб борди.

Бу йўлда энг охириги, мукамал ва Ўзи рози бўлган дин — Исломни Пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга юборди. Ул зотга Ўзининг каломи, муқаддас Куръони Азимуш-шаънни Руҳ ул-Қуддус Жаброил алайҳиссалом орқали нозил қилди. Ахлоқи ва бутун хатти-ҳаракати Куръон бўлган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни биз мусулмонларга намуна ва ибрат қилиб қўйди.

Аллоҳ таоло Ул зотга бу дунёнинг барча синовларини, барча қайғу-шодликларини ва барча мақомларини берди:

— Уларнинг қалбларидаги нафсга тегишли парча олтиетти ёшларида Аллоҳ таолонинг амри ила олиб ташланди. Ҳеч бир пайғамбарга берилмаган Меърож уларга берилди. Исмлари то Қиёматга қадар хайр билан ёдга олинадиган бўлди.

— Ул зот етимликни, мусофирчиликни кўрдилар. Чўпон бўлиб қўй боқдилар. Ислом қўшинига бош бўлдилар. Мақомлари мақталган мақомларнинг энг юқорисидан жой олди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

Мазмуни: «(Эй Муҳаммад!) Кўксингизни (илму ҳикматга) кенг очиб қўймадикми?! Сиздан юкингизни олиб қўйдик (енгиллатдик), қайсики, белингизни эзиб турган эди. Зикрингизни (исмингизни) ҳам баланд кўтариб қўйдик. Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир. Бас, (эй Муҳаммад!) Қачонки, (намоздан) фориф бўлсангиз, (ўрнингиздан) туринг ва Роббингиз сари рағбат (билан дуо) қилинг!» **(Шарҳ сураси, 1–4-оятлар).**

Шу боис, икки олам Сарвари Пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларини намуна сифатида ўрганиш, ибрат ва ўрнак олиб, Ул зотнинг суннатларидан насибадор бўлиш биз бандалар учун ҳам фарз ҳам қарзидир.

Ҳар бир одам ҳаёти давомида «Кимдан ўрнак олиш керак?» деган саволга бот-бот учраб туради. Айниқса, фарзанди тарбиясидан ташвишланаётган ота ва оналарни бу савол кўп қийнайди. Ҳатто ёшларга насиҳат қилиш, маслаҳат бериш ёшига етган кексаларнинг ўзлари ҳам гоҳо доно маслаҳатга муҳтож бўлиб қоладилар. Бундай ҳолларда ҳар бир банда Аллоҳ Расулининг ҳаётидан ўрнак олиши керак. Маслаҳатга муҳтожлар Қуръони карим ва шарафли ҳадислардан жавоб топадилар.

Қадимда сайёҳлар тунги осмондаги юлдузларга қараб, кундузи юрар йўлларини белгилаганлар. Самодаги энг ёруғ юлдузни «Йўлчи юлдуз», деб атаганлар. Инсон ҳаётидаги энг биринчи йўлчи юлдуз — шубҳасиз, Қуръони каримдир ва шарафли ҳадислардир. Сўнг эса Пайғамбаримиз алайҳиссалом

ҳаётларидан ҳикоя қилувчи ҳикматли китоблардир. Жаҳолатни инсон ҳаётининг қоронғу тунни, деб белгиласак, бу тундаги йўлчи юлдуз — китоблар бандани зулматдан ёруғликка, ҳидоят йўлига олиб чиқади.

Асрлар мобайнида улуғ алломалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳаётлари баён этилган кўплаб китобларни ёзиб, бизларга бебаҳо мерос қилиб қолдириб кетганлар. Болшевиклар ҳукм сурган йилларда, уларнинг хизматкорлари — атеистлар «Худосизлар жамияти»ни ташкил этиб («Атеист» сўзининг луғавий маъноси «худосиз» демакдир) динга қарши курашни авж олдирганларида биринчи галда бу меросни маҳв этмоқчи бўлганлар. Кимнинг уйдан диний китоб чиқса қамалган, ҳатто отиб ташланган. Шунга қарамай, Ўзбекистон мусулмонлари жонларидан кечсалар-да, бу китоблардан юз ўгирмаганлар, аксинча, авайлаб, асраб зурриётларига қолдиришган. «Олтин зангламас», деганларидек, бу китоблар ҳам ўлмади, ўлмайди ҳам. Болшевикларнинг бузуқ ғоя билан ҳужум қилиши ва мусулмонларнинг бу ҳужумга мардондор қарши туриши Аллоҳнинг бир синови эди. Бу синовдаги мусулмонларнинг сабри ва мустаҳкам иродаси эвазига ўтган аср охирига келиб, Аллоҳ кўп-кўп яхшиликлар берди (Алҳамдулиллаҳ!). Узоқ йиллар яшириб кўйилган диний китоблар токчалардан олиниб, таржима қилиниб, нашр этила бошланди. «Сияри набий», «Тарихи Муҳаммадий», «Шамоили Муҳаммадийя» каби ўнлаб асарларни мусулмонлар кўзларига суртиб ўқий бошладилар. Бу каби китоблар туфайли қалблар Ислом нури билан янада ёришди. Шулар қаторида «Саодат асри қиссалари» китобининг таржима қилиниши ва қайта-қайта нашр этилиши маърифий ҳаётимизни бойитди. Мазкур асарни Аҳмад Лутфий кейинги йилларда яна тўлдирган ҳолда қайта нашр эттирганлари туфайли ёш таржимон укаларимиз уни ўзбек ўқувчиларига тақдим этишга киришдиларки, уларнинг бу хизматлари учун Аллоҳ кўп-кўп ажру мукофотлар бергай, омиён!

Янги таржима қилиниб, ҳукмингизга ҳавола этилаётган «Рисолат» китоби туркиялик ёзувчи Аҳмад Лутфий Қозончининг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳаётларини ёритиб, ўқувчига етказишга ҳаракат

қилган маърифий, бадий-тарихий романидир. Умумий олти жилддан иборат бу асарни ўзбекчалаштириш маҳорат билан амалга оширилган. Китобга Исломнинг илк давридаги ўзига хосликлар билан бирга ўзбекона миллий руҳнинг сингдирилгани ўқувчини мамнун қилиши табиий. Асар тили шу қадар равонки, уни ўзга тилдан таржима қилингани ҳатто сезилмайди ҳам.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳаётлари баёнидаги асарларни бир неча турга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Энг аввали, албатта, аниқ далилларга асосланган илмий рисоалардир. Уларда тарихий воқеалар аниқ тартибда, аниқ ифода-далар билан берилади. Адабиётда яна бир йўл мавжуд: уни «илмий оммабоп» деб аташ расм бўлган. Унда воқеа бадий адабиётга хос бўлган услубда берилади. Масалан, илмий адабиётда «Абдулмутталиб беркилиб қолган Замзам булоғи кўзини очди», ёки «Фил воқеасида Абраҳани Аллоҳ Абобил қушларини юбориб жазолаган», деб қисқа ва лўнда ифода этилади. Ёки «Мадинадан қайтишларида Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламнинг оналари вафот этдилар», дейилади. Бадий услубдан фойдаланилганда эса манзара батафсилроқ тасвирланади. Абдулмутталибнинг кўрган тушидан қандай таъсирлангани, руҳий ҳолати, охири қудуқ қазишга киришгани, «Ўнта ўғлимдан бирини шу ерда қурбон қиламан», деб қасам ичиб юбориши ва оқибатда суюкли ўғли Абдуллоҳни қурбонликка сўймоқ ҳаракати ўқувчи қалбини ларзага келтирадиган тарзда баён қилинади. Ёки Каъбани бузмоқ қасдида олтмиш минг лашкар тартиб келган Абраҳанинг азобли ўлим топиши китобхон кўз олдида гавдаланади. Лекин бу тасвирлар ёзувчининг тасавури эмас, балки барча тасвир аниқ тарихий далилларга асосланган. Шундай ҳолатлар учрайдики, муаллиф уни тасвирлашдан, тахминий хулосалар беришдан ўзини тияди ва бу фақатгина Аллоҳ биладиган ҳолат эканини таъкидлайди.

«Рисолат» китобининг Қутлуғ таваллуд: олам узра тушган нур номли биринчи жилди Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламнинг туғилишларидан аввал содир бўлган «Фил воқеаси» баёни билан бошланиб, то қирқ ёшга тўлиб,

пайгамбарлик келган вақтгача бўлган даврни ўз ичига олади. Уни ўқиб-ўрганиш ҳар биримиз, айниқса азиз фарзандларимиз ҳаёти учун муҳим эканини таъкидлаш ортиқча.

Муҳими шуки, бир марта ўқиш билан чекланмаслик керак. Такрор ва такрор ўқисангиз, ҳар ўқиганингизда янги-янги маъноларни кашф этасиз. Бу ишингиз денгизга шўнғиган ғаввоснинг меҳнатига ўхшайди. Ғаввос ҳар шўнғиганда бир жавҳарни олиб чиқади ёки фазогирлар ҳар коинотга чиқишганда Ернинг янги-янги сирларини кашф этишади. Китобни ўқиш масаланинг бир томони, муҳими — уни тушуниш, баёндаги воқеаларни таҳлил этиш, тўғри хулосалар чиқариш ва олинган ибратларни амалда қўллаш. Яъни, китобни ўқиш жараёнида Расулуллоҳнинг сира ёлғон сўзламаганларини англадингизми, бас, ўзингиз ҳам бу иллатдан узоқлашингиз шарт. Расулуллоҳнинг барчага яхшилик қилишлари қалбингизга нур бердими, демак, сиз ҳам биродарларингизга фақат яхшилик қилинг. Савдодаги ҳалолликлари сизга саодат йўлини кўрсатдими, демак, шу йўлни маҳкам тутинг ва ҳаромнинг барча турларидан ҳазар қилинг. Ана шунда «Китобни ўқидим», десангиз бўлади. Онгингиз янги-янги маънолар билан бойиган экан, асар муаллифи, унинг ота-оналари ва устозлари, таржимонлар, ноширлар, китобни қўлингизга етказишда иштирок этган барча-барчанинг ҳақиқага хайрли дуолар қилинг. Биз эса, «Аллоҳ қалбингизни Ислому маърифати нурлари билан ҳамиша нурлантириб турсин», деб дуо қиламиз.

Дуогўйингиз, Тоҳир Малик.

Бисмиллаҳир Роҳмаанир Роҳийм!

Бутун оламларнинг Робби Аллоҳ таборак ва таолога битмас-туганмас ҳамдларимиз бўлсин.

Парвардигорнинг Ҳабиби, дини Исломнинг Пайғамбари — шафоатчимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга мукаммал салоту саломларимиз етсин..

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўминлар учун ибратли бўлган ҳаёт йўллариини ўрганиш, уларнинг суннатларига эргашиш биз учун бугунги кундаги муҳим вазифаларимиздандир. Шу боис ҳам уларнинг ҳаётларини ўрганишга бағишланган, ишончли манба ва далилларга асосланувчи китобларни чоп этиш қувонарли ҳолдир.

Халқимизга ўзининг «Абу Бакр Сиддиқ» (розияллоҳу анҳу), «Умар ибн Хаттоб» (розияллоҳу анҳу), «Қайнона», «Ўгай она», «Бир виждон уйғонур» ва бошқа кўплаб асарлари ила яхши таниш бўлган туркиялик ёзувчи ва олим Аҳмад Лутфий Қозончи Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобаларнинг ҳаётларига бағишланган йигирмадан ортиқ номдаги китоблар муаллифидир. «Рисолат» номли китоб ҳам юқорида тилга олинган мавзуга ҳамоҳанг.

Адиб ўз асарини 1983 йилда ёзиб тугаллаган бўлсада, уни йиллар давомида таҳрир қилиб, сайқаллаб келган. Бир қанча тарихий шахс ва жой номларига аниқлик киритган. Айрим боблар қисқартирилиб, айримлари бутунлай янгидан қўшилган.

Таржимонларнинг ютуғи шундаки, улар асарни таржима қилишда муаллиф томонидан 2016 йилда таҳрир қилинган нусхадан фойдаланишган. Натижада асарнинг бадиий қиймати ошган. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, қилинган таржимада илмий-бадиий услуб ва халқ тили ўзаро уйғунлашиб кетган.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларини ёритишга ҳаракат қилинган яна бир янги китоб халқимизга муборак бўлсин. Ул зотга муҳаббатли бўлиш ва суннатларига батамом эргашиш ҳаммамизга насиб айласин. Омийн!

Шайх Абдулазиз Мансур,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари

КАЪБА ҚУЛАМАЙДИ (Фил ва Абобил воқеаси)

Тонгнинг илк соатларидан буён мўлгина йўл юриб қўйган қўшинга жазирама сабабли истироҳат берилди. От ва туялар тизгинидан бўшатилади, пиёда келаётганлар тўхтаган жойларига шундай чўкиб қўя қолдилар.

Атрофда бирорта ҳам яшил дарахт кўринмасди. Кўз илғаши мумкин бўлган ерларгача ястанган қумли уммон ора-сирада кичик қум тепаликлар билан бир юксалиб, бир пастлаб бораверарди.

Февраль ойи оёқланаётганди. Бироқ Араб ярим оролида ҳаттоки бу вақтда ҳам, айниқса, туш пайтларида одамни лоҳас қиладиган даражада жазирама бўлиши айтилиши ҳақиқатдир.

Мешдан ютилган бир неча қултум сув ҳам қондек илиқ. Шундай ҳавода ҳеч бир жон бу каби сувни ўзи хоҳлаб ичмасди, аммо бошқа чора ҳам йўқ эди.

Баъзилар ерга чўктирилган туяларга кифтини берган ҳолда, баъзилар белбоғларини иссиқ қумга тўшаган ҳолда пинакка кетишган. Дам олишга руҳсат берилгандан кейин кўзи илинмаган бирор кимсани учратиш маҳол.

— Ўрнингдан тур, биродар, сенга айтяпман.

— Нима бўлди, тинчликми?

— Нима бўлганини турганда кўрасан.

Аскар истамайгина ўрnidан турди. Ўзига қолса-ку, яна бир неча соат мизғиб олган бўларди. У узоқ-узоқ эснади.

— Эҳ, биродар! Бу йўлнинг ҳам охири бормикан?

— Мен қаердан билай? Ана, Абу Риғолдан сўраб кўр.

— Менинг бошқа сабр-тоқатим қолмади.

— Менда ҳам шундай.

Бу орада йўлга тушиш учун буйруқ берилди. Қўшин ўз ортидан кўкларга қадар кўтарилиб бораётган чанг-тўзонни қолдириб Макка шаҳри томон юра бошлади.

Аскарлар орасида тарқалган хабарларга кўра, ниҳоят икки кундан кейин Маккага кириб боришар экан. Абу Риғол бу кеча Муғаммисга етишларини, у ердан эса, Макка икки қадамлик йўл эканини айтарди.

Оқшомга қадар давом этган бугунги юриш қўшиннинг олд тарафидан эшитилган «Тўхта» буйруғи билан ниҳояланди. Юклар туширилиб чодирлар тикилди.

Абраҳа хизматкорларидан бирига Абу Риғолни чақириб келишни буюрди. Абу Риғол келиб ерни ўпганча, Абраҳанинг ҳузурида қўл қовуштириб турди.

– Ҳўш, биз ҳозир қаердамиз?

– Ҳукмдор, бу ерларни Муғаммис дейдилар.

– Ундай бўлса, Маккагача қанча қолди?

– Деярли етиб келдик, ҳукмдорим. Бақирсангиз эшитилар даражада.

– Бир кунда етиб оламизми?

– Бир кунга бормайди.

Абраҳанинг юзларида мамнунлик аломатлари зоҳир бўлди. Хизматкорига ўгирилиб:

– Шу ерда бир неча кун қоламиз. Чодирлар тикилсин, – деб амр қилди.

Кейин Абу Риғолнинг кетишига изн берди ва ором олиш мақсадида тўшакка ёнбошлади.

Ниҳоят унинг орзуси ушаладиган кун яқинлашиб келмоқда. Бир неча ҳафта давом этган йўл азобининг ҳам охири кўрингандек, чекилган азиятлар учун мукофот олинадиган соатлар яқинлашгандек эди. У ётоғига шу каби ширин хаёллар оғушида кирар экан, уйқу лашкари уни ўз бағрига олди.

* * *

Абу Риғол Тоифлик эди. Катта қўшин билан Маккадаги муборак Байт, яъни Каъбани вайрон қилиш мақсадида йўлга чиққан Абраҳа Тоиф шахрини олиш учун тайёргарлик кўрар экан, шаҳарнинг улуғларидан

бири бўлмиш Масъуд ибн Муаттиб бошчилигидаги бир хайъат унинг ҳузурига келдилар:

— Эй Малик, сен йўқ қилишни истаган Байт Тоиф шаҳрида эмас. У байт Маккададир. Бизда сенга қарши уриша оладиган қўшинимиз йўқ. Агар ўз шаҳримизни бизга бағишлаб, Тоифга қўшин киритмасанг, сени Маккага энг қисқа йўлдан олиб борадиган йўл кўрсатувчи берамиз, — дедилар.

Бу таклиф Абраҳага маъқул келди. Ҳақиқатан ҳам унинг мақсади жанг қилиш эмасди. Балки Сано шаҳрида ўзи қурдирган ибодатхонага рақиб бўлиб турган, араб қабилалари томонидан юксак қадрланадиган Каъбани бузиб вайрон қилмоқ ва одамларни ўз ибодатхонасига келтирмоқ эди. Шу сабабли ҳам тоифликларнинг таклифини қабул қилди. Улар эса айтганларидек, Абу Риғолни йўл кўрсатувчи қилиб бердилар.

Абу Риғол Тоиф билан Макка оралигидаги йўлни беш кўлдек биларди. Унинг билмагани тез-тез эсиб тургувчи саҳро шамоллари ҳосил қиладиган қум тепаликлариди, холос. Кетаётган пайтида турган қум тепалигининг қайтишида айни ерида бўлмаслигини жуда кўп бор гувоҳи бўлганди. Йўлга чиққанлардан бири:

— Бу тепаликни иккинчи марта кўряпман, — дерди.

Чунки саҳро шамолида селдек оқиб юргувчи бу қум зарраларию, тепаликлар ҳозирги кунга қадар неча мартаба ост-уст бўлган, юз минг бор ер бағрига кирган.

Бироқ шамоллар қанча эсса эссин, тепаликлар қанча ост-уст бўлиб, у ёқдан бу ёққа кўчиб юрсин, Абу Риғол учун қийинчилик туғдирмасди. У неча мартаба карвонларнинг олдига тушиб, уларни истаган ерларига ҳеч ҳам адашмай етказиб борган. Бу сафар эса Каъбани қулатиб, вайрон қилишни истаган қўшинга йўл кўрсатиб бо-раётир.

Ажабо, шундай машаққатли йўлдан бутун бошли қўшинни олиб чиққани учун унга нима инъом қилинар

экан?! Ҳақ масаласида Абу Риғол ҳали ҳеч ким билан келишмаганди. Унинг ҳақини Абраҳа берармикан ёки Тоифликларми? У бир кундан сўнг ниҳоясига етадиган бу сафардан яхшигина пул ишлаб олиш ниятида эди.

Балки уйга қайтишда энг зотдор туялардан бир қанчасига эга чиқар! Ахир, олтмиш минг кишилик кўшинга йўл кўрсатувчилик қилиш осон иш эканми?!

...лекин бу яна нимаси бўлди?! Абу Риғол бирдан қўли билан қорнини ушлаганча чўккалаб қолди. Бу дарднинг нима эканини англолмай бир фурсат қотиб қолди. Бир онда оламдаги жамики нарсаларни унутди, нима қиларини билмай қолди. Бор кучи билан қўлини оғриб турган ерига босди.

Икки дақиқадан сўнг Абу Риғолнинг аҳволи яна ўз ҳолига қайтди. Кучли тўфон билан қўшилиб келган, дўл каби тезда ўтиб кетган бу оғриқ яна икки дақиқа давом этса, Абу Риғолнинг тирик қолиши даргумон эди. Унинг бахтигами, ишқилиб, оғриқ бир зумда ўтиб кетди.

У ўрнидан туриб атрофни айланди. Кўп жанглари кўрган, «Маҳмуд» деб лақаб берилган филнинг ёнига борди. Маҳмуд жуда баҳайбат фил эди. Алоҳида қаралганда катта бўлиб кўринган филлар унинг ёнида боласи каби бўлиб қоларди. Абраҳа ҳам Каъба деворларини айнан шу фил ёрдамида қулатмоқчи эди.

Абу Риғол бироз вақт филни томоша қилди. Ундан кўзларини олиб, бирор булут парчаси-да бўлмаган осмонга тикилди. Санаб адоғига етиб бўлмайдиган бу қадар кўп юлдузлар самода кезган ҳолда қанчадан қанча кишиларга йўл кўрсатган. У ҳам бу юлдузларнинг кўпи билан таниш. Адашганда йўлини улардан сўраган, қоронғу кечаларда мана шулар унинг йўлини ёруғ қилган.

У ўз чодирига кирди, озроқ ўтирди. Аммо ўзини игна устига ўтириб олгандек ҳис этди. Чунки бояги тушуниксиз дард яна кўзфаганди.

Абу Риғол ҳудди тупроқни қазиётган каби тирноқлари билан ерни ўярди. Унинг косасидан чиқиб кетишга тайёр

турган кўзларини, бурушган юзларини, тишларининг орасидан чиқиб турган тилларини кўрган ҳар қандай киши кўрқувдан ўзини йўқотиб қўйган бўларди.

Бу сафарги санчиқ узоқ давом этди. Абу Риғол умидсизликка тушди, чорасизликдан ўзини қўярга жой топа олмади. Жон талвасасида бўғзидан чиққан бўғиқ товушларни ухлаб қолганларнинг ҳеч бири эшитмади. Беш дақиқалардан кейин унинг ҳаракати секинлашди ва ниҳоят тўхтади. У тинчиб қолганди.

* * *

Эрта тонгдан уйғониб йўл ҳозирлиги кўрилаётган бир пайтда эълон эшиттирилди. Абраҳа аскарларга бир неча кунлик дам учун рухсат берганди. Бунинг сабаби Каъбага яқин қолганлари бўлиб, бирор кун яхшилаб ҳордиқ чиқариб, сўнгра Макка шаҳрига кирмоқчи эдилар.

Ўринларидан турганлар яна ёнбошладилар. Тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб симирганча суҳбатга берилишди.

Абу Риғолнинг нонуштасини олиб келган хизматчи қуёш аллақачон уфқдан бош кўтарган бўлса-да, уни ҳали ҳам ётоғида чўзилган ҳолда топди. Абу Риғол юзтубан ётар, қўллари эса ниманидир олишга қаттиқ интилган каби олдинга чўзилганди. Хизматчи сокин овозда уни чақирди, бироқ жавоб ололмади. Бир неча маротаба чақирса-да натижа бўлмади. Оёғи билан Абу Риғолни аста туртиб кўрди:

— Эй, ўлиб қолганмисан, сени чақиряпман!

Абу Риғолнинг жавоб берадиган ҳоли йўқ эди. Хизматчи қўлидагиларни ерга қўйиб, эгилганча чақирди:

— Абу Риғол, ҳой Абу Риғол!

Бир дақиқа ўтгач чодирдан отилиб чиққан хизматчининг ранги ўчиб кетганди. У бор овози билан бақира бошлади:

— Ўлиб қолибди, ўлиб қолибди!

— Ким ўлибди?

– Ким экан ўлган?

Атрофдагилар хизматчини ўраб олиб сўроққа тутди. Хизматчининг ҳали ҳам тили айланмаётганди:

– Абу Риғол ўлибди! – деди у.

Бир соатлардан сўнг олтмиш минг кишилик қўшиндаги ҳар бир аскар Абу Риғолнинг кутилмаган ўлиmidан хабар топди.

Абраҳа нонушта қилиб бўлгач, олдидаги товоқни чеккароққа суриб қўяркан, чодирга шошилганча кирган хизматкорнинг юзига боқди:

– Менга бирор нима айтмоқчимисан?

– Шундай, ҳукмдорим! Абу Риғол ўлиб қолибди!

– Алжирама, у кеча оқшом ҳам менинг ёнимда эди.

– Аммо кейин ўлибди.

– Сен бориб ўз кўзинг билан кўриб кел. Ҳамма гапга ҳам ишониб бўлмайди.

Хизматкор ташқарига чиқди, бироздан кейин яна қайтиб кириб қўидаги гапни айтди:

– Абу Риғол ростдан ҳам ўлибди.

Абраҳа «Ҳа, майли» дегандек қўл силкиб шундай деди:

– Яхши, биз ҳам деярли Маккага етиб келдик.

Кейинроқ буйруққа кўра чуқур қазилиб, Абу Риғол кўмилди.

Абраҳа Асвад ибн Мақсуд исмли кишини ҳузурига чақирди. Унга бир нечта отлиқ қўшиб, Маккага жўнатди. Асвад ибн Мақсуд Макка яқинига бориб, ўша ерда ўтлаб юрган туяларни ҳайдаб келди. Макка улуғларидан бўлган Абдулмутталибга қарашли икки юз туя ҳам мана шу туяларнинг орасида эди.

* * *

Макка аҳли Муғаммисга келиб чодир тиккан катта қўшиннинг дарагини эшитиб саросимага тушиб қолди. Макка улуғлари «Дор ун-надва» номли мажлисга Абдул-

мутталиб бошчилигида тўпландилар. Бундай улкан кўшинга қарши кураш олиб бориш ўлим билан баробар эди.

Абдулмуталлиб бу кўшин ҳақида тўпланган барча маълумотларни мажлисдагиларга етказди. Кейинроқ эса у кўшин кўмондони билан учрашиш истаги борлигини айтди. У ерда ҳозир бўлганлар учрашув ерини келишиб олдилар.

Бу орада Абраҳа жўнатган элчи Дор ун-надвага кириб келди:

— Макка раиси ким? Мен у билан учрашишни истайман.

Мажлисда ўтирганларнинг нигоҳлари Абдулмутталиб томон бурилди. Элчи унинг ёнига келиб:

— Яман ҳукмдори Абраҳа сиз билан учрашишни хоҳламоқда, — деди.

— Мақсади нима экан?

— Ҳукмдорим «Мен сизлар билан жанг қилгани келганим йўқ. Истагим фақат Каъбани бузиб йўқ қилишдир. Агар кўшинимга йўл бериб, қаршилиқ қилмасангиз, мен ҳам сизларнинг қонингизни тўкишни асло хоҳламайман», — демоқдалар.

Абдулмутталиб ҳам ўз қарорини қуйидагича изҳор этди:

— Бизнинг ҳам сизлар билан жанг қилиш ниятимиз йўқ. Бунга кучимиз ҳам йўқ. Жанг қилиш учун бирор арзирли сабаб ҳам йўқ.

— У ҳолда ҳукмдорим ҳузурига борасизми?

— Яхши, бораман.

Абдулмутталиб ёнига ўғилларидан бир-иккитасини олиб йўлга чиқди. Яман кўшини жойлашган ерга келиб, Абраҳанинг чодирига кирди.

Абраҳа умрида ҳеч қачон бундай инсонни кўрмаган эди: узун бўйли, қадду-қомати жудаям келишган, юзига боққанда беихтиёр ҳурмат уйғотувчи бир инсон. Абраҳа

қалбида титроқ ҳис этди. Унга оддий одамлар билан гаплашгандаги каби муносабатда бўла олмади. Тахтидан тушиб, кўрпачага ўтирди. Абдулмутталибни ҳам ўз ёнига таклиф қилди. Кейин эса тилмоч воситасида сўради:

– Мендан нима истайсан?

– Одамларинг тарафидан ҳайдаб келтирилган икки юз бош туяларимни қайтариб беришингни сўрайман.

Абраҳа унинг гапларидан ҳайрон қолди. Абдулмутталибга бошдан оёқ кўз югуртириб чиқди. Ҳеч қандай ноқислик ёки камчилик топа олмади. Эшитган гапларини рўпарасидаги одам айтганлигига бироз ишонқирамай турди. Бир қанча вақт сукут сақлади. Абраҳа бошини эгиб олганча ўйга толганди. Кейинроқ таржимонга қараб бир нималар дея пичирлади. Унинг гаплари Абдулмутталибга тушунтирилди:

– Сени кўрган пайтимда ҳайбатингдан қалбимда титроқ турганди. Ҳақиқатан ҳам улуғ инсоннинг қаршисида турганимни фаҳмладим. Аммо гапларингни эшитгач фикрим ўзгарди. Мендан бор-йўғи бир нечта туянгни қайтариб беришимни сўрадинг. Ҳолбуки, мен ота-боболаринг муқаддас ҳисоблаган Каъбани ер юзидан кўпориб ташлаш учун келдим. Мен сени ана ўша Каъбани бузмаслигимни сўрайсан деб кутгандим.

Абдулмутталиб ўта босиқлик билан жавоб қайтарди:

– Мен туяларнинг соҳибиман. Каъбани эса ўз Соҳиби ҳимоя қилиб олади.

Абраҳа унинг сўзларидан ҳайратланди:

– Ҳеч бир кимса мени бу қароримдан қайтара олмайди, сен ҳам, Каъбанинг Соҳиби ҳам!.. У ёнидагиларга ўгирилиб:

– Бу одамнинг туяларини қайтариб беринглар, — деди.

Абдулмутталиб ўрнидан туриб чодирдан чиқиб кетди. Абраҳа эса ҳайрат ичида қолди. Абдулмутталибнинг сўзлари ҳеч ҳам оддий сўзларга ўхшамасди. Ҳатто бу сафар

у Абраҳанинг кўзига биринчи галдагидан ҳам улуғворроқ кўриниб кетди. Абраҳанинг наздида бу одамни назарга илмаслик тўғри эмасди. Қайтанга уни менсимаганларнинг ўзи ер билан битта бўлади.

Абдулмутталиб келганидан кўра ҳайбатлироқ ҳолда чодирдан чиқиб кетганди. Ҳақиқатан ҳам Абдулмутталиб «Бу дашт халқи тоғу тошдаги бўри ва йиртқич қушларни ҳам тарбиялайди», — дея тарқалган гапларга муносиб киши эди.

Абраҳа унга қарата: «Ҳеч бир кимса мени бу қароримдан қайтара олмайди», — дер экан, Абдулмутталибнинг виқорла айтган сўзларидан таҳликада эканини яширишга уринди. Унинг катта бир кўшини, филлари бор эди. Бутун бошли Арабистон ярим оролида унинг қаршисига чиқиб: «Сен билан жанг қила оладиган мана мен борман», — дегувчи мард йўқ эди. Шу каби ўйлар туфайли у сал олдин кўшинга дам олиш учун берган муддатини қисқартириб, эрта тонгданоқ йўлга тушишларини эълон қилдирди.

* * *

Абдулмутталиб туяларини олдига солган ҳолда Маккага кириб келди. Абраҳанинг мисли кўрилмаган кўшини ҳақида одамларга маълумот берди. Шаҳарнинг ҳар бир одамига у ерни тарк этиб, тоғу тошларга чиқиб кетишларини буюрди.

Кейинроқ ёнида Қурайш қабиласининг улуғларидан бир нечтасини олган ҳолда Каъбанинг ёнига келди. Эшигининг ҳалқасидан тутди. Кўзларидан оқаётган ёш томчилари соқолларидан думалаб тушиб кўксига томарди. Буюк Аллоҳга юзланган ҳолатда, маҳзун бир овоз билан шундай дуо қила бошлади:

— Аллоҳим, бандалар ўз мол-мулкларини ҳимоя қилишга интилади. Сен ҳам ўз байтингни қўриқла! Уларнинг хоҳишлари, куч-қувватлари асло сенинг қудратингдан

голиб кела олмайди! Агар улар истагани каби бизларни қибламиз бўлмиш Каъба билан ёлғиз ташлаб қўйсанг, бу ҳам сенинг иродангдир!

Абдулмутталиб шуларни айтар экан, ёнидагилар ҳаяжон ичида «Омин, омин» дейишарди. Қалбларидан отилиб чиқаётган тилаклар Аллоҳнинг улуғ Аршига томон юксаларди. Бутун Макка аҳли Абу Қубайс тепалигида туриб, қилинаётган бу дуоларга қўл очгандилар.

Бироздан кейин юзта туя келтирилиб, уларга қурбонлик белгиси босилди ва Каъбанинг ёнига келтириб қўйилди. «Каъбага ҳужум қилганлар бу туяларни сўйиб емоқчи бўлганларида, бу ҳақсизлик туфайли буюк Аллоҳ уларни, албатта, жазолайди», — деб тушунилди.

Абдулмутталиб ва унинг дўстлари Каъбани асл Соҳибига омонат қилиб топширгач, тоғларга қараб йўл олдилар. Душман қўшини ва Каъба кўринадиган ерга ўрнашиб олгач, нима бўлишини кузата бошладилар.

* * *

Абраҳа тун яримида уйғониб кетди. Кўзлари чодир тепасига қадалганди. Нафас олиши маромсиз. Қўли билан зўрға юзини топди; юзи терга ботиб кетганди. Юраги ҳам ҳозир қинидан чиқиб кетадигандек тез урарди. Хаёлида кезиб юрган биргина жумланинг таъсиридан қутулишни истар, бироқ бунинг уддасидан ҳечам чиқа олмасди: «Мен туяларнинг соҳибиман. Каъбани эса ўз Соҳибии ҳимоя қилиб олади!»

Абдулмутталибнинг бу сўзларни сўзлаётгандаги матонати унинг ақл-ҳушини олиб қўйганди. Араб диёрида тўплаш мумкин бўлмаган қўшини, Яман каби давлатнинг ҳукмдори бўлгани ҳолда, унинг бу жумлани хаёлидан чиқариб ташлашга кучи етмасди.

Бу жумла олис-олислардан келаётиб, яқинлашгани сари кучайиб боргувчи қичқириқ каби онгида айлашиб юрарди. Қаттиқ ва оғриқли зарбалар билан руҳини

остин-устун қилиб юборарди. Ниҳоят, чидай олмаслигига кўзи етиб, ўрнидан турди. Чодирнинг бир учини кўтариб ташқарига чиқди.

Муҳаррам ойининг ўн саккизинчи, ёки йигирманчиси бўлган бу кечада осмонга сузиб чиққан ой келинчакдек бор ҳуснини кўз-кўз қилганча оламни сайр қиларди. Инсоннинг кўзларини толиқтирмайдиган, энг тотлишула эди бу. Ой ўз нурлари билан сокин ва нурсиз кечани ёритиб турарди. Худди шундай бир кечада чексиз самога боққан инсоннинг вужуди яйрайди, руҳи сел бўлиб оқади.

Абраҳа кўзларни ва қалбларни кўрқувга солувчи қўшинини кўздан кечирди. Бу даҳшатли қўшин унинг биргина ишораси билан ҳаракатга келади. Бу қўшин билан нафақат Каъбани, балки Маккани ишғол қилиш оддий ишдек эди. У билан бутун араб диёрларини тиз чўктириш имкони бор эди.

«Кекса Абдулмутталибнинг: «Каъбани ўз Соҳиби ҳимоя қилиб олади», дея айтилган, юракларга гулгула солган сўзлари эрталаб ўткинчи булутдек тарқаб кетади. Шу кунга қадар бутун арабларнинг қалб уйига айланган Каъба тамал тошлари эртага ўз жойидан кўпориб ташланади. Агар бирор ким бунга эътироз қиладиган бўлса, унинг ҳам калласи сапчадек узиб ташланажак, албатта».

Абраҳа анча пайтгача шу каби хаёллар билан сайр қилиб юрди. Чодирга қайтар экан лаблари орасидан бир нечта сўз ҳавога сизиб чиқди: «Охирги сўз эртага айтилади. Кўрамиз, бу сўзни мен — Абраҳа айтаманми, ёки Каъбанинг Соҳиби!..»

У тўшагига ётиб кўзларини юмди. Сано шаҳрида қурдирган ҳашаматли ибодатхонасини кўз олдига келтирди. Малика Билқиснинг сарой қолдиқларидан кўпориб олинган мрамрлар ила безатилган, Финикиянинг энг қимматбаҳо ёғочлари ила ишлов берилган бу ибодатхонага ҳавас қилмаган кишининг ўзи йўқ эди ҳисоб.

Жудаям баланд, кенг ва нақшинкор эди бу ибодатхона. Унинг қурилишига қанчадан-қанча пул сарфланган, неча минглаб кишилар кечаю кундуз тер тўккан эдилар. Аммо бу не кўргуликки, араблар бу ибодатхонани унчалик хушламади. Яна Каъбага рағбат қилавердилар. Бу ҳолатдан газабланган Абраҳа Яман савдогарларидан бир қанчасини ҳузурига чорлади:

— Маккадаги Каъбани кўрганмисизлар?

Савдогарлардан бири жавоб қайтарди:

— Албатта, ҳукмдорим. Уни жуда кўп маротаба кўрганмиз.

— Ундай бўлса, айтинг-чи, менинг ибодатхонам улғуворми ёки ўша Каъбами?

— Шубҳасиз, сиз қурдирган ибодатхона.

— Каъба чиройлими ёки менинг ибодатхонамми?

— Сизники гўзал, ҳукмдорим. У бор-йўғи тошдан қурилган, тўрт девордан иборат бир бино. Устига мато ёпилган, атрофига юзларча бутлар териб қўйилган ибодатхона. Шаҳар ҳавоси қуруқ ва иссиқ. Охирги пайтларда Макка раиси Абдулмутталиб бир қудуқ қазиган. Бу қудуқ қадим замонлардан бери бор бўлиб, фақат оғзи беркилиб қолган экан. Кўпчилик уни унутиб ҳам қўйишганди. Абдулмутталиб унинг кўзини қайта очди. Қудуқ суви жуда тотли ва туганмасдир. Араблар бу қудуқ билан унинг сувига ҳам ихлос қилганлар.

— Яхши, агар менинг ибодатхонам, муҳташам ва чиройли экан, нега араблар яна ўша тош биносидан юз ўгирмаяптилар?

— Ҳукмдорим, бу Каъба уларга боболари Иброҳим пайғамбардан қолган. Ўша вақтлардан буён муқаддас ва муборақ саналади. Одамларни Каъбага боғлаган тош эмас, балки унинг пайғамбардан қолган мерос ва омонат эканлигидир.

— Тушунарли, демак сиз таърифлаётган Каъба вайрон қилинмас экан, араблар менинг ибодатхонамга қадам босмайди. Сизларга рухсат, кетишларингиз мумкин.

Савдогарлар ташқарига чиқдилар. Абраҳа отини ҳозирлаш учун буйруқ берди. Ўзи қурдирган ибодатхонасининг олдига бориб, тўйиб-тўйиб томоша қилмоқчи эди.

Ибодатхонага яқинлашар экан, қандайдир шовқинни эшитди. Нимадир бўлганини кўнгли сезди. Ибодатхонага кириб бораркан, хизматчиларнинг кўзларида кўрқув аломатларини пайқади. Улар ҳукмдорнинг кутилмаганда қилган ташрифидан мамнун эмасдек кўринарди.

Бир дақиқа ўтгач, масала ойдинлашди. «Гуллар каби ифор таратиб турсин», — дея энг хушбўй мушк ва анбарлар билан безатилган ибодатхонанинг Меҳроб томонига кимдир ҳожат чиқариб кетган эди. Бу гапларни эшитган Абраҳа дастлаб кулоқларига ишонмади. «Тушимми ёки ўнгим?» — дея каловланиб турди. Хизматкорига қараб деди:

— Мана шу кўлимни тишлаб кўр-чи!

— Лекин, ҳукмдорим! Нега ундай деяпсиз?

— Тишла, бор кучинг билан тишла.

Хизматкор буйруқни бажарди.

— Етади, бас.

Демак, у туш кўраётгани йўқ. Юзи қараб бўлмайди-ган даражада кўрқинчли тус олди. Хизматчилар бошлари узра ўлим шарпаси кезиб юрганлигига ҳеч ҳам шубҳа қилишмади. Ҳукмдорнинг ташрифидан кўрққанининг сабаби ҳам айнан шу эди аслида.

— Бу қандай разолат! Сизнинг бу ердаги вазифангиз нима?

Бошлар ҳам бўлди. Берилгувчи жавоб йўқ эди.

— Бу ишни ким қилганлиги тезда аниқлансин!

Зиёратчилардан бири:

— Ҳукмдорим, эрта тонгда бу ердан Кинона қабиласига мансуб бир кишининг чиқиб кетаётганини кўргандим, — деди.

Бу одам рост сўзлаётган эди. Киноналик ўша кимса бу ишни қасддан қилган. Каъбанинг мавқеини тушириш мақсадида қурилган бу ибодатхонанинг араблар наздида қиймати шундай: «Муҳташам ибодатхона ҳожатхона учунгина ярайди».

Абраҳа бу гапга тўлиқ ишонч ҳосил қилди. Чунки Яман ўлкасида ҳеч кимнинг бундай иш қилишга журъати етмасди.

Атрофга йиғилганларнинг орасида ҳам Киноналик кимсани кўрганлар бор эди. У ҳамма ердан қидирилди, бироқ натижа бўлмади. Бордию у топилганда ҳам энди кеч. Чунки бу ишни у қилмаса, бошқаси қиларди.

Абраҳа ибодатхонадан чиқар экан, Каъбани вайрон қилиш ҳақидаги истагини юрагига муҳрлади. У бу ишни албатта қилишликка онт ичди.

Бир тарафдан мақсадини Ҳабашистон ҳукмдорига билдириб ёрдам сўраш учун мактуб юборди. Бошқа тарафдан ўз кўшинига бир ерда жам бўлиб, тайёр туришини амр қилди.

Ҳабашистондан «Маҳмуд» лақабли жангчи фил билан сафарга отланган ёрдамчи куч Абраҳанинг олтмиш минглик кўшинига бирлашиш мақсадида йўлга чиқди. Улар йўлда келаётиб бир қанча қабилаларни бўйсундириб келдилар.

Улардан Шаҳдон ва Ноҳис номли қабилаларнинг раиси бўлган Нуфайл ибн Ҳабибийни ўлдириш учун қилич кўтарганларида, у йўл кўрсатувчилик қилишини айтиб ёлворди. Ҳабаш аскарлари рози бўлдилар. Узоқ ва машаққатли сафардан сўнг Муғаммисга, Абу Риғолнинг жони узилган ерга етиб келдилар. Шундан сўнг улар ҳам Абраҳанинг кўшини билан бирлашди.

Абраҳа ётоғида ана шу бўлиб ўтган воқеаларни хотирлар экан, тонг ёриша бошлади. Енгил бир уйқу унинг кўзларига бостириб келди. Кўзлар эса уйқу кўшинига таслим бўлишдан ўзга чора топа олмадилар.

Абраҳа тўшакдан тиниққан ҳолда бош кўтарди. Эрта-лабгача паришон бўлган ақлу ҳуши бир онлик уйқудан роҳат олганди. У нонушта қилар экан, ҳаяжонланаётгани шундайгина юзидан сезилиб турарди.

Дарҳол қўшин йўлга чиқиши учун фармон берди. Қўшиннинг энг биринчи сафига улкан фил жойлаштирилди. Бундан мақсад унинг йўғон хартуми ёрдамида Каъба деворларини жойидан кўпориш эди. Балки бугун Каъба учун сўнгги кундир, балки араблар бу муқаддас Байтни охириги бор тавоф қилгандирлар. Эҳтимол, Каъба билан сўнгги бор видолашаётгандирлар.

Абраҳа тайёрлаб қўйилган отига минди ва юриш учун буйруқ берди. Олдиндаги филнинг эгаси Унайс ҳам филга юриш ишорасини қилди, бироқ фил ётган еридан ҳеч қаерга қимирламади. Унайс қўлидаги қамчиси билан филни оҳиста урди, лекин бу ҳам фойда бермади. Бир неча бор уриб кўрди, фойдасиз бўлди. Абраҳа ўз оти устида виқор билан турар, олдидаги филнинг оёққа туришини сабрсизлик билан кутар эди. Ниҳоят, тоқати тоқ бўлди.

— Тезроқ тургиз бу ҳайвонни! — дея бақирди.

Унайс ҳукмдор амрини бажариш мақсадида қўлидаги қамчиси билан филни савалади, бироқ бундан ҳам натижа чиқмади.

— Аҳмоқ, филни шундай тарбия қиладимми?!

— Ҳеч ҳам бундай одати йўқ эди, ҳукмдорим! Ўзим ҳам нима бўлаётганини тушунмаяпман.

Кейин бошқа ёрдамчилар ҳам келиб филни тургизиш учун тиришдилар. Аммо на ёрдамчиларнинг қувватлари, на Унайснинг пешонасидан сел бўлиб оққан терлар, на аччиқ-аччиқ қамчи зарбалари филни ўрнидан туришга мажбур қила олди. Абраҳа ғазабланганидан нима қилишини билмай қолганди. Энди аскарлар найзалар билан душманга ҳужум қилган каби филга яқинлашдилар.

Жони ҳалқумига тиқилган Абраҳа кўлидаги найзасини филнинг бурнига шиддатла суқиб олди. Филнинг бурнидан қайноқ қон фаввора янглиғ отила бошлади. У ўрнидан турди, бироқ олдинга юриш истаги йўқ эди.

— Қани бошқа тарафга буриб кўрчи.

Бу сўзни кимдир филбонга айтганди. Фил ўнгга бурилди. Абраҳанинг юзида табассум пайдо бўлди. Чунки фил секин-аста юришни бошлаганди. Орқага буриб кўрилди, чапга бурилди, бир-икки қадам ҳам босди. Ҳайвоннинг қайсарлиги ўтиб кетгандек эди.

Бу сафар фил қибла томонга қаратилди, бироқ у турган ерида михланган каби қотиб қолди. Олдинга бир қадам ҳам босмасди. Яна турли тарафларга буриб, юргизиб кўрдилар. Натижа яхши эди. Қибла тарафга ўгирилгач, эски аҳвол такрорланаверди.

Шу пайт Абраҳанинг хаёлидан Абдулмутталиб айтган бир гап яшин тезлигида ўтди: «Мен туяларнинг соҳибиман, Каъбани эса ўз Соҳибни ҳимоя қилиб олади».

Демак, филнинг Макка томонга қадам босмаслигига Каъбани ҳимоя қилаётган Зотнинг амри сабаб бўляпти. Энди қилинадиган икки иш қолди: ё филни шу ерга ташлаб, Макка устига ҳужум қилиш ёки ҳаммаси биргаликда ортга қайтиб кетиш. Аммо шунча чекилган азиятлар қайтиб кетиш учунгина қилингани йўқ. Бу улкан кўшин бир мақсадда бу ерга тўпланганди. Филни ўша ерда қолдириб, олдинга юришга қарор қилинди.

Шу пайт уфқдан борган сари уларга яқинлашиб келаётган қора нарса кўзга ташланди. Бу қушлар тўдаси эди.

— Мана бу тарафдан ҳам келяпти.

Абраҳа қайрилиб қаради, ўнг тарафдан ҳам бир тўп қушлар галаси яқинлашмоқда эди.

— Қалдирғочларга ўхшайди.

— Йўқ, бу қушларни «Абобил» деб атайдилар.

— Қаранглар, бу тарафдан ҳам келмоқда.

– Үйлашимча, ҳаммаси бизнинг устимиздан учиб ўтишса керак.

– Қара, ишқилиб устимизни расво қилишмаса бўлди.

Филнинг қайсарлиги унутилган, ҳамма ўнгдан, чапдан келаётган тўда-тўда қушлар билан овора эди. Ҳар бир аскар уларга тикилар, ҳайратларини яшира олмасдилар:

– Умримда бунақасини кўрмагандим!

– Қара, орқа тарафдан ҳам бир галаси яқинлашиб келмоқда.

– Бирор толейи кулганнинг устига нимадир ташлаб кетар.

– Бизда толе нима қилади?!

Энди қушлар жудаям яқин келган – аскарларнинг шундоққина тепасида учишарди. Кутилмаганда бир фарёд эшитилди.

– Вой, онажон! Ҳлдим!..

Бу овозга иккинчи, учинчилари қўшилди.

Қўлини чангаллаб олган одамга қарадилар: билагини тешилиб кетган, ундан тинимсиз қон оқиб чиқарди. Ҳалиги аскар қўлида нўхатдан кичикроқ, мошдан йирик, пишган сополга ўхшаш тошни ушлаб турарди.

– Эй, биродар! Нима бўлди сенга?!

– Билагингни ким жароҳатлади?!

Бироқ савол сўраганларнинг у билан гаплашиб ўтирадиган вақтлари йўқ эди, бўлмасди ҳам. Чунки унга етган мусибат буларга ҳам бирин-кетин келаётганди, уларнинг ҳам ёқасидан олганди. Осмондан ёмғир каби кичик тошлар ёғар, дуч келган одамнинг вужудини илма-тешик қилаётган эди.

Икки дақиқа ичида бутун бошли қўшин нима қиларини билмайдиган ҳолга келиб қолди. Ерда оғриқдан тиришиб ётганлар, ўнгу сўлга қочганлар, қўлларига илинган нарса билан бошини пана қилаётганлар ва жигарларини узиб олгандай фарёд қилаётганларнинг ҳисоби йўқ эди.

Қўшин қаерга қочишини билмай қолганди. Ҳар тарафдан:

— Нуфайл, Нуфайл! — деган овозлар келарди.

Нуфайл эса бўлаётган ишлардан хабари бордек қочиб жонини қутқарганди. Ҳозир эса гўёки у нажот йўлини кўрсатадигандек қидирилмоқда эди, лекин энди кеч. Қудрат Соҳиби тортган камондан чиққан ўқлар ўз нишонларини топиб улгургандилар. Каъба Соҳибининг тенгсиз қудрати қаршисида улкан кўшин учун фақат тиз чўкмоқ, келган мусибат олдида фарёд чекмоқ ва ўлмоқдан ўзга чораси йўқ эди.

Ҳар бир қуш икки оёғи ва оғзида уч донадан тош келтирганди. Улар тошларни аниқ манзилларига ташлагандилар, бироқ бу тошларнинг кимга насиб этиши тақдир қалами тарафидан битилганди.

Абраҳа бирозгина олдин завқ билан томоша қилинаётган қушларнинг қандай фалокат олиб келганини кўргач, бари тамом бўлганини, қочиб қутилмоқдан ўзга чораси йўқлигини англади. Кўз олдида ҳайбатли, улуғвор бир кекса пайдо бўлди: «Мен туяларнинг соҳибиман, Каъбани эса ўз Соҳиби ҳимоя қилиб олади».

«Мана Каъбани ўз Соҳиби қандай ҳимоя қилишини кўряпсан, бу сенга сабоқ бўлаётир. Ҳукмдор бўлсанг ҳам тақдир олдида ҳеч нарса қила олмаслигингни билишинг керак эди», — деган гаплар унинг хаёлида кекса Абдулмутталиб томонидан айтилмоқда эди.

Абраҳа отидан тушишни истади. От ҳам унинг хоҳишини билгандек ерга чўккалади. Бироқ аслида от қушлар ташлаган тошлар туфайли бадани илма-тешик бўлиб кетганидан шундай қилганди. Бечора отнинг яғринидан кирган кичик тош оёғидан тешиб чиққанди. Абараҳа тез-тез юрганча чодирига қараб кетди. Бироқ тиззасида сезилган санчиқ уни турган ерига михлаб қўйди. Қўлига келиб урилган тош тешик очганча, нариги томондан чиқиб кетди. Энди қутилишнинг ҳеч қандай иложи йўқлигини фаҳмлади.

Осмон маҳшар майдони каби гавжум эди. Қалдирғоч катталигидаги саноксиз қушлар гала-гала бўлиб келар,

вазифасини адо қилгач, яна учиб кетишарди. Бир тўда учиб кетса, ўрнига бошқаси келарди.

Ерда жон таслим қилаётганлар, ўлганлар қалашиб ётарди. Дод-фарёд ва ингроқлар мудҳиш ҳолатни юзага келтирганди.

Беш дақиқадан кейин тик оёқда турган ҳеч бир киши қолмади. Чопилган дарахт каби ерга қуладилар. Ҳар бирининг танаси тешилиб кетган ғалвирга ўхшарди.

Кушлар бир дона ҳам соғ аскар қолмаган қўшинни шундай маҳв қилгач, секин-аста тарқала бошладилар. Аммо аскарлар орасида уларнинг тарқалаётганини кўрадиган тирик жон қолмаганди, борлари ҳам жон талвасасида эдилар.

Яратганнинг иродаси билан омон қолганлар аскарлар учун бугунги кун бир умрлик сабоқ бўлади энди. Улар ҳукмдори Абраҳани бошқалар сингари баданлари илматешик бўлган ҳолда топдилар. Унинг эмаклашга-да ҳоли қолмаганди. Қаеридан ушласа ҳам, ҳозир тўкилиб кетадигандек туйиларди. Аскарлар ҳукмдорни зўрға бир бўз устига чиқардилар. Омон қолган туялардан бирининг устига миндирдилар. Ғамга ботганча йўлга чиқдилар. Сано шаҳрига етгунларича кўп азоб тортдилар.

Ора-сирада Абраҳа:

— Етиб келдикми?! — дея сўраб қўярди.

Бу йўл дунёни етти марта айланиб чиқишдан-да оғир туйилаётганди. Ниҳоят, узоқдан Сано шаҳрининг хурмозорлари кўринганлиги ҳақида хушxabар берилди. Бироқ энди бу хушxabарнинг Абраҳага ҳеч қандай алоқаси йўқ эди, чунки ажал унинг жонини олган эди.

Аллоҳнинг Байтини вайрон қилиш мақсади ила йўлга чиққан, ғурур ва кибр туфайли бурнидан нарёғини кўролмайдиган ҳолга келган Абраҳа умрининг охириги кунлари хаёлига ҳам келмаган ҳолатда якунланди. Каъбага қарши очган бу урушида мағлубиятни шармандаларча, бошқаларга ибрат бўладиган шаклда қабул қилиб олди.

Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган улкан бир кўшиннинг бош кўмондони, қолаверса, Яман давлатининг ҳукмдори Абраҳага ичган қасамини амалга ошириш имкони берилмади. Унинг жон тарк этган танаси мағлуб ва парижон бир аҳволда Сано шаҳрига кириб борди.

Ғалвир бўлиб кетган вужуди чириб-сасишни, ҳаттоки уқаланиб тушишни бошлаганди. У ўзидан-ўзи жирканадиган аҳволга тушганди. Яшаган тақдирда ҳам унинг қайта ўнганмас ҳаёти, йиринг томган вужуди атрофидигиларга азобдан бўлак ҳеч нарса беролмасди, фақат фалокат бўларди.

Абраҳанинг ўлгани ҳақидаги хабарни эшитганларнинг юзларида «Кутулдик!» — деган маънодаги мамнунлик аломатлари сезилиб турарди.

* * *

Абдулмутталиб ва унинг сафдошлари кўшиннинг Маккага бостириб келишини пойлар экан, бошлари узра тўда-тўда бўлиб учиб ўтаётган абобил қушларининг қандай амрни бажариш учун ҳаракатланаётганларидан хабарсиз эдилар. Уларни «Каъбанинг Соҳиби» душман устига юборганини хаёлига ҳам келтирмагандилар. Ҳақиқатан ҳам Маҳмуд лақабли баҳайбат филга Макка шаҳри тарафга юрмаслиги ҳақидаги буйруқ буюк Яратувчи томонидан берилганди. Бу пайтда Маккага олиб боргучи йўл фил ва саноқсиз кўшин учун илоҳий амр билан тўсиб қўйилганди.

Кейинроқ эса тўда-тўда қушларнинг ҳар тарафдан учиб келиб, айнан кўшин устида тўпланганини кўрдилар. Қушларнинг қора булут каби кўшин устида айланиб, яна қаергадир учиб кетганларининг ҳам гувоҳи бўлишди.

Бир неча кун ҳеч қаерга ҳаракат қилмасдан кутдилар. Ҳаяжон ва кўрқув исканжасида кутилган кўшин нима учундир Макка томон юриш қилмади. Нима бўлганини билиш мақсадида йўлга чиққанлар биринчи бўлиб кўр

одамга дуч келишди. Оёғида туrolмаганидан ерда базўр судралиб келаётган бу кимса филбон Унайс эди. Қўшин билан боғлиқ воқеалар бор тафсилоти билан ундан сўраб олинди.

Саодат асрига етишиб, мусулмон бўлиш насиб этган Қубас ибн Ашём бу пайтда ёшгина бола эди. У ҳам шу кунда улкан қўшиннинг қай ҳолда маҳв бўлганини кўриш истагида Муғаммисга қадар борган одамлар орасида эди. Онаси уни опичлаб олганди. Болакай фил ва аскарларнинг чириб ётган жасадларини ўз кўзлари билан кўрди.

Макка аҳли орасидан бу даҳшатли манзарани томоша қилиш учун кўплаб кишилар Муғаммисга келгандилар. Қушлар икки оёғи ва оғзида олиб келиб ташлаган тошларни эслаб юриш мақсадида ўзлари билан олиб қайтдилар, бормаганларга кўрсатдилар.

Тошларни кўрган кишилар ҳайратдан ёқаларини ушлашарди. Шу кичкинагина тошлар аскарларнинг баданини ғалвир каби илма-тешик қилиб ташлаганига ақллари бовар қилмасди. «Бу Яратганнинг уларга берган жазосидир», — дейишарди.

Абобил қушлари тарқаб кетгач, осмон йиртқич ўлаксахўр қушларга тўлиб кетди. Узоқ вақт давомида еганда ҳам битириш мушкул бўлган бу «хазина»ни топганларидан ўлаксахўр қушлар жуда шод эди. Уларнинг зиёфатига йиртқич ҳайвонлар ҳам қўшилишди.

Кейинроқ осмон қоп-қора булутларга тўлди. Момақалди роқ гумбураб, чақмоқлар чақди. Тинимсиз ёққан ёмғир сувлари сел бўлиб оқди. Бу шиддатли ёмғир ва селлар тингандан сўнг, яна у ерга қайтган ўлаксахўр қушлар ҳеч нарса топа олишмадилар. Уларнинг жасадларини ер ютиб юборганди.

Бу ҳодисани шоирлар шеърга солдилар. Қурбонликлар сўйилиб зиёфатлар қилинди. Макканинг туб аҳолиси бўлган Қурайш қабиласининг обрўси Абдулмутталиб ту-

файли яна ҳам ортди. Бу қабила одамларини «Аҳлуллоҳ», яъни, «Аллоҳга яқин кишилар», деб атай бошладилар.

* * *

Абраҳа ва унинг қўшинига берилган бу жазо бутун арабларда Каъбага нисбатан бўлган ҳурмат-эътиборини кучайтириб юборди. Каъбага қарши чиққанларнинг омон қолмаслигига шубҳа қолмаганди. Фил воқеаси узоқ йиллар давомида янги даврнинг бошланиши сифатида белгиланди. Одамлар бирор ҳодиса ҳақида гапирганларида: «Фил воқеасидан фалон йил олдин, ёки кейин», — деб тушинтирадилар.

Абобил қушлари тарафидан Абраҳа ва унинг қўшинига Муҳаррам ойининг ўн саккизинчи ёки йигирманчи кунларида (Феврал ойининг охири) юборилган оғир жазо узоқ йиллар одамларнинг хотираларида бутун тафсилотлари билан сақланиб қолди.

Бу йилни «Фил йили», маҳв этилган қўшин «Асхоби фил», содир бўлган ҳодисани эса «Фил воқеаси» деб атай бошладилар.

Яратган Парвардигор Ўз каломи Қуръони каримда бу воқеа билан боғлиқ сура нозил қилган:

أَلَمْ تَرَ كَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ بِأَصْحَابِ الْفِيلِ {1} أَلَمْ يَجْعَلْ كَيْدَهُمْ فِي تَضْلِيلٍ {2} وَأَرْسَلَ عَلَيْهِمْ طَيْرًا أَبَابِيلَ {3} تَرْمِيهِمْ بِحِجَارَةٍ مِّن سِجِّيلٍ {4} فَجَعَلَهُمْ كَعَصْفٍ مَّأْكُولٍ {5}

Мазмуни: (Эй Муҳаммад!) Роббингиз «фил эгалари»ни не қилганини кўрмадингизми? (У) уларнинг макрларини йўққа чиқармадимми?! Уларнинг устига тўда-тўда қушларни юборди. (Улар) сопол тошлар билан уларни отар эди. (Бас) уларни (Каъбани бузишга келганларни) еб (чайнаб) ташланган сомондек қилиб қўйди! **(Фил су-раси 1–5-оятлар).**

¹ Қуръони карим маъноларининг изоҳли таржималари Шайх Абдулазиз Мансурга тегишли.

МАВЛУД-УН НАБАВИЙ (Қутлуғ таваллуд)

Яман султони Абраҳанинг кўшини тор-мор этилган пайтларда Абдулмутталибнинг севикли келини Оминанинг ой-куни яқинлашиб қолганди. Аммо унда бошқа ҳомиладор аёлларда кузатиладиган ҳолатларнинг ҳеч бири кузатилмади. Бундан ўзи ҳам ҳайратда эди. На юзларига доғ тушган, на кўнгли айниган, на қайт қилганди. Қорнидаги ҳомиланинг борлиги ҳам, оғирлиги ҳам билинмасди, унда-бунда бўлиб тургувчи оғриқлар-да кузатилмасди.

— Эй, Омина қиз! Ўзи сенинг фарзанд кутаётганинг ростми? — деб ҳазил қилгувчилар бўларди. У бўлса бундай ҳазиломуз саволларга кулибгина кўярди.

Абдулмутталиб келинлари орасида энг кўп Оминани яхши кўрарди. Бунинг икки сабаби бор эди: биринчиси, сеvimли ва раҳмдил ўғли — Абдуллоҳнинг омонати эканлиги бўлса, иккинчиси, то пайғамбар Иброҳим алайҳиссаломдан буён отадан ўғилга ўтиб келаётган илоҳий нурнинг ўғли Абдуллоҳдан кейин Оминанинг юзида тажаллий этгани эди.

Қаршисида қабилаларнинг манаман деган раислари ҳам бирор сўз айтишда минг истиҳола қиладиган Абдулмутталибдек одам, қанчалик салобатли бўлишига қарамай, ҳузурига келини Омина кирса, ўтирган еридан туриб кетарди. Кекса бўлганига қарамай, мулойим овозда:

— Буюр, қизим! Нима истайсан? — деб кўл қовуштириб турарди.

— Отажон, нима учун ўзингизни уринтирмоқдасиз? Ўрнингиздан туришингиз шарт эмас, ахир!

— Менинг келиним ҳар қандай ҳурматга лойиқ. Мен яна ҳам кўпроқ эътибор кўрсата олмаганимдан хижолат-даман.

— Бироқ мен уяламоқдаман, отажон. Қурайшнинг улуғи, умр йўлдошимнинг отаси мен учун ўрнидан туришга мажбур бўлмоқда.

— Бу ишни қилмасам мен ҳам уяламан. Шу сабаб умрининг сўнгги кунларини яшаб турган бир қарияга кўнгли истаганини қилишига қўйиб бер.

Бундай онларда Омина ҳеч нима демасди, юзида нозик бир қизариш пайдо бўлиб, бошини ерга эгарди.

Омина кўзи ёрадиган кунга қадар ҳеч бир азоб-уқубат чекмай, сакинатда юрди.

* * *

Икки кўзи ожиз бўлган бир киши туртиниб-суртиниб Абдулмутталибнинг уйи олдига келди. Эшикни тақиллатди. Ташқарига кичикроқ болакай чиқди. Келган одамнинг аҳволига боққач, ҳеч нима демай унинг юзига тикилди.

Эшикнинг очилганини пайқаган йўқловчи:

— Икки кўзи ва икки оёғини бериб, жонини қутқарган кишидан меҳрингизни аяманг, — деди.

Болакай бу сўзларни уй ичидагиларга хабар қилди. Абдулмутталиб ўрнидан кўзғолиб эшик томон юрди. Келган одамни таниди.

Бу абобил қушлари осмондан тош ёғдирган кунда соғ қолганлардан бири — филбон Унайс эди.

— Нима истайсан, эй Унайс?

— Қорним жуда оч, эй Абдулмутталиб!

У яхши гапира олмасди. Бўлиб ўтган ҳодисанинг даҳшатиданми, ёки вужудида пайдо бўлган титроқданми, негадир тутилиб-тутилиб гапирар эди.

— Эй Унайс, эшигимиз сен учун доимо очиқ.

— Бироқ мен жуда-жуда уяламан.

— Қани, сен ичкари киргинчи, уёғини кейин кўра-миз.

Унайснинг олдига егулик келтирилди. У овқатни оғзига солар экан:

— Мен сенга бундай яхшиликни қилолмаган бўлардим, эй Абдулмутталиб, — деди.

— Бунақа гапларни гапирма, ўрнимда бўлсанг бундан ҳам яхшироқ кутиб олган бўлардинг.

Унайс оғзидаги луқмани ютгач, Абдулмутталибга юзланиб:

— Бизнинг сизларга қандай муносабатда бўлганимизни билмайдиган одам қолибдими? Сизларга қилмаган бирор ёмонлигимиз қолмади. Ўн минглаб аскар билан устингизга бостириб келдик. Ҳолбуки, сиз бизга бирор ёмонлик қилмагандингиз.

Кейин сўзларига қуйидагиларни илова қилди:

— Бироқ биз маҳв бўлдик. Бизни Аллоҳ маҳв этди. Айни шунга лойиқ эдик аслида. Агар сизлар бизнинг юртимизга шундай қабиҳ ният билан бостириб борганингизда, сизларга на бир қултум сув, на бир дона хурмо берган бўлардик. Аммо сизларда аслзодалик бор. Бизни мусофир билиб яхши муносабатда бўлдингиз. Мен сени ўшанда Абраҳанинг олдига борганингаёқ аслзода эканингни билгандим.

— Қандай қилиб?

— Тоғда юрадиган йиртқич ҳайвонлар, қушларни тарбия қилишингни эшитгандик.

— Бу гапларни қўй, Унайс. Яхшиси, ўша кундаги воқеалардан сўзла.

— У кун... Шубҳасиз, у кун яшин ургандек бир кун эди. Кучимиз билакларимиздан тошиб чиқадиган каби турардик. Қўшинга, куч-қувватимизга қаттиқ ишонардик. Каъбани қулатишимизга ва бизга қарши чиққанларни бирма-бир қиличдан ўтқазишга ташна эдик. Ўзимиздан бошқа ҳеч қандай кучни тан олишни истамасдик ҳам. Аммо Аллоҳ сизларни ва Каъбани ҳимоя қилди, бизни эса ҳалок қилди. Ўзимизни дунёнинг ҳукмдори, дея ўйлаган биз гофиллар, кўз очиб юмилгунча чайнаб ташланган сомон парчасига айландик.

Унайс олдида турган охирги икки луқмани ҳам паққос туширгач, гапида давом этди:

— Мен филнинг ўрнидан турмаганини кўрганимдаёқ бу иш бекорга эмаслигини пайқагандим. «Қайтмоғимиз лозим. Фил ўз-ўзидан бундай ётмайди», — деган фикр хаёлимдан ўтганди. Унинг ўнгу сўл тарафларга юриб, Макка томонга бурилганда тўхтаб қолганини кўргандан кейин, бу ишни қандайдир ғайб кучлари қилаётганига, бизни ҳам шундай ташлаб қўймаслигига амин бўлдим. Бу фикрларимни Абраҳага айтмоқчи бўлдим, лекин у бирор кимсани эшитадиган аҳволда эмасди. Шундан сўнг орадан кўп вақт ўтмай кушлар учиб келишди.

— Абраҳага нима бўлди?

— Охирги марта уни отидан ерга аранг тушиб қочаётганида кўрган эдим. Орқасидан:

— Абраҳа, агар эр киши бўлсанг энди қочма, бошимизга келган бу балоларнинг асл сабабчиси сен бўласан! — дея бақирдим. Оёқларим ўзимга итоат қилмасди. Унинг ҳам ерга тиззаси билан чўккалаб қолганини кўрдим. Шундай қилиб, охирги кўрганим шу бўлди. Айни вақтда кўз олдим зим-зиё бўлиб қолганини сездим, икки кўзим кўр бўлиб қолганди. Анча пайтгача кимнинг нима қилаётганини билолмай турдим. Чунки ҳамма ўз жонини асраш пайида эди. Ҳамма дод-фарёд чекиб ётарди. Ҳеч кимса ўзидан бошқасини англайдиган ҳолатда эмасди. Ора-сирада Абраҳанинг номига айтилган лаънатлар эшитилиб қоларди. Бу лаънатларга мен ҳам қўшилгандим.

Кейинроқ судралиб-судралиб, қаёққа кетаётганимни ҳам била олмай, у балолар ёғилган жойдан четлашдим. Сизларнинг одамларингиз мени топиб олишди. Мана кўриб турганингиздек, қоқилиб-суқилиб яшаб юрибман.

— Филга нима бўлди?

— Ундан ҳечам хабарим йўқ.

Унайс кетиш учун кўзгалар экан, шуларни қўшимча қилди:

– Аллоҳнинг ҳимоясида эканингиз шубҳасиздир. Бу Каъба ҳам ҳақиқатан, Унинг уйидир.

– Сени яна кутиб қоламиз, эй Унайс! Ҳамма вақт уйимизнинг тўри сеники.

* * *

Фил воқеасидан эллик икки кун ўтгач, Рабиъ ул-аввал ойининг ўн биринчи куни, якшанба кечаси.

Эрон ҳукмдори Кисро уйқусида кўраётган тушидан қаттиқ чўчиган ҳолатда уйғониб кетди. Қандайдир кўрқинчли овозни, қаттиқ силкинишни ҳис этди.

Атрофига кўз югиртирди, айтарли ҳеч нима топмади. Аёли ҳам айни шу гумбурлашдан уйғониб кетганди. Туш кўрдик, деб ўйлаб яна ўринларига чўзилдилар. Лекин ухлай олишмади. Чунки ташқаридан одам овозлари, қичқириқлари эшитиларди. Фарёдлар кулоққа чалинарди. Хизматкор эшикни тақиллатди.

– Нима гап, нима бўлди?

– Сарой қулади, ҳукмдорим, шундан ҳолимиз паршон!..

Кисро ётоғидан туриб тезда кийинди. Ҳақиқатан, саройнинг бир қисми харобага айланганди. Қуббалар чўкиб деворлар қулаганди. Девор остида қолиб кетган бир хизматкор бор овози билан бақирарди.

Ичида яшаб бўлмайдиган аҳволга келган саройнинг атрофидаги уйларга нимагадир ҳеч қандай зарар етмаганди. Зум ўтмай қилинган ҳисоб-китобларга кўра, ўн тўртта устуннинг қулагани аниқланди.

Кисро бўлиб ўтган ҳодисалар ва туш таъбирини билиш мақсадида сарой аъёнларини мажлисга йиғди.

* * *

Эронликларнинг муқаддас оташгоҳлари ҳам бу оқшомда фаройиб, фавқулодда воқеаларнинг гувоҳи бўлган эди. Бу ер уларнинг ибодатхоналари ҳисобланарди.

Оташгоҳда минг йиллардан буён сира сўндирмасдан олов ёқиб келинарди ва унга топинишарди.

Оловга қараб туришлик вазифасини олган киши ҳам масъулият кучидан, ҳам оловнинг ўчиб қолишидан қаттиқ кўрққани ҳолда унинг ўтинларини тез-тез янгилаб турарди. Биргина вазифаси мана шу муқаддас дея билинган оловни ҳеч ўчирмасдан давомли ёндириб туриш эди. Ора-сира қип-қизил чўғ ҳолига келган оташга қараб сажда қилар, унинг қаршисида ялиниб-ёлворар, қуллуқ қиларди. Кейин тўп-тўп қилиб йиғиб қўйилган ўтинлардан олиб оловга ташларди.

Неча йиллардан буён бу вазифаларини жону дилдан адо этиб келарди. Ҳатто бир он эътиборсиз бўлса, натижасининг оғир бўлишини ўз исмини билгани каби билди. Бу борадаги озгина эътиборсизлик, гўёки тангрининг яшашини истамаслик билан баробар эди. Ҳар нега қодир деб топинувчи тангрисининг яшаш ёки яшамаслиги унинг қўлида эди.

Атрофидаги бошқа инсонлар каби унинг фикрлаш доираси бундан ортиғига қодир эмасди. «Агар мен эътибор бериб қараб турмасам, тангри ҳам олов каби ўчиб кул бўлади, шундай экан, мен қандай қилиб ҳаёт-мамоти ўз кўлимда бўлган тангрини илоҳ дея оламан? У қанақасига мен ва бутун оламларни ярата олади?» — дея тафаккур қила олмасди.

Хизматчи лов-лов ёниб турган олов ёнига яна бир қанча ўтинларни чексиз ҳурмат ила олиб келиб ташлагандан сўнг, кўрпача устига ўтирди. Ўчоққа ташлаган ўтинлари ёниб битгунча бир қанча вақт ташвишлардан холи бўлди.

Шундан кейин енгилгина уйқу бостириб келди. Ҳаво ҳарорати секин-аста илиб бораётган ушбу кунларда одамлар ҳамон кечалари иссиқ олов атрофида ўтиришни хуш кўрардилар. Шу боис ҳам оташхона хизматчиси кўз-

ларига тотли бир уйку кела бошлаганини сезмади ҳам. Бироздан сўнг унинг хуррак отаётганини эшитиш мумкин эди.

Хизматчи қанча вақт ухлаганини билолмади. Хўрозларнинг қичқиришидан уйғониб кетди. Ўчоққа ташлаган ўтинларининг ёниб битганини кўргач, ётган жойидан сакраб туриб кетди. Ҳолбуки, унинг фикрича, қўйган ўтинлари ҳали-бери ёниб тугаши керак эмасди.

— Ёки хўл ўтин ташлаганмидим? — дея каловланди.

Оташхонага ҳеч қачон хўл ўтин келмас эди, тўғрироғи, келтиришмасди ҳам. Ҳаммаси куруқ ўтинлар эди. Олов ҳам аллақачон ўчиб бўлганди. Хизматчи дарҳол оловдан қолган чўғларни бир ерга тўплашга киришди. Бироқ бутун ҳаракатлари зое кетди. Чунки оташ мутлақо бошқа бир Зот тарафидан сўндирилганди. Оз вақт ичида минг йиллардан буён олов ўчмаган ўчоқда ҳеч қандай кўр қолмаганди. Хизматчи бу ҳолдан жуда ажабланди. Ҳаддан зиёд қора куя бўлиб кетган юзидан унинг кўрқиб кетгани ҳам сезилмасди.

— Ўчди-ўчди! — дея алаҳсиради.

«Энди бошимга тош ёғилади!» — дея хаёл қилди. Энг камида уни оташгоҳ минораси тепасидан улоқтиришлари аниқ эди. У турган жойида бир муддат қотиб қолди. Шунча йил ихлос билан сифиниб келган, «тангримиз» дея эъзозлаган олови бир лаҳзадаёқ сўнганди. Унинг ўрнида кулдан бошқа нарса қолмаганди.

Хизматчи ниманидир ўйлаб ўрнидан кўзгалди.

— Ўчди, ўчиб қолди! — дея тўғри саройга қараб йўл олди.

Кўчаларда осудалик ҳукм сурарди. Фақат оташгоҳ хизматчисининг бор овози билан ҳайқириб юрганини эшитганлар нима бўлаётганини билиш мақсадида дарчаларидан мўраладилар. Кўчада девоналарча уёқдан бу ёққа югуриб юрган одамни кўргач, парво қилмай яна уйкуга кетдилар.

Хизматчи ҳали ҳам ўнг-у сўлига қарамай, «Ўчди, ўчиб қолди!» — деб бақириб юрарди. Саройга боргач, ҳеч ким унинг сўзини эшитадиган ҳолда эмаслигини билди.

* * *

Эрон бош қозиси Мубадон эрта тонгда кайфиятсиз ҳолда уйғонди.

— Сизга нима бўлди, қандай дардингиз бор? — дея сўраганларга «Ҳаммаси жойида», — дея жавоб қайтарди.

Нонуштасини эндигина тугатиб бўлганди ҳамки, саройдан бир хабарчи келиб Кисро машварат ўтказмоқчилигини, унинг ҳам дарҳол бориши лозимлигини айтиб кетди.

Тушдан сўнг Эрон ҳукмдори Кисро раислигида бўлиб ўтган машваратда саройдаги қулаб тушган ўн тўртта устун тилга олинди. Кисро:

— Саройнинг асослари бўлган устунларнинг қулаши яхшилик аломати эмас! — деди.

Бош қози Мубадон сўзга чиқди:

— Мен ҳам бу кеча нохуш тушлар кўрдим. Дажла дарёсининг қирғоғида эканман. Кутилмаганда кўзим озғин туяларга тушди. Оғизларидан кўпиклар сачратарди. Уларнинг олдида араб отлари тўғри Дажла томонга қараб келарди. Олдинда отлар, орқада туялар Дажла дарёсига қараб келавердилар. Сувдан кечиб Эрон тупроқларига оёқ қўйишди. Жуда узоққа чўзилиб кетган бу от ва озғин туяларнинг охири кўринмасди. Даҳшат ичида уйғониб кетдим. Кўрган тушимнинг бу кеча саройда бўлган воқеа билан қандайдир алоқаси бўлиши мумкин, — деб сўзини яқунлади.

Шу орада мажлис бўлиб турган хонага катта амалдорлардан бири кириб келди. Кисро:

— Нима бўлди? — дея сўради.

— Ҳукмдорим, фалокат!

— Қандай фалокат яна?!

— Оташгоҳнинг хизматчиси келибди!

Кисро атрофга қаради. Ёнидагилардан сўраётгандай:

— Оташгоҳ хизматчисининг саройга келиши қандай фалокат бўлиши мумкин? — дея сўради.

— Олов ўчиб қолибди, ҳукмдорим!

— Тушунмадим... Олов ўчибди, дейсанми?

— Шундай ҳукмдорим, олов ўчиб қолибди!

Машваратдагилар Кисронинг юзида пайдо бўлган ифодани кўришмади. Чунки айтилган хабардан улар ҳукмдорларининг аҳволига қаролмайдиган ҳолга тушгандилар.

— Чақир менга ярамас хизматчини!..

Ичкарига ақлдан озганга ўхшаб қолган оташгоҳ хизматчиси кириб келди. Ростдан ҳам унинг ҳолати ҳушини йўқотган одамдан фарқ қилмасди.

— Сўзла, ҳақиқатан ҳам муқаддас оловимиз ўчиб қолдими?!

— Шундай, ҳукмдорим!

— Нима учун қарамадинг? Сени у ердаги вазифанг шу эмасмиди?!

— Ўша ерда эдим. Бор имконимни ишга солганимга қарамай, олов ўчиб қолди.

Хизматчи олдинга бир қадам босди, бошини бироз кўтариб ҳукмдорга кўринадиган тарзда тутиб деди:

— Оловга пуфлаётганимда ёнди, ҳукмдорим!

Кисро бир амалдорга қараб буюрди:

— Олов зудлик билан қайта ёқилсин! Мана бу дангаса хизматчини эса эртага гулханда куйдиринглар!

Хизматчи ташқарига чиқди. Секин одимларкан: «Ахир, менинг қандай гуноҳим борки, жазолансам!» — дея ўйлади. Қўрқувдан тиззалари букилиб-букилиб кетаётганди.

Хизматчи чиқиб кетгач Кисро:

— Ғалати ҳолат, — дея ажабланди. — Бугуннинг ўзида биз тушунолмайдиган бир неча воқеалар бўлди-я!

Кисро сўзларини охиригача етказа олмади. Яна бир хабарчининг келгани айтилди.

— Тезда кирсин!

Кисро атрофидагиларга қараб:

— Яна бир фалокат бўлган, шекилли! Кўнглим сезяпти, — деди.

Кисронинг гаплари яна бўлинди. Ҳамма ери тупроққа беланган бир одам кириб келди.

— Гапир, нима хабар келтирдинг?

— Ҳукмдорим! Сава кўли бу кечада қуриб қолибди. Кўпни кўрган кексалар ҳам «Бутун бошли катта кўл бир кечада қуриб қолиши мумкин эмас. Бунинг бир сири бўлса керак. Дарров ҳукмдор Кисрога хабар қилишимиз лозим», — дедилар. Мен шу гапни етказиш учун келдим.

— Яхши қилибсан!

Аслида бу хабар яхши хабар эмасди. Катта бир кўл ўз-ўзидан қандай қилиб қуриб қолади! Унинг суви қаёққа кетади?!

Сирини топишга ақл ҳам ожизлик қиладиган бу ҳодисаларнинг олдида лол қолишларидан бошқа илож ҳам йўқ эди. Кисронинг хаёли яна оташгоҳдаги оловга кетди. Шунча йиллардан буён ёниб келаётган, ёнишига қулай бўлиши учун ҳамма чоралар кўрилган бу олов нима учун ўчиб қолди экан?..

Кисро ўрнидан турди. Машваратга тўпланганлар ҳам унинг ҳаракатига ҳамоҳанг ҳолда оёққа турдилар.

— Ҳаммамиз биргаликда оташгоҳга борамиз, — деди Кисро.

Оташгоҳга келганларида у ердагиларнинг оловни ёқишнинг ҳеч уддасидан чиқа олмаётганларининг гувоҳи бўлишди. Олов ҳақиқатан ҳам ёнмас эди. Шахсан Кисронинг ўзи ўтинларни бирма-бир кўздан кечирди: улар қуп-қуруқ эди, лекин барибир, бу ўтинлар ёнмасди. Бир неча соат жиддий ҳаракат қилишгач, фойдасизлигини билдилар. Кисро Оташгоҳдан чиқаркан:

— Кеча тундаги хизматчини афв этдим, унинг айби йўқ экан, — деди.

Шу кеча одамлар Симова дарасининг сувга тўлиб-тошганининг гувоҳи бўлдилар. Ҳолбуки, бу дарада неча замонлардан буён сув оқмаганди.

Кисро бўлиб ўтган ҳодисаларни тушунтириб бера оладиган бир одам сўраб, Басра шоҳи Нумон ибн Мунзирга мактуб йўллади. Шоҳ Нумон Кисронинг саройига Абдулмасиҳ ибн Ҳайём деган олим кишини юборди. Кисро воқеаларни Абдулмасиҳга англатгач:

— Бу борада нима дея оласан? — деб сўради.

Абдулмасиҳ бир муддат бошини экканча ўйланиб қолди:

— Буларни биргина ўзимнинг хулосаларим орқали тушунтира олмайман. Шунинг учун Шом тарафлардаги Жобияда яшайдиган тоғам Сотих билан кўришсам, маслаҳатлашиб жавоб қилишим мумкин, — деди.

— У ҳолда дарҳол йўлга чиқ, — деди Кисро.

Абдулмасиҳ уловига минди. Бироз ғалати, ҳатто таҳликали натижаларга ишора қиладиган бу ҳодисалар ҳақида тоғаси нималар дейиши мумкинлигини ўйлаб йўлга тушди.

* * *

Кисронинг саройидаги ўн тўртта устун қулаган кечадан тижорат мақсадида йўлга чиққан бир яҳудий негандир ўзини ғалати сеза бошлади. Ниҳоят ёнидаги Ҳишом, Валид ва Утбага қараб:

— Бу кеча сизларнинг орангизда бирор чақалоқ туғилмадими? — дея сўради.

Бу сўроқ ҳеч ҳам кутилмаган эди. Уларнинг наздида савол томдан тараша тушгандек, маъносиз берилган эди. Ҳишом:

— Бу савол каллангга қаердан келиб қолди? — деди.

– Нега бундай деганимнинг сабабини кейин айтаман. Олдин сиз менинг саволимга жавоб беринг: бу кеча ораларингизда бир ўғил чақалоқ туғилдими?

– Биз бола туғмаймиз.

– Мен билан ҳазил қилманглар!

– Ҳазил қилаётганимиз йўқ. Фақат бу ҳолатингизда сен бироздан сўнг ўзинг бола туғиб қўясан, – деб ўйлаяпмиз.

– Сен яна хазил қиляпсан, Ҳишом!

Уларнинг гапларига Валид ҳам қўшилди:

– Сен ўзинг ҳазиллашишга мажбур қиляпсан. Бу кечада бирор боланинг туғилиш ёки туғилмаслигига бизнинг қандай алоқамиз бор? Сенингча Макка кўчаларини кезиб, бу кеча қайсидир уйда бола туғилганини ахтариб юришдан бошқа ишимиз йўқ-да, шундайми? Лот ва Уззо номи билан қасам ичиб айтаманки, сен ўзинг биз билан ҳазиллашмоқдасан. Кўриб турибмиз: оқшом тушгандан буён ичингга сиғмаяпсан. Қани, айт! Сенинг дардинг нима ўзи?

Яҳудий жиддий овозда:

– Бу кеча янги бир юлдуз пайдо бўлди! – деди.

Утба қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди:

– Мана қара, сенинг сўзларингизга бутун қалбим билан ишонмоқдаман. Лекин пайдо бўлган юлдузнинг сони битта эмас, балки мингларча. Бундай юлдузлар ҳар кеча туғилади!

Кейин у ёнида турган шароб тўла қадахни яҳудийнинг юзига сепиб юборди ва хизматчисига деди:

– Дарҳол икки пақир сув келтир, Бу яҳудий ҳали-бери ўзига келмайди, менимча.

Яҳудий йиғлаб юборгудек ҳолда эди. Юзига сачраган шаробни артар экан:

– Сизлар ҳали ҳам мени мазах қиляпсизлар, ҳолбуки...

Шу орада унинг ёнига Валид келди. Яҳудийнинг бошидан ушлади ва осмонга қаратиб:

— Ҳолбуки, осмонда бир юлдуз пайдо бўлди, шундайми? Утба буёққа кел, мана бу одамнинг кўзларини қинидан чиқиб кетгунча оч: бир юлдузларни санаб кўрсин!

Уч киши ширакайф ҳолда яҳудийнинг устидан роса кулдилар. Хоҳлаганларича мазах қилишди. Бироқ яҳудий фақат биргина сўзни тинмай қайтарарди, гапи жиддий эканини уқдиришга интиларди. Бир амаллаб Валиднинг кўлларида бошини чиқариб олгач:

— Сизларга бу кечада бир юлдуз туғилди, деяпман, Аҳмаднинг юлдузи. Аллоҳнинг энг охири пайғамбарининг юлдузи. Менимча ўша пайғамбар бу кечада айнан шу шаҳарда туғилган. Барча муқаддас деб билинган тушунчалар ҳаққи қасам ичиб айтаманки, у Аллоҳининг энг охири пайғамбаридир.

Энди Бани Исроил қавми фарзандларидан пайғамбарлик кетди. Китоб ҳам кетди. Энди яҳудий олимларининг эътибори ҳам қолмади. Бу уларнинг ҳалок бўлишлари ҳақидаги бир ҳукмдир. Араблар бу пайғамбар воситасида жоҳилиятдан халос бўладилар. Эй қурайшликлар, энди ҳузур ҳаловатга қовушасиз. Аллоҳга қасамки, сизга бутун дунёга татийдиган шараф берилди, — деди. Кейин у ўрнидан турди ва Маккага қараб югуриб кетди.

Макканинг тору танг кўчаларида оғир-оғир қадам ташлаб келаётган бир кекса киши яҳудийнинг худди у билан гаплашаётгандек:

— Бу кеча Аҳмаднинг юлдузи туғилди, бу кеча Аҳмаднинг юлдузи туғилди. Биз эса ҳалок бўлдик, дея сўзлаб юрганини кўрди.

— Тентак яҳудий, — дея ортидан ажабланганича қараб қолди.

* * *

Шундай ғаройиб ҳодисалар юз бераётган бир вақтда юзлари нурли бир аёл атрофида нималар бўлаётганига

қизиқиб, ўнг-у сўлига разм соларди. Ора-сирада кўзлари билан осмонга тикилар, ҳайратланиб-ҳайратланиб кўярди.

У бир неча ойдан буён ҳомиладор эди. Бироқ ўзида ҳомиладорларда кузатиладиган ҳолатларни сезмади. Кунлар ва ойлар ўтиб бораркан, қорнидаги боласининг юзини тезроқ кўриш умиди билан яшарди. Боласининг отаси — Абдуллоҳнинг вафот этганига ҳам бир неча ойлари бўлганди. Шом тарафларга тижорат мақсадида кетган эри Абдуллоҳ қайтиб келаётганида Мадинага яқин бир ерда касалланиб, вафот этганди. Абдулмутталибнинг оиласи у учун узоқ вақт кўзёш тўкишди. Бутун Макка халқи бу навқирон, келишган йигитнинг вафотига жуда ачингандилар.

Омина ҳам ёш кетган эрини эслаб кўп йиғлади. Унга бағишлаб ўтли шеърлар битди. Туғилажак боласини кўрмайин кетган Абдуллоҳ учун марсиялар ёзди.

Кўзи ёрар пайт яқинлашган сари гул юзли боласини ўйлаб, ўзини овуларди. Аслида бу Оминанинг илк ҳомиласи эди. Атрофидаги кишилардан ҳомиладорлик белгилари, аломатлари ҳақида кўп эшитарди. Лекин улардан бирортасининг ўзида содир бўлмаётганидан жуда таажжубда эди. Унинг бу ҳолатини кўрган аёллар ҳайратланишиб:

— Бу Омина кундан кунга гўзаллашиб кетяпти. Балки у бизни алдаб юргандир! — дейишарди.

Ниҳоят Рабиъ ул-аввал ойининг ўн биринчи куни ўн иккинчисига ўтаётган кечада Омина ўзида кўзи ёриш белгиларини кўрди. Қўшнилари икки хотинга хабар қилди. Шифо ва Фотима деган аёллар келишди. Бундан ташқари Умму Айман исмли жорияси ҳам шу ерда эди.

Ўз умрлари давомида кўплаб ҳомиладор аёлларни туғишларига кўмаклашиб кўзи пишган бу доялар Оминанинг кўзи ёриш ҳолатида қандайдир ўзгачалик борлигини сездилар. Уйда чироқ йўқ бўлса-да, хонанинг ичи

кундуз каби ёруғ эди. Фақат бу ёруғлик қуёшнинг ҳам ёруғлиги эмасди, чунки ўша пайтда ҳали тонг отмаганди. Хуллас, таърифлаш мушкул бўлган бир ҳолат бўлди.

Омина атрофида умри давомида ҳеч қачон кўрмаган, ниҳоятда гўзал, бир нечта мавжудотларнинг хурсандчилик қилишаётганини кўрди. Омина ўз хонасида эди, бу каби хоналардан йигирмата бўлганда ҳам бундай мавжудотларнинг у ерга сиғиши амри маҳол эди. Хонанинг деворлари бор бўлса ҳам, бу гўзал мавжудотлар ундан бемалол ўтиб, кириб-чиқиб юрарди. Гўёки улар учун хона деворлари йўқдай эди.

Бу хурсандчиликнинг сабаби нима? Бу мавжудотлар ким? Уларни бошқалар ҳам Омина кўргандек кўришяптими?

Омина бу саволларига жавоб тополмасди. Баъзида бу ҳолатнинг ўнгида бўлаётганига ҳам шубҳа қилиб қоларди.

Хурсандчилик қилаётганлар Парвардигорнинг охириги пайғамбари бу дунёга раҳмат бўлиб келаётгани ҳақида суҳбатлашардилар.

Шифо ва Фотима хонимларнинг иккиси хонага кириб-чиқиб юришарди, Улар туғишда керак бўладиган нарсаларни ҳозирлаш билан банд эдилар.

Шу пайт Омина ёнига келиб-кетиб юрган мавжудодлар орасида икки аёлнинг ўзи томон келаётганини кўрди. Уларнинг иккисини ҳам танимас эди, бироқ улар Оминага жон томиридан ҳам яқинроқдек туйилди. Бу аёлларнинг юзларидан ёғилаётган нур ҳамма жойни ёритиб юборганди. Аёллар Омина билан саломлашишди ва ўзларини танитдилар:

— Менинг исмим Марям. Исо Маъсиҳнинг онаси бўламан.

— Менинг исмим эса Осиё. Мисрда ўзини Худо дея даъво қилган Фиръавннинг аёли эдим...

Омина ҳеч ҳам кўрмаган ва танимаган, лекин ораларида жуда яқинлик ҳис қилган бу аёлларнинг ташри-

фидан ўзгача фараҳни ҳис этди. Унинг атрофида нурдан яратилган гўзал мавжудотлар ҳали ҳам хурсандчилик қилаётгандилар. Бу орада доялик қилаётган аёллардан бири – Шифо хонимнинг:

– Суйинчи, суйинчи! – дея бақиргани эшитилди. У кўлида жуда чиройли, нурли бир чақалоқни тутиб турганди. Бу чақалоқ аслида Шифонинг кўлида эмас, балки хонада хурсандчилик қилаётган ҳалиги гўзал мавжудотларнинг кўлларида эди. Чақалоқ киндиги кесилган ва хатна қилинган ҳолда туғилганди.

Ўша ердаги аёлларнинг ҳаммаси ҳайрат ичида эдилар. Омина фарзандини худди кўлида ушлаб турган боласини бошқа бировга узатгандай, ёки устидаги либосини ечиб қўйган каби дунёга келтирганди. Яна ҳам тўғрироғи, Омина атрофида гўзал мавжудотлар хурсанд ҳолда айланиб юрганда, ёнида ўтирган нур юзли аёлларнинг тотли суҳбатларини эшита туриб кўзи ёриганди. Шундай қилиб, оламларга раҳмат бўлган, охир замон пайғамбарининг онаси бўлиш Оминага насиб қилди.

Омина ойпарчадек чақалоғини бағрига босаркан, атрофидаги хурсандчилик ҳали ҳам давом этмоқда эди. Ўзларини Марям, Осиё дея таништирган бояги нур юзли аёллар бир-бирларини ва Оминани табриклашди:

– Бу туғилган чақалоқ Икки Оламнинг Сарваридир. Аллоҳ таоло уни бутун оламларга раҳмат қилиб юборган. Аллоҳнинг энг севимли қули ва энг улуг Расули сенинг фарзандингдир. Биз сенга ҳавас қиламиз, эй ҳамма оналарнинг энг бахтлиси бўлган Омина!

Доялик қилган Шифо хоним:

– Ўғил фарзанд муборак бўлсин, – дер экан, Оминанинг ҳомиладор бўлган даврида юзида пайдо бўлган нурнинг туғруқдан сўнг кўлидаги фарзандига ўтганини кўриб ҳайратга тушди. Фотима хоним ҳам бир Оминага, бир унинг кўлидаги чақалоққа тикилди. Балки нурнинг чақалоққа ўтганини у ҳам пайқагандир.

Тонг отар экан, Омина ўз фарзандини қўйнига олганча ётар, Оламлар Сарварининг дунёга келишини кутиб олиш учун тушган сон-саноксиз гўзал мавжудотлар севинчга тўлган ҳолда малакунт оламига кўтарилишарди.

* * *

Каъбанинг Ҳижр деб аталадиган ерида дўстлари билан суҳбат қуриб ўтирган Абдулмутталиб, келини Оминанинг ўғил фарзанд кўрганини билгач болаларча севиниб кетди. Эндигина айрилган жигарпораси — Абдуллоҳнинг омонати бўлган набирасини тезроқ бағрига босишни истади. Дарҳол ўрнидан турди. Сафо тепалиги тарафга бурилиб, Оминанинг уйига келди.

— Менга набирамни кўрсатинглар, — деди.

Аёллар унинг қўлига йўргакланган гўдакни тутдилар. Абдулмутталиб йўргакни очиб қарар экан, ишониб бўлмас даражада гўзал чақалоқни кўрди. Уни бағрига босиб ёноқларидан ҳидларкан, ўзини жаннатнинг исини ҳидлагандек ҳис этди. Кўзларидан оққан ёшлар қай даражада хурсанд эканлигини билдириб турарди.

— Ҳеч бир кўз бундан гўзал гўдакни кўрмаган. Ҳеч бир она бундан ҳам чиройли фарзанд туғмаган. Қасам ичиб айтаманки, ҳеч кимсанинг набираси менинг набирам каби гўзал бўлолмайди! — деди.

Бир неча фурсат тикилиб турди. Тикиларкан кўнгли муҳаббат ва марҳаматга, шафқатга тўлди. Бир онга ўғли Абдуллоҳ кўз ўнгида намоён бўлди. Бироқ бу гўдак минглаб Абдуллоҳларга бадалдек эди. Бир замонлар ўз пешонасида порлаган, кейин ўғли Абдуллоҳга, ундан сўнг келини Оминага ўтган нур парчасининг набираси юзида порлаганини кўрди. У энди бу нур парчаси ҳақиқий эгасига ўтганини ҳис қилди. Набирасини яна бағрига босиб Каъба сари жўнади. У ерда дуо қилди. Кейин яна уйга қайтди. Абдулмутталиб ҳали ҳам набирасини томоша қилиб тўймасди.

Аёллар ҳам овоз чиқармай, Абдулмутталибни кузатишар, яна ҳам тўғрироғи, набирасининг гул юзига боқиб, саодат туяётган бобосини чўчитмаслик учун ҳам овоз чиқармасдилар.

Соатлаб боққанда ҳам ҳеч тўймаслигига кўзи етган Абдулмутталиб набирасини яна бир марта ҳидлади-да, қизи Сафияга узатди.

– Набирамни онасининг қучоғига қўй, – деди.

У ердан бошини баланд тутган ҳолда ташқарига чиқди. Шу вақт қалбининг осмонлар қадар юксалганини ҳис қилди. Севинчдан ҳозир учиб кетадигандек ҳолга келганди.

Абдулмутталиб келини Оминанинг уйидан чиққач, тўғри Каъба олдига йўл олди. Парвардигорига шукрона ўлароқ, Каъбани тавоф қила бошлади. Набирасига нима деб исм қўйиш ҳақида ўйлади. Унинг гўзаллигига, шаънига лойиқ бўлган бир исм бўлмоғи лозим эди.

«МУҲАММАД»...

Бирдан бу исм ақлу ҳушини банд этиб қўйди. Бу ҳолни аниқ мўлжалга бориб теккан ўқ, ёки қоронғулик ичра ялт этиб чақнаган чақмоққа қиёс қилса бўлар эди.

Ота-боболаридан ҳеч бирига бу исм берилмаганди. Кўп қўлланиладиган исм ҳам эмасди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломдан буён давом этиб келаётган ота-боболарининг исмларини ҳам эсга олди. Уларнинг ҳеч бири бу қадар жарангдор ва ёқимли эмасди. Кейин қабила раислари, ва ўзи таниган бошқа баобрў кишиларнинг исмларини ҳам бир-бир хотирлади.

Аммо бу исмларнинг барчаси қандайдир куч таъсирида хаёлида бир он тургач, яна йўқ бўлар «Муҳаммад» деган исмнинг қаршисида маҳв бўлиб кетаверарди. «Муҳаммад» исмидан бошқа барча исмлар қандайдир оддий, таъсирсиз, ёки бўлмаса, маъносиздай туйиларди. Бир куч Абдулмутталибга набирасининг исмини шу ном билан аташга мажбурлаётган каби эди. Бу куч бошқа исмни унинг хаёлига яқин йўлатмасди.

Омина боласини яна қайнотасининг қўлига тутқазар экан, қизиқсиниб сўради:

— Отажон, набирангизга нима деб исм қўясиз?

Абдулмутталиб фариштадек набирасига бир муддат боқиб тургандан кейин:

— Уни Муҳаммад деб атайман, — деди.

Оминанинг кўзларида нур порлади. Юзларида мамнунлик ифодаси балқди. Унинг анча пайтдан буён орзу қилиб юрган нарсаси амалга ошган эди. Абдулмутталиб ҳам ўзи танлаган исмининг келини Оминага манзур келганидан хурсанд бўлди.

— Биласанми, қизим? — дея гапини давом эттирди. — Мен бу исмни қўйишга мажбур қилиндим гўё. Бу исм миямда тинмай чарх ураверди-ураверди. Бошқа ҳеч бир исм ҳақида ўйлолмадим ҳам. Нима дейсан, чиройли исм танлабманми?

Омина кулимсираганча жавоб берди:

— Мен ҳам боламга Муҳаммад деб исм қўйишни орзу қилгандим. Менга ҳам тушимда фарзандимга Муҳаммад деган исмни қўйиш буюрилди. Мен унинг жуда улуғ инсон бўлиб улғайишини орзу қиламан.

Абдулмутталиб келинининг сўзларини тасдиқлади:

— Албатта, менинг набирам инсонларнинг энг шарафлиси бўлади.

Шундан сўнг Макка раиси, хошимийларнинг каттаси Абдулмутталиб келини Омина билан бир тўхтамга келган ҳолда ой юзли гўдакка инсоният тарихидаги энг гўзал ва энг муборак исмни беришди.

— Сенинг исминг Муҳаммад бўлсин, болажоним деди.

Муборак таваллуддан етти кун ўтгач, Абдулмутталиб катта бир зиёфат берди. Уч кунга қадар чўзилган бу зиёфатнинг дастурхони бутун Макка шаҳрининг каттаюкичиги, эркагу-аёлига ва қандай ният билан бўлмасин, Маккага ташриф буюрган ҳар бир кишига очиқ бўлди. Меҳмонлар орасида тиланчиликдан бошқа ҳеч бир ишга ярамайдиган, нотавон Унайс ҳам бор эди.

Зиёфат асносида Абдулмутталибга:

— Набирангга нима деб исм қўйдинг? — дедилар.

— Унга Муҳаммад деб исм қўйдим.

— Нега ота-боболарингдан бирининг исмини қўймадинг? Нега айнан бу исмни танладинг?

— Осмонда оламни яратган Парвардигор, ерда эса жамики инсонлар унинг гўзал васфини, сўзлашларини, мадҳ қилишларини хоҳладим.

Болакайни кўрганлар Абдулмутталибни табрикладилар.

— Ростдан ҳам, шундай чиройли ва ширин болакайнинг бобоси бўлганингдан фахрлансанг арзийди, — дедилар.

Омина боласини қайин оғаси Абдулуззонинг жорияси Сувайба билан бир қанча вақт биргаликда эмизишди. Болакай учун Сувайба бир муддат сут она қилиб белгиланди. Сал олдинроқ Муҳаммаднинг амакиси Ҳамза ва Абу Саламаларга сут берган кўкраклар бу сафар пайғамбарлик занжирининг охириги ҳалқаси — Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг лабларини топди. Унга ҳам озуқа берди.

* * *

Эрон ҳукмдори Кисронинг ҳузуридан Шом сари йўлга чиққан Абдулмасиҳ Жобияга етиб келгач, эшитган хабаридан таъби хира бўлди. Чунки кўп замонлардан буён йўқламаган тоғаси Сотиҳнинг ўлим тўшагида ётганини эшитганди.

Узоқ ва машаққатли сафардан сўнг бундай аччиқ хабар эшитиш кимга ҳам ёқарди?! Бундан ташқари Кисронинг буюрган топшириқлари ҳам унча-мунча топшириқлардан эмасди. Шу сабабдан ҳеч бир қувонарли ери бўлмаган бундай даҳмаза сафар Абдулмасиҳнинг белини букиб қўйгандек эди.

Сотиҳ ўзига берилган саломга алиқ олмади. Чунки саломни эшитадиган, унга жавоб берадиган аҳволда эмасди. Узун умрининг охири нафасларини олаётганди.

Салом яна такрорланди. Сотиҳдан яна садо чиқмади. Бу сафар Абдулмасиҳ:

– Бу юртнинг улуғи касалми, ёки соқов бўлиб қолганми? Ёки ўзини эшитмаганга солиб ётибдими? Ёки ўлик танидан руҳи учиб кетдими? – деб тоғаси Сотиҳни мақтайдиган бир шеър айта бошлади. Шунда Сотиҳнинг кўзлари бироз очилди ва дона-дона қилиб, қийнала-қийнала шу сўзларни айтди:

– Абдулмасиҳ уловга минганча Сотиҳнинг остонасига келди, ҳолбуки Сотиҳ лаҳадга киришга тайёр бўлиб турибди. Эй Абдулмасиҳ, Сени Эрон ҳукмдори Кисро саройининг нима сабабдан қулагани, минг йиллардан буён ўчмай келаётган оловнинг сўниб қолиши ва қози Мубадоннинг туши ҳақида маълумот олиш учун юборган, шундайми?

Сотиҳ гапиришга қийналаётганди. Абдулмасиҳ ҳали нима мақсадда келганини айтмасданоқ, Сотиҳдан бундай гапни эшитиб ҳайратланди. Бутун вужудини қулоққа айлантириб, тоғасининг яна сўзлашини кутди. Бироқ Сотиҳнинг ҳоли маълум бўлиб қолганди. Шундай нафас олардики, атрофидагилар «Энди ўлди!» – деб туришганда, бироздан кейин оғир бир нафас чиқарарди. Бу ҳолат яна икки дақиқача давом этди. Кейин Сотиҳнинг лаблари яна қимирлай бошлади:

– Эй Абдулмасиҳ, ваҳий қайта-қайта ўқилганда, асо соҳибига пайғамбарлик берилганида, Самова дараси сув билан тўлиб тошганида, Сава кўлининг суви қуриб қолганида ва Форсларнинг сифинган олови сўниб қолганида билгинки, Шом энди Сотиҳ учун аввалги Шом эмас. Форслар саройида нечта устун қулаган бўл-

са, яна шунча, ҳукмдор даврон суради. Шундан кейин тақдирларига нима битилган бўлса, шуни кўрадилар.

Сотиҳ бошқа гапиролмади. Дармонсизликдан лаблари бир-бирига ёпишиб қолди. Бир неча бор кучсиз нафас олгач, жим бўлиб қолди. Узоқ йиллар давом этган умри шу ҳолда ўз ниҳоясини топди.

Абдулмасиҳнинг тоғаси дафн қилинди. Кейин Сотиҳдан эшитган гапларини Кисрога етказиш учун дарҳол йўлга отланди.

Абдулмасиҳ олиб келган хабардан Кисронинг кўнгли бироз тинчлангандек бўлди.

– Ўн тўртта ҳукмдор давлат бошига келиб-кетгунча кимлар бору, кимлар йўқ, – деди.

Унинг ҳисобича, тахтга ўтирадиган ҳар бир ҳукмдор узоқ йиллар давомида салтанат бошқарадигандек ва бу муддатда энг камида юз-юз эллик йил ўтиб кетадигандек эди. У бунга шубҳа қилмасди.

БАНИ САЪД ЮРТИДА (Сут онага берилиш)

Саъд ибн Бакр қабиласи Маккадан шарқ тарафдаги Сарат водийсида яшардилар. Ҳавоси ва суви тоза, тиллари ҳам турли бузилишлардан ҳоли бўлган соф арабча эди. Шу сабабли ҳам Макканинг кўпгина ўзига тўқ оилалари янги туғилган болаларини Саъд ибн Бакр қабиласига олиб борардилар. Гўдаклар шу қабила аёлларининг сутларини эмганча улғаярди, тили ҳам шу ерда чиқарди. Улар Макканинг ўзида катта бўлган болаларга қараганда дуркун, тили равон ва соғлом бўлардилар.

Саъд қабиласининг аёллари йилда икки бор Маккага келиб, ёш оилаларда туғилган гўдакларни ўзлари билан олиб қабиласига қайтишарди. Уларнинг бу оилалар болаларини эмизгани, тарбиялагани учун оладиган ҳадя ва ҳақлари ўз оилаларининг тирикчилиги учун яхшигина ёрдам бўларди.

Фил воқеасидан уч ой ўтиб, қабила аёллари тонгнинг илк соатларидан йўлга чиқиш ҳақида келишиб олдилар. Бораётганлар орасида эмизиш муддати тугаган болалари билан йўлга чиққанлар ҳам бўлиб, улар бу болаларни ўз ота-оналарига ташлаб, янги гўдакларни олиб келиш учун отлангандилар. Шу сабабдан ҳам эрта тонгдан йўлга чиқишса, ҳар томонлама фойдали бўларди.

Улар ҳали қуёш чиқмасданоқ катта йўл устида тўплана бошлашди. Эр-хотинлар бир гуруҳни ташкил қилдилар. Сут она сифатида бола олиб келишни режалаштирган аёллар ўнточа эди. Эмизиш муддати тугаган болалар, эмикдош ака-укаси, биродарлари билан хайрлашарди. Уларнинг қалбида ҳам ўз ота-оналарига етишиш қувончи, ҳам дўст-биродарларидан айрилиш изтироби қоришиб кетганди.

Сут оналар ўзлари оладиган ҳақ ва ҳадияларни ҳисоблар экан, икки йил давомида кўкрак бериб эмизган бола-

ларидан айрилишларини ҳам ҳис қилардилар. Балки бу айрилиқ бир умр давом этгувчи айрилиқдир. Ахир сут оналар бу болаларни кўз қорачиғидай асрашган, касал бўлса дармон бўлган, улар учун ширин уйқуларидан воз кечган, қоронғу кечаларда шу болалар учун ўтли аллалар ҳам айтишганди.

Куёш уфқдан бош кўтаришига жуда оз вақт қолди.

— Юринглар, эй Бани Саъд одамлари, акс ҳолда кечга қоламиз, — деган бир овоз эшитилди.

Қисқа хайрлашувдан сўнг, болалардан айримлари сут онасининг қўлидан тутган, айримлари қучоқда, яна бирлари елкасига опичиб олган ва уловларга минган ҳолда йўлга чиқдилар.

— Онажон, кеч қолиб кетманг! Сизни муштоқ бўлиб кутамиз.

— Бизни унутма, Шайба!

— Яна кўришамиз, Ҳанзала!

— Яхши қол, Фотима, каби овозлар эшитилиб турарди.

Қўллар ҳавога кўтарилди, кейин ёш тўлган кўзларни артди. Буёқда қолган кўзлар бўлса, анча вақтгача йўлга тушганларнинг ортидан қараб қолдилар. Кетаётганлар ҳам ортларига қарай-қарай йўлга тушдилар. Куёшнинг илк нурлари Сарат водийсига тушган пайтда Саъд ибн Бакр қабиласининг уйлари кўздан ғойиб бўлди.

Сафарга чиққанларнинг карвони ортидан чанг-тўзон қолдириб кетаркан, ночор эшакнинг оёқ олишига қараб секин юришга мажбур бўлаётган бир оила карвоннинг охирида қолиб кетди. Улар билан олдинда кетаётганларнинг ораси тобора узоқлашиб борарди.

— Ҳалима, эшагингни тезроқ юргиз, — дея бақирди бир қўшни. Ҳалима бинти Абу Зуайб дея танилган бу аёл ночор ва қари эшагига қамчисини бир-икки енгилгина уриб қўйди. Лекин бу қамчилаш қари эшакнинг тезлигини бирозга бўлса-да орттирмади. Эшак яна ўз билганича юриб кетаверди.

Ҳалиманинг дугоналаридан ортда қолиб кетиш нияти йўқ эди. Чунки эрта борганлар, ишини тезроқ битирадилар. Маккада ҳеч ким Ҳалима келса, унга боламизни берамиз, деб кутиб ўтирмайди. Эртароқ борганлар истаган оиласининг болаларини олади, катта пулга ҳам айнан улар эга бўлишади. Кечикканлар айрим ҳолларда уйларига бўш қайтишлари ҳам мумкин эди.

— Бугун бизнинг эшакка нимадир бўлган, Ҳалима!

— Ҳорис, унинг юриши ҳар доим шундай-ку! Чунки қариди, узоқ сафарларга ярамай қолди.

— Бироқ олдин бунчалик секин юрмасди, оз бўлса-да тезроқ эди.

— Балки касал бўлгандир.

Ҳорис оиласининг ортда қолиб кетаётганини кўрган дўстлари озроқ тўхтаб кутиб туришди.

— Жуда орқада қолиб кетдинглар-ку, Ҳорис!..

— Эшагимиз юрмаяпти.

— Шундай юраверсангиз жуда кечга қоласизлар.

— Ҳа, шунақага ўхшайди.

Шундай дея Ҳорис кўлидаги қамчиси билан эшагининг яғринига туширди.

— «Ўлдирсанг ҳам бундан тез юрмайман», дегандай туришини қара буни! — деди.

Эшакнинг юкини енгиллатиш керак эди. Ҳалима кичик боласини ҳуржундан чиқариб кўлига олволди. Ҳорис ҳам ҳуржундан ул-бул нарсаларни олди. Энди эшакнинг юки оғирлигидан шикоят қиладиган жойи йўқ эди, бироқ унинг юриши олдингидан қилчалик ҳам фарқ қилмади.

Юкнинг енгиллаштирилиши ҳам фойдасиз бўлди. Қайсар эшак уларни Маккага етиб келгунларигача кўп асабийлаштирди. Улар бу эшакда йўлга чиқишганидан пушаймон эдилар.

— Ҳалима, бу эшак бизнинг бошимизга бало бўладими, дейман. Улгуролмаймиз. Биздан олдин борганлар барча болаларни олиб қўяди.

– Мен ҳам шу фикрдаман. Қара, улардан қанчалар узоқлашиб кетдик.

– Улар ҳам нима қилсин! Бу эшакнинг қадамига қараб юролмайди-ку!

– Ҳа, сен ҳақсан.

– Агар биронта ҳам бола тополмай қайтсак, ўшанда кўр шармандаликни!

Ҳалима қўли билан сутсиз кўкракларини ушлади:

«Топганимизда ҳам унга берадиган сутим йўқ», демоқчи эдию – айтмади. Зора тополсалар. У оладиган боласига ҳозирданоқ ачинишни бошлади. Бечора болани тўйдириб эмдирмасдан оладиган ҳақни ўйлаб уялди. Аммо нима ҳам қила оларди? Ўзи ёмғир ёғдиrolмаса, баракани кўпайтиrolмаса!

Бу йил иссиқ келганди, бир неча ҳафталаб ёмғирдан дарак бўлмади. Ҳалиманинг оиласи ўз қорнини зўрға тўйдиарди. Шу сабабли унинг кўкракларида деярли сут йўқ. Бор сутининг ўз боласига етмоғи-да гумон. Агар яна бир бола оладиган бўлишса, нима қилади – ўзлари ҳам билмайди. Лекин тирикчиликни ўтказиш учун бундан бошқа чоралари ҳам йўқ.

Уларнинг бир туяси бор. Тонгда уйдан оч ҳолда чиқиб кетиб, оч қайтади. Оқшомгача ўтлаб юрадиган бу туядан соғиладиган сутга ўз боласини зўрға тўйдиради. Туянинг қуруқ елинлари қанча тортилмасин, идишнинг тубига озгина сут тушарди.

Ҳалиманинг оиласи Маккага етиб келганида кўпчилик дугоналари ўз ишларини битиришганди. Ҳар бири бой хонадонларнинг болаларини олгандилар. Бу йилги об-ҳавонинг қуруқ бўлгани туфайли кўпроқ ҳақ олишди. Улар Ҳалимани кўргач дедилар:

– Кеч қолдинг, Зуайбнинг қизи!

– Ҳа, шундай бўлиб қолди.

Ҳалиманинг юраги сиқилди. Дарҳол йўлга тушди. Маҳаллаларни айланиб эмизиладиган бола қидира бош-

лади. Ўгли Абдуллоҳ отаси Ҳориснинг ёнида қолди. У Каъба тарафга қараб юрди. Йўлда дуч келган одамдан:

— Бу ерда эмизадиган боласи бор оилалар борми? — дея сўраб кетаверди. Одамлар унга Каъба ёнида ўтирган бир қарияни кўрсатдилар:

— Ана Абдулмутталиб! Набирасига сут она қидириб юрибди, — дедилар.

Ҳалима Абдулмутталибнинг олдига келди.

— Эмизишга бола ахтариб юргандим, — деди.

— Қайси қабиладансан, қизим?

— Саъд ибн Бакр қабиласиданман. Ҳорис ибн Абдуллуззонинг хотиниман.

— Яхши, бир етим бола бор, уни сенга бераман. Аминманки, ундан яхшилик ва Барака топасан.

Ҳалиманинг юзларида ўзгариш кўринди.

— Етимми?..

— Ҳа, шундай!

— Ундай бўлса бошқа бола қидира қоламан.

Ҳалима у ердан узоқлашди. «Етим бола учун қанча пул берарди?» — дея ўйлади. Боланинг қорни тўйиши учун олдин унинг қорни тўйиши керак эди. Томоқдан бир нима ўтмаса, овқат қаердан келарди! Етим бола учун олинадиган ҳақ билан эса бир нима қилиб бўлмайди.

Қабиланинг бошқа аёллари ҳам бу муборак болакайни кўрмасданоқ, етим эканлигини эшитиб кетиб қолишганди. Сабаби улар ҳам Ҳалимадек ўйлагандилар.

Ҳалима узоқ йўл юрди. Кўчаларни бирма-бир кезиб чиқди. Одамлар «Боласи бор», — дея кўрсатган ҳар бир хонадоннинг эшигини қоқди. Илк борган хонадонининг эшигини кекса ва ночор, қорачадан келган аёл очди.

— Эмизиш учун бола қидириб юргандим. Болангиз борлигини эшитдим.

Эшик ортидаги ҳалиги аёл лабини буриб:

— Биз бошқа кишига бермоқчимиз, — деди.

Яна бир бошқаси:

— Сиздан сал олдинроқ бошқасига бериб юборгандик, — деган жавобни қилди.

Шундай қилиб Ҳалима бир қанча хонадонларга кириб-чиқди. Бой хонадон эгалари боласини беришни ишташмади. Бермоқчи бўлганларини эса Ҳалима олгиси келмади. Сабаби улар фақир эдилар.

Охирги бор бир эшикни тақиллатганида ичкаридан чиққан аёл:

— Ўзингнинг боланг борми? — деб сўради.

— Бор.

— Сутинг унга етяптими?

Ҳалима жавоб бермади. Яна-да тўғриси: «Албатта, тўяди», — деб ёлғон гапиришни иштамади. Бошини куйи эгиб у ердан узоқлашди.

У таслим бўлганди. Илк учратган кишисидан боласининг етимлигини эшитиб олмаганди, кейингилари ҳам турлича жавоб қилишди. Гўёки бояги етим дейилган боладан юз бургани учун кейингилари ўч олгандек, «Сен олдин ўз болангни тўйдир, кейин бошқасини қидир», — деяётгандек эди.

Бориб қайсар эшагини ўлгудай савалагиси келди. Бутун аламларини шундан чиқармоқчи эди. Оғир қадамлар билан эри ва боласи кутиб турган ерга қараб юрди.

Куюш ботиб, оқшом кира бошлаганди. Ҳорис Хотинининг бўш қўл билан қайтаётганини кўриб шундай деди:

— Нима бўлди?

— Бир етим боладан бошқа бола йўқ. Қолганларини дугоналарим олишибди.

— Демак, бу йилги насибамиз кесилибди-да?

— Шундай, шекилли!

— Бой, насл-насабли хонадонларда бола қолмабди, фақирларнинг бўлса бирор нима берадиган ҳоллари йўқ. Боласи бўлганлар ҳам менга беришни ишташмади.

Ҳалима шу гапларни айтаркан, кўзларида ёш кўринди. «Улар мени мазах қилишди», — деган гапни уқиш мумкин эди бу кўзлардан.

— Энди ёки олти ой кутамиз, ёки етим болани олиб кетамиз.

— Нималар деяпсан, Ҳалима?

— Дугоналаримнинг ҳар бири бола билан қайтганда, мен уйга икки қўлимни бурнимга тикқанча қайтишни истамайман. Бироқ бир етим учун бериладиган озгина ҳақ учун ҳам нима дейишимни билмайман. Яна бир бошқа фикр ҳам йўқ эмас.

— Нима экан у фикр.

— Шу қайсар, аҳмоқ эшакни ҳумордан чиққунча савалаш.

Ҳорис бошини қимирлатди.

— Эшакни саваласангу сенга бунинг эвазига бир бола олиб келиб беришса, мен ҳам сен билан бирга савалашган бўлардим.

— Ҳа, буни савалашдан ҳам ҳеч бир наф йўқ.

— Етим бола учун нима бермоқчи эдилар?

— Шунни сўраш хаёлимга келмабди. Етим эканини эшитиб, «Ҳеч кими бўлмаса, нима ҳам берарди», — деб ўйландим.

Иккиси ҳам қаттиқ ўйга толдилар. Эшак бўлса ердаги қуриган ўтларни чимдиб қорнини тўйдиришга уринарди.

— Ҳалима, тезроқ бирор қарорга келишимиз керак, кеч бўлиб қолди.

— Сен нима дейсан, Ҳорис?

— Мен аниқ бир нарса дея олмайман. Кўнглинг нимани буюрса, шунни қил.

— У ҳолда ўша етим болани олиб келаман. Боласиз уйга қайтишга уяляпман.

— Нимани хоҳласанг, шунини қил. Балки ўша етим болакай туфайли уйимизга қут-барака ёғилар!

Ҳалима гапни чўзиб ўтирмади. Чунки оқшом тушаётганди. Ўрнидан туриб тўғри Каъба тарафга қараб юрди.

Абдулмутталиб кетма-кет келаётган аёлларнинг ҳеч бири нима учундир набирасини эмизишга рози бўлмаётганини ўйлаб хафа эди. Ҳар бир келган аёл боланинг етимлигини эшитибоқ кетиб қолаётганди. «Ҳақ учун нима берилади», — деб сўраб ҳам кўришмади.

Абдулмутталиб сеҳрлангандек эди. Набирасининг етим эканлигини айтмаса ҳам бўларди. Бироқ эндигина сўз бошлаши билан оғзидан «Бир етим гўдак бор», — деган гап беихтиёр чиқиб кетаверарди. Ичидан келган бир овоз: «Бу болани фақатгина лойиқ бўлган сут онага бериш шарт, ундан бошқаси асло олиши керак эмас!», — деб уқтираётгандек эди.

Куч-қудратининг чегараси йўқ, ҳикматларининг сири фақат Ўзигагина аён бўлган буюк Роббимиз ўзи яратган бу чечакни, албатта, муносиб сут онага лозим кўради. Абдулмутталиб дуч келган ҳолатни ҳам асло тасодиф деб бўлмас эди.

Ҳақ масаласи эса муҳим эмасди, чунки ҳеч ким Макка шаҳрининг энг улуғларидан бўлган Абдулмутталибнинг ўз набираси учун кам пул сарфлашига ишонмасди. Боланинг отаси бўлмаса-да, бобоси бор эди. Дунёдаги бутун гўдакларнинг боболарини бир ерга тўплаганда ҳам, уларнинг энг олдинги сафида, шубҳасиз, Абдулмутталиб бўларди. Шу боисдан бу борада Абдулмутталибга тенг келадигани топилмасди.

У набирасига боққан вақт қалби меҳр-шафқатдан тўлиб-тошар, ичидан бир овоз «Бу бола оддий бола эмас, у албатта, буюк инсон бўлади!» — дегандек бўларди. Ора-сира Абдулмутталиб Каъба деворига кифтини берганча ўйга толарди: кечаси-ю кундузи уни ўйлашга мажбур қилган, ақлига бошқа бир ўйнинг келишига йўл қўймайдиган бу болакайни нега шунчалик яхши кўришининг сабабини қидирарди. Ажабо, ёки

қаригани боис кўнгли бўш бўлиб қолдимикан? Лекин у бу фикрни қабул қила олмасди. Чунки бир қанча фарзандларидан кўплаб ўғил-қиз набиралар кўрганди. Уларнинг катталари ҳам, кичиклари ҳам бор. Мисол учун, эндигина бир ёшдан ошган Аббос, Ҳамза исмли набиралари ҳам сут эмадиган ёшда эдилар.

Уларни бир ота, ёки бобо қанча яхши кўрсалар, шунчалик яхши кўрарди. Аммо гап Муҳаммадга келиб тақалганда, қалбидаги севги-муҳаббатни таърифлай олмасди. Худди бу боладаги гўзаллик, тотлиликни тиллар, ҳаттоки қалблар ҳам ифодалаб бера олмайдиган даражада эди.

Унинг етим эканини ҳеч ким инкор қилгани йўқ. Ота-онали болаларнинг сут онаси учун қанча ҳақ берилса, унга ҳам шунча бериларди. Ёки Абдулмутталибнинг хасислигини кимдир кўрганмиди?

Бутун шаҳарга «Дашт-у далаларда инсонларни, тоғ-у тошларда ҳайвонларни тўйдиради», — дея шуҳрат топган, дастурхонидан мусофир аримайдиган Абдулмутталиб Муҳаммаднинг сут онаси учун ҳаққини беролмасмиди?

Келган ҳар бир аёл боланинг етим эканини билиб, бошқа нарсага эътибор ҳам бермай кетиб қолишларида, шубҳасиз, бир ҳикмат яширинганди. Эҳтимол, буюк Ҳаким ўша аёлларни ўз тақдири билан ортларига ўгирилиб кетишга мажбур қилгандир. Муҳаммадга лойиқ сут она келишини куттиргандир. Гоҳ-гоҳида Абдулмутталибнинг қалби Роббисига йўналиб:

— Аллоҳим, менинг бу етим набирамга энг шафқатли, энг хайрли сут онани юборгин, лойиқ бўлмаганини ортга қайтар, — дея дуо қиларди.

Абдулмутталиб Ҳалиманинг яна ўзи томон келаётганини кўриб ич-ичидан севиниб кетди.

— Сиз айтган бола қаерда?

Абдулмутталиб қувонганича йўл кўрсатди:

— Мен билан юр, — деди.

Ҳалима унинг ортидан эргашди. Эшикни очган хушрўй бир аёл:

— Хуш келибсиз, отажон! Хуш келибсиз, хоним! — дея кутиб олди.

Ҳалима уйга кирган заҳоти тотли бир исни туйди. У ҳеч қачон бу каби хушбўй атирни ҳидлаган эмасди. Саъд ибн Бакр қабиласида ҳар бир аёл атир сепарди, бироқ бу исни на Ҳалима, на дугоналари билишарди.

Уйнинг тўрида эмизилиши керак бўлган бола ётарди. Тагига яшил рангли ипак мато тўшалган, ўзи эса оқ рангли жун матога ўралганди. Гўдак чиройлигина бўлиб ухлаб ётарди. У жуда гўзал эди.

Ҳалиманинг ичи узилди. Фаришталардек гўзал бўлган бу болани онасидан эмизиш учун олсаю, тўйдиролмаса, оч қолдирса!..

Бу жуда ачинарли эди. Уйда ўз боласининг қорнини тўйдириш қанчалар мушкул. Бир неча ойдан буён боласининг оғзига ёлғондан кириб-чиққан бу кўкраклар энди бу гўдакни ҳам алдайдими?!

Ҳалима шу ёшда бева қолиб кетган Оминага қаради. Кейин ота юзини кўрмасдан етим қолган гўдакнинг ёнига борди. Яна юраги эзилди.

Абдулмутталиб бурчакдаги ўриндиққа ўтираркан:

— Қизим бу аёл Саъд ибн Бакр қабиласидандир. Исми Ҳалима, — деди.

Омина Ҳалиманинг сут она эканини англади.

Ҳалиманинг ортиқча вақти йўқ эди. Ухлаб ётган болани олиш учун энгашди. Шу пайт гўдак кўзларини очиб Ҳалимага қаради. Бу қарашдан Ҳалиманинг юрагига илиқлик югурди. Бир онда қалбини шафқат ва марҳамат туйғулари қоплаб олди. Энди ҳеч нима бермасалар ҳам, бу гўдакни олмасдан ортга қайта олмасди.

Дугоналарининг бу болакайни кўриб ҳам ўтирмай кетиб қолганларидан қувонди. Агар кўрганларида эди, ҳеч қачон бу болани ташлаб кетмаган бўларди. Ҳалима

ўтириб болани кучоғига олди. Сутсиз кўкраklarини гул гунчасидек дудоқларга тутишни истади. Ўнг кўкрагини унга берди. Ҳалима шу ондаёқ ҳайратдан қотиб қолди. Кўксида енгил бир нарсани сизди. Жуда ёқимли эди бу сезги. Сут келганини англаган бир сезги. Ҳақиқатан ҳам болакай уни эмишни бошлаганди.

Ҳалима кўкрагининг сутга тўлганига, айниқса, бу даражада ҳаловат туйганига ҳеч ҳам ақли бовар қилмасди. «Тушимда бўляпти, шекилли», — деб ўйлади. Ўзи каби бошқа аёлларнинг ҳам сути йўқ эди, ҳисоби. Бир куни кучоғида ўтирган ўз боласи қуруқ кўкраклардан қорни тўймагач, йиғлаганди. Бунга чидай олмаган Ҳалима ҳам боласига қўшилиб кўз ёш тўкканди. Дунёга келтириб, қорнини тўйдира олмаган боласи учун дарё-дарё ёш тўкканди бу кўзлар.

Бироқ энди кўкраклар сутга тўлди. Кучоғидаги бу болакай сутсиз қақраб кетган кўкраклардан тўйиб-тўйиб сут эмарди.

Ҳалима бироз эмизгач, кўкрагини боланинг оғзидан олди. Чап кўкрагини эмизмоқчи бўлди. Бироқ гўдакнинг лаблари очилмади. Тўғрироғи, очилишни истамади. Бир икки ҳаракат қилиб кўрса-да, фойдасиз бўлди. Такроран ўнг кўкрагини тутган эди ҳамки, яна эмишни бошлади.

Ортиқ кечга қолса, бўлмас эди.

— Энди мен кетсам, — дея кучоғидаги бола билан ўрнидан турди. Абдулмутталиб унга:

— Набирамни оласанми, Ҳалима? — деб савол берди.

— Оламан, энди бу менинг болам.

— Жуда соз! Лекин шуни билгинки, биз боламиз учун бошқа оилалар берадиган ҳақдан кам бермаймиз. Кўп берсак, берамизки, асло кам бермаймиз. Умид қиламанки, набирамнинг ҳурматида уйингизга қут-барака кирази. Сендан биргина ўтинчимиз, унга ўз болангдек қара.

Ҳалима Оминага қаради. У ҳамма оналар каби боласидан айрилаётганидан ғамга ботганди. Кўнглини тўл-

дирган андухга кўзларидан ёққан ёшлар шерик бўларди. Боласини охирги бор кучоқлаб, тўйиб-тўйиб ҳидлагач, Ҳалимага тутқазди. Бераётиб «Болажоним!», — деган мунгли овоз чиқарди.

Ҳалиманинг ҳам кўзлари ёшланди. Ёлгиз боласидан, туғилмасиданоқ отасиз етим қолган бир донагинасидан айрилиш осон бўлармиди?!

Ҳалима Оминани тинчлантирмоқчи бўлиб:

— Хавотир олманг, синглим. Унга ўз боламдек қарашимдан кўнглингиз тўқ бўлсин! — деди.

Эшикдан чиқаётиб яна тўхтади. Оминага қаради:

— Ҳалиги атирингиздан менга ҳам озроқ беринг!

— Қандай атир?

— Болага сепиб қўйган атирингиздан. Қасам ичиб айтаманки, бу ҳидни Саъд ибн Бакр қабиласида ҳеч ким ҳидлаб кўрмаган. Ўшандан берсангиз, ўзимга сепиб юрардим.

Омина кўзларига қалқиб келган ёшни яшириб ўтирмади. Майин ва мунгли овозда:

— У ҳид болажонимдан таралади. Унга бошқа атир сепиб юрманг, керак эмас, — деди. Кейин бир неча ой кўрмайдиган боласини яна бир бора тўйиб ҳидлагач:

— Майли, сизларни Аллоҳга омонат топширдим, — деди.

* * *

Ҳорис Ҳалимани жўнатиб юборгандан сўнг ёнида қолган Абдуллоҳни овутиш учун хаёлига келган ҳамма нарсани қўллаб кўрди. Лекин қорни оч бўлган боланинг сутдан бошқа ҳеч бир нарса овута олмаслигини беш қўлдай биларди. Яна бир нарса бор эди: Ҳалиманинг кўкракларидаги биргина болага етмаётган сут энди икки гўдакни оч қолдириши аниқ. Бечора болакай етимлиги устига оч ҳам қолса, дард устига чипқондек бўларди.

Буларнинг барига сабаб йўқчилик, қурғоқчилик эди. Бу икки сабабнинг устига ўз боласини тўйдира олмаётган хотини, эмизиш учун бола қидириб кетди. Олдинлари эрталабгача бола йиғисидан ухлай олмаган оила, энди умуман ухламаслиги аниқдек эди. Кўзларига тор бўлган дунёнинг бундан кейин зиндонга айланиши равшандек кўринарди.

Кўёш эндигина уфққа бош қўйган эди ҳамки, қучоғида бола кўтарганча Ҳалима қайтиб келди. Юзида мамнунлик аломатлари бор эди. Ҳорис бу мамнунликни қилинган савдонинг яхши бўлганидан бўлса керак, деб ўйлади.

— Юзларингдаги табассумнинг боиси нима, Ҳалима?

— Албатта, табассум қиламан-да. Чунки гул юзли бир гўдак билан бирга қайтдим.

Ҳорис «Гул юзли бўлиш қорин тўйдирмайди-ку!» — дегандай Ҳалиманинг юзига боқди.

— Бу болага бир қарагин, Ҳорис, — дея боланинг юзини очди. Ҳорис йўрғакда ётган гўдак эканлигига ишонмади. Таърифга сиғмас даражада ёқимли ис келарди ундан.

Ҳалима ерга ўтирди. Ўнг кўкрак яна Муҳаммаднинг гул дудоқларини топди. Чап тарафи эса Абдуллоҳга насиб этди. Туғилгандан бери бирор марта тўйиб сут эммаган Абдуллоҳ қониб-қониб сут эма бошлади.

Кўп ўтмай гўдакларнинг иккиси ҳам ширин уйқуга кетдилар. Ҳорис ишона олмаётган, фақат кўзларигина кўриб турган бу ҳолатдан лол бўлиб қолганди. Абдуллоҳни ҳам, бу болакайни ҳам тўйдира оладиган сут қаердан келди?!

Энди қорин тўйдириш гали ўзларига келганди. Ҳамма оила сингари улар ҳам туяларини соғиб, сутини ичишга мажбур эдилар. Ҳорис оз бўлса-да сут соғишини умид қилиб, туяси томонга йўл олди. Туянинг елинлари сутга тўла эди. Истаганларидан ҳам кўпроқ сут бор эди улар-

да. Ҳолбуки, Ҳорис бунчалик кўп сутни тушида кўрса ҳам рози эди.

Тунни ором билан ўтказдилар. Шундай роҳатижон кечани неча ойлардан буён кўришмаганди. Абдуллоҳ биринчи марта йиғламай, очиқмай тинч ухлаганди. Ҳалима уйқусини бўлмасдан эрталабгача ухлаш мазасини энди тотаётганди.

Эрталабдан туясининг олдига борган Ҳорис яна сутнинг мўл-кўллигини кўриб, энди бунинг тасодиф эмаслигига амин бўлди.

— Ҳалима, менинг билишимча, ўзинг билан оиламизга жуда барокатли ва хайрли бир болани олиб келибсан, — деди.

Бироз давом этган олди-бердидан сўнг Бани Саъд қабиласининг одамлари йўлга тушдилар. Улар Ҳалима ва Ҳорисни кутиб ўтиришмади. Ахир, йўлни ўзлари билишади. Агар кутсалар, Ҳориснинг эшаги яна эшаклигини қилади. Шунча одамнинг унга қараб оёқ олишига вақтлари йўқ эди.

Ҳалима ҳам эри ўғли ва Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) билан сал кейинроқ ҳаммаси бир оила бўлиб йўлга чиқдилар. Қари эшак Ҳалима билан бирга Аллоҳнинг энг гўзал бандасини ҳам кўтариб кетаётганди. Ҳорис эса ўғли Абдуллоҳ билан туянинг устида кетаётганди. Бироқ эшак бу сафар бошқача бўлиб қолганди. Худди бир нарсадан қувонгандек югиргилаб кетарди. Олдинроқ чиққанлар Сирар водийсига яқинлашдилар. Энди қабила одамлари уларнинг ортидан эргашиб борарди. Ҳорис туясини ниқтади, эшакнинг олдига ўтиб тўхтади. Улар қабиладошларини кутиб туришди.

Аёллар овоз берди:

— Бошингга раҳмат ёғилсин, Ҳалима! Сал астароқ юр. Биргаликда кетайлик. Ўтган куни келаётганимизда дунёни кўзимизга тор қилган эшак шуми, ёки бу бошқа эшакми?

Ҳалима ҳам дугоналари билан кетишни хоҳларди, аммо эшаги ҳеч бир ерда турмай, фақат олдинга интиларди. Туясига қамчи босган Ҳорис яна эшакнинг олдига ўтди. Уни нўхтасидан ушлаб тўхтатиб турди. Биродарлари етиб келиши билан қўйиб юборилган эшак яна югиргилаб кета бошлади. Шунда сафардошлари:

— Сизлар эшакни бошқасига алмаштириб қўймадингларми? — дея сўрадилар.

— Йўқ, ундай қилганимиз йўқ!

Яна бири деди:

— Ҳа, бу ўша эшак, бироқ унга нимадир бўлган!

— Ўша танбал эшак, ўткан кунги қилмишидан пуншаймон бўлган. Унинг ҳисобини чиқариш учун бугун пойга ўйнамоқчи, шекилли!

Ҳалима ниҳоятда бахтли эди. Чунки остидаги улови унга ва дугоналарига: «Албатта, мен бугун бошқачаман, чунки менинг устимда набийларнинг энг хайрлиси, пайғамбарларнинг саййиди, дунёдаги бутун инсониятнинг энг шарафлиси, Аллоҳнинг ҳабиби кетиб бормоқда. Бу муборак зотни ташиётганда, албатта, ўзгача ҳаяжон бўлади», — дея ҳайқираётгандек эди.

Ҳалима Маккадан қайтар экан, ўзи билан бирга қайтиб келаётган аёллардан бир қисмининг «Қани энди, етим деб кетиб қолмаганимиз-да, ҳозир бу гўдакни биз олган бўлардик!» — деб айтишларидан хавотирланиб уларга индамади. Тўғриси, у қучоғидаги боласини жуда-жуда қизғанаётганди.

* * *

Бани Саъд қабиласининг ерлари кўп вақтлардан буён бир томчи сувга зор эди. Жониворлар бир тутам ўт ҳам топа олмасдилар. Туялар, қўйлар эрталаб уйдан оч ҳолда кетиб, кечқурун оч ҳолда қайтардилар. Меъдалар бўш, елинлар қуруқ бўларди. Лекин улар билан бирга чиққан Ҳалиманинг моллари қоринлари тўқ, елинлари сутга

тўла ҳолда уйга қайтишарди. Бу уйга қандайдир барака келганини одамлар ҳам сеза бошлашди. Болалардан тортиб, ёши энг улуғ кексаларгача Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг келганидан мамнун эдилар.

Одамлар чўпонларга:

— Бизнинг молларни ҳам Ҳалиманинг моллари ўтлайдиган жойда боқинглар, — дейишарди. Бунга жавобан чўпонлар:

— Айнан бир жойда ўтлатамиз. Ҳар куни бир вақтда чиқиб, бир вақтда қайтамиз. Лекин нима учун уларнинг моллари тўқ, сизники оч ҳолда қайтаётганларини ҳеч тушуна олмаяпмиз, — дердилар. Молларнинг емай туриб, қорни тўйиши, тўймай туриб, сут бериши ақл бовар қилмайдиган ҳолатлар эди.

Ҳалима баъзан билиб, баъзан унутиб, Абдуллоҳга аталган кўкракни Муҳаммадга тутарди. Лекин ҳар доим бу гул дудоқлар ёпилар, севимли юз эса: «Биродарим Абдуллоҳнинг ҳақини емайман, менга ўзимникини беринг!» — дегандай ўнг ва чап томонларга буриларди.

Келган илк кунларидан буён иккала боласи ҳам ширингина ухлар, ота-онаси ва ака-укаларини безовта қилишмасди. Буюк Роббимиз Муҳаммаднинг безовта бўлишини истамагани учун, Абдуллоҳнинг бешигини фаришталарга тебратишни буюргандек эди.

— Ҳалима қиз! Қандай гўзал ҳид бу?! Аллоҳга қасамки, бу болада нимадир бор! — дейдиганлар кўп бўларди.

У билан Маккага бориб, ота-онаси бор болаларни олганлар Абдулмутталибнинг набирасини олмаганларига, етим дея лаб бурганларига пушаймонлар ейишди.

Кунлар Ҳалиманинг бахтга тўла кунлари сифатида бирин-кетин ўта бошлади.

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) мукамал даражада улғайиб, катта бўла бошлади. Саккиз ойлик бўлганида тили чиқди. Тўққиз ойлик бўлганида бемалол гаплаша бошлади.

Бу уйда Оламлар Сарварига шерик бўлган уч опа-укалар бор эди. Бири Абдуллоҳ эди. Муҳаммад билан бирга бир онани эмардилар. Абдуллоҳнинг икки опаси ҳам бор эди: Аниса ва Шайма. Шайма вақти-вақти билан онасига қарашар, севикли укаси Муҳаммадга хизмат қиларди. Елкасига опичиб кўчаларни айлантирарди.

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) икки ёшга тўлганда сутдан чиқиб, дўмбоққина бола бўлганди. Энди онасининг ҳузурига қайтмоғи лозим эди. Бир куни тонгда кўкалдош биродари Абдуллоҳ, опалари Аниса ва Шайма, ҳамда яқинлари билан хайрлашди. Саъд ибн Бакр қабиласи ерларидан узоқлашди. Ҳалима ва Ҳорис билан биргаликда Маккага қайтдилар. Онаси, бобоси билан кўришмоғи керак эди. Маккада унинг йўлига нигорон бўлиб, кўзларига соғинч ёши тўлган қариндошлари бор эди.

Оминанинг ўғлига етишиши жуда ғамгин ҳолат бўлди. Ўшанда эндигина икки ойлик бўлган гўдагидан айрилиш унинг ҳасратларини орттирганди. Ушбу ўтган икки йил мобайнида йиғилган губорлар ювилди. Ҳалима Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг Бани Саъд қабиласида ўтган даври ҳақида, ҳар бир ғаройиб ҳодиса ва ҳолатлар ҳақида сўзлаб берди. Улар Муҳаммаддан мамнун эдилар. У оилага келгандан кейинги барака, тинч ва оромбахш уйқу, ётоғининг доимо тоза бўлиши, сут ота ва сут онасини асло ранжитмагани, ака-опалари билан бўлган муносабатлари — буларнинг бари Оминага айтилди. Ҳалима сўзларини шундай тамомлади:

— Биз Муҳаммадни ўз фарзандимиздек кўрдик ва шундай муносабатда бўлдик. Чунки у келгунича уйимизда барака йўқ эди. У келгач, юзимизда кулгу пайдо бўлди. У келгач болаларимизнинг қорни тўядиган бўлди. Уйимизда аҳиллик ҳукмрон бўлди. Роҳат-фароғатда, ҳузурда яшадик. Албатта, сен унинг ҳақиқий онасисан, бундан кейин у сенинг ёнингда қолади. Аммо бизни би-

роз ўйлантирган, ҳаттоки хавотирга солган бир нарса ҳақида сенга айтмасак бўлмайди.

– Нима экан у?

– Макка вабоси!..

Омина ўйга толди. Ҳақиқатан ҳам шу кунларда Маккада вабо касали тарқалганди. Унинг Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га ҳам юқиши эҳтимоли йўқ эмасди.

Вабо... Тўхтатиб бўлмайдиган бу ўлим шамоли Макка кўчаларида эсаётган, хоҳлаган эшигидан кириб, хоҳлаган одамани олиб кетаётганди. Ҳеч кимнинг кўз ёшига қарамасди. Ҳар куни у туфайли бирор кўчада ўлим содир бўлаётганди. Абдулмутталибларнинг хонадони эшиги қачон очилади, бу оила қачон кимни қурбон беради – буни билиб бўлмасди.

Бир тарафда дунёнинг гавҳари бўлган Муҳаммад, бир тарафда одамларни тутдек тўкиб келаётган вабо...

«Болам ўзим билан қолади...»

Омина бу гапни айта олмади. У ўз кўнглини билиб туриб жигар, порасини таҳликада қолдиришга кўндира олмади. Чорасиз эди. Ҳасратга тўлганча, соғ бўлиб, бу балолар ўртадан кўтарилса, яна учрашишларини умид қилиб Ҳалима билан ортга қайтиб кетишига розилик берди.

Бироқ икки йиллик соғинч азобларини икки онлик дийдор билан аритиб бўлмас эди. Шу боис у ўғли эндидаги кўйлакни ечиб олиб, янгисини кийдирди. Асл мақсади унинг ҳидини, атирини ҳидлаш, ҳасратларини бироз бўлса-да аритиш, уйқусиз кечалардаги оққан кўз ёшларини шу кўйлак билан қуритиш эди.

Яна айрилиқ соатлари яқинлашган вақт:

– Хайр, саломат бўл! Сени Аллоҳга омонат топширдим! – деди.

Шу сўзларни айтди, бироқ кўзларига ёш келди. Ҳалиманинг кўлидан тутганча ортига қараб-қараб кетаётган боласида қолиб кетди унинг кўзлари. Кўнгли ўғлининг

ортидан эргашиб кетаётгандек эди. Улар кўздан ғойиб бўлгач, уйга кирди. Йиғлади, тўйиб-тўйиб, қатиқ-қаттиқ йиғлади.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, қўшнининг уйидан аччиқ фарёд эшитилди. Маккада тарқалган вабо яна бир эшикка бош суққан, қурбонини ўзи билан олиб кетганди.

Оминанинг кўнгли энтикди. Ҳар ишга қодир бўлган буюк қудрат Соҳибининг ҳузурида дуолар қилди, ялиниб-ёлворди. Болажонини қайта кўришни умид қилган ҳолда кўз ёшларини артди.

Абдулмутталиб набирасини кўрган пайтда кўзларига ишонмаганди. Икки йилда бунчалик келишкан ва дуркун бўлиб кетишини ўйлаб ҳам кўрмаганди. Лекин набираси ўзи кутганичалик чиройли, нур юзли эди. Келишидан кетиши тез бўлган Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг қайғуси уни ҳам қийнаб қўйганди.

Ҳалимага етарли даражада сут ҳақи берилди. Аслида Ҳалима бунинг учун ҳақ олмасликка ҳам рози эди. Чунки у сут ҳақини ҳар куни оларди.

Ҳалима уйининг барокати билан ортга қайтгач, у ердаги ҳамма бундан шодланиб кетишди. Бор-йўғи бир кунгина бобоси ва онасини кўриб, айрилиқ ва севинч ҳисларини туйган Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳам икки йилдан буён бирга яшаган опа-укаларининг бағрига отилди.

Ҳалима билан Ҳорис бу боланинг олдида жуда кўп қарздор бўлиб қолганини, унга янада қаттиқ боғланиб қолганликларини ҳис этдилар. Уйларининг асл тиргаги шу бола эканлигига яна бир бор амин бўлдилар.

* * *

Ҳалима Ҳорис ва Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) билан Маккадан қайтишгандан сўнг орадан бир мунча вақт ўтди. Бир куни Абдуллоҳ ҳовлиққанча ичка-

ри кирди. Ниҳоятда ҳаяжонда эди. Юзида фақат кўрқув аломатлари кўриниб турарди.

— Икки одам келди, қурайшлик биродаримни ётқизиб кўксини ёрдилар! — дея олди зўрға.

Ҳалима девоналарча ўрнидан турди. Ҳорис ташқарига отилди. Шайма ҳам орқаларидан эргашиди. Абдуллоҳнинг «қурайшлик биродари» уйнинг орқа тарафида ғамгин ҳолда тик турарди. Ҳалима уни бағрига босди:

— Нима бўлди, болажоним, нега ғамгинсан?

Берилган жавоб ҳам хавотирли, ҳам ўйлантирадиган жавоб эди:

— Оқ либос кийган икки киши келишди. Мени ерга ётқиздилар. Кўксимни ёриб, у ердан ниманидир чиқаришди. «Мана бу шайтоннинг насибасидир!» — дея отиб юбордилар. Бири сув келтирди. Юрагимни ювиб яна ёпиб қўйдилар!

Ҳалима бу гапларни эшитиб, ҳайратдан ёқасини ушлади. Ҳеч ким бу болакайнинг ёлғон сўзлашини тасаввур қила олмасди. Бироқ, на унинг кийимида, на ўша айтилган жойда қон доғлари кўринди.

— Болам, бу ҳодиса қаерда бўлди?

— Мана бу ерда!

Ҳалима яна қаради. Ҳеч нима йўқ эди: на қон, на сув, на «шайтоннинг насибаси», дея отилган парча...

Оламлар Сарвари (соллаллоҳу алайҳи васаллам) буларни айтиб бергач, «Буларни кўзим кўриб турди, бироқ мен ҳеч қандай оғриқ сезмадим», — дейишни лозим кўрмади.

— Болам, туш кўрганга ўхшайсан, ухлаётганмидинг?

— Йўқ, ухламагандим. Бу туш ҳам, хаёл ҳам эмасди.

Ҳалима Абдуллоҳга қараб:

— Сенга бу ҳақда ким айтди? — деб сўради.

— Ҳеч ким айтгани йўқ. Уларни мен ҳам кўрдим; иккиси ҳам оқ либосда эди!

Ҳорис:

— Қани кўксингни кўрсат-чи! — деди.

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) кўксини очиб кўрсатди. Билинар-билинемас чизиқ кўринди.

— Болажоним, кейин у одамлар қаерга кетди?

— Бирдан ғойиб бўлишди.

Ҳалиманинг боши қотиб қолди. Ҳорис бўлса, ҳеч бир сўз демади.

Бу ҳодиса Ҳалимани ҳам, Ҳорисни ҳам яхшигина доводиратиб қўйганди. Ҳалима оқшомга қадар ўз хаёллари билан бўлиб юрди. Ҳорис ҳам бошқача бўлиб қолганди.

Кунлари бахт ва муҳаббатга тўла кечаётганганда, бирданига содир бўлган бу ҳолатдан улар ич-этларини едилар.

Ҳалима қуёш ботгунича бирор ниманинг гувоҳи бўлиш умидида қурайшлик боласини кузатиб юрди. У Муҳаммад айтиб берган воқеа бирор нохушликка сабаб бўлишидан кўрқарди. Унинг ўзини тутишлари, гап-сўзлари жойида эди. Ширин-ширин гапириб, завқ билан куларди.

Бироқ, Ҳалиманинг ичини нимадир кемираётганди. Яна шу ҳолат такрорланса, ёки бошига бошқа бир фалокат келса!..

Кўнглини Ҳорисга очди. Ҳорис ҳам худди Ҳалима тушган каби ҳолатда эканини, уни ҳам шу нарсалар қийнаётганини айтди. Ҳамма чоралар «Бирор кўнгилсизлик содир бўлмасидан уни онаси ва бобосига элтиб бериш керак», — деган гап устида тўхтарди.

Ҳолбуки, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бу уйнинг саодат устуниси, бахт-саодат чироғи, барака булоғи эди. Қурғоқчилик ва қаҳатчилик бутун шиддати билан Бани Саъд қабиласини қийноққа солар экан, шу боланинг ҳурмати учунгина уйларига ризқ-насиба ёғилиб турарди. Ўзларини тинч ва осуда ҳаёт ичра кўрардилар.

Агар у кетадиган бўлса, нима бўлади? Туялари яна олдингидек сут бераверадими? Рўзғорида ҳозиргидек қут-барака бўлаверадими?

Қарор кўзларда ёш, юзларда чуқур қайғу ифодаси билан қабул қилинганди: болакай ўз онасининг олди-га кетмоғи лозим! Бу қарорни эшитган заҳоти Абдуллоҳ билан Шайма ўзларини жигарлари юлингандек ҳис қилишди. Кичик Абдуллоҳ бирданига:

— Қурайшлик биродарим кетса ҳеч ниманинг мазаси қолмайди! — деб юборди.

Ўша тунда Ҳалима бу уйда охирги кечасини ўтказаятган Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг олди-га бир неча бор келди, унинг ёнида тиз чўкди. Унинг мушк келиб турган нафасларидан ўпкасига тўйиб-тўйиб ютди. Унинг атрофидаги бу деворлар-у барча нарсалар бундан сўнг ҳеч қачон атир таратмайди.

Шундай, энди бу ерларда Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг хушбўй иси таралмайди.

Уни эмизиш учун қучоғига олганда, ҳар доим кўксига босганида ўзини худди жаннат боғчаларида юрган-дек ҳис этади. Бу гул юзли болакайнинг яна қорни оч қолишини, такрор-такрор келиб қучоғига суқулишини ўзгача ҳолатда орзиқиб кутарди. Кўкрагини унинг оғзига тутар экан, севинчдан титраган вақтлари кўп бўларди. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) — эмаётганда эса, иккисининг фаришталар ўраб олгандек бўлар, ёки Ҳалиманинг ўзи нурлар уммони-га фарқ бўлганга ўхшарди. Руҳи эса ақли етиб бора олмай-диган юксакликларда парвоз этади.

Ажабо, келажакда бу болакайнинг буюк инсон бўлиб етишганини ҳамма кўрган вақтда Ҳалима ҳам ҳаёт бўлармикан?!

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг ўз уйига қайтиб кетганига анча вақт бўлса-да, уйдаги ҳидни сезиб унинг қандай мушк эканига қизиққан аёллар:

— Бу Муҳаммаднинг ҳиди! — деган жавобни олишарди.

— Эй, Ҳалима кўп гапни айланторма, бу ерда Муҳаммад йўқ-ку! — дерди улар.

Бироқ, Ҳалима ёлгон гапирмаётган эди. Унинг нафаси, унинг ҳиди, унинг энига кийган либоси, ҳаттоки унинг кўлини ушаган бола ҳам бир қанча вақтгача ўзидан муаттар ҳид таратарди. Бу ҳолатни ўз кўзлари билан кўрган кишилар болаларига:

– Сен бугун Муҳаммад билан ўйнагансан, шекилли? – деб айтишарди.

Кўр одам ҳам ёнига келганнинг Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) эканини яхши биларди. Бу бўй Ҳазрат Одам алайҳиссаломдан бери яшаб келаётган ва Қиёматгача давом этадиган инсонлар орасида фақат ва фақат унгагина тегишли эди.

Ўша кеча Ҳалима то тонг отгунича бир неча бор уйғонди. Ҳар сафар уйғонганида келиб Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг муаттар бўйини ҳидлаб кўярди. Ҳар сафар энтикиб-энтикиб кетарди, ҳар сафар ичидан нималарнингдир узилиб кетаётганини ҳис қиларди.

Ҳалима истардики, бу кеча ҳеч қачон поёнига етмаса! Куёш секин чиқиб, бу уйнинг азиз ва қадрли меҳмони уни кечроқ тарк этса! Ҳалима уни уйида меҳмон қилиш завқини яна бироз туйса!

Аксинча, кеча елдек учиб ўтаётганди. Тун охирлаган сари хўрозлар қичқириб, тонг яқинлигидан дарак бера бошлаганди. Ҳалима энди ёта олмасди. Боласининг ёнбошига ўтирди. Айрилиқ онлари яқинлигини ҳис этган кўзларидан қайноқ ёшлар оқа бошлади.

Хўрозларнинг қичқириғини ҳеч ким тўхтата олмади. Чунки уларнинг Ҳалима чекаётган дарддан хабарлари йўқ. Тўхтамасдан кетма-кет қичқиравердилар. Бу қичқириқлар ухлаб ётган бир жуфт кўзнинг очилишига сабаб бўлди. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) кўзларини очгач, бошида сут онасининг ўтирганини кўрди. Қўлларини унга узатиб кулимсирар экан, лабларидан «онажон» деган сас чиқди.

Ҳалима ортиқ чидаб туролмади.

— Гул юзли болажоним менинг! — дея уни қучоқлаб олди, бағрига босганча хўнграб йиғлаб юборди.

— Нега йиғлаяпсиз, онажон?

— Чунки бугун Маккага, ўз онанг ҳузурига борасан. Биз айриламиз, болажоним! Лекин сендан айрилиш биз учун жуда оғир...

Ҳамма ўрнидан турди. Ҳозирлик кўрилиб, ака-укалар, ука-опалар хайрлашди. Қари, кулранг эшак яна йўлга тушадиган эди. Силкитилган кўллар, ёшланган кўзлар кузатувида сафарга чиқилди.

— Яна келгин, Муҳаммад!

— Сени соғиниб қоламиз, ҳеч қачон унутмаймиз!

Бу овозлар улар узоқлашиб кўринмай қолгунларича давом этди. Бора-бора бу овозлар эшитилмай қолди, фақат кўтарилган кўллар кўринди. Яна бир ошиб ўтилган адир Бани Саъд қабиласининг ерларини бутунлай кўздан тўсиб қўйди.

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) буткул қайтмас бўлиб кетаётганди. Шунинг билан бирга унинг кўнглида биродарлари, ака-ука ва опа-сингилларига бўлган муҳаббат ҳамиша мавжуд бўлиб қолади.

Макканинг юқори маҳалласига келишганларида Ҳалима бир иш юзасидан уни ўша ерга қўйиб кетди. Қайтиб келгач эса, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни ташлаб кетган жойидан топа олмади. Ўнгу чапга, атрофига назар ташлади. Оломон орасида гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга зир югурди. Сўнгра бирданига қўлини пешонасига тиради:

— Худо сақласин! — дея ингради.

Бир онда пайдо бўлиб, ҳайратланарли ишларни қилган ва кўздан ғойиб бўлган ўша икки нотаниш хилқат яна бирор ишни бошлашдимикан? Агар шундай бўлса, Ҳалиманинг қўлидан ҳеч бир иш келмайди. Қаердан келиб, қаерга кетгани номаълум бўлган, бир онда кўриниб,

яна ғойиб бўлган мавжудотларга кимнинг ҳам кучи етарди?!

Ҳалима яна Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни қўйиб кетган ерига қайтиб келди. Яна тополмади. Дуч келган одамдан сўрай бошлади.

— Боланг қанақа эди?

— Бўйи шунча эди, дунёдаги энг гўзал бола эди.

— Йўқ, кўрмадик.

Яна ахтаришни бошлади. Ҳалима узоқлашгач, ўша ерда турган аёллардан бири иккинчисига деди:

— Одатда бола онасига тортади, бу аёлдан чиройли бола туғилиши мумкинми?

— Ҳар бир она учун ўз боласи дунёдаги энг гўзал боладир, — дея жавоб қилди иккинчи аёл.

* * *

Абдулмутталиб Каъбанинг соясида кун заволга келгунга қадар дам олиб ўтиргач, оғир қадамлар билан уйга йўл олди. Энди уйи дарвозасининг олдига келганди ҳамки, шошганидан ўпкаси ҳалқумига тиқилгудек бўлиб келаётган аёлни кўриб қолди. Унинг бир дарди борга ўхшарди. Макканинг раиси сифатида унинг арзи ҳолини эшитиши лозим эди. Аёл ҳам уни узоқдан таниганди.

— Эй Абдулмутталиб, мени кутиб турунг, — дея овоз берди. У саросимада эди. Танишга ҳам ўхшаб кетарди. Аёл Абдулмутталибнинг олдига келгач:

— Мен Ҳалимаман! — деди.

— Яхши, танидим! Менинг набирам қаерда?

— Уни ахтариб юрибман!..

Абдулмутталиб шошиб қолди, бир қўли билан деворга суянар экан:

— Нималар деяпсан? — деди.

Ҳалима бир неча жумла билан бўлган воқеани айтиб берди. Абдулмутталиб борган сари сулайиб бораётганди. Дарҳол ўзини қўлга олди.

— Бу гапни Омина эшитмасин! — деб тайинлади.

Кейин ҳамма тарафга хабар юборди. Ҳамма Абдулмутталибнинг набирасини қидира бошладилар.

Қурайшнинг ҳошимийлар уруғидан чиққан, Саййид ул-мурсагин бўлиш йўлида бардавом кетаётган сеvimли Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Ҳалима кўйиб кетган еридан қаерга гойиб бўлганди?! Нега у ердан кетиб қолди, қаерга кетди, нима учун ортига қайтмади ёки онасини қидирмади?!

Бу саволнинг жавоби биз учун қоронғу!

Бозор тарқалиб, одамлар сийраклашган пайт эди. Қоронғу туша бошлаганди. Оминанинг бўлиб ўтган воқеалардан хабари йўқ.

Макканинг юқори тарафида қўлларида машъала тутганча Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни қидиришга чиққанлар:

— Бу ердан, Мен Абдулмутталибнинг набирасиман!.. — дея бақирган болакайнинг овозини эшитдилар.

Кўп ўтмай сеvimли набира ўз бобосининг кучоқларида эди.

— Болажоним, мен Абдулмутталибман! Бобонг сендан ўргилсин! — дея эркаларди.

Ҳаяжони тарқаб ўзига келган болакай Оминанинг кучоғига топширилди.

Ўша кеча Ҳалима Оминанинг уйида меҳмон бўлди. Уйига барака келтирган боласининг уйида тонг оттирди.

Ҳалима ортга қайтди. Омина энг қимматли жигарпорасини бағрига босганча қолди. Жондан суйган боласининг дийдори унинг кўнглини тўлдирганди. Ҳар жиҳатдан мислсиз инсон бўлишига ишонган бир болакайнинг онаси эканлигидан туйган қувонч ҳисси бутун вужудини қамраб олганди.

Сеvimли Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Бани Саъд қабиласидан жуда кўп хотиралар билан

қайтганди. Сут онаси, тутинган отаси, қардошлари, ўйин ўйнайдиган ўртоқлари, қўшнилари...

Булар орасида инсонларнинг баъзан тик тургазиб қўйилган тошлар олдида тушуниб бўлмас ҳаракатлар қилиши ҳам йўқ эмасди.

Абдулмутталибнинг кўнгли жойига тушганди. Набирасининг кундан кунга улғайиб, камол топиб бораётганини кўриб ич-ичига сиғмай кетарди. Уни бир кун кўрмаса, бир ерда туролмай қоларди. Каъбанинг соясига тўшалган кўрпачасида ўтираркан, юрагида бир бўшлиқ борлигини ҳис қилар, фақат набираси Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг ўзи томон келаётганини кўргач, енгил нафас оларди. Қалбини қоплаб келаётган туманлар ортга чекинарди.

Абдулмутталиб ниҳоятда жиддий, виқорли ва вазмин одам эди. Шу даражада эдики, ҳатто ўғиллари, Макканинг олди кишилари ҳам у ўтирган кўрпачага ўтиришга журъат қила олмасдилар. Унинг қаршисида доимо одоб сақлаб турардилар. Баъзан севимли набираси чопиб келиб бобосининг ёнига ўтиришни хоҳласа, амакилари уни турғизиб юборар, лекин Абдулмутталиб:

— Набирамни қўйиб юборинглар! — дерди. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) яна бобосининг ёнига келиб ўтириб оларди.

Фил воқеаси содир бўлганига икки ярим йилдан ошганди. Тамим қабиласининг оқсоқолларидан бўлган Абу Қаҳофага бир ўғил фарзандли бўлгани хабар қилинди.

Болакайга Абдулкаъба деб ном берилди. Арабларнинг куня бериш одатлари бўйича кейинчалик Абу Бакр деб аталадиган, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан Абдуллоҳ дея қайта исм бериладиган улуг зот мана шу болакай эди. Унинг онасини Уммул Хойр (Яхшиликнинг онаси) деб чақирардилар. Асл исми эса Салма эди.

АБВОДА ҚАЗИЛГАН ҚАБР

Орадан бир неча йиллар ўтди. Абдулмутталибнинг набираси Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) олти ёшга тўлди.

Абдулмутталиб унга чин маънодаги шафқат қаноти бўлди, оиласининг нима эҳтиёжи мавжуд бўлса, барини ортиги билан адо қилди. Фақат Оминанинг ичида ҳеч тугаб битмайдиган, камайиши кутилган сари ортиб борадиган бир дард бор эди. Бева ҳолда яшаётганига олти йилдан ошди. Бир куни у Абдулмутталибга:

– Отажон, ичимда бир дард бор, — деди.

– Нимага ундай деяпсан, қизим?

– Билмадим, лекин ҳеч ўзимни тинчлантира олмаяпман.

Абдулмутталиб бошини қуйи солиб, бир муддат ўйлаб қолди:

– Бир ҳаво алмаштириб келсанг яхши бўларди, қизим, — деди.

– Қаерга бораман?

– Ясрибга бор. Тоғаларингни кўриб келасан, ҳам эринг Абдуллоҳ қабрини зиёрат қиласан.

Омина қайнотасининг таклифини қабул қилди. Худди кекса Абдулмутталиб унинг ичидаги ниятларини ўқиётгандек эди.

– Отажон, қачон йўлга тушсам бўлади?

– Кўнглинг қачон боришни хоҳласа, ўша вақтда. Ўша тарафга кетаётган бирор карвонга сени кўшиб юбораман. Бориб озроқ кўнгил ёзиб келасан.

Бир неча кундан кейин Абдулмутталиб Ясрибга кетаётган карвон ҳақида маълумот топиб келди. Омина Зухро қабиласига бориб қариндош-уруғлари билан хайрлашди. Кейин эса карвондагиларга кўшилди. Суюкли ўғли Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) билан жорияси Умму Айман ёнида эдилар. Улар икки туяга миниб олгандилар.

Карвондагилар тонг саҳардан йўлга тушишар, кун қиёмга келгунча юришарди. Кейин эса қуёшнинг чидаб бўлмас ҳарорати остида дам олишга мажбур бўлардилар. Аср вақтида кун биров қайтгач, йўлга тушиш учун рухсат берилар, туялар яна хизматга шай қилинарди. Қумлар узра секин-аста одимлаётган бу туялар битмас-туганмас сабр билан Макка ва Ясриб орасидаги олис йўлни босиб ўтардилар. Чор тарафда дўмпайиб турган қум тепаликлар киши кўнглига қутқу солар, юракларга ваҳима тўлдирадди. Бир тепаликнинг ортида пистирма қўйган қароқчилар тўдаси исталган пайтда уларни тўхтатиб қолиши мумкин. Улар фақатгина буюк ва қудратли Аллоҳнинг ёрдами билан бундай таҳликалардан омонда эдилар.

Ора-сирада туяларнинг шижоатини ошириш учун айтиладиган шеърлар эшитилиб қоларди. Кўз илғамас узоқ ерларгача чўзилиб кетган қумлар устида соатларча бирон дов-дарахт учрамас эди. Баъзан бошини бошига қўйганча нималарнидир ҳасратлашаётган бир неча туп хурмо дарахтларига дуч келишарди. Айрим пайтларда осмонда бир қанча қушлар кўринарди, бу одамларга яқин орада сув борлигидан дарак эди. Улар ўша ерда тўхтаб мешларини сувга тўлдириб, туяларни суғориб олгач, яна йўлга равона бўлардилар.

Сафар бир неча кунга чўзилди. Қуёш ҳам бир неча марта уфқдан бош кўтариб, қайта бош қўйди. Ниҳоят, яшил хурмо дарахтлари бўй чўзиб турган шаҳар кўринди.

— Ана Ясриб! — дея бақирганлар ҳам бўлди.

Карвондаги одамлар севинчга тўлдилар. Севинишга ҳақлари бор эди-да, ахир. Йўл бўйи бирор марта қароқчилар тўдасига дуч келишмади, ваҳший ҳайвонларга ем бўлишмади. Чангиб ётган тупроқ ичида туяларига минганча давом этган сафар ниҳоя топди.

Карвон яна узоқроққа борармиди, ёки шу ерда қолармиди? Омина бу билан қизиқиб кўрмади. Фақат бу

ернинг Ясриб экани айтилгач, карвондан тушиб қолди. Абдулмутталибнинг онаси Салма шу шаҳарнинг қизи эди. Абдулмутталибнинг анча ёшга бориб қолганини ҳисобга олсак, онаси Салманинг вафот этиб кетганига кўп йиллар бўлганди.

Омина дуч келган илк одамдан:

– Бани Нажжор одамлари яшайдиган ерга бормоқчи эдик, – деди.

Ҳалиги одам боши билан ишора қилди:

– Туянгни мана бу тарафга ҳайда.

Бани Нажжор ерларига ҳам етиб келдилар. Уларни хурсандчилик билан кутиб олишди.

Омина Ясрибга келганининг эртаси куни бир қабрнинг олдида йиғлаган ҳолда турарди. Бу қабр Абдуллоҳга тегишли эди. Бир куни тонгда Маккадан йўлга отланган, уни кузатар экан, ортидан маҳзун-маҳзун ҳолда қараб қолган Абдуллоҳни орадан олти ярим йил ўтгач, мана шу ерда кўраётган эди. Аммо кўрганлари фақатгина бир уюм тупроқ. Бу тупроқнинг остида ҳаётда яшаб қолиш учун бор кучи ила ҳаракат қилган йигит – Абдуллоҳнинг суякларидан бошқа ҳеч нима йўқ.

Тирик қолиши учун юзта туя қурбон қилинган Абдуллоҳ!..

Маккалик бир аёл тарафидан: «Агар менга уйлансанг, сенга юз туя бераман!» – дея турмуш қуриш таклифини олган Абдуллоҳ...

Оламлар Сарвари (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг отаси эканлигини билмасдан, унинг гул юзини бир бора бўлсин, кўрмасдан ажал ўқиға учраган бечора Абдуллоҳ шу ерда ётган эди.

Омина қабр бошида тиз чўкди. Нима қиларини, нима деярини билмасдан, ўйланганча қотиб қолди. Кўзлари қабр тупроғига тикилганди. Шу ҳолатда экан, нималарни ўйлади? Кўз олдидан нималар ўтди, у ерда қанча қолиб кетди – маълум эмас. Қароқларидан ёноқларига

думалаб тушаётган қайноқ ёшларни ё ўзи сезмади, ёки артиб ташлашни лозим кўрмади.

Вафот қилган умр йўлдоши учун кўз ёш тўкмоғи айб эмас эди. Гул умрининг айна баҳорида эндигина уйланган йигит сафардан қайтиш чоғида вафот қилганди. Олти йилдан ортиқ вақт мобайнида юрак-бағри қоврилган, вақти-вақти билан ҳасрат туйғулари алангаланган Оминанинг қалби тилка-пора бўлганди. Айна шу онда ўтирса ҳам, турса ҳам ҳар вақт қалбида яшаб келган суюклиси Абдуллоҳга оид бўлган туйғулар уни ёндирарди. Ичига сиғмаганлари эса қайноқ кўз ёш бўлиб яноқлари узра думаларди.

Омина қабр тепасида қанча қолиб кетганини билолмади. Билса-да, бирор ниманинг фарқига боролмасди. На бозорда иши бор эди, на бошқа ерда. Тоғаларининг уйига қайтиб келди.

Бани Нажжор маҳалласидаги болалар янги дўст орттирганларидан хурсанд эдилар. Келишган, гўзал юзли, ширинсўз дўст эди бу бола. Аммо бақир-чақирни, жанжал-тўполонни ёқтирмасди. Уришиб қолган болаларни ажратиб, яраштириб кўярди. Қўл ва юзлари, кийган либослари ҳам тоза эди. Маккадан — Бани Ҳошим юртидан келганди у.

Бир куни Омина суюкли ўғлини хурсанд ҳолда кириб келганини кўрди. Унинг қувноқ ҳолда юриши Оминанинг оловли юрагига сув сепгандек бўлар, бундан ором оларди.

— Бугун хурсандсан, ўғлим?

— Шундай, онажон! Сузишни ўрганиб олдим.

Оминанинг капалаги учиб кетди:

— Қаерда?..

— Адий ибн Нажжорнинг ҳовузида.

— Аммо, болажоним, эҳтиёт бўлгин! Бирор зиён-заҳмат етмасин.

Меҳмондорчилик бир ойча давом этди. Бу орада суюкли Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бола-

лар билан қалин дўст бўлиб олди. Тоғаларининг болалари билан тепаликда ўйинлар ўйнади.

Бир куни Бани Нажжор юрти билан хайр-хўш қилинди. Омина ўғли ва жорияси билан Маккага қараб йўлга тушдилар. Мезбонлар:

– Яна кутиб қоламиз, Омина!

– Сизларни соғинамиз!

– Бизнинг номимиздан Абдулмутталибнинг оиласига салом етказинглар! – каби сўзлар билан кузатиб қўйилди.

Кузатиб қолганларда ширин хотиралар бор эди. Қайсидир бири маҳзун юзли Оминадан, қайсидир бири унинг нур юзли ўғлидан ҳайратланганларини айтиб, ўзаро шивирлашишарди.

Оминага бу сафар хуш ёқди. Эрининг қабрини зиёрат қилди, дугоналари билан ҳасратлашди. Маккага қараганда ҳавоси енгилроқ бўлган Ясрибда, хурмо дархтларининг соясида, боғларда, адирларда вақт ўтказди. Энди қайнотасини ҳам кўргиси келганди.

Бир неча кунлик сафар оқшом пайтида «Абво» номли қишлоққа келиб тўхтади. Сабаби Омина беҳузур бўлиб, ўзини ёмон ҳис қила бошлаганди. Бу ҳолатда яна йўлга чиқиб бўлмас эди. Шу ерда бир неча кун дам олиб, кейин йўлга тушишни ўйладилар.

Араб халқининг меҳмондўстлиги шу жойда ўзини намён қилганди. Омина умуман бегона бўлган бир оилада меҳмон бўлди. Бироқ, касаллиги ҳар соат оғирлашиб бораверарди. Умму Айман Оминанинг ёнида ҳеч нима қила олмай, чорасиз қараб ўтирарди. Гул юзли боласи Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳам ичи дардга тўла ҳолатда, аста-секин вужудидан ҳарорат кетиб бораётган онасига термулганча яхшилиқни умид қилиб ўтирарди.

Уй эгаларининг ҳаёт тажрибалари, Умму Айманнинг ғайрати ҳам, гул юзли боласининг меҳри ҳам тақдир олдида ожиз қолди. Омина чиқаётган жонининг бўғзига

келганини ҳис қилар экан, ёнида маҳзун юзли, кўзлари ичига кириб кетган боласига қаради. Уни ўзига яқинроқ тортди. Энди жуда оғир қимирлаётган лаблари боласининг юзларидан ўпди. Унинг муборак ҳидларидан тўйиб-тўйиб нафас олди. Унинг мажолсиз қўлларини ўз кўксига қўйди. Аллоҳ таолонинг ҳар қандай неъматларининг, раҳматларининг энг буюк намунаси бўлган, дунё ва охиратнинг султони, Набийлар Сарварини шу аёл дунёга келтирганди. Аммо уни тўйиб бағрига босолмади, бор меҳрини беролмади! Чунки боласига ўзидан-да яқин, ўзидан-да ҳақли ҳеч бир кимса йўқ эди.

Боласига сўнгги бора қараб турганини билиб, узоқ тикилиб қолди. Кейин ичидаги туйғу ва дардлари титроқ сўзли байтлар ҳолида тилдан тўкила бошлади:

— Эй ўлим ўқидан яраланган, Аллоҳнинг лутфи ва ёрдами билан юз туя эвазига қутқариб олинган кишининг боласи!.. Аллоҳ сени муборак ва давомли қилсин! Агар тушимда кўрганларим тўғри бўлса, сен жалол ва икром соҳиби Аллоҳ тарафидан Ҳазрат Одам болаларига ҳалол ва ҳаромни билдирадиган пайғамбар этиб юбориласан! Сен бобонг Иброҳимнинг динини тиклаш учун курашасан. Аллоҳ сени неча вақтлардан буён давом этиб келаётган бутлар ва бутпарастликдан озод қилади.

Ҳар бир туғилган жон ўлади, ҳар бир янги нарса эскиради. Ҳар бир қариган бу фоний дунёдан кетади, ёшлари эса қариб, кексаяди. Шундай экан, мен ҳам ўламан. Аммо доимо одамлар хотирасида яшайман. Чунки пок ва тўғри фарзандни дунёга келтирдим. Орқамда хайрли бир хотира қолдириб кетмоқдаман.

Омина бошқа гапира олмади. Нафаси тикилиб терга ботди. Энди қайтиб бўлмайдиган йўлнинг охирига етганини, сўнгги онларини яшаётганини англади. Ҳеч қачон қараб тўймаган боласига яна бир бор қарашни истади. Зўрға бир неча сония қараб тура олди. Кейин эса чуқур

бир нафас олиб ҳаётини якунлади. Вужуди жонсиз ва ҳаракатсиз қолди.

Умму Айманнинг чинқириви, етим бўлиб қолган боланинг йиғиси бир-бири билан қўшилиб кетди.

Оминанинг вазифаси инсонларнинг раҳбари, тенгсиз султонини қорнида олиб юриш, дунёга келтириш эди. Буни бажарди, бироқ, энди дунё унга зиндон бўлиб қолганди. Эндигина турмуш қурганда эри вафот қилди, болажонини ўзи хоҳлаганидек бағрига босишга улгурмай ўлим фариштаси билан юзлашди.

Унинг охирати нима бўлади? Қандай натижа билан тугайди?

Кўнгил уни жаннат неъматлари орасида кўрмоқликни хоҳлайди. Фақат бу саволнинг ҳақиқий жавоби ҳақида сўзлаганлар Аллоҳга ҳавола қилишдан нарисига ўтмаганлар. Бу саволни Оламлар Сарвари Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га Оминанинг она бўлишини ихтиёр қилган буюк Роббимизга қўйиб бермоқ энг тўғри йўлдир.

Гул юзларидан ёмғир каби кўз ёш тўккан болакай ўзини Умму Айманнинг қўлларида кўрди. У болага меҳрини берди. Чўл деб аташга муносиб бўлган қум дарёсининг ўртасида, ўзлари меҳмон сифатида қўнган бир уйда онасидан жудо бўлиш осон эмасди. Онасини бегона тупроққа топшириш ва ундан бир умрга айрилиш ҳам эндигина олти ёшдан ўтган болакай учун жуда қийин эди.

Омина Абво қишлоғидаги қабристонга қўйилди. Бу ҳол нур юзли бола учун азоб бўлди. Онасининг устига тортилган тупроқлардан-да оғир юк остида қолганини ҳис этди.

Кейин машаққатли сафар бошланди. Умму Айман бир туяга минди. Ота-онасидан етим қолган болакайни қучоғига олди. Иккинчи туяни ўзларига эргаштирган ҳолда йўлга чиқдилар.

Абво қишлоғи ортда қолиб бораркан, ора-сира-да орқасига қараб-қараб кўйган болакай кўзларидан ёш оқизганча: «Она, онажоним!» – дея кетиб борарди. Бироқ Умму Айман уни бағрига қаттиқ босганча меҳр билан бошини силарди.

Туянинг устида чайқала-чайқала давом этган бу сафар бир неча кун давом этди. Ниҳоят Макка водийси кўринди. Каъбанинг ёнидан ўтиб Абдулмутталибнинг уйига кирилди.

Абдулмутталиб қаршисида набирасини кўриб дунёга қайта келгандек бўлди. Кўзида ёшлар билан кучоғига отилган набирасини шундай соғингандики!

Бироқ орада қандайдир ғамгинлик бор эди.

– Онанг қани, болажоним?!

Шу пайт қаттиқ йиғи овози эшитилди. Умму Айман бўлиб ўтган воқеаларни йиғлаганича айтиб берди. Абдулмутталиб унинг сўзларини кўзларида ёш билан тинглади.

Энди бобосининг кучоғи Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг ягона паноҳи бўлиб қолганди. Шу билан бирга у бобосига эмас, бобоси унга муҳтож эди. Абдулмутталиб набирасини ёнидан айирмади. Бир гапини икки қилмай меҳр кўрсатди.

Умму Айман унинг энагаси ва яқин дўсти бўлиб қолганди.

– Набирамдан кўзингни узма! Сенинг вазифанг фақат шу.

Бу гап Умму Айманга айтилганди. Бу гап унга роҳат берарди. Чунки Умму Айман вазифасини ноиложликдан эмас, ўзи чин қалбдан хоҳлагани учунгина қиларди. Ҳар иккисининг орасида меҳр риштаси боғланганди. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Умму Айманни «Онамдан кейинги онам», – дея марҳамат қилгани боис у ҳам Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни чин қалби билан, боласидек яхши кўрарди.

АБДУЛМУТТАЛИБНИНГ МЕҲР ҚУЧОҒИ

Абдулмутталиб набирасига фақатгина шафқат ва меҳр кўрсатар, унда ўзгачалик ва улуғ шахс бўлиш белгиларни кўргани боис гоҳ-гоҳида қиладиган ишлари юзасидан Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) билан маслаҳатлашиб оларди.

Набираси ҳам уни фақатгина бобоси сифатида эмас, балки энг яқин дўсти, биродаридек муносабатда бўларди. Абдулмутталибнинг қорни қанчалар оч бўлса-да, набираси бўлмаса дастурхонга ўтирмас, агар ўтириб қолса, у келмасдан таомга қўл узатмасди.

Абдулмутталиб хонасида экан, у ерга ҳеч кимдан ижозат сўрамай, таклифсиз кирадиган ҳам фақатгина мана шу набираси эди. Бундай вазиятларда унинг олди-га бошқа бир кишининг киришига асло ҳаққи йўқ эди.

* * *

Абдулмутталиб ҳар доимги одати бўйича Каъбанинг соясига солинган кўрпачада чордана қурганча ёнидагилар билан суҳбатлашиб ўтирарди. Суҳбат мавзуси бу йил бўлаётган қурғоқчилик ҳақида эди. Макка тупроқларига анча вақтдан буён бир томчи ҳам ёмғир тушмаганди. Ҳамма ҳар ерда фақат шу борада фикр юритишарди.

— Ҳар куни тонгда уйғонганимда кўзим осмонда бўлади, — деди улардан бири.

Иккинчиси унга қуйидагича қўшимча қилди:

— Шундай давом этаверса, бу йил бутун халқ очдан ўлади.

Биринчи гапирган давом этди:

— Илоҳларнинг ҳам бир нима қилгиси йўқ.

Атрофини ўраб олган юзларча бутларга секингина кўз қирини ташаркан:

— Ўзлари сувга муҳтож эмас-да! Бизнинг эҳтиёжимиз борми-йўқми, бу билан ишлари ҳам йўқ!

Унинг ёнидагилардан бири аста пичирлаб деди:

— Чунки уларнинг ўзи тош-ку!

Бошқаси уни огоҳлантирмоқ учун:

— Бўлди етар, яна уларнинг ғазабларига қолиб кетмайлик! — деди.

Яна бир бошқаси гапга аралашди:

— Агар улар илоҳ бўлса, биздан ғазабланишлари керакми, ёки бизнинг аҳволимизни кўриб ачинишлари лозимми — буни ҳам билмаймиз!

У одам бу гапларни айтarkan, «Бутлар ғазаблансаларда бир нима қила олмайди», — деган маънода гапирарди. Аммо бошқа бир кишининг айтган гаплари олдингисидан ўтиб тушди:

— Шунча йиллардан буён уларнинг қаршисида бош эгиб келамиз. Аммо улар бу эҳтиёжларимизга жавобан тошдек қотиб турсинлар, деб уларга топинмаймиз!

Бу гапларни айтган одамнинг бошига осмондан тош тушишини ёки бирор балога йўлиқишини кутганлар ҳам бор эди.

— Сен энди ҳаддан ошиб кетдинг!

Бу гапни айтиб ўрnidан туриб кетган кишини бошқа бири тинчлантирди:

— Бу йигит бутларни ҳақорат қилган экан, жазосини бутларнинг ўзлари беришсин!

— Шундай, қўлларидан бирор иш келса, ўзлари жазо берсинлар!

Ҳар тарафдан овозлар эшитиларди.

— Бир ёмғир ёғиши учун дуога чиқсак, қандай бўларкин! Сен нима дейсан, эй Абдулмутталиб?

Бир онда гап мавзуси бошқа томонга ўзгариб кетди. Чунки бу жуда яхши таклиф эди. Асл мақсад жанжаллашиш эмас, балки сувсизликка чора топиш эди. Юзлардаги қаттиқлик ва ғазаблар бироз бўлса-да юмшагандай бўлди. Нигоҳлар Абдулмутталибга қадалди:

– Жуда яхши бўлади! Эртага эрталаб чиқамиз.

Ён-атрофга хабар берилди. Ҳамма шу дард билан эди. Шу боис таклиф ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилинди.

Тарқалишаркан ҳалиги одамнинг:

– Бутларингизни қабул қиламиз, аммо ҳолимизни кўрмасдан тек қотиб туришлари нимаси? – дея минғирлагани эшитилди.

Абдулмутталиб тунни беҳаловат ўтказди. Бир неча бор уйғониб кетди. Миясидаги қурғоқчилик билан боғлиқ ўйлар унга тинчлик бермасди. Қуёшнинг илк нурлари кўринган чоғда уни кўрганлар «Тўйиб ухлабди», – дея айтолмасдилар.

Эрта тонгдан Каъба атрофида тўпланган юзлаб кишилар бир ерга жам бўлиб, Абдулмутталибнинг келишини кутардилар. У ҳам одамларни кўп куттирмади. Ёнидаги севимли набирасининг қўлидан тутганча одамларнинг олдида борди. Эркаг-у аёл, қариялар-у болалардан иборат кўп кишилик жамоа бир мақсадда Абу Кубайс тепалигига қараб кетиб борардилар.

Абу Кубайс тепалиги унчалик узоқда эмас эди. Каъбадан юз қадамлар нарироқда жойлашганди.

Аста-секин, дам олиб-дам олиб тепаликка чиқа бошладилар. Пастда Каъба кўринар, ўнг-у сўлдан келган чўзилиб келган текисликлар шу ерда бирлашиб кетардилар.

Абдулмутталиб одамларнинг ўртасида, жондан суйган набирасининг қўлидан тутганча тўхтади, биров нафас ростлади.

– Аллоҳим, шу қўлидан тутиб турганим – етимнинг ҳурмати боис Сендан ёмғир сўраймиз! – дея дуо қилишни бошлади.

Осмонда ёмғир ёғишидан дарак бергувчи ҳеч нима кўринмасди. Кўз илғаши қийин бўлган, узоқ-узоқларда ер билан туташиб кетган осмонда бир парча бўлса-да булут йўқ эди. Бироқ одамлар чин кўнгилдан дуо қилишар,

ёмғир ёғишини сўраб астойдил ёлворардилар. Бугун бўл-маса, эртага, эртага бўлмаса, индинига ёғадиган ёмғир учун ҳам рози эдилар. Шу орада Абдулмутталибнинг ёнида турган гул юзли набираси ҳам қўлларини осмонга кўтарганча, бармоғи билан осмонга ишора қилаётганини кўриш мумкин эди.

Абдулмутталиб қайта-қайта «Аллоҳим, шу етимнинг ҳурмати учун...» — дея дуо қилар, одамлар «Омин!» — деб унга жўр бўлардилар.

Бир пайт осмоннинг уфққа яқин жойида кичик булут кўриниш берди. У худди кимдир ортидан қувгандай тез келарди. Лекин бунчалар кичик булутдан ҳеч нимани умид қилиб бўлмас эди. Бунга ўхшаш булут парчаларининг юзтаси бир бўлганда ҳам ёғдирган ёмғири камлик қиларди.

Кичик булут парчаси яқинлашган сари катта бўлиб борарди. Абдулмутталибнинг дуоларига «Омин!» — дея жўр бўлаётган одамлар булут парчасини ҳаяжон ила кузатардилар. Етим боланинг бармоғи ишорасидан кўринган тугундек булут борган сари очилиб, ёйилиб келмоқда эди.

Унинг ортидан эргашиб келаётган тўп-тўп булутлар кўрингач, одамлар «Дуомиз қабул бўлди!» — деганча бир-бирларига табассум қилдилар. Кўзлардан қувонч ёшлари тўкиларкан, бошларига, юзларига келиб тушаётган ёмғир томчиларини ҳис этдилар.

Осмонни ёриб юборгудек қалдираган момоқалдироқ овози гўёки, «Тарқалинглар, дуоингиз қабул қилинди!» — деяётгандек эди. Одамлар севинганча тепалиқдан пастга туша бошладилар.

Абдулмутталиб тинмай йиғларди. Соқолларидан ерга тушаётган кўз ёшларини артаркан набирасига:

— Бу ёмғирни бизга Аллоҳ сенинг ҳурматинг учун берди, болажоним! — дерди.

Момоқалди роқ гумбурлаб, чақмоқ чақар, бутун во-
дийни ёритиб юборарди. Бироз олдин бир неча кундан
сўнг ҳам ёғадиган ёмғирга рози бўлаётганларнинг уйла-
рига етиб олгунча шалабболари чиқди.

Шу ҳодисадан кейин Абдулмутталибга атаб шеърлар
ёзилди. Унинг улуғ инсон эканлигига одамлар яна бир
бор амин бўлдилар.

* * *

Араблар изларни башорат қилиш борасида жуда ил-
гарилаб кетишганди. Қум устидаги оёқ изларига қараб
одамни ҳайратга соладиган даражада башорат қилардилар.
Бирор ҳайвоннинг изига қараб, унинг қайси қабилага
тегишли ёки тегишли эмаслигини топа олар, яна ён-
ма-ён юриб келган икки одамнинг фақат оёқ излари-
га қараб туриб, бирининг ота, иккинчисининг боласи
эканини айтиб берардилар. Бу борада Мудлиж қабиласи
бошқаларидан кўра олғирроқ эди.

Бир куни Мудлиж қабиласидан Маккага келган бир
неча киши қаршиларида жуда гўзал болага дуч келишди.
У болалар билан ўйнаётганди. Юлдузлар орасида пор-
лаб турган ойга ўхшаб бошқалардан ажралиб турарди.
Уни ўртоқлари орасида кўришаркан, ўзгачароқ эканини
фарқламаслик мумкин эмас эди. Ёнига бордилар. Шу
пайт қорачадан келган бир аёл:

— Болага тегма! — деди.

Бу аёл Умму Айман эди. Ҳалиги одамлардан бири
босиқлик билан жавоб берди:

— Ёмонлик қилмоқчи эмасмиз!

Яна бири қўшимча қилди:

— Бундай беозор болага ёмонлик қилиш учун одам
шайтондан-да баттарроқ бўлиши керак.

— Ундай бўлса, нима истайсизлар?

— Фақатгина уни яхши кўриб қолдик, шунга
қараяпмиз.

— Мақсадингиз нима? Нима учун бошқа болаларга қарамаяпсиз?

— Биз бу болада ҳеч қайси болада йўқ бўлган жиҳатларни кўряпмиз. Рухсат беринг, озроқ ёнида бўлайлик.

Умму Айман болага қараб:

— Муҳаммад, кел ўғлим! Қара мана бу амакилар сен билан кўришмоқчи эканлар, — деди.

Ҳалиги одамлар уни бошдан оёғигача кузатиб чиқдилар. Айниқса оёқларига қаттиқ эътибор беришди. Кейин бошини силадилар. Умму Айманга раҳмат айтиб:

— Бу кимнинг ўғли? — деб сўрашди.

— Абдулмутталибнинг.

Савол берган киши бошини тебратганча:

— Асл оиланинг фарзанди эканлигига ҳеч бир шубҳа йўқ, — деди.

* * *

Саксон ёшни қаршилаган одам кўп вақтини дам олишга сарф этади. Абдулмутталиб ҳам шундай қиларди. Каъбанинг соясида дам оларди.

Машҳур шоир Зухайрнинг бир байти ёдига тушди. «Ҳаётнинг оғир юкларидан чарчадим. Албатта, ким саксон ёшга тўлса, шубҳасиз чарчайди», — деганди у. Абдулмутталиб яна хаёлга берилди: тиф каби теккан жойини узиб оладиган бир йигит бўлган кунларига ўзи ҳам ишонмайдиган даражада кексайганди. Бошида оқармаган бир дона соч, соқолида бирор қора мўй қолмаганди. Бу ёшга кирган ҳар бир киши сингари йўловчиларини бирма-бир олиб кетадиган ўлим қарвонининг келишини пойлаб, бир чеккада дам олиб ўтирган Абдулмутталибга:

— Салом сенга, эй Абдулмутталиб! — дейишди.

— Сизга ҳам салом бўлсин, мудлижликлар! Марҳамат, бу ерга ўтиринглар.

Келганлар ўтиришди. Абдулмутталиб ҳол-аҳвол сўради. Мудлиж қабиласидаги одамлардан айримларини танир эди, уларни сўраб-суриштирди. Кейин уларга:

— Йўл бўлсин! — деди.

Улардан бири:

— Бугун ўйнаб юрган болалар орасида жуда гўзал бир болани кўриб қолдик. Ёнидаги аёл у сенинг боланг эканини айтди.

— Албатта, ўғлим. Тўғрироғи, у менинг набирам.

Ҳалиги киши бир-икки сония кутиб турди:

— Биз уни кўргач ҳайрон бўлдик. Ёнидаги аёлдан рухсат олиб, уни яхшилаб кузатдик. Биз келган хулосага кўра, Мақоми Иброҳимдаги оёқ излари билан бу боланинг оёқ изларида қандайдир бир хиллик бор. Фикримизча, бу бола Иброҳимнинг авлодларига мансуб бўлиб чиқмоқда.

Абдулмутталиб бу гапдан жуда мамнун бўлганди.

— Албатта, — деди у. — Мақоми Иброҳимдаги излар набирамнинг катта бобосига тегишли. У Ҳазрат Иброҳимнинг оёқ изларидир. Биз ҳам шу авлодга мансубмиз. Мен аждодларимдан бутун ота-боболарим номларини айтиб, бобом Аднонгача бора оламан. Аднон эса сизга маълумки, Ҳазрат Иброҳимнинг уруғидан.

Орадан бир қанча вақт ўтди. Абдулмутталиб Нажрон қозиси ва роҳиби бўлган бир дўсти билан суҳбатлашиб ўтирарди. Роҳиб ижобий маънода диний мавзулардан гапирар, бир неча юз йиллардан буён пайғамбар юборилмагани ҳақида сўзларди. Унинг айтишига кўра, Ҳазрат Исонинг давридан юз эмас, бир неча юз йил ўтиб кетган, келиши жуда зарур бўлган янги пайғамбар кутилмоқда эди.

Роҳиб сўзларини шундай давом эттирди:

— Биз Исмоил наслидан бўлган, охириги пайғамбар сифатида келадиган зотнинг сифатлари тўғрисида ки-

тобларда ўқиганмиз, эшитганмиз. Бу маълумотларга қараганда, ўша пайғамбар туғилажак ер Маккадир.

Ўша роҳиб кутилаётган пайғамбар тўғрисида анчагина маълумотга эга эди. Кўзларининг ранги, оёғининг шакли, икки курак суягининг орасидаги пайғамбарлик муҳригача айтиб берди. Абдулмутталиб бу гапларни катта ҳайрат ва жиддийлик билан тинглаб ўтирарди.

Шу пайт севимли набираси келиб, бобосининг ёнига ўтирди.

– Эй Абдулмутталиб, менинг гапларим асло уйдирма эмас. Самовий китобларда шундай ёзилган.

Роҳиб гапларини давом эттира олмади. Бирдан кўзлари ҳозиргина келган болакайга тикилиб қолганди. Қўлларига, оёқларига, кўзларига қараб чиқди:

– Эй Абдулмутталиб, бу кимнинг боласи?

– Менинг болам!

– Бўлиши мумкин эмас, асло бўлиши мумкин эмас!

– Нима учун?

Роҳиб аста пичирлаб гапирди. Худди боланинг эшитиб қолишини хоҳламаган кабидек эди.

– Чунки бу боланинг отаси ҳозир тирик бўлиши керак эмас.

– Нима учун?!

– Қулоқ сол, Абдулмутталиб! Бу бола боядан бери сенга айтаётганим пайғамбарлик сифатларига эга. Сен бўлсанг, унинг отасиман, деяпсан. Ҳолбуки, бизнинг китобларда ўрганганимиз бўйича пайғамбар етим бўлиши керак. Сен унинг отаси эмассан.

Абдулмутталиб унинг сўзларини тасдиқлади:

– Тўғри айтяпсан. Ҳақиқатан бу боланинг отаси менинг ўғлим. У боласи туғилмаёқ вафот қилган. Мен унинг бобосиман. Аммо набирамни отасидан кўра кўпроқ яхши кўраман. У менинг бутун борлиғим.

– Ана энди бўлди, Абдулмутталиб. Фақат бу болага эътиборли бўлишингиз лозим. Яхудийлар уни бир

кўришдаёқ таниб олишади. Агар билиб қолишса, бирор зарар етказиши мумкин.

Бу гаплар Абдулмутталибни набирасига янада кўпроқ боғлаб кўйди.

* * *

Абдулмутталиб тугаб бораётган ҳаётининг энг сўнгги кунларини яшаётганини яхши биларди. Ўзи билан бир вақтда яшаганларнинг кўпчилиги ҳавас қилгудек умр кечирди.

Ҳамма билан яхши муомала қилди, ҳамманинг ҳурматини қозонди. Фақирларни тўйдирди, бева ва етимларга ёрдам берди. Умр бўйи зинога яқинлашмади, ароқ ичишни хушламади. Чунки ичганларни қандай аҳволга тушиб қолганликларини гувоҳи бўлган, виқор ва одоб соҳиби эди. Макканинг раиси сифатида ўғирлик қилганларнинг жазосини берар, имкони борича қиз болаларни ўлдиришга қаршилик қиларди. Ёмонлик қилганларни кўрганда қамчи билан савалатарди. Охиратга ишонар, Аллоҳнинг борлигини, азамат ва қудратини тан оларди. Ўз замонида кенг тарқалган бутларга сиғиниш одатига унинг ҳам амал қилгани ёки қилмагани номаълум.

Рамазон ойи бошланганда озиқ-овқат олиб, Макка яқинидаги Ҳиро тоғига чиқиб кетар, у ерда ёлғиз қолиб ўзи билганича ибодат қиларди, тафаккурга чўмарди. Бу иш биринчи марта Абдулмутталиб томонидан қилинганди. Шундан сўнг унга ўхшаб хилват нишини одатини хуш кўрадиганлар кўпайиб қолди. Халқнинг ғала-ғовурли ҳаётидан чекиниб бу ерга келган, бир ой давомида кеча-ю кундуз ибодатга берилган кишиларни учратиш мумкин эди. Бу ибодатларнинг қандай амалга оширилгани ҳам маълум эмас.

Абдулмутталиб узун бўйли, келишган, ақлли, сабртоқатли, фикрлаш доираси кенг, мард одам эди. Макка-

ликлар уни «Иккинчи Иброҳим» деб атардилар. Барча араб халқининг пайғамбар Иброҳим алайҳиссаломга нисбатан бўлган ҳурматини инобатга оладиган бўлсак, маккаликлар Абдулмутталибни қай даражада ҳурмат қилганини тасаввур қилиш мумкин бўлади.

Каъба билан боғлиқ барча хизматлар Абдулмутталибнинг хоҳиши билан амалга оширилар, ҳеч кимса ундан бошқа раис ҳақида ўйламасди ҳам. Чунки Абдулмутталиб бу мартабага зўравонлик билан эмас, муруввати, фазилат ва шарафи билан эга бўлганди. Шу боис кўпни кўрган, доно кишилар уни раис сифатида сайлашгандилар. Унинг бу мартабага лойиқ эмаслиги ҳақида ҳеч ким сўз очмаганди. Сабаби Макка ҳудудида истиқомат қилгувчи ҳеч бир кимса Абдулмутталибдан бирор ёмонлик кўрганни даъво қилмаган, ундан кўп яхшиликлар кўрганларини эса инкор этолмасдилар.

Кунларнинг бирида Абдулмутталиб бетоб бўлиб қолди. Амалга оширилган ҳаракатлар, қилинган даво чоралари фойдасиз эди. Унинг кундан-кунга ҳаётдан узоқлашиб бораётганлиги маълум бўлиб борарди.

Абдулмутталиб бу касалликни оддий эмаслигини биларди. Ортидан тўққиз ўғил, олтита қиз, бир қанча набиралари қоляпти. Аммо унинг ўй-хаёли қайғуришга лойиқ деб билган набирасида эди. Уни нима қилишни, кимга ташлаб кетишни ўйлаб боши қотганди. Шу кунга қадар набираси учун кўлидан келадиган ҳаммасини қилди. Устига гард юқтирмасликка ҳаракат қилди. Унга керак вақтида ота, керак вақтида бобо бўлди. Бироқ, Абдулмутталиб ҳам оддий бир одам. Бир куни ажал келиб уни ҳам олиб кетиши аниқ.

У ора-сирада ҳушини йўқотар, ўзидан кетиб қоларди. Шу вақтда «Муҳаммадим, суюкли Муҳаммадим...» — дея алаҳсирагани эшитиларди. Ўзига келгач эса, фақат уни ўйларди.

Бир замонлар Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг отасини, яъни ўз ўғли Абдуллоҳни қурбон қилишга чиққан кунларни эслади. Агар ўша ишни бажарганида, бугун кўнглини қувончга тўлдирган, кекса қалбини оловлар билан ёққан севимли набираси ҳам бўлмас эди. Бироқ буюк ҳикмат соҳиби Аллоҳ, барча нарсани шу набиранинг ҳурмат, учун яратганди. Агар у бўлмайдиган бўлса, бошқа нарсаларнинг мавжудлигидан маъно ҳам бўлмасди. Бутун оламларга Аллоҳнинг чексиз раҳмати унинг воситаси ила ёғилиб турарди. Инсонлар унинг раҳбарлигида ҳақ йўли, саодат йўлини топар, Аллоҳга олиб борадиган энг яхши йўлни одамларга у кўрсатмоғи лозим эди. Шу боис ҳам бир эмас, минглаб Абдулмутталиб бир ерга жам бўлганда ҳам, илоҳий қудрат Абдуллоҳни қурбон қилинишидан қутқариб қоларди. Коинот сарвари унинг наслидан, унинг ўғли бўлиб дунёга келиши азалий тақдир эди.

— Отика!

— Лаббай, отажон!

— Сув келтир.

Отика ҳозиргина келтирилган Замзам сувидан тўлдириб берди. Абдулмутталиб бир неча қултум сув ичди.

— Шифо бўлсин, отажон!

— Соғ бўл, болам!

— Замзам қудуғини қазиган кунларингизни эслайсизми, отажон?

Абдулмутталиб бошини қимирлатди.

— Албатта, — дея пичирлади.

Кейин Отика ташқарига чиқди. Абдулмутталиб ўтган кунларини хаёл қилиб кетди.

ЗАМЗАМ

Бу воқеа роса қирқ йил олдин бўлиб ўтганди.

Бир куни Абдулмутталиб Каъбанинг «Ҳижр» дея ном берилган қисмида қайлула уйқусида эди. Туш вақтидаги жазирама боис ҳамма каби у ҳам ухлаб ётганди. Араблар туш пайти бошланиб, завол вақтигача давом этгучи бу уйқуни «қайлула» деб атардилар. Бу вақтда қилиниши мумкин бўлган ишларнинг энг аввалида ухлаш турарди. Чунки қуёшнинг тафти бирор иш қилишга, ҳатто сайрга чиқишга ҳам имкон бермасди.

Абдулмутталиб тушида ёнига бир одамнинг келганини кўрди. У одам:

– «Тиба»ни қази! – деди.

– Тиба қаерда?

Ҳалиги одам жавоб бермай югуриб кетди.

Абдулмутталиб уйғониб, оз муддат кўрган тушини ўйлаб ўтирди. Бирор маъно чиқара олмади. «Ҳар вақт кўриладиган оддий тушлардан бири бўлса керак», – дея парво қилмади.

Эртаси куни яна ўша ерда ухлаб ётганди. Яна танимаган бир одам унга:

– «Барра»ни қази! – деди.

– Барра қаерда? Нега уни қазишим керак?

Ҳалиги одам жавоб бермай, бошқа бир оғиз сўзламай кетиб қолди.

«Тиба нима? Барра нима? Нега уларни қазиш керак?» Абдулмутталиб бу саволларга жавоб топа оладиган ҳолда эмасди.

Учинчи куни тушида қазиш ҳақидаги буйруқ яна такрорланди. Бу сафар «Маднуна»ни қазиш амр қилинди.

– Маднуна нима дегани? У қаерда?!

Бояги одам яна жавоб бермай, ўз йўлига равона бўлди. Абдулмутталиб энди ҳар ухлаганда яна қаернидир қазиш ҳақида буйруқ берилишига ишониб қолди.

Тўртинчи куни уйқуга кетаркан:

— Қани, кўрайликчи, бу сафар қаерни қазиш амр қилинаркан?! — деди.

Ҳақиқатан ҳам айнаи тушни кўрди, ўша одам яна келди.

— Замзамни қази! — деб буюрди.

— Замзам нима дегани?

— Замзам ҳеч қачон тугамайдиган, озаймайдиган бир сувдир. Сен гуруҳ-гуруҳ бўлиб келадиган ҳожилар жамоасига ундан ичирасан. Бу сув қурбонлик қонлари оқизиладиган ер билан ахлатлар тўпланадиган жойнинг ўртасида. Ола қарға қағиллайдиган ерни топ. Ўша ерда чумоли уяси бор.

Ниҳоят бу одам тилга кирганди. Бир неча кунлардан буён айтмоқчи бўлиб, айтмаётган гапи шу эди.

Абдулмутталиб уйқудан уйғонди. Қурбонликлар сўйилгач қони оқизиладиган ерга, кейин ахлатлар ташланадиган ерга бориб кўрди. Шу пайт ола қарғанинг қағиллаганини эшитди. Туши ўнгидан келганига ишониб, ўша томонга юра бошлади.

Ола қарғага яқинлашиб борди. Қуш қочишни бошлади. Балки у қазиш керак бўлган жойни кўрсатмоқчи бўлгандир. Абдулмутталиб унинг олдида борганида қуш учиб кетди. У қуш учиб кетган ерда чумолилар уясини кўргач, тушининг оддий маъносиз тушлардан эмаслигига тўлиқ ишонди. Ҳақиқатан ҳам бу ер қурбонлик учун сўйилган ҳайвонларнинг қони оқизиладиган ва ахлат тўкиладиган ернинг ўртасида эди. Ерни эслаб қолиш учун белги қўйди. Бу жой Каъбанинг эшиги жойлашган томонда эди. Ўша жойдан Каъбагача қанча масофа борлигини ҳисоблаб чиқди. Энди ерни қазишдан бошқа чораси қолмаганди.

Катта бобоси пайғамбар Исмоил алайҳиссалом замонларидан буён бор бўлган бу қудуқ ва сувнинг борлигини

ҳамма қатори у ҳам биларди. Фақат юз йиллар давомида маккаликларнинг, Каъбани зиёрат қилиш учун келган ҳожиларнинг эҳтиёжини тўлиқ қондирадиган бу қудуқ Журҳум қабиласининг қилган бир ахлоқсизликлари туфайли кўмилиб кетганди. Маккадан чиқиб кетаётган журҳумликлар қудуқни ҳам беркитиб кетгандилар.

Вақтлар ўтгач Замзам унитилди, номи бор-у ўзи йўқ бир нарсага айланиб қолди. Қудуқ ичига Каъбага тегишли бўлган бир қанча олтинлар ҳам кўмиб юборилгани боис, ким уни топса, улуғ шарафга эга бўларди. Бу Аллоҳнинг лутф ва икромиди эди.

Абдулмутталиб кеч тушгач, ўғли Ҳорисга:

— Эртага бирга ишлаймиз, — деди.

Ўғлининг ҳайрон бўлганча қараб турганини кўриб:

— Замзам қудуғини қазиймиз, — деди.

Ҳорис отасининг юзига қаради. Тушунмагандек эди:

— Аммо отажон, биз Замзам қудуғининг қаерда эканини билмаймиз-ку!

Абдулмутталиб қисқа жавоб беришни маъқул кўрди:

— Тушимда аён бўлди.

Бу сўзлар Ҳорис учун кифоя қиларди, чунки у отасига қаттиқ ишонарди. Ўша вақтларда Абдулмутталибга ёрдам бера оладиган ягона фарзанди Ҳорис эди.

Эрта тонгданоқ Қурайшнинг баъзи кишилари Абдулмутталибни кўлида белкурак ва чўкич ушлаганча кетаётганини кўрдилар.

Бир кун олдин яхшилаб белги қўйиб кетган жойга келганларида Абдулмутталиб:

— Аллоҳим, бу қудуқни муборак айла!.. — деганча қазишга киришди.

Ота-бола баравар қазишни бошлаб юбордилар.

— Ҳорманг, эй Шайбат-ул ҳамд!

— Саломат бўлинг!

— Нима қияпсиз?

— Кўриб турганингиздек шу ерни қазияпман.

— Яхши, лекин нима сабабдан?

— Бу ерда Замзам қудуғи бор.

Кейин Абдулмутталиб кетма-кет тўрт кун кўрган тушини айтиб берди. Лаблар ишшайди. Ўша ерда турганлар истеҳзо аралаш:

— Тушга қараб иш қилиб бўларканми? — дедилар.

Абдулмутталибнинг қандай инсон эканини билганлар:

— Бу ишда нимадир бўлса керак! — деганча ишнинг охирини кутишни, кейин шунга мувофиқ қарор чиқаришни лозим топдилар.

Абдулмутталиб умидини узмасдан, қайғурмасдан ўз ишида давом этарди. Ниҳоят қудуқ устига қопқоқ каби ётқизилган тошга дуч келгач, кўзлари ёшланди. Қўллари қалтираганча Аллоҳга шукр қилди. Энди тушининг ҳақиқат эканлигига ва бу амрнинг илоҳий амр эканлигига ҳеч қандай шубҳа қолмаганди.

Ота-болани четдан кузатиб, бу ишлари бекор кетишини кутиб турганлар қудуқнинг топилганини кўришгач, қўлларида асбобларини ушлаганча етиб келдилар.

Уларни кўрган Абдулмутталиб:

— Нима бўлди? — дея сўради.

— Қудуқни биз ҳам қазиймиз! — дедилар.

— Бўлмайди.

— Аммо бу шарафга сазовор бўлишни биз ҳам истаймиз. Чунки бу бобомиз Исмоил пайғамбарнинг қудуғи!

— Бу мумкин эмас. Бу вазифа фақат менга буюрилди.

Одамлар гапларида туриб олдилар.

— Ундай бўлса, сенга ҳам қазитмаймиз. Ёки бирга қазиймиз ёки сен ҳам қазимайсан.

— Яхши, ҳозиргача қаерда эдинглар?

— Қудуқнинг қаердалигини билмасдик.

— Мен ҳам билмасдим, бироқ менга кўрсатилди.

– Энди биз ҳам шерик бўлишни хоҳлаймиз.

– Мен эса бу шарафни сиз билан бўлишишни истамайман.

Одамлар орасидан Адий ибн Навфал Абдулмутталибга тегадиган гап қилиб:

– Абдулмутталиб, сен ёлғизсан. Бир дона ўғлингдан бошқа суянадиганинг йўқ. Бизга қаршилиқ қилолмайсан.

– Эй Адий! Бу гапларни менга сен айтаяпсанми? Сенинг отанг Навфал отам Ҳошимнинг ҳимоясида юрмасмиди?

– Сен ҳам амакинг Мутталибникига келгунга қадар тоғаларинг Нажжор ўғилларининг ёнида эмасмидинг?

– Эй Навфал! Сен болаларимнинг озлиги билан менинг оғзимни ёпмоқчимисан? Қасам ичиб айтаманки, агар Роббим менга ўнта ўғил берса, улардан бирини Каъбанинг ёнида қурбон қиламан!

Баҳс жуда қизгин тус олганди. Абдулмутталибни ҳақ деб билганлар ҳам, унга қарши бўлганлар ҳам топиларди. Охир-оқибат Абдулмутталиб:

– Бу муаммони ҳакамга айтайлик. Кимни истасангиз, ўшани ҳакам қиламиз. Унинг айтадиган ҳукмига рози бўламан, – деди.

Натижада Шом аслзодаларидан бўлган Саъд ибн Ҳузайм ҳакам сифатида таклиф қилинди. Абдулмутталиб ҳам унинг ҳакамлигини қабул қилди.

Эртаси куни Абдулмутталиб дўстларидан айримларини ёнига олганча йўлга чиқди. Қарши тарафда Қурайш қабилаларнинг ҳар биридан бир донадан одам бор эди. Биргаликда юриб, бирга дам олишиб, яна биргаликда сафарда давом этдилар.

Ҳаво иссиқ эди. Сувни жуда эҳтиётлаб ишлатсалар ҳам, Абдулмутталиб ва дўстларининг сувлари тугаб қолди. Сувсизликдан тиллари қуриб, юришга ҳоллари қолмади. Абдулмутталиб вазиятни қарши тарафга маълум қилиб, улардан ичиш учун сув сўради.

— Сизларга сув берсак, ўзимиз ҳам қийналиб қоламиз,
— деб жавоб қилишди улар.

Абдулмутталиб улардан бундай жавобни кутмаганди. Чунки ўзи биров ҳақида бундай ўйламас, доимо бир бурда нонини шериги билан бўлишиб ерди. Бирор инсонни сувсизликдан ўлиши мумкинлигини била туриб ташлаб кетмасди. Аммо улар бундай қилишга ҳам рози эдилар.

Тиллари танглайига ёпишиб, туя устида ўтирадиган ҳоллари қолмаганди. Сувсизлик ва жазираманинг таъсирида миялари ҳам ишламай қолди. Ораларида саросимага тушиб қолганлар ҳам топилди.

— Қабрларимизни шу ерда қазиб, ўлигимизни кутайлик, — деганлар бўлди.

Энг оқилона таклиф шу ерда бироз дам олгач, яна йўлга тушиш эди. Туяларидан тушиб, бир ерга жам бўлдилар. Қолганлар уларни кузатишар, натижа нима билан тугашини кутишарди. Шу ҳолатда озроқ вақт ўтди. Умидсизлик билан бир-бирларига боққанча, кимни тирик қолишини ўйлашарди. «Ораларимизда кимдир кутилиб қолса!..» — деб ўзаро васият қилдилар.

Абдулмутталибни виждон азоби қийнарди. Бу фожиявий ҳолатнинг келиб чиқишига ўзини сабабчи деб билди. Олдида ўтириб ўлимини кутаётганлар уни кўллаб-қувватлаш учун йўлга чиққандилар.

Абдулмутталиб дўстларининг қақраган лаблари, тугаган дармони, чекилган изтироб ва устиларига бир мусибат каби чўккан умидсизликларини кузатди. Ҳар биттасининг ўрнига қайта-қайта ўлишига ҳам рози эди. Юришга кучлари етмасди, ён-атрофдан бирор ёрдамнинг келиши эса, мутлақо имконсиз эди.

«Бир ерда ётганча ўлма, ўлсанг ҳам судралиб ўл!..» Бу овозни юрагининг энг тубида янграганини ҳис этди у. Виждони исён қилар, бундай ҳолда ўлимни кутиб ўтириш тўғри эмаслигини айтиб ҳайқирарди.

Дўстларининг умидсиз қарашлари орасида судралган-ча ўрнидан турди. Қийинчилик билан туясига минди. Туянинг устида аранг турарди. Туя юришни бошлаганда йиқилиб тушай деди, аммо уни маҳкам қучоқлаб олди. Қаерга кетаётганини ўзи ҳам билмасди. «Балки сув топарман!» — деган ўйда борарди.

Юз қадам ҳам юрмасдан, туясининг оёғи ерга ботди. Абдулмутталиб туянинг устидан мункиб кетди. Ўзини кўлга олишга ҳаракат қиларкан: «Кўзларим янглишмадими?» — дегандек ҳайрон бўлди. Бироз қараб турди. Унинг кўзлари янглишмаётганди. Туянинг оёғи ботган жойдан сув қайнаб чиқарди. Булоқча чиққан еридан тошиб, оқишни бошлаганди. Ўша пайтда Абдулмутталибнинг ҳис этган севинчини таърифлаш мумкин эмас эди. У ўзини ерга отди. Бу пайтда туя туёғини ботган жойдан чиқариб олганди.

Абдулмутталиб ерга чўнқайди. Қўлларига, юзларига сув сочди. Тўйгунича қониб-қониб ичди. Бирдан ҳаётга қайтгандек сизди ўзини. Юрагидаги умидсизликлар ҳам тарқалиб кетди. Ўрнидан туриб дўстларига бақирди:

— Ҳой, келинлар! Аллоҳ бизга сув инъом этди.

Улар қулоқлари эшитган бу гапга ишонишни истамадилар. Аммо вақт ўтаётганди. Абдулмутталибнинг овози янгроқ, тетик ҳолда жарангларди.

Умидсизликнинг йўқолиши тиззаларга дармон бўлди. Ўринларидан туриб судрала-судрала ўша тарафга йўналдилар. Ҳақиқатан ҳам сув бор эди. Оқиб ётарди. Абдулмутталиб қарши томондагиларни ҳам чақирди, уларга сув ичишни таклиф қилди.

Туялар суғорилди, идишлар сувга тўлдирилди. Такрор-такрор сув ичилди. Йўлга чиқадиган вақт бўлганди. Адий ибн Навфал Абдулмутталибга қараб шундай деди:

— Аллоҳга қасамки, баҳсда сен ютдинг. Ҳукм бизнинг истагимизга қарши бўлди. Сен билан бошқа Зам-

зам қудуғини қазиш борасида баҳслашмаймиз. Чўлнинг ўртасида шу сувни сенга берган Аллоҳ, ишнинг бошида ҳам ўзингнинг бўлишингни истайди.

— Шундай, энди Маккага қайта қолайлик.

Маккага қайтишди. Бу ҳодиса Абдулмутталибни қурайшликларнинг кўзига яна-да улуғвор қилиб кўрсатганди. Қаердалигини ҳеч ким билмайдиган қудуқнинг унга маълум қилиниши, даҳшатли ўлим кутилган чоғда Аллоҳнинг лутф ва карами боис чўл ўртасида булоқнинг қайнаб чиқиши унинг ўз қабиладошлари орасида тенгсиз эканини англаганди.

Абдулмутталиб ўғли Ҳорис билан биргаликда яна Замзамни қазишга, тозалашга киришиб кетдилар.

Сафарда содир бўлган воқеалар уйларда, одамлар йиғилган жойларда қайта-қайта тилга олинди.

Қазиш ишлари вақтида илгари Каъбага тегишли бўлган баъзи олтин ҳайкаллар, қиличлар ва зирҳлар топилди. Айтиб ўтилган Журҳум қабиласи Маккани тарк этаётганда бу нарсаларни Замзам қудуғига ташлаб, кўмиб юборгандилар. Бу қимматбаҳо буюмлар қурайшликларнинг кўзини ўйнатди. Қазиш ишларида қатнашмаганларидан жуда пушаймон эдилар.

— Эй Абдулмутталиб, биз буюмларни бўлиб олишимиз керак.

Абдулмутталиб пешонасидаги терларини артаркан деди:

— Нима учун?

— Чунки бу қудуқ бизнинг бобокалонимизга тегишли. Булар эса Каъбанинг хазинасидан қолган буюмлардир.

— Бу ерни мен қазидим, демак, буюмлар ҳам меники бўлиши керак. Бироқ мен бу масалани қуръа ташлаш йўли билан ҳал қилишни истайман.

— Қандай?

— Икки бор Каъба учун, икки бор мен учун, икки бор сиз учун қуръа ташлаймиз. Кимга нима чиқса, ўша-

ни олади. Ўз ҳисобига ҳеч нима чиқмаган ҳаммасидан маҳрум бўлади.

— Абдулмутталиб, биз розимиз, чунки сен адолатли қарорга келдинг.

Абдулмутталиб Каъба учун сариқ, ўзи учун қора, қурайшликлар учун оқ рангли иккитадан ўқ танлади. Машҳур Ҳубал бутининг олдига бордилар. Ўқлар бутининг хизматчисига топширилди. Ҳамма ҳаяжонда эди. Хизматчи ўқларни бир ҳалтанинг ичига солди. Дастлаб икки кийик ҳайкали учун икки ўқ тортилди. Иккиси ҳам сариқ чиқди. Ҳайкалларнинг Каъбага тегишли эканини ҳамма қабул қилди. Кейин қиличлар учун бир дона ўқ олинди. Қора рангли ўқ чиқди. Абдулмутталиб:

— Бу менинг ҳаққим! — деди.

Зирҳлар учун ўқ тортилиши керак эди. Хизматчи қўлини ҳалтага тиқиб сўнгги ўқни тортди. Абдулмутталиб енгил нафас олди, табассум қилди. Зирҳлар ҳам ўзига насиб қилганди. Қурайшликлар қуръа ташлашдан бўш қўл билан қайтдилар.

Абдулмутталиб кийик ҳайкалларини Каъба эшиги устига ўрнатди. Ўзига насиб қилган олтинларни эса эритиб, сим ҳолатига келтирди. Уларни ҳам Каъба эшигига қоплатди.

Ўзига шунча олтин буюмлар қолган бўлса-да уларни эҳтиёжларига ишлатмай, Каъба учун сарфлаган Абдулмутталиб халқ кўзи олдида олдингидан кўпроқ ҳурмат қозонди.

Бу пайтларда Маккада бир неча қудуқлар бор эди. Одамлар шу қудуқлардан фойдаланардилар. Замзам қудуғи қайта очилгач, ҳам Каъбага яқин, ҳам муборак сув дейилиб, ҳамма ундан сув ола бошлашди. Унинг суви бошқа қудуқлардаги сувга нисбатан ширин эди. Замзамдан қанча сув олинса ҳам, ҳеч тугаб қолмасди. Бунинг устига бу қудуқ катта боболари Исмоил алайҳиссаломга

тегишли эди. Шу сабабдан Қурайш одамлари бу қудуқ билан бошқа араблар орасида фахрланишарди.

Ҳақиқатан ҳам ҳаж мавсумида келган минглаб зиёратчилар ҳеч унутмайдиган, унута олмайдиган қудуқ бошқа қудуқларнинг олдида худди қуллар олдидаги шоҳ каби эди. Ундан қониб-қониб ичган кишининг яна ичгиси келар, ҳаттоки Замзам сувини ичган одам сут ичган каби тўқ бўларди. Шу сабабдан зиёратчилар бутун умри Маккада ўтган, хоҳлаган вақти бу сувдан ича оладиган туб аҳолига ҳавас билан қарар, уларнинг ўринларида бўлишни истарди.

Ҳаж билан боғлиқ ибодатларини тугатибоқ тўғри Замзамга қараб чопишар, қониб-қониб, тўйиб-тўйиб сув ичишарди.

Ҳаж мавсумида Абдулмутталибнинг шахсан ўзи ўғиллари билан биргаликда ҳожиларга сув тарқатарди. Уни ичганлар узоқ вақтлардан буён номидан бошқа ҳамма тафсилоти унутилган бу муборак қудуқни ўзлари учун кашф этишар, бу сувни тарқатаётган одамга ҳурмат ва миннатдорлик кўзлари билан боқишарди.

БИР ҚУРБОНЛИК УЧУН ЮЗ ҚУРБОНЛИК

Орадан кўп йиллар ўтди. Бу йиллар Абдулмутталибнинг сочидаги қора толаларни оқлари билан алмаштирди. Унга нисбатан одамларнинг меҳр ва эътибори ортгандан-ортди. Маккада барчага сўзи ўтадиган, эркакми, хотинми — ҳамма бирдек танийдиган ягона одам у бўлиб қолганди.

Йиллар ўтган сари фарзандларининг сони ҳам ортди. Бир куни у Замзам қудуғини қазиган пайтда берган ваъдасини эслаб, алам билан кафтини пешонасига урди. Жуда оғир вазиятга тушиб қолганида қилинган бу жоҳилона қарор энди уни ўз исканжасига олганди. Нима қилишини, қандай йўл тутишини билмай қолди.

Фарзандларининг сони ўнтага етганди. Бироқ берган ваъдасининг устидан чиқмаса, ажал уни кутиб ўтирмайди.

Абдулмутталиб аниқ қарорга келиш учун узоқ ўйлаб ўтирмади. «Мард одам берган сўзининг устидан чиқиши лозим», — деди ўз-ўзига. Фарзандларини атрофига тўплаб, бир замонлар берган ваъдасини айтиб берди. Уларнинг орасидан бирини қурбон қилиши кераклигини тушунтирди.

Қалбларга бир ҳаяжон тўлқини кирди. Юраклар бир-бир титрашни ҳис қилди. Уларнинг ҳеч бири отасининг қабул қилган қарори билан табриклай олмасди. Эътироз қилган ҳам бўлмади. Зеро бу жон савдоси эди. Ўзини пичоқнинг тиғи остига олиб бориш, ҳаётни энг сеvimли лаҳзаларида ўзини билиб, кўриб туриб ўлимнинг совуқ кучоғига отишни ақлларига сиғдира олишмасди.

Юраклар қинидан чиққудек бўлиб ура бошлаган, кўзлар эса бир нуқтага тикилганди. Бошини кўтариб атрофда нима бўлаётгани билан қизиқадиган бирор кимса йўқ эди.

Абдулмутталиб ўғилларига юриш амрини берди. Ўзи ҳаммадан олдинда, ортида эса қурбон қилинадиган болалари — Ҳорис, Зубайр, Абдуллоҳ, Абу Толиб, Ҳажл, Дирор, Муқаввим, Абдулуззо (Абу Лаҳаб) эргашганча Каъбага қараб йўлга тушгандилар.

Уйда дод-фарёд қилган оналар, кўз ёш тўккан опасингиллар қолди. Улар ораларида биттаси қурбон бўлиши аниқ бўлган акаларига тасалли берадиган ҳолда эмасдилар.

«Сени омон қолишингни тилайман!» — деб айтиш осонроқ туйилар, эҳтимол, бироқ қайси она бир боласига омонлик тилаб, бошқани оташга отарди?..

Аниқ ўлимга қараб кетаётган бу йўловчиларнинг сафари қанча давом этди? Узоқми, ёки қисқа? Йўл давомида ким нималарни ўйлаб борди? «Қуръа менга чиқиб, ака-укаларим омон қолсин!» — деган йўловчи бўлдими?

Бироздан сўнг Абдулмутталиб ғазабнок ва тушкун ҳолатда берган ваъдасининг устидан чиқиши, ўғилларининг биттасини қурбон қилиб, қўлини қонга белашни керак эди. У устига гард ҳам юқишини истамайдиган, жондан ортиқ кўрадиган ўғилларининг биридан воз кечиши лозим эди. Аммо сочларига оқ тушиб, қариб қолган чоғида билагига бундай куч келадими-йўқми, билмасди.

Ниҳоят улар Каъба жойлашган ерга етиб келдилар. Каъбадаги Ҳубайл номли бутнинг олдида тизилишди. Ўша ерга ўрнатилгандан буён ҳеч кимнинг оғирини енгил қилмаган бу бут Абдулмутталиб ва ўғилларнинг нима учун ҳузурига келишганидан ҳам хабарсиз эди. Ҳубайл бутининг хизматчиси уларнинг юзидан нимадир ташвиши борлигини пайқади.

— Кунингиз хайрли бўлсин, эй Абдулмутталиб, — деди.

— Қуръа ташлаб қурбонлик қилмоқчимиз.

— Қандай қурбонлик?.. Нима мақсадда?

Абдулмутталиб қисқа жумлалар билан хизматчига ҳолатни тушунтирди. Хизматчи эсанкираб қолди ва деди:

— Эй Абдулмутталиб, сиз бундай қила олмайсиз!

— Нима учун қила олмайман?..

— Чунки сиз каби жиддий, ҳар бир ишда мулоҳаза қиладиган, бошқаларга ўрнак-намуна қилиб кўрсатиладиган инсон бундай жоҳилона ишни қила олмайди. Сиз Қурайш қабиласининг улуғи, ҳамма эргашадиган инсон-сиз. Очларга таом улашган, ҳайвонларга-да меҳрибонлик қиладиган олижаноб одамсиз. Сиздек одамнинг ўз боласини ўлдиришини қандай тушуниш мумкин, ахир?

— Бир пайтлар сўз берганман. Мард инсон берган сўзининг устидан чиқади.

Абдулмутталиб шу гапларни айтгач, ўғилларига қаради:

— Ўқларингизни тайёрланг! — деди.

Уларни бирма-бир исмлари билан чақирди. Исми айтилгани келиб, отасининг қўлига ўз ўқини берарди. Барча ўқлар бир ҳалтага солинди. Абдулмутталиб хизматчига қараб:

— Қани, ўқлардан бирини торт! — деди.

Хизматчининг қўли ҳалтага кирди. Жонлар бўғизга қадар келадиган ҳаяжонли онлар эди. Яноқлар қип-қизил, лаблар қуршаб қолганди. Ҳалтанинг ичидан чиқадиган ўқ кесиладиган бошни аниқлаб берар, қолганларига эса ҳаёт бағишларди. Ниҳоят ўқ ҳалта ичидан олинди. Хизматчининг титраган лаблари орасидан бир исм чиқди:

— Абдуллоҳ...

Ҳалқумга келган жонлар ортига қайтди. Ҳаётдан умидини узган сўник кўзларда нур жилваланди. Ким нима деса, десин, лекин бу ҳақиқатан ҳам жон савдоси эди. Уларнинг орасида, «Абдуллоҳнинг ўрнига мен қурбон бўлмоқчиман!» — дейдигани топилмасди.

Бироқ Абдуллоҳнинг ҳолати бутунлай ўзгача эди. Бироз олдинги ҳаяжон қалбини тарк этиб, унинг ўрнига озроқ кўрқув ва таваккул туйғусини ҳис қилаётганди.

Абдулмутталибнинг болалари ичида энг гўзал, энг севимлиси Абдуллоҳ эди. Бошқа туғишганларида йўқ бўлган қандайдир улуғворлик, аслзодалик унда борлиги ҳамма билган ҳақиқат эди. Шу сабабли ҳам Абдулмутталиб уни бошқа ўғилларидан кўпроқ ва ўзгача меҳр билан яхши кўрарди. Ора-сирада:

— Абдулмутталиб, сенинг бу ўғлингда қандайдир ўзгачалик, гўзаллик бор! — дейдиганлар учраб турарди.

Шундай бўлса-да, Абдулмутталиб қуръа натижасини рад қила олмасди. Бошқатдан қуръа ташлай олмас, ёхуд:

— Кел, эй Абдулуззо (Абу Лаҳаб), Абдуллоҳнинг ўрнига сени қурбон қиламан, — дея олмасди.

У Абдуллоҳнинг қўлидан тутди. Қурбонликлар сўйиладиган Сафо тепалигига қараб юра бошладилар. Бу ақлга сифмайдиган ишни эшитган юзларча одамлар Сафо тепасига қараб югурдилар. Эркагу аёл, бола-бақралар тўпланишиб, ҳаяжон ва кўрқув аралаш Абдуллоҳ ва унинг отасини кузатардилар.

Сафо тепалигига етиб боришгач, Абдулмутталиб ўғли Абдуллоҳни икки қўли билан кўтариб ерга ётқизди. Бир замонлар меҳр-шафқат ила таралган сочлар тупроққа қоришди. Абдуллоҳ маҳзун юз, маҳзун нигоҳ билан охириги нафасларини олаётгандек атрофга боқди. Бу боқишлар умидсиз эди.

— Пичоғимни беринг!

— Йўқ, пичоқ берилмайди, эй Абдулмутталиб. Сен бундай иш қилмайсан!..

Абдулмутталиб бошини кўтарди. Қаршисида «Дорун-надва» аъзоларидан бир нечтаси турарди. Ораларидан Муғйра ибн Абдуллоҳ дегани гапирди:

— Сен бундай ишни қилолмайсан, эй Абдулмутталиб!..

– Нимага қила олмайман?..

– Чунки сен кимсан Абдулмутталиб бўла туриб шу ишни қилсанг, бунинг охири хайрли бўлмайди. Сендан кейин ўз боласини бу ерга келтириб қурбон қиладиганлар кўпаяди. Ўзингдан ёмон ном қолдириб, лаънатга гирифтор бўласан. Кейин болалари қурбон қилинган барча оналарнинг қарғиши сенинг устингга ёғилади. Биз бундай бўлмағур ва жоҳилона ишни тўхтатиш учун жонимизни ҳам аямаймиз.

– Бироқ мен сўз берганман. Уни бажаришим керак.

– Сўз берган бўлсанг, бирор чораси топилар.

– Қандай чора?..

– Бу борада бизнинг илмимиз йўқ. Ҳозир сен ҳижозликлар коҳинининг ҳузурига бор. Вазиятни унга тушунтир. Агар сенга ўғлингни сўйишни буюрса сўясан ёки бирор йўл кўрсатса, ўшани бажарасан.

Абдулмутталиб бу таклифга йўқ дея олмади. Абдуллоҳни қўйиб юборди. Қардошлари ва ўша ерга йиғилганларнинг юзида мамнунлик балқиди. Бироздан кейин Абдулмутталибнинг уйи севинч кўзёшларига қоришган хурсандчилик маконига айланди.

Кейинроқ Абдулмутталиб Абдуллоҳни ёнига олиб, Ясрибга отланди. Коҳиннинг Ҳайбарга кетганини эшитгач, ортидан борди. Бир ривоятда айтилишича, бу сафар Шомга қадар давом этди.

Абдулмутталиб коҳинни топиб, унга дардини айтди. Коҳин аёл уни тинглагандан сўнг эртага келишларини тайинлади. Эрта тонгда ота-бола яна йўлга тушдилар. Коҳин аёл сўради:

– Сизнинг юртингизда бир одам учун қанча товон тўланади?

– Ўнта туя.

– У ҳолда дарҳол ортингизга қайтинглар. Дўстларингиз билан ўн туяни қуръа ташлаган ерингизга йиғинг. Яна қуръа ташланг, агар қуръа болангизга чиқса, туя-

лар сонини ўнтадан орттириб бораверинглар. Роббингиз рози бўлгунга қадар давом этинг. Агар қуръа туяларга чиқса, Роббингиз сиздан рози бўлди, демакдир. Ана шунда ўғлингиз ҳам бу мусибатдан қутилиб қолади.

Ота-бола коҳин аёл ҳузуридан чиқиб, Маккага қайтдилар. Ўнта туя бир тарафга, Абдуллоҳ бир тарафга қўйилди. Абдулмутталиб ўғлининг омон қолишини илтижо қилганча, ўқни ҳалтадан чиқариш учун хизматчига ишора қилди. Лекин ҳалтадан чиққан ўқ юзларда табас-сум пайдо қилмади, чунки у Абдуллоҳнинг исми ёзилган ўқ эди.

Яна ўнта туя келтирилди. Йигирмата туя бир тарафга қўйилди. Ўқлар бир-бирига аралаштирилди. Хизматчи қўлини ҳалтага тиқиб, бир ўқни тортиб олди. Бу сафар ҳам Абдуллоҳнинг исми ёзилган ўқ чиқди. Туялар сони ўттизтага етказилди. Абдуллоҳнинг пешоналаридан терлар оқар, Абдулмутталиб эса тинмай дуо қиларди.

Туялар сони қирққа чиқди, элликка чиқди. Ҳар сафар чиққан ўқ Абдуллоҳники бўларди. Худди шу ҳолат тўққиз бора такрорланди, бироқ натижа ўзгармади. Бунинг қандайдир тасодиф эмаслиги аниқ эди. Ҳар бир иш устида Ҳаким ва Қодир бўлган Зотнинг хоҳиш-иродаси шу эди.

Ниҳоят туялар сони юзтага етди. Қуръа ташланди. Шу пайт ўқни тортган хизматчининг шодон ҳайқириғи эшитилди. Бу халос бўлганлик аломати эди. Абдулмутталиб кўзларидан оққан ёшларини артди, ўғлини бағрига босди. Юзта туя Сафо тепалигига келтирилиб, қурбонлик сифатида сўйилди. Гўштлари сўйилган жойда қолдирилди. Уларни камбағал-бечоралар олди, қолганидан йўловчи, мусофир ва ғарибларга зиёфат қилинди.

Бу воқеа содир бўлганда Абдуллоҳ неча ёшда эди?.. Унинг биродари бўлган Абу Толиб катта эдими, ёки Абдуллоҳми? Бу пайтда Абдуллоҳ ака-укаларининг сони қанча эди?.. Бу борада аниқ бир маълумотга эга эмасмиз.

Эҳтимол, Абдулмутталиб бу берган ваъдасининг устидан чиқиш учун ўғилларининг ўнта бўлишини кутиб ўтирмагандир. Чунки унинг олти нафар қизлари ҳам бор эди.

Суюкли ўғлини бундай оғир имтиҳондан кейин омон сақлаб қолгани учун Абдулмутталиб ўзида йўқ шод эди. Қувончли кунлар бир-бирини қувалаб ўтаверди.

Абдуллоҳ комил инсон бўлиб улғайди. Унинг юзига қараган одам яна қарашни истаб қоладиган даражада ўктам ва келишган йигит бўлди. Бой бир аёлнинг унга: «Агар менга уйлансанг, сенинг ўрнингга қурбонлик қилинган туяларнинг сонича туя бераман!» — деганининг ўзи бу борада ҳеч иккиланмай фикр юритишимизга асос бўла олади. Абдуллоҳнинг бундай таклифга рад жавобини бергани унинг мол-дунёга у қадар қизиқмаганлиги, тинч ва осойишта оила куришни хоҳлаганидан дарак беради.

Абдулмутталиб суюкли фарзандининг бошини иккита қилиб қўйиш ниятида ёнига олди. Макканинг энг обрўли ва Қурайшнинг йигирма беш уруғидан бири бўлган Зуҳра қабиласига йўл олди. Ўзи анчадан буён танийдиган дўсти Ваҳбни топди. Ваҳб Зуҳра қабиласининг аслзодаларидан бири эди. Абдулмутталиб Ваҳбнинг қизи Оминани ўғли Абдуллоҳ учун сўради. Бу фикр мамнуният билан қабул қилиниб, никоҳ ўқилди. Абдуллоҳ уйланган пайтида йигирма беш ёшлар атрофида эди.

У Қурайшликларнинг урф-одати бўйича уч кун қайнотасининг уйида қолди. Сўнгра аёлини олиб отасининг уйига келди.

Омина Ваҳбнинг ёлғиз фарзанди бўлиб, бошқа ака-ука, ёки опа-сингиллари йўқ эди. Бу турмуш унинг биринчи ва охириги турмуши бўлиб қолди. Кўп ўтмай, бева қолишидан, бутун оламларга раҳмат бўлиб келгувчи пайғамбарга она бўлиш шарафини қўлга киритишидан хабари йўқ эди.

Эндигина турмуш қурган келин-куёв жуда оз муддат бирга яшашди. Тўй бўлганига бор-йўғи икки ой тўлган ҳам эдики, Абдуллоҳ Шомга қараб йўлга отланган карвонга қўшилди. У савдо-сотик қилиб оиласини таъминлашни режа қилганди.

Шом ўлкасида дўстлари билан биргаликда савдо-сотик қилди. Улар билан баробар уйга қайтиш учун йўлга чиқди. Бироқ Абдуллоҳ ўзини яхши ҳис қилмаётган эди.

Ниҳоят Ясриб (Мадина) шаҳрига келганларида ортиқ йўл юра олмаслигини англади. Ота томондан бувиси Салманинг фарзандлари, яъни тоғалари бўлмиш Бани Нажжорликларнинг уйида қолишни режа қилиб, ҳамроҳларидан отаси Абдулмутталибга салом айтишларини тайинлади.

Дўстлари уни Ясрибда қолдириб, ўзлари йўлда давом этдилар. Етиб боргач, Абдулмутталибни топиб, вазиятни тушунтирдилар. Абдулмутталиб дарҳол тўнғич ўғли Ҳорисни йўлга чиқарди.

Кечани кеча, кундузни кундуз демай йўл юрган Ҳорис Ясрибга борганида жуда кеч қолганини тушунди. Чунки Абдуллоҳ вафот этиб, Набиҳа деган бир одамнинг боғига кўмилганди. У оламлар сарвари бўладиган Пайғамбарга ота бўлишини билмай, охири нафасини чиқарганди.

УЛУҒ ЧИНОРНИНГ ҚУЛАШИ (Учинчи жудолик)

Абдулмутталиб қуршаган лабларини хўллашни хоҳлади. Хаёллари узоқ-узоқларга кетган, ўтган умрининг аччиқ-чучук кунларини бирма-бир хотирлаб ётарди.

- Сафия!..
- Лаббай, отажон!
- Сув олиб кел!..

Сафия Замзам қудуғининг сувидан келтирди. Абдулмутталиб бир неча қултум ичди.

- Муҳаммадим қаерда?
- Ҳозир келади, отажон, бир қарай-чи.
- У ёнимда ўтирсин. Муҳаммадсиз бу ҳаётнинг қизиғи ҳам қолмади.

Сафия Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни чақириб келиш учун ташқарига чиқди. Бемор зиёратига келган бир кўшнисини кўрди. Отасининг олдига кириб хабар қилди. Ҳалиги кўшни Абдулмутталибнинг ҳузурига кирди.

– Қандайсан, эй Шайбат-ул ҳамд? Кўрган-кечирганинг шу бўлсин!

- Саломат бўл!
- Ўзингни қандай ҳис қиляпсан?
- Мана кўриб турибсан. Ҳар нафасда бир одимдан яқинлашиб боряпмиз.

- Нимага?
- Ўлимга-да!
- Бундай гапларни гапирма, Абдулмутталиб!
- Нима учун?
- Сен ҳали кўп умргузаронлик қиласан. Бизларга бош бўлиб юрасан. Сендан бошқа Макка халқини бошини бир қиладиган, ягона байроқ остида жамлайдиган одам йўқ.

Абдулмутталиб унга бошқа гапирмади. Бироз жимликдан сўнг у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдилар.

— Бобожон, мени чақиртирганмидингиз?

Абдулмутталибнинг ҳолсиз юзида табассум пайдо бўлди.

— Сени кўрмасам туролмайман, ўғлим. Кел ёнимга!

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бобосининг тўшаги ёнига ўтирди. Абдулмутталиб набирасининг кўлини олиб лабларига олиб борди. Узоқ ўпиб ҳидлади.

— Бу набирам ёнимда бўлмаса, яшаётганимни ҳам билмай қоламан, — деди. — Отасини ҳам жуда қаттиқ яхши кўрардим.

Абдулмутталиб хаёлга берилди.

— Шундай, — деди. — Ҳақиқатан ҳам Абдуллоҳ жуда суюкли эди. Ҳамма ўғилларимдан-да кўпроқ яхши кўрардим уни. Бу меҳрнинг охири мен учун қанчалар аччиқ яқунланганидан хабаринг бор. Бироқ от ўрнини той босар, деганларидек бу набирам қайғуларимни аритди. Муҳаммад билан ўзим ҳам боладек бўлиб кетаман. Агар бу набирам бўлмаганида ақлдан озишим аниқ эди.

— Ҳақиқатан ҳам Бани Ҳошим орасида бу набирангиздан афзали йўқ.

Бу гапга Абдулмутталиб эътироз билдирди.

— Бани Ҳошим дема, балки бутун Маккада унга тенг келадигани йўқ. Ҳаттоки бутун оламда, барча инсонлар орасида тенгги йўқ набирамнинг. Унинг қандай буюк инсон бўлишини ҳали кўрасан. Менинг исмим Муҳаммаднинг бобоси бўлганим сабабли ҳеч қачон унутилмайди. Одамларнинг тилидан тушмайди.

Озроқ вақтдан сўнг Абдулмутталибни кўргани келган кўшни изн сўраб ташқари чиқди. Кейин Абдулмутталиб қизларини чақирди. Олтови ҳам келиб оталарининг ёнига ўтиришди. Абдулмутталиб уларга бир-бир назар солди.

— Умрим охирлаб бораётганини сезяпман. Билишимча, яна бир неча кунлик умрим қолган. Энди сизлардан бир истагим бор. Мен вафот этгач, нима деб йиғлайсизлар, қандай марсиялар айтасизлар? Мен буни ҳаётлигимда эшитишни хоҳлайман.

Сафия отасининг сўзини бўлиб деди:

— Отажон, нега бундай гапларни гапиряпсиз? Сиз ҳали кўп вақт бизларга бош бўласиз. Ҳали сизнинг бутун ҳаётингиз олдинда.

Абдулмутталибнинг ҳолсиз дудоқларида кулумсираш пайдо бўлди. Бу кулумсираш аччиқ эди.

— Қизим, ўлимимга ҳозирлик кўринглар. Биз туғилиш учун эмас, ўлиш учун дунёга келамиз. Ҳали қанча яшайман, буни...

Абдулмутталиб сўзларини якунлай олмади. Кўзларидан яноқларига ёш томчилари думалади. Касаллик уни заифлаштириб қўйганди. Ичидан отилиб чиққан ҳасрат бўғизларига тиқилгач, кўзёш кўринишида ташқарига чиққанди.

Қизлари отасининг кўзларида ёш кўришга ўрганмаган эдилар. Чунки Абдулмутталиб темирдек мустаҳкам иродаси билан танилганди. Салобатини сақлаб қололган, ҳеч ким рақиб бўла олмайдиган мавқеда бўлган ва халққа хизмат қилган эди. Шу боис қизлар оталарига ҳайрат аралаш боқишарди.

Абдулмутталиб набирасининг бошини силади.

— Лекин бу болажонимнинг буюк инсон бўлиб етишадиган кунларини кўриш учун яшаган бўлардим.

Сўнгра қизларига қараб деди:

— Мен вафот этгач айтадиган марсияларингизни эшитмоқчиман.

Бу гапдан сўнг опа-сингиллар бир-бирларига қараб олдилар. Бу бўладиган иш эмасди, бироқ оталари шуни хоҳлаётганди.

Биричи бўлиб Сафия бошлади:

— Қаро тунда йўл ўртасига чиқиб олиб, ўлим хабарини айтаётган одамнинг нохуш овози кўзларимдан ёшлар оқизди. Ўша кўзёшларим инжу доналаридек яноқларимга бирма-бир думалаб туша бошлади. Бу ғам-андуҳлар ожизлигу кучсизлик нималигини билмаган, ҳаммага фақат яхшилик соғинувчи улуғ инсон учун эди. Ҳар томонга ўз яхшиликлари, эзгу ишлари билан танилган, обрў-эътибор меросхўри бўлган, «Шайбат-ул хайр» номи билан машҳур Абдулмутталиб учун эди.

У шундай мард, диёнатли ва яхши кишики, унга тенг келадигани йўқ. Елкалари кенг, басавлат, қавми орасида ҳурмат қозонган инсон. Унинг уйи мусофирлар учун доимо очиқ ва кенгдир. Бу инсон очарчиликдан қийналиб қолганлар учун чин маънодаги барака ёмғири эди.

Ниҳоят даражада жавонмард, саҳий. Қуллар ҳам, уларнинг эгалари ҳам бу одамга муҳтож эди. Агар шон ва шараф туфайли бирор киши у дунёдан қайтиб келса, бу Абдулмутталибдан бошқаси бўлмасди. Бироқ бу дунёга ҳеч ким устун бўлган эмас.

Абдулмутталиб Сафияни жимгина эшитди ва деди:

— Отанг учун шундай марсия айтар экансан-да, Сафия қизим!

— Отажон, тилимга сўз келмаяпти, нимага бизни қийнаяпсиз?

— Йўқ-йўқ! Ахир, ҳеч ким дунёга устун бўлмайди, деган сен эмасми?

Кейин Баррога қараб сўз қотди:

— Сен нима деб йиғлайсан, Барро?

Барро кўзларидан оқаётган ёшларни артиб, секин марсиясини бошлади.

— Эй кўзларим, асли-насли тоза, табиати хуш, муҳтожларнинг эҳтиёжини қондирадиган шараф соҳиби учун мўл-мўл кўзёш тўкиб, менга ёрдамчи бўлинглар. Унинг уйида меҳмон ва мусофир учун ўчоқ ёқилган, улар-

ни табассум билан қарши олган, мартабаси юксак киши, яъни «Шайбат-ул ҳамд» деб аталган Абдулмутталибдир.

У карам соҳиби, иззат шараф, фазилатлар эгаси, мулойим табиатли, машаққатлар кўпайганда меҳрибонлиги ортган, эҳсонлар улашувчи зотдир. Қавми орасида ойдай нур сочган, фазилатлари бешубҳа тан олинадиган кишидир. Ажал унга ҳолдан тойган ва касал ҳолида эмас, балки соғлом эканида таҳдид қилди...

Барро марсиясини тугатди. Абдулмутталиб қизи Отикага қараб деди:

— Сен нималар дейсан, қизим?

Отика ўз марсиясини бошлади:

— Кўзларим менга кўмакчи бўлинглари. Ҳеч зиқналик қилмай ёш тўкингики, ҳамма одамлар уйқуга ётгач тўйиб-тўйиб йиғлайин...

Шундан кейин Умму Ҳаким Байзо, Умайма, Арволар ўз марсияларини айтдилар.

Абдулмутталиб қизларининг барчасини диққат билан эшитди. Уларнинг кўнгилларини олиб, яхши гаплардан сўзлади.

Кечки овқатдан кейин фарзандларининг ҳаммаси Абдулмутталибнинг атрофига жам бўлдилар.

Абдулмутталиб дадил-дадил сўзлай оладиган аҳволда эмасди. Қақроқ лабларини бир икки қултум Замзам суви билан ҳўллагач, болаларининг барчаси фахрланадиган даражада тарбияли бўлиб вояга етканликларини айтиб, шукроналар қилди. Кейин шундай деди:

— Мени қийнаётган энг катта дардим, кўзларимнинг нури бўлган набирамга, — у шу сўзларни айтarkan набирасидан кўзларини узмасди, — ким қараши, қандай қарашидир. Айтинглари, Муҳаммадимга ким ғамхўрлик қилади?

Тўнғич ўғли Ҳорис жавоб берди:

— Ҳар биримиз унга ўз фарзандимиздек ғамхўрлик қиламиз. Унинг уйимизда экани биз учун шарафдир, отажон.

Абдулмутталиб бу сўзлардан мамнун бўлди.

Ўғилларидан Зубайр, Абу Толиб, ва Абдуллоҳнинг оналари бир эди. Яъни Бани Маҳзум қабиласидан бўлган Фотима бинти Оиз.

Абдулмутталиб набираси Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га шу икки амакиларидан бирининг гамхўрлик қилишини мақсадга мувофиқ деб биларди.

– Мен барчангиздан розиман. Қайси бирингизга бу ишни топширсам ҳам жон деб қабул қиласизлар. Бунга ишонаман, бироқ Абу Толиб ва Зубайр Абдуллоҳнинг она бир ака-укалари бўлганлари учун қуръани иккиси ўртасида ташланишини хоҳлардим.

Шундай деб у набираси Муҳаммадга савол берди:

– Болажоним, сен қайси амакинг билан яшашни истайсан?

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бобосининг бу саволига жавоб бермади. Ўтирган еридан турди-да Абу Толибнинг қучоғига ўзини отди. Ташланган қуръа натижаси ҳам Абу Толиб томонига ҳал бўлгач, қарор янада қатъий бўлди.

Абу Толиб кўпдан буён орзу қилиб юрган нарсасига етишган кишидек қаттиқ севинди. Ота уйдан чиқишаркан, Абдулмутталибнинг рухсати билан жиянининг қўлидан тутганча уйга олиб келди. Шарти шу бўлдики, Муҳаммад ҳар куни бобосини кўришга келиб туради.

– Фотима!

– Лаббай, эй Абу Толиб?

– Кел, қара-чи, кимни олиб келдим?

Фотима эшик олдида келди. Эрининг ёнида Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) турарди. Энгашиб унинг юзларидан ўпди.

– Хуш келибсан, болажоним! – деди.

– Хушвақт бўлинг, янгажон!

– Фотима бундан кейин Муҳаммад биз билан яшайди. Бизнинг ўғлимиз бўлади.

– Қандай яхши! Қандай бахт! Жудаям қувончли хабар келтирдингиз, эй Абу Толиб!

Фотима иккинчи бор эгилиб, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни бағрига босди.

— Оиламизга хуш келибсан, ўғлим! Энди сенинг онанг мен бўламан. Сен мен учун ўз ўғилларимдан ҳам севимли ва қадрлисан.

Бу сўзлар самимият билан тўлиб-тошган қалбнинг ифодаси эди. Унинг сўзлари шафқат ва меҳрга йўғрилганди. Фотима ҳақиқатан ҳам Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни туғилган кунидан буён жуда яхши кўрарди. Зеро уни кўргач, танигач севмаслик мумкин эмасди.

Фотима умрида отасининг юзини бир бора кўрмаган, онасидан етим қолган, аммо мислсиз бир гўзаллик ва тарбият соҳиби бўлган бу болакайга шу кунгача доимо марҳаматли эди. Энди эса бу марҳамат ва шафқат таърифга сиғмайдиган муҳаббатга айланганди. У Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни ўз бола-сидек суйиб қолганди. Чунки бу болакай Бани Ҳошим уруғининг гули эди.

Абду Толиб Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) келгач, уйларига файз ва барака киргани ҳақида Фотимага сўзлади. Улар бу борада ҳамфикр эдилар. Ўша кеча бир тарафдан отасининг оғир дардга чалиниб, ўлим тўшагида ётгани учун қалби эзилса, бир тарафдан уйига Муҳаммад келгани учун хурсанд эди. Ухлаш учун ётоғига кирганда ҳам кўнгли бир отасини ўйлаб сиқилса, бир жиянини ўйлаб ҳузур қиларди.

* * *

Кўп ўтмай Абдулмутталиб вафот қилди. Маккани мотам чулғаб олди. Одамлар чин маънода қаттиқ қайғуга ботгандилар. Чунки Абдулмутталиб куч-қувватга, зўравонликка эмас, яхшилик ва эзгуликларга интилиб яшайдиган инсон эди. Ҳаёти давомида фақат жиноятчи ва жиноятчиликка, ёмонлар ва ёмонликка қарши жанг

қилди. Доимо одобли, фазилатлилар билан бирга бўлди. Мазлумларнинг ёрдамчиси бўлди.

Етим-есирлар, қуллар, беваю бечоралар уни ўзлари учун паноҳ деб билдилар. У фақат Бани Ҳошимнинг эмас, бутун Қурайшнинг каттаси эди. У билан баҳслашиш учун қаршисига чиққанлар ҳам Абдулмутталибга қаерданлиги номаълум бўлган қандайдир маънавий кучлар ёрдам бераётганини сезиб даъволаридан воз кечардилар. Турли баҳс-мунозаларларда доимо у ютиб чиқарди, шунинг учун ҳам Абдулмутталиб Макка шаҳрининг, қурайшликларнинг энг улуғи бўлиб қолганди.

Бани Ҳошим уруғига мансуб ҳар бир хонадондан кўкни ларзага солувчи фарёд юксалди. Бу фарёд саксон йил давомида тик турган, улғайган сари кўкка бўй чўзиб, халқнинг юрак-юракларига илдизлаб кетган улуғ чинорнинг қулаганини билдирарди. Бу улуғ чинор қанчадан-қанча йўловчиларга ўз соясидан жой берган, неча мусофир бу соя остида икром кўрган, қанча бева-бечоралар дарахтнинг меваларидан тўйгунича озиқланган.

Бу фарёд Абдулмутталибнинг уйдан чиқиб, Умайя, Маҳзум, Адий, Зухра номли уруғларнинг уйларига тарқалди. Машъум хабар қисқа вақт ичида яшин тезлигида бутун Макка водийларига ёйилди.

— Абдулмутталиб вафот этди...

Атиги уч сўздан ташкил топган бу қисқа хабар ўрмонга тушган оловдек ҳар эшитган қулоқни ёндирди, ҳар кишининг қалбини ларзага келтирди. Кексалар йиғлади, ёшлар йиғлади, эркагу аёл — барчанинг кўзларидан аччиқ ёшлар оқди. Макка шаҳрининг осмонини қайғу булутлари қоплади.

Абдулмутталибнинг жасади Сидр номли дарахтнинг барглари ила ювилди. Бу унга нисбатан чексиз ҳурматнинг ифодаси бўлди. Шу кунгача Маккада ҳеч бир одамнинг жанозаси бундай бўлмаганди. Шаҳар ичида очиқ турган бирорта ҳам тижорат дўкони йўқ эди. Ҳаммаси

ёпилганди. Шундан кейин ҳам бозор ва дўконлар бир неча кун очилмади.

Яманнинг қимматбаҳо матолари билан ўралган жасад тобутга солинган ҳолда елкаларга олинди. Қўлдан-қўлга ўтди. Бир умр ортга қайтмайдиган бўлиб уйнинг эшигидан чиқди. Бу тобут ичидаги инсон, кўп яхшиликлар қилиб қалбларини забт этган тўп-тўп одамларни эргаштирганча «Ҳожун» қабристонига қараб йўл олди.

Йиғлаганлар орасида қалби ёниқ, гул юзли бола ҳам бор эди. Кўзларида инжудек ёшларини тинмай оқизаётган бу бола Абдулмутталиб учун йиғлашга ҳаммадан кўра муносиброқ эди. Чунки дунёда севилишга энг лойиқ, ҳаммадан кўра кўпроқ яхши кўргани унинг мана шу бобоси эди.

У набирасининг оламларга раҳмат бўлиб келганлиги англатадиган кунгача яшай олмади. Бироқ набирасининг буюк инсон бўлишига чин дилидан ишонарди. Севилиши бир ибодат бўлган набирасини кичик ёшдалигидаёқ қаттиқ суядиган қария эди у. Бутун инсониятга раҳбар бўладиган Оламлар Сарварига отасиз, онасиз қолиб кетганининг қайғусини у аритганди. Ёлғизлигини, етимлигини билдирмаганди. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни ҳеч қачон ўз ҳолига ташлаб қўймайдиган Аллоҳ уни бобосининг ҳимоясида асраганди.

Умму Айман ҳаммани кўз ёшларга ғарқ қилиб кетаётган хўжайинининг ортидан ёшли кўзлари билан боқаркан, тўп-тўп одамлар орасида яна бир жуфт ёшли кўзларни учратди. Бу кўзлар икки йил олдин Абвода онасининг жанозасини ўтказгач, йиғлай-йиғлай ортга қайтган Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг кўзлари эди.

«Ўғлим қаерда? Мен усиз овқат емайман!» — дея очликдан қийналса ҳам Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) келмагунча овқатланмаган Абдулмутталибнинг ортидан Умму Айман қичқирганча йиғлаб қолди.

У биргина бир етимга нисбатан бўлган меҳри-муҳаббати боис юз йиллар давомида унутилмайдиган бўлиб

бу дунёни тарк қилганди. Дунёнинг бошқа бирор ерида ўхшаши бўлмаган Замзам қудуғини қайта чиқариб, жазирамадан адо бўлган халққа ҳадя қилгани бунга етарли бўларди.

Бир замонлар амакиси Мутталибнинг туясига мингашиб Ясрибга келган пайтида одамлар амакисидан «Бу ким?» деб сўраганларида амакиси ҳазил аралаш «Кулим», дея жавоб берганди. Шу сабабдан ҳам Абдулмутталиб (Мутталибнинг қули) кунясини олган Шайба энди инсонларнинг кўз ўнгида дунёни тарк этганди.

Гарчи одамлар қўйган Абдулмутталиб кунясининг маъноси Мутталибнинг қули дегани бўлса-да, аслида улар Макканинг каттаси, Қурайшнинг улуғи демоқчи бўлардилар.

Эҳтимол, асл исми унутилмасин, деганлар унга Шайба деб мурожаат қилишни маъқул кўрмай, «Шайбат-ул ҳамд» ёки «Шайбат-ул хайр» дейишни лозим топишгандир.

Абдулмутталибнинг охириги хизматини бажариб қолишни ният қилганлар уни катта бобоси Қусай кўмилган жойга олиб келдилар. Бу қабристоннинг номи «Ҳожун» деб аталарди. Абдулмутталиб шу ерга дафн қилинди.

Бу дунёда яхши кўрилишининг ўзи бир ибодат бўлган, Набийларнинг Сарвари, инсониятнинг раҳбари қилиб юборилган зотни чин дилидан севиб, унга марҳамат кўрсатган киши нариги дунёда қандай кутиб олинади?

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даъватларига қарши бош кўтарган Абу Лаҳаб, Абу Жаҳллар каби жаҳаннамга тушадими? Ёки набирасига қилган хизматлари, кўрсатган меҳр-шафқати боис Аллоҳ таолонинг карами билан жаннатга кирадими?..

Бу сатрларни ёзаётган фақир Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қилинган ҳеч бир хизматнинг жавобсиз қолмаслигига ишонган ҳолда, кўнглимда иккинчи бир эҳтимолнинг борлигини ҳам рад қилолмайман. Аллоҳ чексиз марҳамат, битмас-туганмас шафқат соҳибидир.

АБУ ТОЛИБНИНГ УЙИДА

Абу Толиб Ҳожун қабристонидан кўзлари ёшли ҳолда қайтди. Ўз отасини, яна Абдулмутталибдек отадан жудо бўлиш осонми, ахир! Абу Толиб уй-жойли, бола-чақали киши эди. Лекин бундай вазиятда ўзини ҳимоясиз қолган боладек сизди. Бу ҳол узоқ давом этмади. Агар у ҳимояга муҳтож бўлса, ҳақиқатан гамхўрликка муҳтож бўлганлар нима қиларди?!

Ўша кеча Абдулмутталибнинг уйида бўлган йиғинда оила аъзоларининг бари бир овоздан бундан кейин Абу Толиб оиланинг каттаси бўлишини қабул қилдилар. Энди у отасининг ўрнига Бани Ҳошим уруғининг раиси бўлиб қолганди. Фақат Абдулмутталиб Қурайшнинг ҳамма уруғлари тарафидан тан олинган, севилган бўлиб, ўғли Абу Толибнинг бу даражага эришишига йиллар керак бўлди.

Уйига олиб келганига бир ҳафтадан ошган жиянига нисбатан Абу Толибнинг кўнглидаги меҳр ортгандан ортарди. Бунинг учта сабаби бор эди:

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳаётининг энг гуллаган даврида бу дунёни тарк этган суюкли укаси Абдуллоҳнинг ўғли эканлиги;

унинг бошқа болаларга ҳеч ўхшамайдиган мукамал одоб ва тарбия эгаси эканлиги;

яна бир сабаби ҳам бор эдики, буни Абу Толибнинг кўнглига Аллоҳ солганди.

Бир оқшом Абу Толиб бу ҳақда аёли Фотимаи Асадийяга гап очди:

— Отам бу бола учун даллию девона бўларди, унингсиз бир он ҳам туролмасди. Ҳозир мен ҳам отамнинг аҳволига тушиб қолдим. Менимча унинг тақдирига буюк инсон бўлиш ёзилган. Биз эса бу тақдир йўлидаги хизматчилармиз.

Фотима эрининг сўзларини тасдиқлади:

– Тўғри айтмоқдасиз, эй Абу Толиб! Мен ҳам шундай ўйлаяпман. Ўз фарзандларимдан ҳеч бирини гул юзли Муҳаммадни севганчалик севган эмасман. Балки уни сиздан ҳам кўпроқ яхши кўрарман. Баъзан туриб-туриб ўйлаб қоламан: ажабо! Асл онаси Омина бу болакайни мендай яхши кўрганмикан?! Тақдир масаласига келсак, мен ҳам сиз каби ўйлаяпман. Шубҳасиз, унинг тақдирига буюк ишлар битилган. Биз унинг хизматчилари, хизматчи бўлганда ҳам шарафли хизматчиларимиз. Умримнинг сўнгига қадар бу боланинг хизматини қилсам, асло ўкинмайман.

Фотима кунлар ўтган сари ўз фикрларининг нечоғлик тўғри эканига амин бўлиб борарди. Бу болакайнинг бир бора ётган ётоғи, ўтирган ўриндиғи, кийган либоси мушк-анбар каби ис таратарди.

Ўз фарзандлари уйқудан тажанг, кўзлари шишган, қовоқлари солинган ҳолда уйғонишса, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг юзи худди гулоб билан ювилгандек тоза, кўзлари порлаб турарди. Ўз болалари оч қолган қуртлардек дастурхонга ёпишсалар, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳамманинг дастурхон атрофида жам бўлишини, овқатни олдин катталар бошлашини кутарди. Овқатни еганда ҳам оз-оздан олар, талашиб-тортишмас, бу билан ҳаттоки, катталарга ҳам ўрнак бўларди.

Фотима қизи Умму Ҳоний, ўғли Оқил ва бошқа фарзандларининг ҳам Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га ўхшашини жуда-жуда истарди. Ҳаммадан ҳам қизиқ жиҳати бу гўзал одоб ва тарбияни у қаердан ўрганганлигида эди.

Чунки у шу кунгача худди кўчманчилардек кун кечирди. Эндигина саккиз ёшга тўлганига қарамай, учта алоҳида-алоҳида оилада яшади. Дастлаб Саъд ибн Бакр қабиласидаги Ҳалималарнинг уйида, кейин онасининг уйида, ундан кейин бобоси Абдулмутталибникида. Аслида бундай муҳит болага ижобий эмас, балки салбий

таъсир кўрсатиши керак эди. Бундай аҳволда катта бўлган боланинг гўзал ва комил тарбия олиши ҳам ақлга сиғмайдиган ҳодиса эди.

Охирги икки йил орасида бобосининг қучоғида катта бўлди. Бир гапи икки бўлмади. Етим бола бу каби шароитда ўсганда тантиқ ва инжиқ бўлиши оддий ҳол эди. Шунча нарсага қарамай, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг катталарни ҳам оғзини ланг очиб қўядиган даражада одоб ва ахлоққа эгалиги ҳақида гапир-иш муболаға эмас.

* * *

Бир кеча эр-хотин ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтди:

— Эй Абу Толиб, мен сезиб юрган айрим нарсаларни сиз ҳам сезяпсизми?

— Нимани сезиб юрган экансан?

— Озиқ-овқатларимизга барака кирди. Муҳаммад бу уйга келгандан сўнг дастурхонга қўйганимиз оз бўлса-да барчамизга етмоқда.

— Албатта, буни мен ҳам фарқига бордим. Аслини сўрасанг, қўлимиз калталиги мени жуда ўйлантирганди. Энди икки луқма кам овқат еймиз, деб ўйлагандим. Бироқ, дастурхондан олдингидан кўра тўйган ҳолда турмоқдамиз, шундай эмасми?

— Ишончим комилки, уйимизга Муҳаммад билан барака ҳам кириб келди. Ўткан куни Муҳаммадни укангиз Зубайр олиб кетганди, дастурхонга ҳар кунгидай овқатни қўйдим. Болалар тўймадилар, ўзим ҳам оч қолиб кетдим.

Абу Толиб ҳам хотинининг гапларини тасдиқлади:

— Барокат суюкли жияним билан боғлиқ, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Ўша кундан бошлаб дастурхон атрофига йиғилган болаларнинг таомга пала-партиш қўл узатишлари таъқиқланди. Абу Толиб бу борада қаттиққўллик қилиб:

– Шошманг, олдин Муҳаммад келсин, – дерди.

Таомни биринчи бўлиб унга едирар, кейин болаларининг овқатланишига рухсат берарди.

Кунлардан бир куни Фотима дастурхонга бир киши аранг тўядиган даражада оз сут келтириб қўйди. Ундан сўнг овқатни олиб келмоқчи эди. Ҳар доимгидек сўтни биринчи бўлиб гул юзли Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ичди. Бироқ сут сира тугай демасди. Болаларнинг ҳар бири дастурхондан сутга тўйган ҳолда турдилар, аммо идишдаги сут ҳали ҳам олдингидек турганди.

Кўзлар бир-бирига маъноли қараш қилдилар. Улар бир-бирини сўзсиз англашганди.

Умму Айман Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг овқатга бўлган муносабатлари ҳақида шундай деганди:

– Болаликларида на очликдан на чанқашдан шикоят қилардилар. Эрта тонгда бир неча қултум Замзам сувидан ичиб олардиларда, овқатга чақирсак:

– Емайман, қорним тўқ, – деб жавоб берардилар.

Абу Толиб чин қалбдан яхши кўрган жиянининг бу оилага моддий тарафдан танглик эмас, аксинча, қут-барака келтираётганига амин бўлганди. Баъзан ўзи учун солинган ётоқда жиянининг чарчаб келиб ухлаб қолганини кўрса, мулойим табассум қиларди. Баъзан эса ўзи ҳам гул юзли жиянининг ёнига чўзилиб, унинг тотли ифоридан ҳидлаганча кўзи илинарди.

Абу Толиб бу меҳри ила кундан-кун отаси Абдулмутталибнинг ўрнини эгалларди. Эртанги кун буюк инсонининг ёлғиз қолишини истамаган марҳамати чексиз Аллоҳ таоло бу сафар Абу Толибнинг кўнглини суюкли бандаси Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га ипсиз боғлаганди. Абу Толиб жияни бўлмаса, бир он ҳам тура олмас, ўз болалари билан ҳечам овунолмасди. Ичига тўлган ҳасратдан нақ портлагудай бўларди.

«Оёғига бирор тикан кириб азият бермасмикан, ё куёшнинг иссиғи гул юзларини куйдурмасмикан ёки

уйда болаларимдан кўпол муомала кўрса ёки кўчадаги тарбиясиз болалар хафа қилса...» — деган ўй-хаёллар унга ҳеч тинчлик бермасди. У кўз олдида бўлмаса, ўзини ҳеч хотиржам сезмасди.

Ёнидан қисқа вақтга айрилса ҳам кўнгли у билан эр-гашиб кетар, унинг қайтиб келганини кўргач, чуқур нафас олиб роҳат қиларди.

Абдулмутталибнинг ҳам, керак бўлса, Абу Толибнинг ҳам Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га бўлган меҳр-муҳаббати бир отанинг ўз фарзандига нисбатан туйган севгисидан ортиқ бўлса ортиқ эдики, сира кам эмасди.

Абдулмутталибнинг ўғиллари орасида унга энг ўхшаши, виқорли ва салобатлиси Абу Толиб эди. У ака-укалари ичида энг каттаси эмасди. Энг камбағали ҳам деб бўлмасди уни. Ортиқча мол-мулки йўқ, бир қанча туяси бор эди. Улардан фойдаланиб рўзғор тебратарди. Баъзида тижоратга ҳам қўл урар, лекин оиласига етадиган даражадан ортиқ пул жамғармасди. Шундай бўлса-да, унинг кўзи ва кўнгли бой эди. Бировларга ҳасад қилмас, мол-мулқига кўз олайтирмасди.

Ўша замонда кўпчилик мубтало бўлган ичкиликнинг бир томчисини ҳам оғзига олмаган, зино деган иллатнинг эшигига ҳам яқин йўламаганди. Бу борада унинг фикри отаси Абдулмутталиб билан бир хил эди.

Одамлар унинг гапларини қулоққа олар, ўзи эса лозим бўлмаган ва бекорчи гап-сўзларни гапирмасди. Нотўғри ишлардан ўзини олар, бечора ва мусофирларга ёрдам қўлини чўзарди. Мазлумга елка тутгувчи, қийналганларнинг ёнида турадиган, ғарибларга йўл кўрсатувчи, хаёлу ўйлари тоза бўлган бир киши эди.

Шу туфайли ҳам ортиқ даражада бой, ёши улуғ бўлган Бани Ҳошим уруғининг одамлари унинг атрофида жам бўлганди. Абу Толибни ўзлари учун оилабоши қилиб сайлагандилар.

Эҳтимол, у Абдулмутталибдек бўлолмагандир, бироқ отаси босиб ўтган пиллапоялардан бир-бир одимлаб борарди. Шу кетишида бутун Макка халқининг суюклиси, ҳурматли раиси бўлиши аниқ эди. Лекин унда амалга нисбатан қизиқиш йўқ эди. Уни отасининг йўлидан кетаётганининг сабаби ҳам шунда эди.

Энг камида Бани Ҳошимнинг улуғи ва раиси бўлган Абу Толиб жиянига бўлган меҳр-муҳаббати туфайли болага айланиб кетарди. Уни мамнун қилиш, кўнглини кўтариш учун ҳар нега тайёр турарди.

Хотини Фотима ҳам бу борада Абу Толибдан ҳеч ҳам қолишмасди. Унинг бу туйғуси бир мусофирга қилинган иззат-икром, ёхуд бир етимнинг кўзидан оққан аччиқ ёшни артиш даражасидан ошиб кетганди. Бу эрининг олдида ўзини кўрсатиш ҳам эмасди. Бир она ўз боласини қанчалар севса, ардоқласа, у ҳам Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни шунчалар яхши кўрарди.

Фотима ўз болаларидан олдин уни чўмилтирди. Сочларини тараб, ўрнини солиб берди. Доимо унга муҳаббатга тўла кўзлари билан қаради. Хизматларини мамнун бўлган ҳолда бажарди. Чунки Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бу уйга келган кунидан буён ўз болаларидек ҳаммаёқни тўзғитмади. Айтилган гапни қулоқ қоқмай эшитди. Сўраганларига жавоб берди. Истаганларини ўрнига қўйиб бажарди. Ғавғо-тўполон қилмади. Фаришта каби тоза руҳли, тоза юзли, тоза либосли бўлиб юрди.

Ўз болалари эрталаб уйдан чиқиб кетаётганларида тоза-озода кийган кўйлақларини кечқурун лой-тупроққа белаганча кириб келсалар, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг гул япроғидек гард юқмаган ҳолда келиши уни севинтириши табиий ҳол эди-да.

Чақирмасдан илгари янгасига ёрдам бериш учун шошилиши, ҳар бир ишни мантиқан ўйлаб қилиши уни Фотимага севимли қилдирмай, кимга севимли қилдирсин!?

Кўшимча сифатида бу ўринда буюк Роббимизнинг Фотима кўнглига Ҳоким эканини ҳам асло унутмаслигимиз даркор.

БУЛУТЛАРГА БЕРИЛГАН ИШОРАТ

Абу Толиб Маккадалигида қаерга борса, ўзи билан жиянини олиб кетарди. Доимо ёнида юришини истарди. Эрталаб уйқудан тургач, Муҳаммад (соллаллоху алайҳи васаллам)нинг ухлаётган ёки уйғоқлигини текширар, ухлаётган бўлса уйғонишини кутиб ўтирарди.

Ёз мавсуми ўзи билан бирга қурғоқчиликни ҳам олиб келганди. Кўзлар ҳар куни тонгда бир парча бўлса-да булут кўриш орзусида осмонга термуларди. Тун қоронғуси атрофга ёйила бошлаган маҳалда эса булутсиз ва ёмғирсиз ўтган яна бир кун учун бошлар эгилиб, ғам-андухга ботардилар. Каъбанинг атрофига териб қўйилган шунча бутларнинг қўлидан бир иш келмаслигига одамлар борган сари кўпроқ амин бўлиб боришарди.

Бир куни тонгда бойлардан бирининг эшиги очилиб уй хўжайинининг қули чиқди. Қўлида қаймоқ тўла товоқ бор эди. У тўғри Каъба томонга қараб борди. Бу одамнинг юзидаги ифода жуда тундлигидан нимани ўйлаб кетаётганини тушуниб бўлмасди. Худди жони қийналаётган, хоҳлаганига эришолмаган кишига ўхшарди.

Каъбанинг олдиғача келди. Бир қанча бутларнинг ёнидан бепарвогина ўтиб кетди. Хўжайини номини айтган бутнинг ёнига бориб, қўлидаги товоқни унинг остига қўйди ва у ердан узоқлашди.

Бу қаймоқ хўжайини тарафидан «Ёмғир ёғишига во-сита бўлади!» — деган умид билан бутга юборилган бир пора эди. Эҳтимол, бу тош бут қаймоқнинг ҳурматидан еру кўкнинг эгаси бўлмиш Аллоҳга ёмғир ёғдиришини сўраб дуо қилар.

Хизматкор куп-қуруқ, жонсиз тошнинг олдидан хоҳламайгина узоқлашаркан, кўзларини товоқдаги қаймоқдан сира узолмасди. Худди шу тахлит ўн беш қадамча ортга юрди. Ғамгин ҳолда бир четга ўтирди. Бу унинг биринчи маротаба келиши эмасди. Шу кунга

қадар қанчадан-қанча ноз-неъматларни бутнинг олдиға олиб келганди. Уларни ҳам бугунги қаймоқ каби жонсиз бутнинг оёғи остига қўйиб ичи ачий-ачий узоқлашганди.

Бир умр бутун борлиғини бериб хизмат қилган бу уйда унинг мана шу тош бутчалик қадр-қиммати йўқ эди. Ҳозиргина ўзи олиб келган қаймоқдан на бирор маротаба татиб кўрган, на бирор марта ейиш учун таклиф қилинганди. Қаймоқ ўрнига еган калтакларининг саногини эса ўзи ҳам билмасди. Кифтидаги еган калтакларининг излари ҳали ҳам кетмаган. Хўжайини учун қанча хизмат қилса-да хўрланган, азобланган ва калтагу ҳақоратларга гирифтор бўлганди. Ҳолбуки, жонсиз тошнинг бу оилага берадиган ҳеч қандай фойдаси йўқ. Бироқ, ақли калта хўжайин топган ноз-неъматларининг энг сараларини шу бутга қайта-қайта инъом қилаверарди.

Агар билиб қолишса бу қулни ўлдириб юборишлари аниқ, бўлмаса товоқдаги қаймоқни мазза қилиб паққос туширган бўларди. Қандайдир ички бир хавотир уни бундай иш қилишидан доимо тўсиб турарди.

У узоқ ўтирди, қайғуга чўмганча товоқдаги қаймоққа термулди. Орадан кўп вақт ўтмай, шу атрофда юрган бир ит келиб бутнинг остига қўйилган қаймоқни мазза қилиб паққос тушурди. Кейин оёғини кўтариб, бутнинг устига пешоб қилди-да у ердан жўнаб қолди.

Қулнинг бағирлари куйиб кетди, гўёки кимдир устига муздек сув қуйгандек бўлди. Чунки оғзининг суви оққанча, ҳидлай-ҳидлай келтирган, бироқ бир бора бўлса ҳам ялаб кўрмаган қаймоғи қаердаги бир дайди итнинг ошқозонига тушганди. Бироқ, энг ёмони қорни тўйган итнинг бут устига қилиб кетган иши уни мазах қилгандек, устидан кулгандек бўлди.

Турфа хил маънисизликлар жам бўлган бу шаҳарда қанчадан-қанча озиқ-овқатлар, ноз-неъматлар бутларга ҳадя қилинганди. Лекин уларнинг роҳатини дайди мушуклар билан санқи итлар кўришарди.

Тонгнинг илк дақиқаларидан бошлаб токи кун ботгунга қадар, баъзан кечалари ҳам бу бутларнинг олдига келиб сажда қилгувчилар, ёмғир сўровчилар топиларди. Улар бутларга ёлворганларича ўз истакларини айтиб, ортларига қайтардилар. Бироқ тошдан қилинган бутлар келган пайтларида қанчалар бепарво ва гўддайган ҳолда бўлса, одамлар кетишаётганда ҳам ўшандай тураверардилар. Улар устиларига келиб ҳожат чиқариб кетаётган итларни қувишга ҳам ожиз тошлар эканини ҳеч ким ўйлаб кўришни истамасди.

Мажлисларнинг ҳам ягона мавзуси қурғоқчилик эди. Одамлар кўлдан келган барча ишлар қилинганлиги, бироқ, натижа бўлмаётганлиги ҳақида баҳс этардилар. Ўзларича: «Илоҳларнинг кўнглини ололмадик», деб ўйлардилар. Бу орада икки йил илгари Абдулмутталибнинг Абу Кубайсда қилган ёмғир дуосини эслаганлар бўлди.

— Ҳозир орамизда бўлганда эди, у билан бирга ёмғир дуосини қилардик! — дейишди.

Улар бу борада Бани Ҳошимнинг каттаси бўлган Абу Толибдан илтимос қилмоқчи бўлдилар. Нима бўлганда ҳам Абу Толиб Абдулмутталибнинг ўғли эди. Томирларида отасининг қони оқарди.

Абу Толиб уйига ташриф буюрган бир нечта Қурайш кексаларини ичкарига таклиф қилди. Салом-алик қилишгач, келганлардан бири оғиз очди:

— Ҳузурингга келишимиздан мақсад шуки, сени ёмғир сўраб дуога чиқишингни илтимос қилмоқчимиз, эй Абу Толиб! Кўриб турганингдек сувсизликдан ҳолдан тойдик. Жониворлар ҳам оғир аҳволда. Биз учун ёмғир дуосини қилишга чиқасанми?

Абу Толиб уларнинг гапини ерда қолдирмади.

— Яхши, албатта, чиқаман. Бироқ, менинг кучим дуо қилишдан бошқасига етмайди.

Кейин ўрнидан турди. Ёнида қадрли жиянини эргаштирганча ташқарига чиқди. Каъбанинг ёнига келишди.

Абу Толиб кифтини Каъбанинг деворларига берди. Бо-
шини осмонга кўтариб, дуо қилишни бошлади. Халқ да-
вомли ҳолда «Омин!» — деб турарди. Осмон ҳар кунгидай
булутсиз. Дуо қабул бўлган тақдирда ҳам ёмғир икки-уч
кунда ёғиши мумкин. Абу Толиб бутларга эмас, Жано-
би Ҳаққа ёлворарди. Зотан улар Аллоҳ борлигини қабул
қилишар, бутларни эса Аллоҳ билан одамлар ўртасидаги
воситачи сифатида билишарди.

Бу орада йиғилганлар Абу Толиб ёнидаги маъсум бо-
ланинг қўлини кўтариб, осмонга бармоғи билан ишорат
қилганини кўришди. Бу ишорати билан осмондаги би-
рор нимани кўрсатмоқчи эдими, ёки ўзи ҳам билмаган
ҳолда Аллоҳ томонидан шундай амр бўлганмиди? Бу-
нинг аниғини биладиган бирор киши йўқ эди. Аммо
диққат билан қарагач, бармоғи билан ишорат қилган
тарафда бир булут парчасининг уфқдан бош кўтаргани,
бу тарафга шамолдек учиб келаётганини кўрдилар. Бу
булут парчасининг ортидан паға-паға булутлар эргашиб
келарди. Кўп ўтмай, Макка шаҳрининг устида мовий
рангдаги булутлар эмас, ёмғир ёғдирувчи қоп-қора бу-
лутлар тўпланди. Абу Толиб ҳали ҳам дуодан тўхтама-
ганди.

Осмондан тушган бир неча ёмғир томчиси шодон
ҳайқириқларга сабаб бўлди. «Омин!» — деб янграёт-
ган овозлар бу сафар севинчга тўлган ҳолда эшитилар-
ди. Ёмғир сўраб тўпланганлар яна ёмғир боис уй-уйи-
га тарқалдилар. Уларнинг юзларидан оқиб тушаётган
томчилар ёмғир томчиларими ёки севинч ёшларими,
ажратиб бўлмас эди. Дуони Абу Толиб қилган бўлса-да,
Аллоҳ ёмғирни кимнинг ҳурматидан ёғдирди!?

Бу саволнинг жавобини Абу Толиб худди отасининг
исмини билганчалик яхши биларди.

Ўша кеча деярли барча хонадонларда Абу Толибнинг
ёмғир сўраб қилган дуоси ҳақида суҳбат бўлди. Бу дуони
ўз қулоқлари билан эшитганлар Абу Толибнинг қайта-
қайта:

— Аллоҳим, мана шу маъсум боланинг ҳурмати учун, Аллоҳим, шу етим гўдак учун... — дея ёнидаги нур юзли боланинг номи билан дуо қилганини билардилар.

Улардан бири:

— Нима бўлганда ҳам бу ишлар ўша боланинг осмонга қилган ишоратидан кейин бўлди. Худди осмондаги булутларни бармоғи ила ишорат қилиб келтиргандек туюлди менга, — дерди.

Яна бир бошқаси:

— Бу болада бир гап бор. Икки йил олдин Абдулмутталибнинг ёмғир сўраб дуо қилганини кўрганман. У ҳам ўшанда «Шу етимнинг ҳурмати учун...» — дея дуо қилганди.

Аёллардан бири:

— Унда бутларимиз нима қилди? — деб сўради.

— Нима ҳам қилишарди, ҳар куни нима қилсалар шуни! Ҳалиги киши уйдагиларнинг юзларига бир-бир қараб олгач:

— Яъни ҳеч нима қилмадилар, — деди.

Яна бир бошқаси унинг гапига қўшимча қилди:

— Қаққайган қозикдек тураверишди.

Бу вақтда ташқаридаги ёмғир челақлаб қуярди.

* * *

Кунларнинг бирида Маккага машҳур коҳин келди. У одамларнинг юзига, қўлидаги кафт чизикларига қараб башорат қилувчи бир киши эди. Ҳамма ўз боласини унинг ёнига олиб бориб кўрсатар, гапларини жон қулоғи билан эшитардилар. Абу Толиб ҳам жияни билан келганди. Унинг келишидан мақсади жиянида кундан-кунга яхшироқ кўринаётган хислатларни айтиб, коҳиндан сабабини сўраш эдими ёки бошқа иш билан келганмиди? Буниси бизга қоронғу.

Коҳиннинг ён-атрофи ари уясидек эди.

У Бани Ҳошимнинг раиси Абу Толибнинг ҳам ёнида бир болакай билан келганини кўрди. Дарҳол улар томонга қаради. Қарашга қарадию, аммо ёнидаги одамлар уни ўз ҳолига қўядигандек эмасди. Ҳар тарафдан унга мурожаат қилишар, коҳиннинг эътиборини ўзларига қаратишни хоҳлашарди.

— Менга Абу Толиб олиб келган болакайни кўрсатинглар!

— Жоним болам, Абу Толибнинг навбати келгани йўқ, менинг набирамни ҳам бир кўриб қўй!

— Аммо унинг ёнидаги бола ҳаммадан бошқача.

— Хўп, тушундик. Бироқ бизнинг ишимизни ҳам эртага қолдирма!

Абу Толиб башоратчи коҳиннинг бирданига жияни томонга қараганини ва бошқаларга қўл силтаганини кўргач: «Жиянимга бирор зарар етмасин!» — дея унга қаради.

— Қани, ўғлим! Сен уйга боравер, — деди.

Коҳин ҳар икки гапининг бирида «Абу Толиб қаерда?» — дея бақирарди. Бу орада унга кўзи тушгач деди:

— Қаерларда юрибсан, эй Абу Толиб?

— Кўриб турганингдек шу ердаман.

— Ёнингдаги болакай қани?

— Уйга жўнатиб юбордим.

Коҳин ўтирган жойидан турди. Абу Толибнинг қўлидан тутганча бир неча қадам нарига олиб ўтди ва пичирлади:

— У болага яхшилаб қара. Шуни билгинки, у оддий бола эмас. Катта бўлгандан кейин ҳам оддий одам бўлмайди.

Кейин Абу Толибнинг кўзлари тубига қаттиқ тикилди ва деди:

— Қасам ичаман, такрор ва такрор қасам ичиб айтаманки, сўзларим рост бўлиб чиқади.

ШОМ САФАРИ ВА РОҲИБ БАҲИРА

Фил воқеаси бўлиб ўтганига ўн икки йил бўлганди. Ҳар йили ёз мавсумида Шомга, қиш мавсумида Яман тарафларга сафарлар уюштириларди. Карвонлар жўнатилиб савдо-сотик қилинарди. Бироқ, йўллар ҳеч қачон беҳавотир бўлмасди. Ҳаром ойларида бошқа вақтларда уюштирилган сафарларда куннинг йигирма тўрт соатида ҳам ҳужум қилиш эҳтимоли бўлган босқинчиларга қарши тайёргарлик кўриб қўйиш шарт эди. Бунга қўшимча равишда карвоннинг бориш ва қайтишини ташкил этиш, тўхташ ва йўлга тушиш вақтларини белгилаш, сафарда учрайдиган қабилалар билан кўришиб, улардан кўмак олиш учун бир карвонбошига ҳам эҳтиёж бор эди.

Шу сабабли қурайшликлар орасида сўзи ўтадиган, ҳурматга лойиқ бир улуғроқ одам карвонга бош бўлиб, ёнига етарлича қуролланган аскарларни оларди.

Бу йил карвонбоши бўлган Абу Толиб жуда ҳаяжонда эди. Чунки савдо-сотик билан шуғулланувчи ҳар бир кишининг бу карвонда маълум миқдорда ҳиссаси бор эди. Маккадан йўлга чиққандан бошлаб деярли икки ойга чўзиладиган бу сафар асносида карвонга етиши мумкин бўлган ҳар бир таҳликага шахсан жавоб бериши лозим. Бунинг устига тўрт йилдан буён бир он бўлсин айрилмаган севимли жиянидан узоққа кетиш уни ўйлантириб қўйганди.

Бошида уни ҳам ўзи билан олиб кетмоқчи бўлди. Бироқ шу кунгача карвонларнинг ҳеч бир таҳликасиз эсон-омон манзилга етганини ҳеч ким эшитган эмас. Йиртқич ҳайвонлар ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўларди.

Абу Толиб шуларни ўйларкан, жиянини бирга олиб кетиш, билиб туриб уни хатарга қўйишдир, деган фикрга келди. Бир тарафдан жиянинг кўзларида сафарга чиқиш иштиёқининг қанчалар кучли эканини ҳис қилди. Унинг

юзига қараганда маъсум нигоҳларига дош бера олмас, аммо жиянининг бу сафарда қийналиб қолишини ўйлаб, уни қолдириб кетишни тўғри деб ҳисобларди.

Абу Толибнинг кўнглида кечаётган бу иккиланишлар сафарга жўнаш кунига қадар давом этди. Карвон йўлга чиқадиган тонг эди. Ака-укалари уни кузатиш учун келишганди. Неча кунлардан бери тинчлик бермаётган ўйларининг сабабчиси бўлган жияни ҳам бир четда турарди. Унинг сафарга бориши ёки бормаслиги тўғрисида шу кунгача бир оғиз сўз ҳам айтилмаган.

Абу Толиб барча тайёргарликлар ниҳоясига етганини кўргач, ака-укалари билан хайрлашди. Болаларининг, нур юзли жиянининг юзларидан ўпди.

— Сизларни Аллоҳга топширдим, — дея туясига минди.

Шу пайт Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) нинг олдинга юргани ва туянинг ёнига келганини кўрди. Унинг маъсум кўзлари амакисига қаради:

— Мени ҳам ўзингиз билан олиб кетинг, амакижон! Мени ташлаб қаерларга кетаяпсиз? Кимга ташлаб кетмоқдасиз?

Ўзини зўрға тутиб турган Абу Толиб ортиқ ўйлаб ўтирмади:

— Қани, туяга мин-чи! Сени ҳам олиб кетганим бўлсин!

Абу Толибнинг ака-укалари бунга рози бўлмадилар.

— Бундай ёш бола йўлнинг заҳматларига қандай чидайди?

— Бунинг устига сафарнинг қанчалар машаққатли бўлишидан ўзингнинг ҳам хабаринг бор-ку!

— Аммо мен унинг илтимосини рад қила олмайман.

— Болани билиб туриб азоблашни хоҳламасанг керак!?

Абу Толиб жиянига қаради:

— Амаки ва аммаларинг сўзларига нима дейсан? — деди.

Бу саволни беришга бердию, аммо Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) туянинг юнгларида қаттиқ ушлаб олганди. Кўзлари ёшли, қарори қатъий эди.

Абу Толиб яна ака-укаларига қаради:

— Олиб кетаман уни!..

— Бўлмайди, Абу Толиб! Биз рози эмасмиз.

— Қарорим қатъий! Бундан кейин ҳеч қачон жиянимдан ажралмайман.

Абу Толиб қўлларини севинч билан юқорига узалган қўлларга қовуштирди. Жиянини даст кўтариб туяга миндиргач, кутиб ўтирмай юриш амрини берди. Карвон аста-секин йўлга чиқди, орқада қолганларнинг қўллари юқорига кўтарилди:

— Муҳаммадга яхши қара, эй Абу Толиб!..

— Эсон-омонликда бориб қайтинглар!

— Яна қайта кўришгунча! — деган саслар бир-бири билан кўшилиб кетди.

Кўёш роса қиёмга келган бир вақтда бир қанча водийларни ортда қолдирган карвонга илк тўхташ амри берилди. Жазирама иссиқ қайтгунгача шу ерда қолиб, кейин йўлга тушмоқчи эдилар.

— Хўш, болажоним! Сафар яхшимикан?

— Сиз ёнимда бўлсангиз, ҳаммаси яхши, амакижон!

Улар ўтириб хурмо едилар. Абу Толиб бир чойшаб олди:

— Қани, энди ухла, болажоним! — деди.

— Сиз-чи, амакижон!

— Мен карвонни кўздан кечириб, кейин ётаман.

Шундан сўнг жиянига роҳатбахш уйқу тилаб ўрнидан кўзгалди.

Туясини чўктирганлар бир тарафга тизилгандилар. Абу Толиб пойлоқчи қўйишни лозим топмади. Чунки

улар Ҳаром ойларида эди. Бу ойлар тугагунча қароқчилар ҳужум қилмайди. Қайтиб келиб ерга чўккан туяга суянди. Бироз ўтмай шу ҳолатда ухлаб қолди.

— Амакижон, ухляяпсизми?

Абу Толиб жиянининг ёқимли овозидан кўзларини очди. Атрофига қаради. Ҳамма оёққа турган, унинг уйғонишини кутиб туришганди.

— Йўлга чиқамиз! — деди Абу Толиб.

Карвон йўлга чиқди. Куёшнинг тафти анча пастлаганди. Ҳаво нафас оладиган даражага келганди. Бироздан кейин ёқимли шамол эсишни бошлади.

Куёшнинг ботиши яна ҳам ёқимли ҳолатни олиб келди. Карвондагилар ҳам чарчоқларини чиқаришни хоҳлашарди. Ўзлари билган шеър, кўшиқларни айтар, бу шеър ва кўшиқларнинг оҳангига мос ҳолда қадам ташлаб бораётган туялар анча жонланиб қолганди. Чунки бундай пайтларда — эрта тонгда ва оқшом пайтлари йўл юриш қулай эди.

Шунга ўхшаш вақтларда карвондагилар орасида турли суҳбатлар бўлиб ўтар, ўтмишда бўлиб ўтган фаройиб ҳодисалар тилдан-тилга кўчарди.

Абу Толиб бошини елкасига қўйганча уйқуга кетган жиянининг роҳат олишини истаб карвонни тўхтатди. Соқчилар тайинланиб, карвондагиларга дам берилди. Абу Толиб кўзларига бостириб келган уйқуга таслим бўлганча жиянинг ёнига чўзилиб ухлаб қолди.

Эрта тонгнинг илк соатларида юklar яна туяларга ортилди. Яна йўлга тушдилар. Шеърлар олдинма-кетин ўқилаверилди, кўшиқлар бир-бирига уланди. Булар кун қаттиқ қизимасдан кўпроқ йўл босиш учун эди.

Кўшиқларнинг оҳангидан роҳатланган туялар уларнинг шўх ёки оғирлигига қараб тез, ёхуд аста қадам ташлар, туёқлари қумга ботиб-ботиб, устидаги одамлар бир маромда чайқалганча одимларди.

Узоқда бир тепалик кўринади, ундан ошиб ўтадилар. Иккинчи-учинчи тепаликлар ҳам шу тарзда босиб ўтилади. Тўрт тараф қум барҳанлари, чанг-тўзондан иборат. Ҳар он кучлироқ қиздираётган қуёш бундай саҳрода ёлғиз одамни ҳолдан тойдириши, сувсизликдан далли қилиб қўйиши ҳеч гап эмасди. Юз йиллардан буён бу қумлар неча минг бора қуёшнинг куйдиргувчи ҳароратидан оташга айланган, устиларида кетаётган қанчалаб йўловчиларнинг қонини миясига чиққудек қайнатган, бироз кейинроқ салқин тушгач, устиларидаги қанча жонзотни совуқ едирган — бу фақат Яратганга аён эди.

Сафар давом этган сари юзлар қум-тупроққа беланди. Ичларидан отилиб чиқаётган ҳароратни сўндириш учун мешлардаги сувдан оз-оз ичишди.

— Сафаримиз муваффақиятли тугамайди-ёв! — деди бир йўловчи.

— Нима сабабдан бундай фикрдасан?

— Ўзимиз билан бутларнинг бирортасини олмадик-да!

— Ҳа, карвон тадориги билан овора бўлиб, энди ёдимизга тушибди.

— Шошма-чи, ўзи билан бут олган бирор киши бордир.

Оқшом чўккач Абу Толиб жиянини ёнига олганча, юз кишидан кам одами бўлмаган карвонни кўздан кечиришни бошлади.

Йўловчилар уч-бештадан бўлиб давра қуришган, хурмо еб сут ичардилар. Бир қанча киши туясини соғарди. Лекин сут соғиш учун идиш йўқлиги боис сутни тўғридан-тўғри қумнинг ўзига соғишарди.

— Амакижон, булар нима қилишяпти?

— Ҳозир кўрамиз.

Абу Толиб нималар бўлаётганини билгандек эди.

Сут соғаётганлардан бири сўради:

— Ўзи билан бут олиб келган бирор кимса борми?

Кимдир бошини кўтармай жавоб қилди:

– Ҳеч кимда йўқ.

Етарлича сут соғилгач, ерда тупроқ ва сувдан ҳосил бўлган қоришма пайдо бўлганди. Бу қоришма қўл билан ишлов берилиб, бут шаклига келтирилди. Одамларнинг ўртасига қўйилди. Кейин улар бутнинг атрофига йиғилиб, унга топина бошладилар. Улар ҳар хил ҳаракатлар қилар, ҳозиргина тупроқдан ясалган нарсага ялиниб-ёлворишарди.

Ўнгу сўлдан бут ясалганини эшитган йўловчилар шу ерга тўпландилар. Ўттиз-қирқ кишидан иборат оломон мана шу лой парчасининг олдига келганча бошларини ерга қўйиб сажда қилар, қўлларини очиб ёлворар, унинг атрофида тинмай айланарди.

Уларнинг ҳаммаси ақлу ҳуши жойида, яхши-ёмоннинг фарқига борадиган кишилар эди. Бундай ҳолатга ачиниб қарамасликдан ўзга илож йўқ. Ахир улар ўйин ўйнашмаяпти, балки болалар ҳам бундай аҳволга тушишни хоҳламасдилар, эҳтимол.

Бутга топиниш бироз вақт давом этди. Кейин битта-иккита бўлиб тарқай бошлашди. Кимдир ерга тўшак ташлаган, кимдир туясига суянган ҳолда чуқур уйқуга кетишди.

У ердан узоқлашган икки кишининг орасида бўлиб ўтган суҳбатга қулоқ солганлар ҳам топилди.

– Бундай иш қилиб жуда боладик-да! Бутимни жуда соғингандим!

– Энг яхшиси, бундан сўнг ўз бутимни олиб юраман. Унингсиз қилган ибодатим менга роҳат бағишламади.

– Ростини айтганда шундай, бироқ, бу сафар бўлса, нима ҳам қила олардинг! Бутларимиз бизни кечиринишса керак.

Карвондагиларнинг кўпчилиги шундай фикрда эдилар.

Эндигина бутга сиғиниб келиб, маза қилган ва уйқуни бутга топинишдан афзал билган икки киши орасида ҳам қуйидагича суҳбат бўлиб ўтди:

— Сен ҳам бирга борганингда яхши бўларди. Руҳинг энгил тортганини ҳис қилардинг.

— Бундай иш менга роҳат бағишламайди.

— Нима учун?

— Биродар, ўзинг ўйлаб кўр. Олдин туяни соғдилар, сути билан тупроқни аралаштириб ҳосил бўлган лойдан бут ясадилар. Унга топиниб бўлишгач бир четга улоқтирдилар, шундай эмасми?

— Албатта, худди шундай!

— Мен бундай нарсага сиғинишни ҳазм қила олмайман.

— Нималар деяпсан?

— Ҳозиргина эшитган сўзларингни айтяпман.

— Аммо бу гапларинг тўғри эмас. Ахир, бу сафарку! Минг бир таҳликали вазиятдамиз. Бирор бало келиб қолса нима бўлади?

— Бу лойга топинса, ўша бало келмайдими?

— Менга қара, сен бу борада янглишмоқдасан. Маккада топинадиган бутларимиз ҳам тош ёки ёғоч эмасми?

— Худди шундай, бироқ улар ота-боболаримиздан қолган илоҳлар. Уларнинг қаршисида бундай ўй-хаёлларга бормаيمان. Улар ҳақиқий илоҳ бўлмаганларида ота-боболаримиз сиғинган бўлишармиди?

— Эртага бизнинг болаларимиз ҳам сен айтган гапларни айтишади.

— Айтишса айтишар, аммо сиз бунга жиддий қарамаяпсизлар. Шунчаки лойдан қилинган бутни илоҳ деб атамоқдасиз. Эртага уйга қайтгач Ҳубал нима дейди? Лот, Уззо, Манот, Исоф, Ноилалар нима дейди? Шу боис ҳам масала сен ўйлаганчалик эмас, азизим. Ё бутингни ёнингда олиб юр ёки бунақа бемаза ишларга чек қўй.

— Агар бу ишга чуқур ёндашсак, бутларни ўзимиз билан олиб юришимиз ҳам ғалати эмасми? Бир жойдан оламиз, бир яна жойга қўямиз. Кейин улардан ёрдам сўраймиз...

Суҳбат шу ерда тўхтади. Чунки бу иш боши берк кўчага кириб қолганди. Илоҳлар ҳақида билиб-билмай гапириб қўйиб, кейин балога қолгандан кўра, суҳбатни шу ерида тамомлаш маъқул кўрилди.

Тўртинчи кун...

Туш пайти яқинлашгач тўхташ учун берилган буйруқ карвондагиларни турли тарафга тарқатиб юборди. Кимдир ўз ҳожатини битириш учун холи қолар, кимдир юк туширар, яна бири тўрвасидан хурмо чиқариб ерди. Ҳеч ким ўйламаётган ёки энг кам ўйланган нарса бу карвондаги туялар эди.

Йўлга чиқишгандан буён ҳали туясига бир қултум сув, бир ҳовуч егулик бермаган кишилар бор эди. Ебичишдан энг кам шикоят қилганлар ҳам шу туялар. Нима берилса ҳам шунга қаноат қилган, ўн кунлаб давом этган сафарда ҳеч нарса емай, ҳеч нима ичмай чидаб келаётган жонзот эди улар. Шу боисдан ҳам ҳеч ким туясининг оч ёки тўқлиги билан қизиқмаётган эди.

Бу орада атрофга тарқаб кетганлардан бири кўлида чиройли шаклга эга тошни кўтариб келди. Ҳамма уни кўриб севинди. Энди оқшомда туя соғиб, лой қоришнинг, кейин ундан бут яшашнинг ҳечам ҳожати йўқ. Энди бу тош бут вазифасини бажарарди. Нима бўлганда ҳам бир одам ичса тўядиган сут исроф бўлмайди.

— Балки ростдан ҳам бу бир бутдир...

Бу гапни тошнинг устидаги чангларни қоқётган бир киши айтди. Бошқа бир киши унинг гапини маъқуллади:

— Бўлиши мумкин.

— Бу бут энди сафаримиз охиригача биз учун етарли бўлади.

Ғуборлардан тозаланган тош ҳурмат-эҳтиром билан юкларнинг орасига жойланди. Оқшом тўхталган вақтда у ўз вазифасини бажариши лозим эди.

Бир неча соат давом этган қайлула уйқусидан кейин юклар яна туяларга ортилди. Йўлга тушишиб, қум уммонини кечишда давом этдилар.

Қуёш эндигина тепаликлар ортига бош қўйган ҳам эдики, энг олдинда кетаётган туя ерга чўктирилди. Унинг устидан сакраб тушган одам бир неча қадам юриб, қум устида турган чиройли тошга қараб ўзини отди.

— Мана ҳақиқий илоҳ, мана рostaкам бут! — дея ҳайқирди.

Яна туясига минди. Бироз орқада келаётган яна бир йўловчи туясини ниқтаб етиб келди.

— Қани, кўрсатчи, қандай экан?

Кўрди, ҳақиқатан ҳам жуда чиройли тош эди. Одамга хуш ёқадиган рангда. Ҳар тарафи атай ишлов берилгандек.

Ҳалиги кишининг қўли ҳуржунга кирди. У ердан чиқарган тошига бироз қараб тургач бир четга улоқтирди. Бу боягина туш вақтида топилган ва бут дея қабул қилинган бечора тош эди. Ким билади дейсиз, яна бошқа бир йўловчи уни топиб олиб, илоҳ дея қабиласига олиб борар ёки сафар ниҳоясига етгач бир бурчакка иргитиб юборар.

Сафар яна бир неча кун давом этди. Ниҳоят, бир куни қуёш энг тиккага келган вақтда тўхташ амри берилди. Сояси остида дам олиш мумкин бўлган бир неча дарахт ёнига келишганди. Олдинроқда бир бино кўриниб турарди. Олдинлари бу йўллардан кўп бора юрганлар бинода хилватнишин бир роҳиб яшашини билардилар.

— Яна ҳеч юзи кулмайдиган, одам исини хушламайдиган роҳибнинг яқинида дам олиш учун тўхтадик, — дедилар эски сафар тажрибаларига таянганлар.

Баҳира динга ўзини бағишлаган бир киши эди. Кичик ёшидан буён шу мақсад йўлида астойдил ўқиди, шу мақсад йўлида чин дилдан хизмат қилди. Неча йиллардан бери шу ибодатхонада умр кечиради, келган-кетганларга насиҳат қилади. Ўзи тўғри деб ҳисоблаган йўлга одамларни даъват қилади.

Баҳиранинг ибодатхонаси Макка ва Шом йўлида бўлгани боис, айниқса, ёз ойларида бу ердан ўтадиган карвонларнинг сони кўпаярди.

Баҳира ибодатхонасининг ёнгинасида ўсган дарахтлар олдида тўхтайдиган карвонларнинг олдига борар, улар билан гаплашар, бироқ одамлар уни жиддий тингламасдилар. Улар сиғинадиган бут-санамларнинг маъносизлигини айта бошлаганда одамлар қовоқ-тумшуқ қилардилар. Бу ҳолатни бир неча бор кузатган Баҳира улардан юз ўгирганди, энди унинг келиб тўхтаган карвонлар билан иши бўлмасди. Орадан бир неча йиллар ўтгач, одамлар роҳиб Баҳиранинг қилган панд-насиҳатларини ҳам унутдилар. Шу сабабдан келиб-кетгучи йўловчилар уни бир хилватнишин киши сифатида билишарди, холос.

Йиллар шу тариқа елдек учдилар, на келиб-кетганлар Баҳирани кўришни хоҳладилар, на Баҳира уларнинг ёнига келди. Фақатгина ўша ердаги дарахт ёнига келиб тўхтаганлар ибодатхона олдидаги қудуқдан мешларини тўлдириб, ўз йўлида давом этишарди.

Ибодатхонасида олдига қўйилган Инжил китобини ўқиш билан машғул бўлган Баҳира узоқдан ибодатхона томон яқинлашиб келаётган карвонни кўрди. Кўришга кўрдию, аммо у ерда ғалати бир ҳолат бор эди. Чунки кичикроқ бир булут карвон билан бирга, унга эргашган ҳолда ҳаракат қиларди.

Кўзларига ишонмади, яна қайта қаради. Янглишиши мумкин эмасди. Бироздан кейин дарахт олдига келган карвон тўхтагач, ҳалиги булут ҳам жойида тек қотди.

Бу ҳеч ҳам оддий ҳолат эмас эди. Бир булут парчаси ёки булутга ўхшаш маънавий соябон эди у. Карвонда буюк бир йўловчи келаётганига Баҳиранинг шубҳаси қолмаганди.

У дарҳол ўрнидан турди. Хизматчисига таомлар ҳозирлашини буюрди. Бир одамни жўнатиб, бутун карвондагиларни таомланиш учун бошлаб келишини тайинлади.

Йўловчилар бу таклифдан ҳеч бир маъно тополмадилар. Бу таклифни ҳеч ҳам кутишмаганди. Келган одам бутун карвондагиларнинг барчаси таклиф қилинганини айтган пайт:

— Яна адашаётган бўлмагин, дўстим!

— Менимча, «Дарҳол кетсинлар»! — деган бўлса керак!

— Яна бир яхшилаб сўраб-билиб кел, — деганлар бўлди.

Келган одам Баҳиранинг нима деганини жуда яхши эшитганди, шу сабаб:

— Ҳеч хато эшитганим йўқ. Ҳатто барчангиз учун таом тайёрлашни буюрди, — деди.

Абу Толиб унинг гапини бўлди:

— Сен ҳозир ортингга қайт. Нима деганини яхшилаб билиб ол. Биз у ерга бораётган вақтимизда хўжайининг ортимизга ҳайдаб юбориши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ҳалиги одам туш кўрмаётганди. Бироқ, у ҳам неча йиллардан буён бу ерга келиб-кетган карвонлар борасида Баҳиранинг ҳеч ҳам қизиқмаганини, ҳеч қачон бугунгидек ҳолатга тушмаганини биларди. Бу орада ибодатхонанинг эшиги ёнида кўринган Баҳира қўлларини кўтарганча: «Марҳамат, келинлар!» — дегандек бўлди. Энди карвондагилар таклифнинг тўғри эканига амин бўлдилар. Келган киши Баҳиранинг гапларини яна такорлади:

— Карвондагиларнинг барчаси таклиф қилинган, ҳеч кимса бормасдан қолмасин.

Абу Толиб одамларга меҳмондорчиликка боришларини айтди. Фақат суюкли жиянини нарсаларга қараб туришга қолдирди. Карвондагилар кўпчилик бўлиб ибодатхонага қараб йўл олдилар.

— Кунинг хайрли бўлсин, эй Баҳира! Қаердан шунча сахийлик?!

— Сендан бу каби таклифни ҳеч кутмагандик, Баҳира! Аслида Баҳиранинг ҳам уларни таклиф қиладиган нияти йўқ эди.

— Ҳақсизлар, бироқ бугун жуда хурсандман. Шу боис сизлар билан суҳбат қургим келди.

Суҳбат шу тахлит давом этаётганди. Баҳира таомланаётган йўловчиларни бирма-бир кўздан кечирди. Уларнинг орасидан қараганда юраги «жиз» этадиган, фараҳга тўладиган юзни қидирарди. Такрор ва такрор қаради. Бундай юзни учратмади. Янглишганини тушунди, демак унинг кўзлари адашган.

Уларнинг ёнидан чиқиб, дераза орқали карвон тўхтаган жойга қаради. Булут парчасининг ҳали ҳам ўша ерда турганини кўрди. Дарҳол меҳмонларининг ёнига қайтди.

— Карвоннинг ёнида бирор киши қолдими? — дея сўради.

— Албатта, кичикроқ бир бола бор эди, ўша ерда пойлоқчи қилиб қолдирдик.

— Унинг ҳам келишини истардим.

— Лекин у кичик бир болакай.

— Менга бунинг фарқи йўқ, бола бўлса ҳам майли!

Абу Толиб Баҳиранинг истагини қабул қилди. Бир кишини жиянини олиб келишга юборди. У туялар олдида жимгина ўтирган нур юзли болани ўзи билан эргаштирганча ибодатхонага келди. Хавотирдан бир ерда тура олмаган Баҳира ташқарига чиқиб, бор куч-қувватини кўзларига жамлади.

Бироздан сўнг бояги булут парчасининг ҳам ҳаракатга тушиб, бу томонга яқинлашаётганини кўргач, ҳайрат бармоғини тишлади. Юраги қинига сиғмай қолди. Умрида ҳеч қачон бу қадар ҳаяжонланмаган эди. Бир қўли билан юрагини ушлар экан, Аллоҳнинг энг суюкли бандаси билан учрашаётганига шубҳа қилмади.

— Эй, қодир эгам!!!

Бу сўзлар унинг дукурлаб ураётган юрагидан чиқаётганди. Кўзлари кўрган гўзал юзли бола уни шу ҳолга солганди. Шу вақтда булут парчаси ҳам устиларига келиб тўхтаганди. Баҳира аслида бунинг булут эмаслигига қасам ичишга тайёр эди. Умрида ҳеч қачон кўрмаган, бундан сўнг ҳам кўрмайдиган фаройиб, сояси йўқ булут парчаси эди у.

Меҳмондорчилик тугагунга қадар ундан бир он бўлсин, кўзини узмади. Китобларда кўрган, ўқиган маълумотларини ундан ахтарарди. Болакай қора қошли, қора кўзли эди. Боши каттагина, озгина қизиллиги бўлган оппоққина юзи бор эди. Бармоқлари гўштдор, суякларини йирик, боқишлари теран эди. Доим табассум билан қарарди.

Баҳира Абу Толибга ўгирилди.

— Бу болакайнинг исми нима? — дея сўради.

— Муҳаммаддир.

— Рухсат берсанг, ундан баъзи нарсаларни сўрамоқчи эдим.

— Албатта, бемалол сўрайвер.

Абу Толиб жиянига қараб:

— Ўғлим, бу қариянинг саволларига жавоб бер, — деди.

Дастурхон атрофида ўтирганлар овқатланишдан тўхтаб, роҳиб Баҳира ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳ орасида нималар ҳақида суҳбат бўлиб ўтишига қизиқдилар.

— Сенга бир нечта савол бермоқчиман, Лот ва Уззо ҳаққи, менга фақат рост сўзларни айт.

Роҳибнинг бу сўзларидан сўнг кулумсираб қараган болакайнинг қовоқларини уйилди.

– Лот ва Уззо номига қасам ичириб, мендан ҳеч нима сўраманг. Қасам ичиб айтаманки, мен уларга нисбатан қалбимда ҳис қилган нафратимни бошқа бирор нарсага нисбатан ҳис қилмаганман.

Баҳира бу саволи билан биринчи қадамини ташлаганди. Арабларнинг ўзаро суҳбатларини тинглаганда «Лот ва Уззо ҳурмати» – дея бир-бирга қасам ичишларини эшитганди. Аммо шу кунгача ўзи ўқиган кўплаб диний китобларда хабар қилинишича, бутун инсониятга раҳмат бўлиб келгувчи бу болакай Лот ва Уззо каби тош бутлардан нафратланиши лозим эди.

Ҳеч ким кутмаган шаклда берилган бу жавоб баъзиларнинг лаблари қийшайишига сабаб бўлди. Чунки улар Лот ва Уззога ўхшаш бутни ўзлари билан олмаганларидан қаттиқ афсусланмоқда эдилар.

– У ҳолда сендан сўрамоқчи бўлган саволларимга Аллоҳнинг розилиги учун тўғри жавоб бер.

– Нимани сўрасангиз сўрайверинг.

– Қандай ухлайсан?

Жуда ғалати савол эди бу. У ерда ўтирганларнинг кўплари бу саволни маъно-мантиқсиз дея ҳисоблашди. Ҳақиқатан ҳам анча қариб, ҳаттоки нима деяётганини билмайдиган ёшга келиб қолган Баҳира ҳозир ҳам гўёки қандай савол бераётганидан беҳабардек эди. Инсон ухлаганда нимани ҳам фарқига бора оларди, шундай экан, у ўзининг қандай ухлашини қаердан биледи? Яхшиси, буни бошқа одамдан сўраган маъқул. Баҳиранинг кўзлари Абу Толибни қидириб топди. У эса:

– Жуда ширингина бўлиб ухлайди. Унинг ухлаши худди уйғоқ пайтидек гўзал! – демоқчи эди. Бироқ, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) амакисининг жавоб беришига ўрин қолдирмади.

– Кўзларим ухлайди, қалбим эса доим бедор ҳолда бўлади.

Ўтирганларнинг нигоҳлари бир-бирига маъноли қарашлар қилди. Ғалати саволга берилган ғалати жавоб, деб фикр қилдилар. Абу Толиб ҳам жиянининг жавобидан ҳайратда эди. Бу сафар Баҳира дастурхон атрофидагиларга қараб мурожаат қилди:

– Бу боланинг кўзларидаги бироз қизиллик ҳақида нима дейсизлар. Оғир сафарнинг қийинчиликлариданми ёки касаллик туфайлими? Ёхуд туғилганидан буён шундайми?

– Унинг кўзлари доимо шундай бўлган.

Бу жавобни бир пайтнинг ўзида бир неча киши берди. Охирги сўзни Абу Толиб айтмоғи лозим эди. Шу сабаб кўзлар унга қадалди.

– Худди шундай, унинг кўзларида туғилганидан буён қирмизилик бор.

Кейин Баҳира Муҳаммад (соллалоҳу алайҳи васаллам)дан кўйлагини кўтаришини сўради. Баданига диққат билан назар солди. Кифтида икки курак суякларининг орасида бир белги бор эди. Каттагина холдек келарди, лекин бу хол эмас эди. Гўёки туклари бир ерга йиғилиб қолган ёки бир парча эт қотиб қолгандек эди. Бунга ўхшаш белгини бошқа бир инсон вужудида бўлмаслиги аниқ. Шу боис ҳам уни хол деб бўлмас, бу билан иш битмасди. Баҳира белгини кўргач кўйлакни тушуртирди.

Бизга маълум бўлмаган яна бир қанча саволларни берди, жавобларини олди. Кейин эса:

– Орангизда бу болага энг яқин одам ким? — дея савол берди.

– Менман.

– Яхши, бу бола сенга ким бўлади?

– Бу менинг ўғлим.

Баҳира бошини икки ёнга қимирлатди. «Бўлиши мумкин эмас» — демоқчи эди гўё. Абу Толиб унинг нима демоқчи бўлганини тушунди.

– Нимага мен унинг отаси бўлмаслигим керак экан?
– Нима учунлигини бироздан кейин айтаман. Энди тўғриси айт. Сен ростдан ҳам бу боланинг отасимисан?

– Йўқ, амакисиман. Бироқ уни отасидан кўра кўпроқ яхши кўраман.

– Эй улуғ инсон! Сен дарҳол бу жиянингни ўз юртига қайтариб олиб бор. Яҳудийлар унга бирор зарар етказмасидан тезроқ ҳаракат қил. Чунки улар бу боланинг мен билган сифатларидан хабар топишса, уни йўқ қилишга ҳаракат қиладилар. Жиянинг жуда буюк инсон бўлади.

Кейин эндигина ўн икки ёшга тўлган Муҳаммад (соллалоҳу алайҳи васаллам)нинг кўлидан ушлади:

– Оламларнинг Сарвари, раҳмати бўлган инсон айна шудир. Оламларнинг эгаси бўлган Аллоҳнинг элчиси шудир. Аллоҳнинг барча инсониятга раҳмат қилиб юборган пайғамбари ҳам худди шу боладир, — деди.

Абу Толиб кўз ўнгида мартабаси ошган қария Баҳирандан сўради:

– Яхши, сен буларни қаердан биласан?

– Доимо ёнимда олиб юрадиган мўтабар бир китобдан. Бу китобда Аллоҳнинг охирги пайғамбари, Маккадаги араблар орасидан яқин вақтларда чиқиши ҳақида ёзилган. Китобда келадиган пайғамбарнинг белгилари ҳам айтиб ўтилган.

Абу Толиб шу вақтгача бу ердан ўтган неча-неча карвонларнинг ҳеч бирига эътибор бермагани ҳолда уларга ўзгача зиёфат уюштирган қария роҳибнинг асл мақсадини англагандек бўлди.

Баҳира билан анча вақтгача гаплашилди. Сўз берилиб, йўлга чиқилди. Уларнинг ортидан мунғайганча қараб қолган Баҳира ёнидагиларга ўғрилиб:

– Кўрмяпсизларми? — деди.

– Нимани?

– Болакайнинг бошидаги нарсани?

Кўзлар бир-бири билан тўқнашди, маъноли қарашлар қилди.

— Албатта, албатта, кўряпмиз!

Бироздан кейин икки кишининг ўзаро шундай гаплашганлари эшитилди:

— Ҳа! Роҳиб Баҳира анча кексайиб қолибди...

Баҳира кўрган булут парчасини ҳамма ҳам кўравермасди.

У ҳозиргина жўнаган карвоннинг ортидан кўтарилган чанглар кўринмай қолгунча қараб турди. Ибодатхонасига кетаркан:

— Бу не бахтсизлик-ки, умрим поёнига етиб қолди!..
— дея афсусланди.

Ниҳоят ўн икки-ўн уч ёшлардаги бу бола улғайгач, унга нубувват ва рисолат берилади. Бироқ у пайтларгача кекса Баҳиранинг қабри устидаги тупроқлар неча бора бошқаси билан алмашиб, дайди шамолда унинг суяклари қай тарафларга учириб боришини ким билади дейсиз?

Баҳира шуларни ўйлаб ёшланган кўзларини қўллари билан артди. Кўзлари осмоннинг узоқ-узоқ манзилларига термулди.

— Аллоҳим, бу қандай гўзал бола, қанчалар ёқимли бола!..
— дея пичирларди.

БИР СУИҚАСД ҲОЗИРЛИГИ

Карвон Басрага етиб боргач, Абу Толиб бошқа юришни истамаслигини билдирди. Роҳиб Баҳиранинг гапларига бепарво қараб бўлмасди. Юрагини қандайдир қўрқув қоплаб олган, ундан қутилиш мушкул бўлиб қолганди.

Ора-сирада роҳиб Баҳира кўз олдига келар, Муҳаммаднинг қўлларидан тутганча:

— Оламларнинг Сарвари мана шу боладир! — деб такрорлайверарди.

Абу Толиб жонидан ҳам ортиқроқ яхши кўрадиган жиянининг буюк инсон бўлишини жуда-жуда хоҳларди.

Карвондагилар Абу Толибнинг Басрадан ортга қайтиш ҳақидаги қарорини эшитиб, ҳеч пушаймон бўлишмади. Чунки улар қутилганидан-да кўпроқ даромадга эга бўлишганди. Ҳам бир неча кунлик йўл азобларидан қутилишади, ҳам бола-чақаларининг ёнига тезроқ боришади.

Бу орада Басрага келган карвон билан, янада аниқроғи карвондаги гўзал юзли бола билан қизиқиб қолган уч киши бор эди. Бу уч ҳамтовоқ ўзаро қисқа, аммо натижаси кескин бўлган мажлис ўтказдилар.

— Хўш, нима дейсан, Зурайр?

— Назаримда ўша бола айнан шу, лекин бунга тўлиқ амин эмасман. Сен ўзинг қандай фикрдасан?

— Мен ҳам сен каби ўйламоқдаман. Агар сўзим тўғри бўлса, энди яҳудийларнинг ҳукмронлиги тугади, демакдир.

Таммом тезроқ ҳаракат қилишни маъқул кўрарди.

— Энг тўғри иш бу болани бир хилватроқ жойга олиб бориб, савол-жавоб қилиш. Агар шубҳаларимиз рост бўлиб чиқса унинг ишини битириш.

— Сен ҳақсан, бошқа йўли йўқ.

Улар сездирмасдан аста болага яқинлашиб келдилар. Лекин унинг ёнида узун бўйли, салобатли бир киши ту-

рар, карвондагиларга ҳар хил буйруқлар берарди. Бу одам уч ҳамтовоқни кўргач, қўлини аста қиличига олиб борди. Уларга тикка қаради. Уч киши индамай узоқлашди.

Шу билан иш битиб қолгани йўқ. Боланинг ёлғиз қоладиган вақти бўлиши мумкин эди. Узоқдан кузата бошладилар. Аммо ҳалиги киши худди боладан айрилмасликка қасам ичгандек ёнидан бир зумга ҳам жилмасди. Карвон ҳар доимгидан-да қисқа фурсатда барча ишаларини битириб, Басрадан қайта бошлади.

Уч кишининг ичини ит тирнай бошлади. Бу ишни шунчаки ташлаб қўйиш улар учун гўёки бир жиноятдек эди. Агар ҳақиқатан улар излаб юрган бола шу бўлса, яҳудийларнинг толейи кулмагани шу эди.

Дарисо шерикларини бир бурчакка бошлади.

— Менга қулоқ солинглар, — деди. Агар бу бола бошқа бўлса, гуноҳсиз, маъсум бир боланинг уволига қоламиз. Энг яхшиси, дарҳол уларнинг ортидан тушиб, роҳиб Баҳирани топиш. Унинг фикрларини билайлик. Эҳтимол, карвон келаётганда ёки қайтаётган вақтда кўзи тушар. Нима қилишимизни роҳиб билан учрашгач ҳал қиламиз.

Бу жуда эҳтиёкорона тадбир эди, шу боис Дарисонинг гапи шерикларига ҳам маъқул бўлди. Улар:

— Жуда яхши ўйлабсан, Дарисо! — дедилар.

Устиларида бир донадан одам миндириб олган уч туя Басрадан чиқиб кетган карвонни таъқиб этиб йўлга чиқдилар. Уларнинг қаерга, қандай иш билан кетаётганини ҳеч ким билмасди.

Роҳиб Баҳира сира кутилмаганда келган бу уч кишини ибодатхонага таклиф қилди. Ҳар бири билан алоҳида кўришди. Олдиларига таом қўйди. Йўловчиларнинг қорни тўйгач, улардан бири бўлган Зурайр:

— Сен билан бир мавзуда яширинча суҳбатлашгани келдик, эй Баҳира, — деди.

– Эшитаман, қулоғим сизда.

– Яхшиси, суҳбатимизни биров эшитмайдиган холироқ жойга ўтсак.

Баҳира ва уч киши ибодатхонадан ташқари чиқдилар, бир дарахтнинг сояси остига ўтирдилар. Баҳира:

– Бу ердаги гапларни фақатгина мана шу дарахт эшитиши мумкин. У сир сақлашни билади, – деди.

Гапни Зурайр бошлади:

– Бир неча кун олдин Макка тарафдан бир карвон келганди... – дея бор гапни Баҳирага айтиб берди. Сўзини шундай якунлади:

– Энди сенинг ҳам у карвонни кўрган ёки кўрмаганинг ҳақида билмоқчимиз. Қани айтчи, ўша карвонни, ундаги болақайни кўрдингми?

– Кўрдим, гаплашдим ҳам.

– Яхши, унда нима бўлганини бизга айтиб бер.

Баҳира ўзлари гаплашиб ўтирган ерга ишора қилиб:

– Худди шу ерга келиб тўхтадилар. Узоқдан устида бир булут парчаси билан ҳаракат қилаётган карвонни кўргач ҳайратландим...

Баҳира бўлиб ўтган воқеаларни бор тафсилотлари билан айтиб бергач, ўзини диққат билан тинглаб ўтирган йўловчилардан сўради:

– Демак, у карвон Басрадан ортга қайтибди-да, шундайми?

– Шундай, биздан сал олдинроқ бу ердан ҳам ўтган бўлса керак.

Баҳира қўллари билан тиззаларига урди.

– Қочирдик, буюк фурсатни қочирдик!.. – деб бақирди.

Таммом деди:

– Биз эса фурсатни қўлдан чиқармаймиз.

– Тушунмадим!?

– Уни ўлдирамиз.

Баҳирани титроқ тутди:

— Бундай қилолмайсиз, ҳеч қачон бундай қилолмайсиз!

— Нима учун?

— Чунки бу бола ҳақиқатан ҳам ўша бўлса, бунга мутлақо аминман, унга кучингиз етмайди. Чунки буюк Аллоҳ уни шундай ташлаб қўймайди. Сизнинг қўлингизга ҳам топширмайди. Ўзингиз ўлишингиз мумкин, бироқ уни ўлдиролмайсизлар. Бутун оламлар бирлашса-да унинг олдига қўйилган вазифани бажаришликдан тўсиб қола олмайди. Агар у пайғамбар бўлгучи бола бўлмаган тақдирда, бир норасиданинг қонини тўккан бўласизлар. Менга қолса, бу даъволарингиздан шу ернинг ўзида воз кечинглар. Бошингизни гавфога тикмай, юртингизга қайтинглар.

Баҳира ҳақиқатни сўзлаганди. Китобларда айтилган маълумот азалий тақдирдан баҳс этарди. Бу тақдирга қарши чиқиш ҳеч кимнинг иши эмасди. Қаршилиқ қилганларнинг эса жони азобда қолиши аниқ. Чунки Аллоҳнинггина айтганлари бўлади, ҳар бир иш унинг иродаси биландир.

Зурайр шундай деди:

— Ҳа!.. Биз ишнинг бу тарафини ўйламаган эканмиз. Баҳира сен тўғри йўлни кўрсатдинг.

Улар Баҳира билан хайрлашиб, Басрага жўнадилар. Абу Толиб ва карвондагиларнинг бу воқеадан хабарлари йўқ эди.

ЯНА БУТЛАР ОЛДИДА

Абу Толиб жиянининг бут-санамлар билан мутлақо иши йўқлигидан хабардор эди. Бироқ роҳиб Баҳиранинг олдида айтганичалик уларга нисбатан қалбида чексиз нафрат сезишини билмаганди. Қайтиб келгач, сафарда бўлиб ўтган воқеаларни бир-бир хотирлар экан, Баҳира билан боғлиқ воқеани ҳам бор тафсилотлари билан сўзлаб берди.

— Ростдан ҳам биз уни ҳеч қачон бут-санамларнинг ёнида кўрмаганмиз, — дейишди ўтирганлар.

Маккаликлар ҳар йили «Бувона» деган бутнинг ёнида йиғилишар, ўша кун учун махсус маросимлар уюштирар, соч-соқоллар тартибга келтирилар, уришганлар ярашар, қурбонликлар сўйиларди. Бу байрам оқшом тушгунга қадар давом этарди.

Амаки ва аммалар бу йил ўн икки ёшга қадам қўйган жиянини ҳам биргаликда шу маросимга олиб боришни режалаштирдилар. Абу Толиб:

— Муҳаммад, сен ҳам Бувона олдида ўтказиладиган маросимга биз билан бирга борасан, — деди.

Бироқ, олган жавоби ўзи учун ёқимли бўлмади. Жияни бу маросимга бормоқчи эмасди. Бошида Абу Толиб бошчилигидаги амакию аммалар Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дек итоаткор, одобли бир боланинг бу қадар кескинлик билан қаршилиқ қилишини кутмагандилар.

— Астароқ, ўғлим. Бутлар яна ғазаб қилиб юрмасин. Бундай қилсанг, охири яхши бўлмайди, бошингдан фалокат аримай қолади.

Бу сўзларнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ эди. Охири ялиниб-ёлвориб кўндирдилар. Шундай кичик бир боланинг бутларга нисбатан қалбида бунчалик адоват ва кин сақлашини ҳеч ҳам тушуна олмади.

Бутнинг ёнига боришди. Ҳар бир келган киши бутга эгилиб таъзим қилар, дуо ўқир ва истакларини арз

этишарди. Абу Толиб ҳам борди, бошқалар нима қилган бўлса, у ҳам шуларни такрорлади.

Бут бор-йўғи бир тош парчаси эди. Абу Толиб каби эс-хуши жойида, гапи ерда қолмайдиган, виқорли бир амакининг бу тош олдида, жонсиз жамодот қаршисида қилган ишлари ҳам жуда кулгили, ҳам йиғлайдиган ҳолат эди.

Катта бир уруғ — Бани Ҳошимнинг улуғи бўлган Абу Толиб... Бошқаларга панд-насиҳат берган, яхшиликларни соғинган, ақлли ва тадбирли киши эканига кўпчилик амин бўлган, сўзи ҳукмдек қабул этилган Абу Толиб...

Худди ўша Абу Толиб бу тош парчасининг олдида қандай қилиб таъзим қилаётир, қандай қилиб уни илоҳ деб дуо этаётир?

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг бошқа амакилари ҳам иззат-ҳурмати жойида, обрўли кишилардан саналарди. У Абу Толиб бошчилигидаги бу амакию аммаларининг барчасини бирдек яхши кўрарди. Аммо уларнинг бундай маъно-мантиқсиз ҳаракатларига, обрў-эътиборларини ер билан бир қилувчи қилиқларига ҳеч тушуна олмасди.

— Қани, Муҳаммад, сен ҳам буюк Бувонанинг олдида тиз чўк.

Бу сўз гўёки «Сен ҳам биздек бўл. Тош ва ёғочларнинг қули бўлишни қабул қил!» — дегандек бир гап эди.

Йўқ! У бу ишни ҳеч қачон қилмайди. Хоҳлаган тақдирда ҳам уни охирзамоннинг буюк пайғамбари сифатида юборган Аллоҳ бунга йўл қўймаган бўларди.

Бу таклифни эшитмаган каби турган Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га иккинчи бор таклиф бўлди.

— Қани, Муҳаммад! Тезроқ кел буёққа!

Қариндошлар ўзларича келиши мумкин бўлган таҳликаларни даф қилиш учун Бувонага ёлвориб, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг ёшлиги, қолаверса, етимлиги сабаб уни кечиришларини сўрашарди.

Ниҳоят кўлидан ушлаб, мажбуран бут турган ерга олиб келишди. Нур юзли Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг қарашларида қандайдир саросима пайдо бўлди. Тиззалари қалтирай бошлади. Худди даҳшатли бир махлуқни кўргандек кўрқаётганди. Аммаси дарҳол уни қучоқлаб олди. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳушини йўқотганди.

Бу ҳолатни Бувонанинг ғазабидан деб ўйлашди. Кичкинагина боланинг шу ёшида Бувонадек машҳур бутга қарши чиқиши ақлга сиғмас даражада катта жасорат эди.

— Ташқарига чиқишни истайман.

Уни оломон орасидан олиб чиқиб, сал холироқ ерга олиб борди.

— Нима бўлди, болажоним?

— Қаршимда оқ либосли, узун бўйли одам пайдо бўлди. «Эй Муҳаммад, зинҳор бу бутга сиғинма!» — деди. Жуда кўрқиб кетдим. Қариндошлар «Бутлар Муҳаммадни яна бирор балога йўлиқтирмасин!» — дея у ердан олиб кетдилар. Уйга олиб келинган болакайнинг юзида ҳали ҳам бояги ҳолатнинг излари сезиларди.

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни уйда қолдириб, ортларига қайтишди. Чала қолган ишларини битирмоқчи эдилар. Оқшом уйга қайтганларида ўзлари билан қурбонлик учун сўйилган молнинг гўштидан ҳам олиб келишганди.

— Қара Муҳаммад! Сенга қурбонликдан гўшт келтирдик. Унинг юзларида мамнунлик аломатлари йўқ эди.

— Мен бу гўшtdан емайман, бир тишлам ҳам олмайман.

«Яна боягидек аҳвол бўлмасин!» — дея уни бошқа мажбурламадилар. Шундан кейин нур юзли Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳеч қачон бутларга сиғиниш учун таклиф қилинмади.

* * *

Саъд дея ном берилган бут шунчаки бир қоя тошдан иборат эди. Фақат Кинона қабиласи унга рағбат кўрса-

тарди. Олиб келинган қурбонликларини ўша ерда сўйиб, қонини қоя тошнинг устига оқизишарди.

Одамлар ризқ-рўз, баракот умидида келишар, қўлларини бу қояларга сураб, жониворларини ҳам касалликдан фориф бўлсин, деган мақсадда шу ерга олиб келишарди.

Кунлардан бир куни туяларини олдига солганча ҳайдаб келган киши озроқ дуо қилиш, барокат тилаш мақсадида тўхтади. Бироқ юзлаб ҳайвонларнинг қонларидан жирканч ҳолга келиб қолган бу бут-қояни кўрган туялар ҳуркиб, орқа-олдиларига қарамай қоча бошлашди.

Ҳалиги киши уларни қайтариш учун бекорга овора бўлди. Жиловидан ушлаган туялар уни ҳам ўзлари билан қўшиб судрашарди. Қаро терга ботиб, бир амаллаб ўрnidан турганида атрофида бир дона ҳам туя қолмаганди. Қўлига илинган бир тошни бор кучи билан Саъд бут-қоясига улоқтираркан:

— Аллоҳ жазойингни берсин! Туяларим сени деб қочиб кетишди! — дея ҳайқирди.

Кейин туяларининг ортидан тушди, қийинчилик билан бир ерга йиғди. Бу ердан ҳеч қачон қайтиб келмайдиган бўлиб узоқлашаркан қуйидаги байтларни айтиб кетарди:

«Биз Саъднинг ёнига ишларимизга барака берсин, тўғирласин, дея келгандик. У эса биздан баракани қочирди, ишимизни оғир қилди. Энди биз Саъднинг қули эмасмиз. Чунки у ҳам бошқа қоялардек оддий бир тош парчаси экан. На савол сўрасанг, жавоб қайтаради, на тўғри йўлни кўрсатади».

* * *

Отаси босқинчилик вақтида ноҳақ ўлдирилган Имруул Қайс номли шоир интиқом ўтида қовриларди. Бир бор бутларнинг ҳам олдидан ўтиш ҳақида ўйлади. Хубал бутининг ёнида ўқлар ёрдамида фол кўрди. Икки марта

кетма-кет «Бу қасосни олма!» — деган ёзувли ўқ чиқди. Учинчи бор ҳам худди шу ҳол такрорлангач, у ўқни олиб Ҳубал бутига қарата отди ва:

— Разил! — дея бақирди. — Ноҳақ ўлдирилган сенинг отанг бўлганида ҳеч бундай қилмаган бўлардинг! — деди. Кейин асабий ҳолда у ердан узоқлашди.

* * *

Абу Толибнинг даромади унчалик кўп эмасди. Бу йил ўн иккидан ўтиб, ўн уч ёшга қадам қўйган Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) унинг ҳолатини билар, шу боис ёрдам беришни жуда хоҳларди. Шунчаки бекорчи бўлиб юришни ёқтирмасди.

Бир куни амакисига қўйларни танҳо ўзи боқиб келмоқчи эканлигини айтди. Амакиси «Бу уйда сендан ҳеч ким ишлашингни талаб қилаётгани йўқ», — деса ҳам қаттиқ илтимос қилди. Охири бу истаги қабул қилинди.

Абу Толибнинг қўйларига қўшнилардан ҳам баъзилари ўз қўйларини қўшдилар. Шундай қилиб, у ўзига янги бир иш топганди. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ўзи яшаётган оилага оз бўлса-да фойда келтираётганидан жуда мамнун эди. Ҳар бир қўйга маълум миқдорда ҳақ ҳам оларди.

Макка аслзодалари учун қўй боқиш ҳеч ҳам шармандали ҳол ҳисобланмас эди. Пешона тери билан бир бурда нон топиш айб саналадими, ахир?

Ўша пайтларда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Кабос» дея аталган ўсимликнинг етилган меваларидан саралаб-саралаб еганлари, буни узоқ вақт тотли хотира сифатида эслаб юрганлари бизга маълум. Қирқ беш йилдан сўнг яна шу атрофдан ўтиб кетаётганларида саҳобаларига кабоснинг қора ранглилари энг ширин бўлишини, қўй боқиб юрганда буни билиб олганларини сўзлагандилар.

Маккада баъзи оқшомларда турли зиёфатлар уюштирилларди. Бу каби базмлар «Самар» ёки «Мусамара» деб аталарди.

Бу базмларнинг томошабоп эканини нур юзли Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳам эшитганди. Бир куни оқшомда ёнидаги чўпон биродарига қўйларини ўзиники билан бирга қўшиб боқиб туришини илтимос қилди. Бориб базмни кўрмоқчи эканлигини тушунтирди. Биродари илтимосини қабул қилгач, йўлга тушди. Маккага келди. Уйларнинг бирида хурсандчилик бўлаётганини кўрди. Анчагина одамлар йиғилганди. Келганлар базмни айланиб чиқишарди. Улардан нима бўлаётганини сўраганди, тўй эканини айтдилар. У ҳам ичкарига кирди. Тўйни мазза қилиб томоша қилса бўладиган бир дарахт остига ўтирди.

Эндигина яхшилаб жойлашиб олганда кўзларига уйқу лашкари ҳужум қилди ва донг қотиб ухлаб қолди.

Хурсандчилик ярим тунгача давом этди. Тўйга ташриф буюрганлар кетар чоғида дарахт остида қаттиқ ухлаб қолган йигитчани кўрдилар, бироқ уни безовта қилишни исташмади.

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) эрта тонгдан юзини сийпалаган қуёш нурларидан уйғониб кетди. Атрофига қараб ҳеч кимни кўрмади. Ўрнидан туриб, қўйлари ёнига жўнади. Биродари базмнинг қандай ўтганини сўраганда ҳеч нимани эслолмади, ухлаб қолганини айтди, холос.

Орадан бир қанча вақт ўтди. Яна биродаридан илтимос қилди. Бу сафар ҳам базм кўриш мақсадида Маккага келди. Биринчи учраган тўйга кирди. Аммо тақдир бу сафар ҳам уни ўз ҳолига қўймади. Ҳали тузук-қуруқ томоша бўлмасидан чуқур уйқуга кетди.

Бу унинг базм томоша қилиш борасидаги охирги истаги бўлди. Шундан кейин ҳеч қачон тўй-базмларга қадам босмади.

БИР АРСЛОН БОЛАСИНИНГ ТУФИЛИШИ

Фил воқеасига ўн тўрт йил тўлганди. Бани Маҳзун уруғининг обрўли хонадонларидан бирида ой-куни яқинлашиб, тўлғоқ азобларини бошдан кечираётган аёл, унинг ёнида ёрдамлашиш учун келган бир қанча доя хотинлар бор эди.

Кўзи ёраётган Хонтама Бани Маҳзум уруғининг обрў-эътиборли кишиларидан бўлмиш Ҳошимнинг қизи ва доим иззат-икром қилинувчи оиланинг ўғли Хаттобнинг хотини эди.

Хаттоб ой-куни яқинлашган хотини Хонтамага:

— Фақат ўғил туғишинг керак, тушундингми!? — дея такрор ва такрор гапираверарди.

Қиз боланинг отаси бўлишини ҳеч ҳам хоҳламас эди. Буни ўйлайверганидан совуқ терга ботар, қўллари билан пешонасидаги терларни сидирарди. Худди бир-бири билан ўчакишгандек қисилган тишлари орасидан:

— Хаттобдек одамнинг фарзанди фақат ўғил бўлмоғи лозим, — деган сўзлар чиқиб, бармоғи мушт бўлиб ту-гилди.

Хаттоб каби ўжар, жаҳлдор, жасур ва бунинг устига шафқатсиз бир киши қиз боланинг отаси сифатида танилишни сира истамасди. Ўғил фарзанд кўрсагина кўксини кериб, гердайиб юра оларди.

Тўлғоқ вақти яқинлаша бошлагач, Хаттобнинг ичини кемирган кўрқув янада авжига чиққанди. Оддий ҳолида ҳам айтгани айтган, дегани деган бўлган Хаттоб ҳозирги ҳолатда чин маънода оловга айланганди. У уйга кирганда ҳамма титроққа тушар, ҳузур-ҳаловатини йўқотарди.

Бир куни эрталаб Хонтама белида оғриқ бошланганини айтганда:

— Зинҳор менга қиз туғдим, деб айтма. Агар шундай бўлса, ўзингдан ўпкала! — деди-да ташқарига чиқиб кетди.

Кўзларида ёнган олов «Ўзингдан ўпкала», деган жумланинг оқибати қанчалар аянчли якун топишини билдириб турарди.

Ёрдамлашиш учун келган аёллар Хонтаманинг кўзларидаги маҳзунликни пайқаб, бирма-бир тасалли бердилар. Хотин қаттиқ кўрққанидан тўлғоқ оғриқларини ҳам унутаёзганди.

Кекса, тажрибали бир аёл:

— Қизим, ҳечам ташвиш тортма. Пешонангда нима бўлса, шуни кўрасан. Хаттоб ҳам буни билмайдиган даражада жоҳил эмас. Мен буни Хаттобнинг ўзига айтишдан ҳам кўрқмайман.

Аёлнинг гаплари Хонтаманинг кўрқувларини баттар оширди. Ташвишларига ташвиш кўшилди. Ниҳоят уй чақалоқнинг йиғисига тўлди. Айни пайтда:

— Хушхабар, Хаттобга хушхабар беринглар, у ўғилли бўлди, — деган ҳайқириқ эшитилди.

Хаттоб биродарлари билан Каъба олдида ўтираркан узоқдан:

— Эй Бушро, эй Бушро! — дея бақариб келаётган хабарчини кўрганда қалби фахр туйғусини ҳис этди.

Ўзига аталган бу хушхабар, туғилган боланинг ўғиллигидан далолат берарди. Чунки ҳеч бир кимса — Макка шаҳридаги ҳеч бир кимса Хаттобнинг рўпарасига чиқиб, «Хушхабар, қизли бўлдинг!» — деб айтишга журъат қилмас эди.

Хабар олиб келган бола Хаттобнинг қаршисига келиб:

— Суюнчи беринг, ўғилли бўлдингиз! — деди.

Хаттоб неча кунлардан буён ўпкасини тўлдириб нафас ололмаганди. Кўзларидаги оловлар севинч тўла ёшларга айланди. Анча вақтдан бери кулмаган юзида табассум кўринди.

Хаттоб болакайнинг бошидан силаб:

— Кўрага кир, кўнглинг қайси бир кўйни тусаса, шуни сенга бердим, битта эмас, бир жуфт ол!.. — деди.

Боланинг юзлари кулди. У Хаттобнинг олдидан хурсанд ҳолда узоқлашди. Хаттоб шу кунгача ҳам меҳрмуҳаббатсиз киши эмасди. Фақат охирги кунларда баджаҳллик ва кўрслик уни шундай кўрсатиб қўйганди.

Хаттоб жуда бахтли эди. Умрида бирор марта бўлсин, худди бугунгидек хурсанд бўлган вақтини эсламоқчи бўлди, бироқ уни муборакбод этганларнинг бақир-чақири бунга имкон бермади. Шундагина у биродарлари билан бирга ўтирганини пайқади.

— Эй Хаттоб, ўғлинг исмини нима деб номлайсан?

Хаттоб ўйлаб ҳам ўтирмасдан жавоб қайтарди:

— Умар, ўғлимнинг исми Умар бўлади!

Ёнидаги бошқа бир биродари гапга аралашди:

— Инжиқроқ бўлиб ўсмаса бўлди!..

Хаттобнинг ўтқир нигоҳи унинг гапини ярмидан бўлиб қўйди. Бу нигоҳларда қатъий ишонилган бир ҳақиқат бор эди. «Хаттобнинг ўғли инжиқ бўлмайди!» — деган маънони уқиш мумкин эди улардан.

Оқшом уйига қайтгач, қучоғига берилган гўдакка қарар экан, унинг кутилгандан ҳам мард, жасур бўлишига ишончи комил эди. Шунчаки оддий бола эмас, арслон боласи туғилгандек эди гўё.

— Умар, бу боламнинг исми Умар бўлади, — дея пичирлади ва хотинига қараб:

— Барчасининг ортда қолгани рост бўлсин, эй Хонтама. Истаганимдан-да чиройли ўғил туғиб бердинг. Энди бундан кейин қанча қиз туғсанг ҳам чурқ этмайман, — деди.

Хаттобнинг кайфи чоғ эди. Шу қадар чоғ эдики, кўшни кампирнинг:

— Ўғлим, ким нимани экса, шуни ўради. Оддий бир хотин қорнидаги боланинг ўғил ёки қизлигини қаердан биларди, — дея берган юмшоқ танбеҳига:

— Сиз ҳақсиз, холажон! — деб жавоб қайтарди.

Йўргагида ҳеч нарсадан беҳабар ётган арслон боласи келажакнинг Умар ибн Хаттоби бўлади. Фақат Макка

халқи эмас, бутун Арабистон, бутун дунёнинг мусулмонлари то Қиёматгача уни Исломнинг буюк тўрт халифасидан бири сифатида ёдда сақлайдилар. У адолатнинг тимсоли бўлади, мўминлар унга тинимсиз саломлар йўллашади.

* * *

Макканинг обрўли кишиларидан бири Валид ибн Муғйиранинг уйида ҳам ўғил фарзанд дунёга келди.

Келгусида Ислом тарихига ўз исмини олтин ҳарфлар билан ёздиргувчи, тутган жойини кесадиган, қўрқув ва хавотир нима эканини билмайдиган инсон бўладиган бу болакай Ҳолид ибн Валиддир. У мусулмон бўлишидан олдин ҳам, кейин ҳам жасоратнинг чин тимсоли сифатида танилажак. Валид ҳам арслон боласидек ўғилга ота бўлганидан жуда мамнун эди.

* * *

Фил воқеасининг ўн еттинчи йили...

Бани Маҳзум уруғининг ерга урсанг, кўкка сапчидиган, шўх, қилиқларидан шайтон ҳам ҳуркадиган бир йигити бор эди. Исми Амр ибн Ҳишом.

Билаги бақувват ва кучли эди. Шу билан бир қаторда етарлича ақл соҳиби эди. Фақат у бу ақлидан дуруст инсонларга хос тарзда фойдаланмас, одамлар устидан тазйиқ ўтказиш, зуғм қилиш йўлида ишлатарди. Бой-бадавлат, обрў-эътиборли оиланинг фарзанди эди у.

Бойлик, куч-қувват ва ақл бир ерга жам бўлганди. Лекин уларни тўғри мақсад йўлида ҳаракатга келтирадиган инсон йўқ эди. Шунинг учун ҳам Амр ибн Ҳишом чин маънода эркатой бўлиб улғаймоқда эди. Имкон топди деганда бошқалар билан жанжал қилар, ҳар сафар ёнидаги ҳамтовоқларининг аралашуви билан ғолиб бўларди.

Бир куни у Абдуллоҳ ибн Жудьоннинг уйида берилган зиёфатда Бани Ҳошимлардан бўлган Абу Толибнинг жияни Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва-

саллам) билан ёнма-ён ўтириб қолди. Анчагина одам чақирилганди. Амр ибн Ҳишом бемалолроқ ўтиришни хоҳлаб, бирор баҳона билан уни ёнидан турғизиб юбормоқчи бўлди. Асл мақсади бемалол ўтириш ҳам эмасди, балки жанжал чиқариш эди. Ғавго чиқармаса тинчимайдиган кўнгли унга яна тинчлик бермаётганди. Шу боис ёнидагиларга қитмирлик қилишни истаётганди.

Иккиси ҳам тенгдош ўсмир эдилар. Амр ибн Ҳишом Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) га аста-секин яқинлашиб келаверди. Бир, икки, уч бор шундай ҳол такрорлангач:

— Нима қилмоқчисан? — деган саволни эшитди.

— Бошқа тарафга бориб ўтир, кўнглим беҳузур бўляпти, — дея жавоб берди.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) барчани лол қолдирар даражада одоб ва тавозе соҳиби эди, бироқ «Амр ибн Ҳишом мақсадига етсин», — дея туриб ҳам кетолмасди. Тегажоелик ҳадди аълосига етгач, иккиси олишиб кетдилар. Амр бу олишувда енгишига мутлақо амин эди. Чунки шу пайтгача бошқаларнинг ёрдами билан бўлсада, бирор марта мағлуб бўлмаганди. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) дан бироз йирикроқ келбати бор эди. Лекин олишувда Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг қўли билан келишни бошлади. У Амр ибн Ҳишомни куч билан ортга итариб юборди. Амрнинг оёғи қонаб кетди. Ўртага тушганлар уларни ажратиб қўйишди.

Ислом тарихида асл исми унутилиб «Абу Жаҳл» дея ном берилгувчи Амр ибн Ҳишомнинг жароҳат олган оёғи унга бир умр тинчлик бермади.

Ҳеч кимнинг олдида бўйин эгмаган Амр қурайшликларнинг олдида ерга киргувдек бўлди. Балки айнан шу ҳодиса унинг қора юрагида адоват оловларини алангалатгандир.

ФИЖОР ЖАНГИ

Йигирманчи йил...

Ҳиро ҳукмдори Нумон ибн Мунзир ҳар йилгидек бу йил ҳам катта бир карвонни йўлга ҳозирлаганди. Бу карвон асосан тижорат молларини таширди. Араблар орасида машҳур бўлган Укоз, Мажанна, Зулмажоз каби бозорларни кезиб, савдо-сотиқ қиларди.

Бироқ араб қабилалари ўртасида маълум бир тузум ўрнатилмагани боис бу карвонга ҳар қандай вақт босқинчилик уюштирилиши, талон-тарож қилиниши эҳтимоли йўқ эмасди.

Шу сабабли ҳам амалга ошириладиган сафар давомида қабилалар орасида катта ҳурмат қозонган бир кишини карвонга раис қилиб тайинлаш мажбурий эди.

Саҳоватпешалиги тилларда дoston бўлган Ҳиро ҳукмдори Нумон ибн Мунзирнинг саройи, бирор қимматбаҳо нарсадан умидвор бўлиб келган кўплаб арабларни кўрган. Бугун ҳам Барроз ибн Қайс ва Урва ибн Утба унинг ҳузурида эдилар.

Нумон тижорат учун тахт қилиб қўйилган карвонга араблар орасида ҳурмат-эътиборли, карвонни соғсаломат олиб бориб, қайтувчи одам қидираётганини айтди.

Барроз ибн Қайс:

— Карвонни киноналиклардан мен ҳимоя қила оламан, — деди.

Нумон:

— Менга наждлик ва тиҳомаликлардан ҳимоя қиладиган карвонбоши муҳимроқ, шундай одамни қидиряпман, — деди.

Бу сафар Урва ибн Утба:

— Бу ишни мен сиз хоҳагандек қила оламан, — деди.

Барроз ибн Қайс:

— Киноналиклардан ҳам қўрий оласанми? — дея сўради.

— Албатта, ҳаттоки бутун инсониятдан ҳам ҳимоя қила оламан.

— Бундай қилиш қўлингдан келмайди, мен бўлмасам, киноналиклар еридан карвонни олиб ўтиш душвор иш.

— Сен ўзи кимсан? Ахир айнан киноналиклар сени ахлоқсизлигинг туфайли бетайин одам дея эълон қилиб, ораларидан қувиб юбормаганмиди?

Баррознинг жуда жаҳли чиқиб кетганди. Ичидаги адоват ва кин ташқарига чиқариб бўлмайдиган ҳолда эди. Кўнглида душманлик олови ёнганди. Кўзларини Урвага қаттиқ тикди. «Бу қилмишинг шундайлигича қолиб кетмайди», — демоқчи эди гўё.

Нумон карвонбошилиқни Урвага топширди. У эса йўлга чиқди. Барроз ҳам карвондагиларнинг орасида эди.

Фадак деган ерга келишганда дам олиш учун карвонга тўхташ буйруғи берилди. Шу кунгача бирор ножўя ҳаракат сезилмади. Урва ўзи бош бўлиб кетаётган карвонни кўздан кечираркан, Баррозни қўлларида фол ўқларини ушлаб олган ҳолда топди.

— Нима қилмоқдасан, эй Барроз, — деб сўради.

— Сени ўлдириш учун рухсат борми, йўқми, шуни кўряпман.

Урва унинг гапларини ҳазилга бурди:

— Сенда бундай қудрат борми ўзи?

Барроз ҳам ўз ниятини ҳазил тагига яширгандек йўл тутди. Агар ростдан ҳам ўлдирмоқчи бўлса, бундай очиқ гапирмаслиги лозим эди.

Бироз ўтгач Урва ўйин-кулгуга берилди. Май ичиб, сархуш бўлди. Анчагача кўнгилхушлиқ қилди. Натижада ўзини билмайдиган даражада чодирига олиб келинди.

Тун яримда ҳамма донг қотиб ухлаб ётарди. Бу оннинг келишини сабрсизлик билан кутган биргина одам уйғоқ

эди. Оёқ учида Урванинг чодирига аста яқинлашган бу одам Барроздан бошқаси эмасди. Чодирнинг бир чети аста кўтарилди. Сўнгра ичкарига бир соя сездирмай кирди. У жуда эҳтиёткорона ҳаракат қилар, қўлига қилич тутиб олганди.

Урва баданига билдирмасдан берилган қилич зарбасидан уйғониб кетиб, тепасида қилич яланғочлаб турган одамни кўрганда сархушлигидан асар ҳам қолмаганди. Тун қоронғусида юзи аранг кўринаётган бу шарпанинг Барроз эканини сизди. Уни аллақачон ўлдириб юбормаганидан қаттиқ афсусланди, бироқ гиш қолипдан кўчганди.

— Аллоҳ ризоси учун мени ўлдирма, Барроз. Тан оламан, мен сенга ёмонлик қилдим.

Аммо Баррознинг қулоқлари эшитадиган ҳолда эмас эди. Нумон ибн Мунзирнинг ҳузурида бўлиб ўтган ҳодисадан буён қулай фурсатни кутиб юрганди. Агар ҳозир ҳам уни кўйиб юборса, эртага ўзининг тирик қолишига ҳеч ким кафолат бера олмасди. Унинг қўлидаги қилич ҳавога кўтарилди ва куч билан пастга тушди. Ундан сўнг бўғиқ ҳирқироқ эшитилди. Қиличнинг бир кўтарилиши кифоя қилмади. Яна қайта осмонга кўтарилди. Худди ўқдек оёқлар остида типирчилаётган танага кириб, уни турган ерига миҳлаб кўйди. Ҳақиқатан ҳам Урванинг вужуди бир неча сония ўтгач тинчиб қолди.

Барроз интиқом олгани учун нашъа билан чодирдан чиқаётганда Урванинг ўпкаси нафас олмас, юраги тепмас эди. Ҳолбуки, у бирозгина олдин ичган шаробининг таъсиридан дунёни жуда гўзал кўрар, юзларча туядан иборат карвоннинг ичидаги бор бойликлари билан ўзиники дея хаёл суриб ўтирганди.

Барроз карвонни ҳеч нима бўлмагандек Ҳайбар тарафларга бошлаб борди. Улгурганича бойликларни ўзлаштирди. Ҳайбарга етиб боргач, «Энди ҳаммаси тин-

чиди», — деб ўйлаганди. Бироқ унинг бу йўлга Урва ибн Утба билан чиққанини билишар, Урванинг қаерга ғойиб бўлганини эса билишмасди.

— Нима қилиб юрибсизлар?

— Урвани қидиряпмиз. Унда гапимиз бор.

Барроз ёнидаги буюмларни кўрсатиб:

— Бирингиз буни пойлаб тулинг, бирингиз мен билан юринг, — деди.

Уларнинг бири қолди, бири Баррозга эргашди. Бир муддат юрдилар. Қандайдир вайронанинг ичига киришди. У ердан кутилмаганда фарёд эшитилди, кейин олишув бўлди. Сўнгра Барроз ёлғиз ўзи чиқиб келди. Бояги одамнинг ёнига борди.

— Урва биродаринг билан сени кутмоқда, — деди.

Биргаликда бориб, яна ўша вайронага кирдилар. У ҳали ҳам Урва билан биродарини кўришдан умидвор эди. Очиқ эшикдан аввал Барроз кирди, орқасидан у. Аммо кирган заҳотиёқ биродарининг қонга беланиб ётган жасадига кўзи тушди. Дарҳол қиличига ёпишди. Аммо Баррознинг кўлида турган ва ҳалиги одамнинг кўксига қадалган ханжар унинг кеч қолганини англатарди. Охириги кучини тўплаб, умидсиз ҳолда Баррозга ташланди. Уч-тўрт сониялик олишув бўлди. Ҳалиги одамнинг кўллари бўшашди, кўзлари катталашди, кулчага ўхшаб тап этиб Баррознинг оёқлари остига йиқилди. У ханжарини мурданинг кўксидан суғуриб, кўйлақларига артди. Кейин уни ўз ҳолига ташлаб, ҳеч нима бўлмагандек совуққон ҳолда вайронани тарк этди.

Бу вайронанинг деворлари бир неча дақиқа типирчилаган, кейин жимиб қолган икки одамнинг жасадларини унсиз томоша қилди.

Ким эди бу одамлар? Урва билан нима ишлари бор эди? Ёки унинг ўлдирилганини эшитиб, интиқом олиш учун йўлга тушганмидилар. Ёки омонатлари бор эдими

Урва ибн Утбада? Бу саволларга ҳалигача жавоб топилган эмас.

Барроз Кинона қабиласидан, Урва эса Қайс қабиласидан эди. Узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган бир одат бўйича Урванинг интиқоми сўзсиз олинарди. Бир куни бу жинойт фош қилиниб, Қайс қабиласининг Ҳавозин уруғи Кинона устига юриш қилиши аниқ эди. Қурайш эса Кинонанинг бир уруғи эди.

Бу қабиладан эркак ёки хотин, бола ёки қария, яхши ёхуд ёмон — ким ўлдирилишидан қатъий назар, зулм кўрган қабила қилич яланғочлар, қотилни топиб ўч олинарди. Бунинг иложи бўлмаса, қотилнинг қавм-қариндошлари нишонга олинар, улардан бир қанчаси ўлдириларди. Бу иш қарши тарафнинг интиқом ҳиссини уйғотиб юборар, қон даъвоси йириклашиб, баъзида икки катта қабиланинг ўртасида у ёки бу томондан бирор киши қолмагунча жанг бўларди.

Ўлганнинг ким эканлиги мутлақо аҳамиятсиз эди. Икки одам бир қабиладан бўла туриб, бир-бирига душман бўлса, кейин улардан бири бошқа қабила аъзоси томонидан ўлдирилса, қабиладоши ўлган одам, гарчи душмани ҳисобланса-да ўч оларди. Бундай вазиятда ўз қабиладоши билан бўлган низо унутилар, қиличлар яланғочланиб, яқиндагина энг катта душмани, энг ёмон кўрган одами учун интиқом олинарди.

Қотиллик қилган тарафда ҳам худди шундай одат бор эди. Қабиланинг ҳар бир аъзоси қилинган қотиллик учун жавобгар ҳисобланарди. Қўлга олинган вақтида қотил сифатида муомала қилинар ва шунга кўра жазоланарди.

Барроз ибн Қайс ахлоқсиз ва тайинсиз бир одам эди. Шу сабабли ҳам қабиладошлари орасида яшай олмай қувилганди. Бу ҳақда барча қабилаларга хабар берилганди. Шундай бўлса-да унинг қилган қабиҳлиги учун Кинона қабиласи ёки унинг уруғлари сўроқ қилинар, бир

одамнинг аҳмоқлиги учун бир қанча катта уруф ҳисоб берарди.

Буни жуда яхши англаган Баррози ахлоқсиз эканлигига қарамай, қабилалошларига бир мактуб ёзди. Унда вазият ҳақида огоҳлантириш бор эди. Қурайшнинг катталаридан бири Ҳарб ибн Умайяга етиб келган бу мактубда Урва ибн Утбанинг ўлдирилгани ҳақида ҳам айтилганди.

Ҳарб ибн Умайя мактубдан хабардор бўлган заҳоти ақлдан озаёзди. Саросимага тушиб, ғазабини кимга сочишни билмай қолди. Дарҳол кекса, кўпни кўрган бир қанча кишиларни тўплади.

Мажлисдагиларнинг ҳаммаси ҳаяжонда ўтирарди. Ҳар кимнинг хаёлини Ҳарб мажлис бошламасидан олдинроқ ўзига келган бир хулоса «Қайси Айлон қабиласи бунинг учун биздан ўч олади», деган фикр қамраб олган.

— Бўлиб ўтган гап барчангизга маълум, бироқ, улар бу ишни шунчаки ташлаб қўйишларига ҳечам кўзим етмаяпти. Энди можарони қандай ҳал қиламиз, нима қилсак жанжалнинг олди олинади?

— Ахлоқсиз, разил Баррози! Ҳаммамизни бошимизга бало ёғдирди.

— Дунёда ундан ҳам ўтадиган бирор бетайин одам йўқ. Ҳар қандай разилликлар унда мужассам.

Ҳарб гапга аралашди:

— Баррозни қанча сўкиб, ҳақорат қилсак ҳам вазият яхши томонга ўзгармайди. Агар шу билан иш битганида унинг шанига қўлимиздан келганча, қарғишлар ёғдирар эдик. Айни шу пайтда ёнимизда ҳам эмаски, ёқасидан судраб, «Мана Урванинг қотили! Хоҳлаган жазойингизни беринг», — деб топширсак. Кошки биз жим бўлсагу, улар ҳам ҳеч нимадан хабарсиз юришса. Бироқ икки-уч кундан сўнг бу мудҳиш қотиллик уларнинг ҳам қулоғига етиб боради, ана унда олдини олиб бўлмайдиган ёмон ишлар бўлиши аниқ. Мен сизларни Баррозни ёмонланг

деб эмас, бу ишни бир амаллаб ҳал қилиш учун бу ерга тўпладим. Яна сурайман, энди нима қилшимиз мумкин?

Мажлисдагилардан бири қуйидаги фикрни ўртага ташлади:

— Энг яхшиси, улар ҳужумга ўтмасидан аввал бориб кечирим сўраш ва Утбанинг товонини тўлаш.

Бу таклифга ҳеч ким қаршилик қилмади. Дарҳол ҳозирлик кўрилди ва йўлга отландилар.

Урванинг амакиси Маликнинг ўғли Абу Барро уларни меҳмон сифатида қарши олди. У қилган иззат-икромлар қаршисида:

— Амакиваччанг Урвани бизнинг қабиладошимиз Барроз ўлдирибди, — дейишга тиллари бормади. Шу боис:

— Нажд ва Тихома орасида бир нималар бўлибди, бироқ ҳалигача вазият ойдинлашгани йўқ, — дея бир нималарни гапиришди. Аммо Абу Барро уларнинг шаъмасини тушунмади. Меҳмонлар бундан ортигини айтолмадилар. Сўнг хайрлашиб, унинг уйидан чиқишди.

Уларнинг кетганига бир-икки соат бўлмай, бир хабарчи келди. Абу Баррога бўлган қотилликлар ҳақида гапириб берди. Абу Барронинг бошидан муздек сув қуйилгандек бўлди. «Демак қурайшлик меҳмонлар шунинг учун келишган экан-да!» У бирдан ғазаб отига минди.

— Ҳарб ибн Умайя мени лақиллатиб кетибди-да! Бу қурайшликларнинг қўлидан лақиллатишдан бошқа иш келмасди ўзи. Қасам ичиб айтаманки, бундан кейин ҳеч бир киноналик Укоз бозорига қадам босмайди! — деди.

Вазият бир онда жиддий тус олди. Барро бироз олдин ўзи иззат ва икром қилган қурайшликларга нисбатан қалбида чексиз нафратни ҳис этди. Қўлига тушганида бурда-бурда қилган бўларди. Оз фурсатда ҳозирланган кичик ҳарбий гуруҳ тезлик билан Ҳарб ибн Умайя ва унинг биродарлари орқасидан йўлга тушди.

Қуёш уфққа бош қўяётган пайт эди. Қурайшликлар масалани бирёқлик қила олмай қайтаётганидан ташвишда эдилар. Кимдир масалани очиқ-ойдин гапирмагани учун пушаймон, кимдир агар айтганда охири бундан-да ёмонроқ бўлиши ҳақида ўйлаб борарди.

Шу пайт ортига назар ташлаганлардан бири тупроқни чангитиб келаётган аскарларни кўрди ва:

— Тамом бўлдик, — дея бақирди.

Бир онда бошлар ортга бурилди. Қўллар истар-истамас қиличга югурди. Қочиб қутулмайдиган аҳволда эканликларини билишарди. Улар Урва учун интиқомга келаётгани аниқ эди.

— Имкони борича тезроқ ҳаракат қилинглар, улар етиб олгунча Ҳарам худудига кириб олишимиз керак. Агар ростдан ҳам Қайс қабиласидан бўлишса, жонимизни асраб қоламиз, ундай бўлмаса ҳам ҳеч нарса йўқотмаймиз.

Улар бу гапни қайси бирлари айтганини ўйлаб ўтирадиган аҳволда эмасдилар. Бунда бошқа йўлни ўйлашга вақт йўқ эди. Шу боис таклиф эътирозсиз қабул қилинди. Туялар устига урилган қамчиларнинг зарбидан тезликда Маккага қараб интилдилар.

Бу худди қувлашмачоққа ўхшарди.

Олдиндагиларнинг секин юриб кетаётган ҳолида бирдан тезлашиши орқадагиларнинг ҳам тезлашишига сабаб бўлди. Қамчилар аччиқ-ачиқ урилар, туялар жони борича югурарди. Орадаги масофа борган сари камайиб борди.

Ниҳоят қувиб келаётганлар етиб келишди, орада бир ўқ отгувлик масофа бор эди.

— Тўхтанг, қурайшлик олчоқлар! Урванинг қони ерда қолмайди!

— Тўхтанг деяпман сизларга, қотиллар!

— Интиқом, албатта, олинажак!

Ҳарб ибн Умайя қулоғининг ёнгинасидан визиллаб учиб ўтган ўқнинг қумга бориб санчилганини даҳшат билан кўрди. Ортиқ қочишдан фойда йўқ эди. Бироқ Ҳарам ҳудудига киришларига ҳам оз қолганди.

— Биз ҳам уларга ўқ ёғдирайлик!

Бу сўзни Ҳарб айтдими ёки ичларидан бирортаси гапирдими — аниқ эмасди. Қўллар ўқдондаги ўқ ва камонга узалди. Бир тарафдан қочаётганлар, бир тарафдан қуваётганлар ўқ отишарди.

— Тўхтанглар, яккама-якка жанг қилайлик!

— Қочиш эркакнинг иши эмас, — деган овозлар қулоққа чалинади.

Ўзларидан бир неча баробар кўп бўлган кишиларга қарши жанг қилиш билиб туриб ажал қучоғига ўзини отишдек гап эди. Ўқ отиш билан давом этган қувлашмачоқ орқадагиларнинг тезлигини пасайтирди. Истаганларидек таъқиб эта олишмади. Қуёш тепаликнинг ортига бош қўйган вақтда олдинда кетаётганлар бемалол нафас олишга имкон топдилар.

Қувиб келаётганлар Ҳарам ҳудудига киргач тўхтадилар. Чунки бу ерда қон тўкиш, жанжал қилиш ҳаром ҳисобланарди. Бир қон даъвоси учун бошқа бир ғаввога сабаб бўлиб қолиш тўғри бўлмасди.

— Эй қурайшликлар, бу сафар қўлимиздан қочиб қутулдингиз. Лекин Урванинг қони ерда қолмайди. Сизлар билан Укозда гаплашамиз. Учрашадиган жойимиз Укоздир! — дея ҳайқирди.

Ҳарб ибн Умайя илк таҳликали вазиятдан омон чиққанларининг хурсандчилиги ва олдинда кутиб турган бундан-да даҳшатли балоларнинг хавотири ичида Баррознинг етти пуштини қолдирмай сўкиб чиқди. Агар шу онда қўлига тушганда борми, дунёга келганига минг пушаймон этарди, даҳшатли қийноқларга солиб азобларди. Аммо тақдирни кўрингки, бу Барроз деганлари

карвондан ўзлаштириб олган бойликлари ичида сармаст, қабиладошлари ва Ҳарбнинг бу аҳволи ҳақида эса ўйлаб ҳам кўрмасди.

Ҳарбнинг ёнидаги биродарлари ҳам Баррозни оғзига келган сўзлар билан ҳақорат қилишарди. Бу пайтда унинг номига шу каби сўкишлар ёғдиришдан бошқа ҳеч бир иш қўлларидан келмасди. Бироқ бу сўкиш ва ҳақоратлар уларнинг яраларига малҳам бўлгани йўқ. Сўкавериб оғизлари оғриб қолгач, жим бўлганча йўлда давом этдилар.

Бу воқеадан кейин ҳеч нима қилмаслик душман кўлига ўзини топшириш дегани эди. Ҳар икки тараф ҳам зудлик билан урушга тайёргарликни бошлаб юбордилар. Келиб-кетганлар икки қабиланинг тайёргарлиги ҳақида бир-бирларига хабар таширдилар. Ниҳоят Қайс қабиласи Ҳавозиннинг бошқа уруғларини ҳам эргаштириб Шамтагача келди. Уларнинг байроқларини Абу Барро кўтариб олганди. Кўшинга у қўмондонлик қилаётганди. Қурайш ва Кинонанинг қўмондонлигини Ҳарб ибн Умайя ўз кўлига олганди.

Бу жанг ҳаром ойларига тўғри келиб қолганди. Шу боис ҳеч ким чин дилдан, ўзи хоҳлаб жангга чиқмаганди. Бироқ қабилани ҳимоя қилиш лозим. Ҳавозинликларга таслим бўлиб, «Марҳамат, кўнглингиз тусаган усулда жонимизни олинг!» — дея олмасдилар. Жанг қилиш учун эмас, балки мудофаа учун бу жангга рози бўлишганди.

Одатда йилнинг тўрт ойи ҳаром ойлар ҳисобланарди. Булар кетма-кет келувчи Зулқаъда, Зулҳижжа, Муҳаррам ва Ражаб ойлари эди. Бу ойларда жанжаллашиб бўлмас, босқинчилик қилинмас, моллар талон-тарож қилинмас, одам ўлдирилмас ва йўллар тўсилмас эди. Ҳар бир киши бу ойлар келганда омон-омон кунларга етиб келганидан хурсанд бўлар, хоҳлаган жойига борар, бозорларни айланар, жони ёхуд молига келгувчи бирор таҳликадан қўрқишмасди.

Қароқчилик қилмаса туролмайдиган ёки фурсатни қўлдан бой беришни истамайдиган безорилар, мисол учун бой бир карвонни қўлга киритишни истаган қабила шу ойларда ниятига етиб қоларди. Ҳаром ойларида бундай босқинга учрашларини хаёлига ҳам келтирмаган бечоралар:

– Ҳозир ҳаром ойлари-ку! Нега бундай қилмоқдасиз? – дея сўрашса:

– Ҳаром ойлари кейинги ойга кўчирилди, – дея билганларини қилаверардилар.

Шу усул орқали қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар тузоққа тушурилган, қанчалаб карвондагилар қиличдан ўтказилган, моллари таланганди.

Шундай бўлса ҳам кўпчилик бу ойларга ҳурмат билан қарашарди. Бу ойларда қилинган жанглар Аллоҳга нисбатан исён дея баҳоланиб, «Ҳарб-ул фижор», яъни гуноҳ қилинган, жанглар таъқиқланган ойлардаги уруш дейиларди.

Абу Толиб Фижор жангги ҳақидаги ўз қарашларини Бани Ҳошимга қуйидагича билдирди:

– Ҳаром ойларида турибмиз. Бу жангга қатнашишни тўғри деб ҳисобламайман.

Бошқа яқинлари ҳам худди шундай фикрда эдилар. Бироқ масала фақатгина уларнинг хоҳишига боғлиқ эмасди. Қурайш учун келган хавфга улар ҳам бирдек жавобгар эди. Ниҳоят улар ҳам Зубайр бошчилигида жангга кирдилар. Абу Толиб ҳам ора-сирада ёнига севикли жиянини олганча келиб жангга кирарди. Аммо Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бу жангда қатнашмас, қарши тараф ёғдирган ўқларни тўплаб, амакиларига бериб турарди.

Қачон Абу Толиб жияни билан бирга келиб жангга қатнашса, ўша кунни жанг қурайшликлар томонга ҳал бўларди.

– Эй курт-қумурсқаларни тўйдирган, ҳожиларга сув тарқатган улуғ зотнинг ўғли. Сиз келган кунингиз уларни енгаётганимизни сезмоқдамиз. Илтимос, бизнинг ёнимиздан кетманг! – дедилар.

Ростдан ҳам улар бу ҳолатни Абу Толибга алоқаси бор дея ҳисоблашарди. Ёнидаги Коинот Сарвари (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг ҳурмати учун шунча ишлар бўлаётганидан мутлақо хабарсиз эдилар.

Абу Толиб уларга жавоб берди:

– Сизлар зулмни, ҳақсизликни, қариндошлик алоқаларини узиб қўйишни бас қилинглар. Ўшанда мен ҳам ёнингиздан айрилмайман.

* * *

Араблар ўртасидаги жанглар олдин ҳар икки тарафдан бирор кишининг ўртага чиқиб олишиши билан бошланарди. Голиб бўлган мағлубнинг кийим-кечаги, қуроляроғини олиб ортига қайтар ёки олишиш учун қарши тарафдан бошқа бирини майдонга таклиф қиларди. Бу каби яккама-якка олишувга «Мубораза» дейиларди. Бундай олишувлардан мақсад икки томоннинг аскарларини ҳаяжонга солиш, жангни қизитиш эди.

Олишувлар баъзан қуёш тик келиб қиздиргунча давом этар, баъзан биринчи олишган икки жангчидан сўнг аскарлар ялпи ҳужумга ўтишарди. Бир-бирларини қуроляроғ билан яралаб ўлдиради. Пешиндан кейин аскарлар икки томонга тарқалишар, кейинги жанг кечки пайт ёки эртаси куни давом эттириларди.

Фижор жанггининг охириги куни эди. Эрта тонгдан бошланган жангда Қайс қабиласининг қўли баланд келаётганди. Кинона ва Қурайш қабилалари мағлубиятга учраётгандилар. Бироқ киноналиклар тушдан сўнг жанг услубини ўзгартирдилар. Қайс қабиласини бирма-бир қиличдан ўткази бошладилар. Шиддатли жанг бўлар,

икки тараф ҳам бугун жангни узул-кесил ўз томонига ҳал қилмоқчи эдилар.

Вазият шу ҳолда давом этса, қайсликларнинг куни битиши аниқ бўлиб қолди. Уларнинг жангчилари тушкунликда олишардилар. Урва ҳам Барроз ҳам унутилган, ҳар ким ўз жонини қутқариш билан машғул эди.

Худди шу пайтда катта бир туянинг устида ўтириб олганча икки тарафнинг ўртасига отилган бир кишини кўрдилар. У бор кучи билан:

— Эй Бани Мурод, эй Бани Мурод! — деб бақирарди.

Мурод Кинона билан Ҳавозинликларнинг катта бобоси эди. Бу икки қабила мана шу одамда бирлашардилар. Туядаги киши «Бани Мурод!» — деб чақираркан, бир пайтнинг ўзида ҳар ики уруғга ҳам мурожаат қилаётган эди. Ниҳоят жанг тўхтади.

— Нима истайсан,? — дедилар унга.

— Сизларни бу жангдан ҳам муҳимроқ, хайрлироқ бир ишга даъват қилмоқчиман.

— Нима экан у?

— Сулҳ, мен сизларни сулҳ тузишга таклиф қиламан!

— Қандай қилиб?..

— Сиздан ўлганларнинг товонини тўлаймиз, биздан ўлганларнинг эса қонидан воз кечамиз.

— Буни ким ҳам қила оларди? Товонни ким тўлайди?

— Мен, албатта, мен тўлайман.

— Сен ўзи кимсан?

— Мен Қурайшдан Утба ибн Робиаман.

Мамнун боққан кўзлар Утбага қаради. Қиличлар қинларига жойланди. Икки тараф ўзига тегишли жасадларни тўплай бошлашди. Ҳисоблаш тугаганда, Қайс қабиласидан йигирмадан ортиқ киши ўлдирилгани маълум бўлди.

Утба ибн Робиа айтган гапини яна такрорлади:

— Бу йигирма кишининг товонини мен тўлайман.

Бир неча кунга чўзилган, шу кетишда давом этса икки катта қабилани қириб битирадиган бу жанг шу тахлит якун топди.

Бу шартлар олдида бир нима дейиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмасди. Берилиши ваъда қилинган товон киши бошига юз туя бўлиб, умумий ҳисобда икки минг туяни ташкил қиларди. Осонлик билан тўпландиган бойлик эмас эди бу. Йигирмата катта сурув талаб қилинарди. Ҳамма бунча товонни қандай қилиб тўлаш мумкинлиги ҳақида ўйларди.

— Яхши, бу товонларни қандай тўламоқчисизлар?

— Биз сизларга гаров сифатида одамлар берамиз. Товонни тўлаганимиздан сўнг уларни бизга қайтарасизлар.

Ҳарб ибн Умайянинг ўғли Абу Суфён, ва Қурайшнинг обрўли хонадонларидан қирқ кишилик бир гуруҳ уларга гаровга берилди. Бу гуруҳда Ҳаким ибн Ҳизом ҳам бор эди. Улар товон тўлангунча қайсликларнинг қўлида ушлаб турилар, кейин қўйиб юборилиши лозим эди.

Эндигина йигирма ёшни қаршилаб, кучга кираётган, Оламлар Сарвари бўлмиш бир йигитнинг хотирасида ҳақиқий маънода жоҳилият туфайли содир бўлган бу жанг шундай муҳрланганди.

ШАРАФЛИ АҲДЛАШУВ

(*Ҳилф ул-фузул*)

Макка ҳар бир киши ҳурмат қиладиган муқаддас шаҳар эди. Чунки инсон томонидан Аллоҳга ибодат учун қуриган биринчи Байт шу ерда жойлашганди. Бу Байт, яъни Каъбанинг ўрнини тайин этган, қуришга амр берган Аллоҳ таоло бўлиб, уни қурган икки киши пайғамбар — ота-ўғил Иброҳим ва Исмоил алайҳиссаломлар эди. Шу сабабдан ҳам Макканинг муборак шаҳар эканига ҳеч ким шубҳа қилмасди. У ерда Аллоҳга ибодат қилинар, ҳақиқий Парвардигорга топинилар, бу тупроққа қадам қўйганлар турли балою офатлардан омонда бўларди.

Шунга қарамай Макка халқи вақтлар ўтиши билан ўз манфаатлари йўлида бу шаҳарнинг муқаддас эканини унутгандек эди. Ҳақсизлик биланми, зулм биланми, қандай йўл билан бўлса-да ўз манфаатини ўйлаш биринчи ўринга чиқди. Маккага ҳаж ниятида келган ҳожиларга ёмон муомала қилиш, савдогарлар олиб келган молларни ҳақини бермай олиб қўйиш каби манфур ишлар одат тусига кирди. Ор-номус муқаддас саналмай қолди.

Кунлардан бир куни Забид деган жойдан келган киши олиб келган молларини Ос ибн Воилга яхши нархда кўтарасига сотди. Сотувчи хурсанд эди. Ос ибн Воил бошқа харидорлардек унинг молини ерга урмади, ўз баҳосидан ҳам кам нарх таклиф қилмади. «Аслзода оиланинг, яхши тарбия топган фарзанди», деб ўйлади савдогар. Ёмон одам бўлганида ё молини ерга урарди, ёки паст баҳода олиш учун ҳамма чорани қўллаб кўрган бўларди.

— Қани, ёрдамлашиб юбор, буларни уйгача кўтариб олиб боришим лозим, — деди Ос.

Савдогар бу ишда Оса ёрдам берди, молларини унинг уйгача кўтаришиб борди. У пешонасидан оққан терларни артар экан, ўз ҳақини берилишини кутиб турди, лекин бундай бўлмади. Ос ибн Воил:

— Завол пайти кел, ўшанда ҳақини бераман, — деди.

Бу гап савдогарга унчалик маъқул бўлмади. Ўз пулини олиб, тезда Забидга жўнаб кетмоқчи эди. Чунки Мақкада қиладиган бошқа бир иши йўқ эди унинг.

Бироқ Оснинг кўриниши унинг кўнглини хотиржам қилганди. У ёқ-бу ёқни сайр қилди, Замзам қудуғидан сув ичиб, Каъбани тавоф қилди. Асосий бутларнинг қошида ўзи билганича ибодат қилди. Заволдан кейин Оснинг эшигига келди. Ос уйида йўқ эди. Эшигида анча вақтгача кутиб турди. Оқшом вақти қаердандир келаётган Ос савдогарни кўрмаганга олиб, уйига кирмоқчи бўлди.

— Жаноб, бир дақиқа тўхтанг!

Ос тўхтади:

— Нима истайсан?

— Пулимни берсангиз.

— Қандай пул?

— Боягина мендан мол сотиб олгандингиз.

— Ҳа, эсимга тушди. Эрталаб кел.

— Лекин сиз заволдан сўнг...

Ос савдогарнинг сўзини бўлди:

— Эталаб бераман дедим-ку. Бор, энди кет.

— Аммо мен мусофирман.

— Тушундим, эрталаб!

Забидли савдогар Оснинг эшигидан чорасиз ҳолда кетди. Унинг ичини қурт кемирарди. Эрталаб чиройли савдо қилган, ҳақ-ҳуқуқдан сўз очган, молни ёмонлаш яхши иш эмаслигини айтган Ос энди ўзгариб қолганди. Энди қарзи борлигини инкор этмоғи ҳам ҳеч гап эмасди. Ҳалигина уни кўриб ўзини танимаганликка солгани шундан далолат эди.

Савдогар кўлидан ҳеч бир иш келмагани боис у ердан кетди. Тунни Ҳарамда ўтказди. Эрта тонгда Оснинг эшигини тақиллатди. Ичкаридан «Эртага келсин!» — де-

ган хабар олди. Яна эшикни қоқди, ҳақини сўради. Лекин Ос осмондан туриб гапирди:

– Айб эмасми? Уялмайсанми эшигим остида туришга?!

– Аммо мен ўз ҳақимни сўраяпман.

– Эртага кел деб айтдим-ку!

– Мен эртагача қололмайман.

– Мен эса бугун беролмайман.

– У ҳолда молимни қайтариб беринг.

– Мен билан ҳазил қиляпсанми?

– Нега ҳазил қилай?

– Бозорда уни менга сотмадингми?

– Сотдим.

– У ҳолда мол сеники эмас, меникидир.

– Унда менинг ҳақим...

– Ҳақинг бирор ерга қочиб кетмайди, берамиз.

– Ундай бўлса беринг.

– Эртага бераман дедим-ку!

– Кеча келганимда бугун беришингизни айтганимиз.

– Ўшанда нима дегандим?

– «Эртага бераман», – дегандингиз.

– Ундай бўлса, сўзим сўз. Эртага, албатта, бераман.

– Мен ҳақимни олмай ҳеч қаерга кетмайман.

– Англашимча калтак егинг келяпти, шекилли.

Шу гапни айтган Ос уй ичига қараб деди:

– Ичкарида ким бор? Бу ёққа келсин.

Кейин савдогарга қараб:

– Мазза қилиб калтак ейсанми ёки тинчгина кетмоқчимисан? – деди.

Савдогар калтак ейишни истамади, зеро ақли ўзида бўлган ҳеч бир киши бундай иш қилмасди.

– Бўлмаса эртага келайми?

– Йўқ.

— Ия, унда қачон келай?

— Энди умуман келма.

— Бироқ бу иш ҳақсизлик, зулм-ку!

— Қани бу ердан туёғингни шиқиллатчи. Нима ҳақу, нима ноҳақлигини сендан ўрганишимиз қолганди ўзи.

Савдогар қуруққа калтак емаслик учун у ердан кетди. Каъбага борди. Бутларнинг атрофида юрганларга қўшилди. Қабила раисларини кўрди. Аблуддор, Маҳзум, Жумаҳ, Саҳм, Одий уруғларининг уйларида бўлди. Уларга дардини айтди. Лекин бундан фойда чиқмади, қайтанга умидсизлиги ортди.

— Ос ибн Воилда бирор одамнинг қарзи бўлса, бу унинг учун шарафдир, — дедилар.

— Шараф инсоннинг қорнини тўйдирмайди-ку! Менга ҳақимни ёки молимни олиб беринг.

— Сен нималар деяпсан? Осдек одамни арзимаган бир иш билан безовта қилиш айб саналади-я!

— Ос шундай шараф эгасими?

— Албатта, ёки шубҳанг борми?

— Шарафли инсон қарзини вақтида узади.

— Агар сен ҳозироқ бу ердан даф бўлмасанг, биласанми биз кейин нима қиламиз?

Забидлик савдогар ёрдам сўраб борган қабила раисларининг баъзилари уни юқоридагидек қарши олди, баъзилари умуман гаплашиб ҳам ўтирмади. Яна бир бошқаси эса «Менинг Оса сўзим ўтмайди», — деб ортга қайтарди.

Таққиллатган барча эшиклари унинг зарарига ишлади. Худди боши берк кўчага кириб қолгандек ҳис қиларди ўзини.

Тонгнинг илк соатлари эди. Масжид-ул Ҳарамда ўтириб суҳбат қураётганлар бир овозга қулоқ осдилар. Савдогар уни эшитадиган одамлар ҳам борлигидан севиниб кетганди.

Биринчи бўлиб ўрнидан Зубайр ибн Абдулмутталиб турди.

— Бу зулмдир. Зулм ва ҳақсизликка қарши курашиш шарафли инсонларнинг ишидир. Мард инсон зулм қаршисида писиб қолмайди, — дея бақирди.

— Абдулмутталибнинг ўғли тўғри гапирмоқда!

— Мусофирларга ёрдам бериш, чорасизларга йўл кўрсатиш ҳам фарз, ҳам қарздор, — деганлар бўлди.

Натижада улар Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг уйида учрашадиган, бу ишни ўша ерда ҳал қиладиган бўлишди.

Макканинг ёши жиҳатидан улуғ ва обрў-этиборли кишиларидан бўлган Абдуллоҳ ибн Жудъон уйини меҳмонларга ҳозирлади. Ҳошим, Мутталиб, Зуҳра, Ҳорис ва Тайм уруғларидан ҳам вакиллар келишганди. Ораларида энг ёши амакиларига эргашиб келган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллалоҳу алайҳи васаллам) эди. У эндигина йигирма ёшдан ўтганди, лекин у ердигилар учун Муҳаммад (соллалоҳу алайҳи васаллам)нинг келиши ғалати ҳолат эмасди. Чунки у ўзи кичик ёшли бўлса-да мулоҳазали, узоқни кўрадиган, улуғлар ҳам ҳавас қилувчи ақл соҳиби эди. Шу сабабдан ҳам ҳеч ким «Бу йигит орамизда нима қилмоқда?» — деб ўйламади.

Келган меҳмонлар дастурхонга ўтиришди. Ейилди, ичилди. Кейин савдогарнинг муаммоси ўртага ташланди.

— Агар зўравонликларга қарши овозимизни ҳам чиқармасак, бундан-да баттар ишларга қўл уришади! — деди келганлардан бири.

— Ос бу ишни биринчи бор қилиши эмас!

— Бундай ҳақсизлик қилаётган фақат у эмас, у шундай зўравонлардан бири, холос.

— Агар бу ишни яна шундай қолдирсак, бугунги кунимизни ҳам орзу қилиб қоламиз. Бунга ишончим комил.

— Шундай ҳолат давом этаверса, Қурайшнинг обрў-этибори бир пул бўлади.

— Маккага келган меҳмонлар, ҳаттоки ҳожилар ҳам биз ҳақимизда яхши гап қилмаяптилар.

Қисқаси, ҳеч ким бу ишнинг шундай қолишини ис-тамас эди. Бундан ташқари ўзлари ҳам борадиган жой-ларида шу каби муомала кўришлари мумкин эди. Бу ерда ҳаққи поймол қилинган одам фурсат топди, де-гунча бошқа бир қурайшлиқдан бўлса-да ҳаққини унди-риб оларди. «Маккаликлар кўнгиллари тусагунча зулм қилаверишсин, лекин борган ҳар бир ерида иззат-эъти-бор кўрсин, ҳақлари адо этилсин», — деган қоида йўқ эди.

Ҳаж мавсуми эшик қоқиб келмоқда эди. Бу пайтда Зулқаъда ойида тургандилар. Бор-йўғи бир ойдан сўнг ҳаж маросими ва ибодатлари ўтказилади. Келганлар-га яхши муомалада бўлиш, уларга хизмат қилиш ва яна қайта-қайта келишларига замин ҳозирламоқ керак эди. Чунки меҳмонларнинг сони қанча кўп бўлса, Макканинг тижорати ҳам, эътибори ҳам шунча ортарди.

Меҳмондорчиликнинг сўнгида бир идишда мушк кел-тирилди. Ўша ердагиларнинг ҳаммаси мушкка бармоғини ботирдилар.

Бу арабларнинг ўзига хос қасамёд маросими эди. Агар қасамёд яхши бир иш учун қилинаётган бўлса, ёқимли ис таратувчи мушк келтирилар, агар жанг қилиш, интиқом олиш учун бўлса, қон ёки шунга ўхшаш нарсага қўл ботириб қасамёд қилинарди. Бу иш ичган қасамдан қайтмаслик маъносида эди.

Мажлисадаги илк қасамёд қуйидагича бўлди:

«Денгизда биргина соч толасини хўллаш учун сув топилар экан, Савр ва Ҳиро тоғлари жойидан қўпорилмагунча доимо мазлумнинг ёнида бўлишга, унга ёрдам бериб, қўллашга, ҳаққини золимдан ундиришга, Аллоҳ номи билан қасамёд қиламан!»

Юқоридаги қасамёд мажлисадаги ҳар бир киши томо-нидан айтилди. Қилинган бу қасамёдни «Ҳилф ул-фу-зул» — фозил кишиларнинг фазилатли ишларни қилиш борасидаги қасами, деб атадилар.

Бу ном анча олдинроқ араблар орасида худди шу маънода қасам ичган уч кишининг исмлари билан алоқадор эди. Улар Муфаззал ибн Фазола, Фузайл ибн Вадоа ва Фузайл Фазл ибн Ҳорис деган уч биродар эдилар. Улар ҳам мазлумларга ёрдам беришга, доимо ҳақни ҳимоя қилишга қасам ичгандилар. Шунинг учун ҳам бу ном араблар ўртасида узоқ йиллардан буён машҳур эди. Уч биродар бошлаб берган ишни бу сафар Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг уйида аҳдлашганлар давом эттирмоқчи эдилар.

* * *

— Ос! Эй Ос, чиқ ташқарига!

Ос уйдан ташқари чиқди. Қаршисида оломон турарди.

— Нима гап? Нега келдинглар?

— Сендан забидлик савдогарнинг ҳаққини беришингни талаб қилиб келдик.

Ос озроқ шошиб қолди. Ишнинг бундай авж олишини кутмаганди. Бу ишни дўндириб бажарганига ишончи комил эди. «Савдогар у ёқ-бу ёққа арз қилиб натижага эришмагач, даф бўлади», деб хаёл қилганди. Лекин ҳозир у обрў-эътиборли қабила вакилларнинг ҳузурда турганди.

— Бу ишга сизларнинг нима алоқангиз бор?

Барчанинг номидан Зубайр жавоб қайтарди:

— Биз қасам ичдик, бундан кейин ҳақ-ҳуқуқи поймол қилинган ҳар қандай кишига биз ёрдамчи бўламиз. Хоҳ маккалик бўлсин, хоҳ бошқа ердан — ҳеч кимнинг ҳақи поймол қилинишига йўл қўймаймиз.

— Бермасам нима бўлади?

Абдуллоҳ ибн Жудъон сўзга аралашди:

— Бундай қилишингни маслаҳат бермайман, Ос. Бизни қийин аҳволга солиб қўясан.

Зубайр унинг гапига қўшимча қилди:

— Дарҳол савдогарнинг ҳақини бер. Чунки бермагунингча сени тинч қўймаймиз.

Ос уларнинг ҳазил қилмаётганларини тушунди. Бироздан сўнг пул олиб чиқиб Абдуллоҳ ибн Жудьоннинг қўлига тутқазди.

Забидлик савдогар чақирилиб, ҳақи берилди.

— Оладиган ҳақинг шунча эдими?

Савдогар ёшга тўлган кўзлари билан «Шундай» деган ишора қилди ва:

— Сизлар бўлмаганингизда пулимни ололмаган бўлардим, — деди.

— Қани, энди хурсанд ҳолда юртингга қайтавер. Бундан кейин Маккада ҳақсизликка учрасанг, бизга хабар қилишни асло унутма.

Савдогар севинганча жўнаб кетди.

Ҳилф ул-фузулга қўшилганларнинг қалбида англаб бўлмайдиган даражадаги масрур туйғулар жўш урди. Юзлари кулиб, Маккадек муборак шаҳарда яшайдиганларга ярашадиган иш қилганларидан мамнун бўлдилар. Улар бундан сўнг фозил кишилар номи билан аталадиган бўлди.

Бу вақтда мажлиснинг йигирма ёшли аъзоси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўшанда ҳис қилган роҳатларини ўттиз йилдан кейин ҳам унутмагандилар. Бир куни яқинларига бу ҳақда шундай дегандилар:

— Абдуллоҳ ибн Жудьоннинг уйида бўлиб ўтган мажлисда иштирок этдим. Бундай шарафли аҳдлашувнинг ўрнига бутун дунёнинг молини берсалар ҳам алишмас эдим. Агар ҳозир ҳам кимдир худди ўшандай аҳдлашувга чорласа, ҳеч иккиланмай қабул қилган бўлардим.

Абдуллоҳ ибн Жудьоннинг уйида қасамёд қилинган шарафли аҳдлашув эртаси куни Ос ибн Воилнинг ковушини тўғирлаб қўйди. Шундан сўнг бутун Макка бўйлаб ёйилди.

Орадан кўп вақт ўтмади. Маккага ҳаж ёки умра нияти билан бир киши келди. Ёнида Қатул исмли қизи бўлиб, жуда гўзал эди.

Нубайҳ ибн Ҳажжож бу қизни кўриб ошиқ бўлиб қолди ва мажбурлаб олиб қочди.

Қизнинг отаси воқеадан хабар топгач ақлдан озай деди. У ёқдан-бу ёққа югурди.

— Сен ҳозир энг яхшиси Ҳилф ул-фузулнинг аъзоларига учраш, вазиятни уларга тушунтир, — дейишди.

Ўша киши Каъбага келди.

— Эй Ҳилф ул-фузул аъзолари, эй ҳилф-ул фузул аъзолари! — деб бақира бошлади.

Унинг овозини эшитган Ҳилф ул-фузул аъзолари ҳар тарафдан кела бошладилар.

— Нима дардинг бор?

— Нубайҳ ибн Ҳажжож қизим Қатулни зўрлик билан олиб қочди.

— Унда биз билан юр.

Улар тўпланиб Нубайҳ ибн Ҳажжожнинг уйига боришди. Нубайҳ эшигини тақиллатган бу кишиларнинг ўз-ўзидан келишмаганини тушунди. Олиб қочиб келган қизни унга никоҳлаб, «Хайрли бўлсин!» — демасликлари аниқ эди. Юзларидан кулгу қочди.

— Эй Нубайҳ, сен нималар қилиб юрибсан?

— Нима қилибман?

— Буодамингқизини зўрлик билан олиб қочганмишсан.

— Лекин мен уни севиб қолдим. Агар ундан айрилсам, ўлиб қоламан.

— Уни севиб қолган бўлсанг, отасидан қўлини сўрашинг лозим эди.

— Унда отасига айтинг, мен ундан қизининг қўлини сўрайман.

Қизнинг отаси чақирилди.

— Қизингни Нубайҳга берасанми?

— Йўқ.

Нубайҳ ёлворди:

— Нима истасангиз бераман.

Қизнинг отаси қатъий жавоб берди:

— Қизимдан бошқа ҳеч нима керак эмас.

Кейин Нубайҳга шундай дейилди:

— Дарҳол қизни бу ерга олиб кел. Йўқса, оқибати яхши бўлмайди.

— Бир кеча бўлса ҳам у билан кўнгилхушлик қилмоқчиман.

— Асло бўлмайди. Биз бир он ҳам кутиб ўтирмаймиз. Тезда қизни бу ёққа олиб чиқ.

«Унда кучи етган келиб олиб кетаверсин!»

Нубайҳ бундай гапни айта олмади. Чунки у мағлуб бўлганди. Бунчалик кўп одамга бас келиш, улар билан баҳслашиш асло мумкин эмасди. Агар бас кела олиш қудрати бўлганда, балки олишган бўларди.

У индамасдан уйига кириб кетди. Қизни олиб чиқиб отасига топширди.

* * *

Ҳилф ул-фузулнинг шарафли аъзоси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг ҳар тарафлама фазилат соҳиби бўлган йигит эканлиги ҳар бир киши томонидан эътироф этилганди. Ҳеч ким ундан бирор қусур тополмасди. Хушёқмас, бетайин сўзлар оғзидан чиқмас, айб саналадиган ишларни қилмаганди. Ўзи ва юзи гўзал эди. Хушхулқ, ҳар бир ишда ишонса бўладиган йигит сифатида танилганди.

Энди уни одамлар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ деб эмас, балки «Ал-Амин» — ишончли, ишонса бўладиган, деган ном билан чақиришарди. Уни таниганларнинг ҳеч бири Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни «Ишончсиз киши», — деб айта олмасди.

Кунлар ўтган сари одамлар бу номни унга нақадар тўғри танлашганига ишончлари комил бўлиб борарди.

САЛМОН АЛ-ФОРСИЙ

Исфаҳон шаҳрининг Жай қишлоғида Салмон исмли бир йигит бор эди. Отаси шу қишлоқнинг раиси ҳисобланарди. У ўғлини девоналардек яхши кўрар: «Бошига бирор фалокат тушмасин», дея ёнидан айирмасди. Бирор жойга ҳам юбормас эди. Салмон болалик ва ҳаттоки, ўсмирлик йилларини ҳам худди жориялардек тўрт девор орасида ўтказди.

У диндор бир йигит бўлиб тарбия топаётганди. Оиласида олган тарбиясига мувофиқ мажусийлик динига эътиқод қиларди. Бир куни отаси уни қандайдир ишни битириб келиши учун жўнатди. Узоқ қолиб кетмасдан тезда ортига қайтишини такрор ва такрор тайинлади.

Салмон отаси айтган ишни битириб келиш учун йўлга чиққанда қаршисидан черков чиқди. Қулоғига нималардир эшитилди. У овозларни яхшироқ эшитишни хоҳлади. Ичкарида дуо қилаётган, илоҳий каломлардан ўқиётган бир қанча одамлар бор эди. Уларни завқ-шавққа тўлган ҳолда кузатди, сўзларига қулоқ осди.

Бир неча соат ўтса-да Салмон ҳали ҳам уйидан нима мақсадда чиққани, узоқ қолиб кетганини хаёлига ҳам келтирмай, черковдагиларни ҳайрат билан кузатарди. Оқшом пайти черковдаги одамлар тарқала бошлади. Салмон улардан бирини тўхтатиб савол берди:

— Динингизнинг асл манбаси қаерда? Менга бу ҳақда энг тўғри маълумот бера оладиган одамни қаердан топсам бўлади?

— Шом тарафлардан.

Салмон у ердан бошини қуйи экканча чиқиб кетди. Лабларининг орасидан паст овозда шундай гап чиқди: «Қасам ичиб айтаманки, буларнинг дини мен эътиқод қиладиган диндан кўра хайрлироқдир».

Агар отаси жўнатган ишга борганда бир неча соат олдин уйга қайтиб келиши лозим эди. Қаттиқ таҳликага

тушган ота дарҳол ўғлининг орқасидан одам юборди. Лекин ўғли ўзи жўнатган ерда йўқ эди.

Уни топиб келиш учун йўлга чиққанлар ҳамма жойнинг тити-питисини чиқардилар, бироқ уйга қўллари бўш ҳолда қайтишди.

Отасининг бошида ҳар хил ёмон хаёллар айлана бошлади. Ёмон хабар эшитишидан қаттиқ кўрқувда эди. Ниҳоят кун ботиб, атрофга қоронғулик чўка бошлаган вақтда Салмон кириб келди. Юзига қарар экан, унинг ҳар доимги Салмондан бошқачароқ эканини фаҳмлагандек бўлди. Юрагига гулгула тушган ота муҳаббат, раҳм-шафқат ва кўрқув аралаш овозда:

— Қаерларда юрибсан, ўғлим? — деб сўради.

Салмон кун бўйи бошидан ўтказганларини гапириб берди. Сўзини қуйидагича якунлади:

— Мен бугун тушунган нарса шу бўлдики, уларнинг дини бизникидан кўра хайрлироқдир.

Салмоннинг отаси мажусийликка қаттиқ берилган одам эди. Шунинг учун ўғлининг тушунчаларини тўғирлаш ниятида:

— Энг тўғри дин ота-боболарингнинг динидир, — деди.

— Йўқ, ота. Уларнинг дини бизникидан тўғрироқ.

Отаси мажусийликнинг насронийлик динидан устун эканини ўғлига уқтиришга қанча уринмасин, фойдаси бўлмади. Жуда қаттиқ ғазабланди. Ўғлининг ўй-хаёлларини ўзгартира олмагач, оёқ-қўлини боғлади ва уйга қамаб қўйди.

Қўл-оёқларга урилган кишанлар унинг тушунчаларига ўз таъсирини ўтказа олмаганди. Аксинча, Салмоннинг фикри янада тиниқлашди. У энди фурсат пойлади. Черковда танишиб қолган одамларига хабар юборди. Шомга борадиган бирор карвон бўлса, унга хабар қилишларини илтимос қилди.

Юраги меҳр-муҳаббатга тўла ота ўғлининг ўзгаришига умид қилиб кута бошлади. Унга насиҳат ҳам қилди, таҳдид йўлини ҳам қўллаб кўрди. Бироқ, буларнинг ҳеч бири фойда бермади. Сўнгги чора сифатида ҳибс муддатини узайтирди. Жигарпорасининг бошқа бир динга ўтиб кетишини асло истамас эди.

Бир куни Салмон Шомга жўнаётган карвон ҳақида хабар олди. Хабарни келтирган кишидан карвон аниқ қайси куни кетишини сўраб, ўша пайт яна бир бора келишини илтимос қилди. Ҳибсда ўтган ҳар бир кун Салмонни мажусийликдан бир қадам узоқлаштирар, юрагида ёнган оловни баттар алангалатарди. Ҳаяжон билан карвон жўнайдиган кунни кутар, янги динга киришдан бошқа нарсани ўйламасди.

Ниҳоят хушxabар келди. Салмон дарҳол кишанларни ечди. Вақт ўтказмай ота уйини тарк этди. Энди ҳеч қачон қайтмаслигини, ота-онасини бошқа кўролмаслигини ўйламаётганди.

Карвонга қўшилди. Узоқ давом этган сафардан сўнг Шомга етиб келди. Вақтни йўқотмаслик учун насронийларнинг энг улуг донишмандини қидира бошлади. Унга бир кишини тавсия қилдилар. Салмон уни топиб, бошидан ўтганларни айтиб берди. Бу динга кириш учун чеккан азиятларини, азобларини сўзлади. Гап ниҳоясида шундай деди:

— Энди руҳсат берсангиз, сизнинг ёнингизда қолсам. Мақсадим сиз ва черковга хизмат қилиш. Бу диннинг арконларини шахсан ўзингиздан ўрганиб, сиз билан бирга ибодат қилсам дегандим.

Роҳиб Салмонни диққат билан эшитди. Самимий йигит эканини билиб, унинг илтимосини қабул қилди. Салмон севинганидан роҳибнинг қўлини ўпди.

Энди Салмон мажусий бўлишдан қутулиб, чин маънода фидокор насроний бўлганди. Хизматларни камчи-

ликсиз бажарар, ибодатларида риёкорлик қилмас эди. Бу черковда узоқ вақт қолмоқчи эди.

Вақт ўтгани сари Салмон роҳибни яқиндан таний бошлади. У одам жуда риёкор эди. Одамларга айтган гапларига ўзи амал қилмас, қайтанга тескарисини қиларди.

Мол-дунёни жуда яхши кўрарди. Бой-бадавлат кишилар садақаларини келтириб:

— Сиз кимларнинг ночор аҳволда эканини биздан кўра яхшироқ биласиз. Шу боис буларни ўзингиз тарқатинг, — дея ташлаб кетарди.

Роҳиб бу пулларни ҳеч қачон камбағал, бечораларга улашмасди. Олтин ва кумуш сақланадиган идишлари етита эди.

— Аввал сизларни тўлдиришим керак, кейин бошқаларга... — дея барча пулларни шу идишларга соларди.

Салмон бу ҳақда одамларга хабар беришни жуда кўп ўйлади. Лекин буни қила олишига ишончи комил эмасди.

Бир куни очкўз роҳибнинг эшиги қаттиқ тақиллади. Бу ажал эди. У мақсадига етмай, қайтиб кетмоқчи эмасди. Истаса-истамаса буни қабул қилиш лозим эди. Кўзлари олтин ва кумушлар тўлдирилган идишларга тикилганча, ўлим шарбатининг охириги томчиларини ҳам ичди ва доимо «Ҳеч қачон дунёга алданманг, унга қаттиқ берилманг, чунки у ўткинчи бир матоҳдир!» — деб айтган, бироқ ҳаммадан кўра кўпроқ боғланган дунёсини ташлаб кетди.

Одамлар кўз ёш тўкиб, уни қабрга қўйиш учун катта маросим ҳозирладилар. Уларнинг чин маънодаги қайғуси Салмоннинг сабр косасига қўйилган охириги томчи бўлди.

— Бу одам ахлоқсиз эди. У йиғлашингизга асло арзимайди! — дея бақирди.

Одамлар ғазаб отига миндилар.

— Сен нималар деяётганингни ўзинг биласанми?

— Бир умр черков ва дин учун ўзини бағишлаган одам ҳақида бундай дейишга уялмайсанми?!

— Ўлганлар орқасидан бундай гапларни сўзлаш гуноҳдир, — деганлар бўлди.

Салмон ўз сўзидан қайтмади.

— Буни билганим учун айтмоқдаман. Чунки сизлар унга садақаларингизни берардингиз, бева-бечораларга тарқатинг, дердингиз. У эса ҳаммасини ўз ҳамёнига урарди. Хоҳласангиз, ўша пулларингизни кўрсатаман, — деди.

— Қани, кўрсат!

Улар бир дақиқа ўтгач оғзигача тўлдирилган идишларнинг ёнида эдилар. Идишлар очилди. Кўзлар қинидан чиққудек бўлди. Бу туш эмас, ақлни оладиган миқдорда кўп бўлган бойлик эди. Одамларда роҳибга бўлган ихлос қайтди.

— Вой, ярамас! Ҳақиқатан ҳам малъун киши экан.

— Шайтондан ҳеч ҳам фарқи йўқ.

— Бир умр бу ахлоқсизга алданган эканмиз-да! — деган овозлар эшитилди.

Одамлар орасида уларни йиллар давомида алдаб келган роҳибни оғзига келган сўзлар билан ҳақорат қилганлар ҳам йўқ эмасди.

— Биз буни кўмишни истамаймиз, у кўмишга лойиқ эмас!, — дедилар.

Бу охирги қарор бўлди. Жасадни судраганча олиб кетдилар. Бир дарахтга осишди. Ўтган-кетган одамлар тошбўрон қилдилар.

Салмон одамларга кўрсатган бойликлардан бир тилла ҳам олмади. Черковга бу сафар халқнинг хурматини, ишончини қозонган бошқа бир роҳиб келди. Салмон энди шу роҳибнинг хизматида бўлди.

Салмон бу роҳибни чин дилидан ёқтириб қолганди. Ундан чиройлироқ ибодат қилган, мол-дунёга нисбатан рағбатсиз, охиратни ўйловчи кишининг борлигига асло ишонмасди, бироқ ажал уни ҳам олиб кетди. Бу дунёга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган роҳибнинг жон бериши ҳам ибратли бўлди. Уни ювиб-тараб охирги манзилга кузатдилар. У ерда иззат-ҳурмат кўришига умид қилишди.

Роҳиб сўнгги нафасларини олаётган пайт, унга ихлос билан хизмат қилган Салмон:

— Мени кимларга ташлаб кетяпсиз? Сиздан кейин кимнинг ёнига бораман? — деган саволига:

— Ишониш мумкин бўлган оз сонли киши қолди. Мосул шаҳрида бир роҳиб биродарим бор, ўшанинг ёнига бор, — деди.

Салмон роҳибнинг ортидан аччиқ кўз ёш тўкканча қолиб кетди. Шомдан кетаркан, бир-бирига тамоман зид бўлган икки роҳибга шунча хизмат қилган бўлса-да ёнида арзигулик ҳеч нимаси йўқ эди. У буларнинг ҳаммасини дин йўлида бажарган, хизматлари учун пул ишлашни хаёлига ҳам келтирмаганди.

ХАДИЧАНИНГ ТИЖОРАТ КАРВОНИ

Макка фақатгина зиёрат шаҳри эмасди. Шаҳар бир неча водийнинг ўзаро кесишган ўрнида қад кўтарганди.

Бу ерларга илк бор хотини Ҳожар ва ўғли Исмоилни ташлаб кетган улуғ пайғамбар Иброҳим алайҳиссалом уларни ёлғиз қолдирмаслик учун «Санийят-ул вадо»да: «Эй Роббим! Мен зурриётимни экин-тикинсиз бир водийга, Сенинг улуғ Байтинг олдига ташлаб кетмоқдаман!» — дея илтижо қилган пайтларда Макка тупроғи теп-те-кис, қақраган яланглик эди. Шундан кейин бир неча асрлар ўтди, қанчадан-қанча авлодлар алмашди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом даъват қилган соф Ислом эътиқоди унутилди. Каъбанинг атрофи бутлар билан тўлиб-тошди, бироқ Макка ерлари ҳали ҳам ўша-ўша — экин ўсмайдиган яланглик ҳолича қолди.

Бундай турмуш маккаликларни шаҳардан ташқарига чиқарди, тижоратнинг сир-асрорларини ўрганишларига сабаб бўлди. Ҳар кимнинг қобилияти ва меҳнатига яраша ўз тижорати бор эди. Ёз ойларида, асосан Шомга, қиш ойларида эса Яманга савдо карвонлари қатнарди. Шаҳарликлар имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бу карвонларга мол тикар, ўз одамини юборар, ёхуд тижоратчилардан бирига молларини омонатга берарди.

Якка бир ўзи битта карвон жўнатадиган бойлар ҳам йўқ эмасди. Ҳувайлиднинг қизи Хадича ана шундай савдогарларнинг сафида эди.

Хадича жуда гўзал аёл эди. Дастлаб Атиқ исмли кишига турмушга чиқди. Ундан Ҳинд исмли қиз кўрди. Атиқнинг умри қисқа экан, кўп ўтмай вафот этди. Хадича бева қолди.

Кейинроқ Хадича Абу Ҳола куняси билан танилган кишига турмушга чиқди. У билан бир неча йил яшади. Лекин Басрада тарқалган вабо кўплаб кишилар билан

бирга Абу Ҳоланинг ҳам ёқасига ёпишди. Ажал уни ўзи билан олиб кетди. Абу Ҳоладан Ҳинд исмли ўғил, Зайнаб деган қиз қолди.

Иккинчи бора бева қолган Хадича учинчи бор турмуш қуриш ҳақида бошқа ўйламади. Отаси ҳам вафот қилгач, қўлидаги бор пули билан тижорат қилишга қарор килди. Оила қуриш масаласида омади унча чопмаган бўлса-да, тижоратда бахт унга кулиб боққанди. Кундан-кунга бойлиги кўпаяр, Маккада тижорат билан шуғулланувчи ўн кишининг бирига айланганди.

Бойлигининг кўплиги билан биргаликда ўзи ҳам ниҳоятда чиройли бўлган Хадича бу икки гавҳарни қўлга киритишни мўлжаллаганларнинг кўпини рад этди, бундан сўнг турмуш қуриш истаги йўқлигини билдирди.

Ҳар бир маккалик савдогар каби у ҳам Шомга, Яманга карвонларини юборар, карвонга бош бўлиш учун одам қидирар, унга кўп миқдорда ҳақ тўларди. Карвонга бош бўлган одам Хадичанинг номидан тижорат қилар, олиб борган молларини сотар, кейин бу ҳақда Хадичага ҳисоб берарди.

Хадича ўзи тайинлаган бу одамнинг қандай ҳаракат қилаётгани, берган — ҳисоб китобларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини алоҳида назорат қилар, бунинг учун қул хизматчиси Майсарадан фойдаланарди.

Майсара кичик ёшларидан буён ёнида катта бўлган хонимининг соф ахлоқли, фазилатли аёл эканига чин дилдан ишонар, унга ўз онасидек муносабатда бўларди. Жорияси бўлгани учун эмас, балки ҳурматга лойиқ бўлгани учун чин дилидан Хадичага хизмат қиларди.

Майсара ҳар бир тижорат карвони билан йўлга чиқар, қайтишда бирга қайтарди. Кетаётганда хонимидан айрилаётгани учун ғамгин, лекин унинг хизмати-ни қилаётганидан мамнун ҳолда жўнарди. Қайтаётганда яна хоними билан эмас, онаси билан кўришиш бахти-

га муяссар бўлишини ўйлаб севинчга тўларди. Кейин у Хадичанинг ёнига кирар, сафар асносида бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир айтиб берарди. Буларнинг ичида карвонбошилиқ қилган кишининг хатти-ҳаракатлари, савдо-сотикдаги тушум, карвондагиларга нисбатан муомала мавзулари бор эди.

Хадича яхшигина тажриба ва кўникмага эга бўлган Майсаранинг берган ҳисоботларига қараб иш юритар, кейинги карвонга бошқа бир одамни бошлиқ сифатида тайинларди. Охир-оқибат, Майсаранинг маълумотларидан хулоса шу бўлардики, бу одам ҳам муттаҳам бўлиб чиқарди.

Нима учун Хадича карвонбошиликка Майсаранинг ўзини тайинлаб қўя қолмасди?

Бунинг жавоби Майсаранинг қул эканига бориб тақаларди. Карвондаги ҳеч ким бир қулнинг буйруқларини бажаришни истамасди. Одамлар учун бу каби вазифага озод, одоб-ахлоқли кишини тайинланиши жуда муҳим эди.

Майсарани озод қилганда ҳам бўлмасди. Озод қилинган қул ҳам ўша замон таомилларига мувофиқ бошлиқ бўлолмас эди. Узоқ сафарга чиққан карвон йўл бўйи учрайдиган қабилалар билан муомала қилар, гаплашар, лозим пайтда улардан ёрдам оларди. Арабистондек ҳеч қандай қонун-қоида бўлмаган, фақат куч-қудрат ҳукмронлик қилган бир юртда озод қилинган қулнинг имкониятлари чекланганди.

Майсаранинг бўйнига кичик ёшиданоқ қуллик занжири осилганди. Осилмаган тақдирда ҳам у Макканинг аслзода оилаларига мансуб эмас. Шу сабабли ҳам Хадича етарлича ишонишига қарамай, Майсарани карвонбоши қилиб тайинлай олмасди.

Майсара ҳаётдан мамнун эди. Хоними унга шафқатсиз хўжайинлардек эмас, меҳрибон онасидек му-

носабатда бўларди. Қўлидан келмайдиган ишни буюр-мас, камситмас, ҳақорат қилмасди.

* * *

Йигирма бешинчи йил...

Фил воқеаси юз берган вақтда ўн беш ёшли ўсмир қиз бўлган Хадича ҳозир қирқ ёшни қаршилаганди. Жуда юксак ахлоқ соҳибаси бўлгани боис маккаликлар унга «Тоҳира» деган ном қўйгандилар. Бунинг маъноси иф-фатли, ор-номусли аёл дегани эди. Ном унга ҳақиқатан ҳам жуда лойиқ эди.

Хадича бу йил ҳам яна бир карвонни сафарга жўна-тиш тадоригида эди. Бироқ унга кимни бошлиқ қилиб тайинлаш борасида бир қарорга келмаганди.

У ёқ-бу ёқдаги ўзи таниган барча одамлар ҳақида етар-лича маълумотга эга эди. Бу одамларнинг ҳаммасини ҳам муттаҳам деб бўлмасди. Шундай бўлса-да Майсаранинг улар тўғрисида берган маълумотлари ижобий эмасди.

Синалмаган отнинг сиртидан ўтма деганларидек, Хадича жуда эҳтиёт бўлар, ишончли, омонатга хиёнат қил-майдиган кишини топиш мақсадида ҳамма тарафга эълон берганди. Жияни Ҳаким ибн Ҳизом қариндошларидан Ҳузайма, дугонаси Нафиса шу иш билан банд эдилар.

Ниҳоят Бани Ҳошим уруғидан бўлган Абу Толибнинг жияни Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва-саллам)ни тавсия қилишди. Ҳамма у ҳақда яхши фикрда эди. Шу сабабли ҳам одамлар унга «Ал-Амин» номини бергандилар. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) нинг тайин иши йўқ эди. Бир иложини топиб, рози қилинса, кўнгилдагидек иш бўларди.

Бу тавсия Хадичага маъқул келди. Баъзи-баъзида ўзи ҳам бу ёш йигитнинг фазилатлари ҳақида одамларнинг оғзидан эшитиб қоларди.

Дарҳол Абу Толибнинг жияни унинг таклифини қабул қилиши ёки қилмаслигини билиш учун одам жўнатди.

Абу Толибнинг бойлик борасида унчалик ҳам омади чопмаганди. Бани Ҳошим уруғининг энг эътиборли кишиси бўлса-да, фақирлигича қолган, камтарин ҳаёт кечирарди. Бу йил ҳам ҳолат худди шундай, ҳаттоки ундан ҳам аянчлироқ.

Абу Толиб жияни билан ўтирди, беш қўлдек биладиган рўзгорнинг аҳволини яхшилаш борасида гаплашдилар.

— Хадичанинг Шом тарафларга юбораётган карвонига ишончли бошлиқ қидириб юрганини эшитдим. Унга бир мурожаат қилиб кўр. Билишимча, мамнунлик билан рози бўлади. Аслида-ку сени Шом тарафларга юборгим йўқ, лекин кўриб турганингдек бошқа бош ургулик чорамиз қолмади, — деди.

Улуғ Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бу сўзларни диққат билан эшитди.

— Амакижон, сиз нимани хоҳласангиз шундай бўлади, — деди.

Энди фақат масалани Хадичага айтиш қолганди. Рози бўлиши аниқ эди. Ҳар қандай инсон ундан-да ишончлироқ одам борлигини сира айта олмасди.

Худди шу пайт эшик қоққан бир хабарчи Хадичадан салом олиб келди. Абу Толибдан жиянини карвонбоши қилиб юборишга розилик олмоқ учун келганди у.

Абу Толиб ҳам ишнинг шунақа осон кўчишини тахмин қилганди. Насиба ўз оёқлари билан кириб келди. Хадича билан учрашиб ҳақ масаласини ҳал қилиш учун йўлга чиқди.

— Жиянингиз Муҳаммад ҳақида ҳар тарафдан яхши маълумотлар эшитдим. Мен шу кунгача карвонга тайинлаган одамларимдан-да ишончлироқ, яхши инсонни ахтаряпман. Ўйлашимча, шундай одамни топгандекман.

— Албатта, худди шундай, Хадича! Жияним сени мамнун қиладиган даражада яхши йигит. Бироқ мен бу ерга

ҳақ масаласини гаплашиш учун келгандим. Унга қанча бермоқчисан?

— Аввалгиларга берганимнинг икки баробарини.

— Аниқроқ айт.

Таклиф қилинган ҳақ «Бунча берасан» демоққа имкон қолдирмаганиди.

Барча ҳозирликларни кўрган карвон улуғ Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг қўл остида Шом сафарига отланди. У карвоннинг энг бошида эди.

Хадича Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) билан учрашганда унинг умри давомида кўрган энг тоза, энг яхши, энг гўзал инсон эканини дарҳол англади.

— Ё, Роббим!.. — дейишдан ўзини тўхтатиб қололмади. Бу юз эгасининг ёлғончилик, алдоқчиликка ҳеч бир алоқаси йўқ эди.

Жойидан қўзғалган карвондагиларга саломатлик тилар экан, бу карвоннинг эсон-омон бориб келишини юракдан ҳис этди.

Майсара карвоннинг энг ортида кузатиб борарди. Сафар бошланганига икки кун бўлганди. Икки туянинг оқсоқланаётганини кўрди. Ҳали кеч тушкунча юришлари лозим. Шундай кетаверсалар туяларнинг юролмай қолиши аниқ эди. Майсара вазиятдан огоҳ этиш учун илгарилари. Аммо карвоннинг бош тарафига етиб келганда беихтиёр кўзларини ишқалади.

Ҳозир ҳеч ким унга «Туш кўряпсан», — дея олмасди. Бироқ кўриб тургани фақат тушдагина мумкин бўлган ҳолат эди. Карвонбоши Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг устида сузиб бораётган икки хилқат унга соя қилиб кетмоқда эди. Булар шунчаки қуш эмасди. Бунга ўхшаш хилқатларни тушида кўрганини ҳам эслай олмади. Уларнинг ерга тушиб турган соялари ҳам йўқ эди. Майсара шошиб қолди. Ёнида келаётган одамни туртиб деди:

— Карвонбоши жуда яхши одам кўринади, шундай эмасми?

— Ҳақсан, мен ҳам шундай деб ҳисоблайман.

Майсаранинг бу саволни беришдан мақсади унинг ҳам ўша хилқатларни кўряптими ёки йўқлигини билиш эди. Демак, у кўрмаяпти.

«Ажабо, булар фариштамикан? Муҳаммад ибн Абдуллоҳ фаришталар хизмат қиладиган даражада улуг инсонми?!»

Ёнига яқинлашди.

— Орқада келаётган икки туя оқсаяпти, — деди.

Оз фурсатга тўхташ буйруғи берилди. Иккиси биргалликда карвоннинг орқа тарафига бордилар. Ҳақиқатан ҳам туяларнинг оёқлари ачинарли аҳволда эди.

Улуг Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) туяси-дан тушди. Иккала туянинг оёқларини ушлаб, силади. Оёқларнинг олд тарафини ҳам оҳиста сийпалади. Кейин уларнинг ёнидан кетди. Майсара унинг ишларини ҳайрон бўлганча кузатарди.

Туялар бирдан жонланганди. Гўёки икки дақиқа аввал юролмай қолган туялар булар эмасдек. Улар шаҳдам қадам ташлар, олдидаги туялардан ҳам ўзиб кетишга чоғланарди.

Майсаранинг ҳайрати икки баробар ошганди. Агар бошқа бир карвонбоши бўлганда, бундай вазиятда дарҳол туяларни сўйдирар, йўл бўйи ўзи учун зиёфат ҳозирларди. Ҳолбуки, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бундай қилмади. Бошқача айтганда, унинг ҳам қилган иши бошқалардан фарқли эмасди. Туяларнинг янгидан ҳаётга қайтгандек одимлаётганлари ҳам ҳақиқат эди.

Бу ҳолатни карвондаги Хадичанинг қариндоши бўлган Ҳузайма ҳам кўрди. Ҳузайма карвонбошининг шунчаки ҳаммага ўхшаган одам эмаслигига ишонч ҳосил қилди.

Майсара Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) нинг устидаги хилқатлар куннинг тафти пастлагунча ундан айрилмаганини кўрди. Кечасию кундузи фақат шу ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолди.

Тонгнинг илк соатларидан яна йўлга чиқилди. Бироз ўтиб қуёш кўринди. Майсара яна карвон ортида келар, баъзи-баъзида кўзлари билан олдинга қарар: «Кечаги ишлар ростдан ҳам бўлдими, йўқми?» — дея ўйлаб келарди. Ҳозирча ҳеч нима кўрмади. Бироқ қуёш юқорилаб, ҳаво қизий бошлагач яна ўша икки ғаройиб хилқат кўриниш берди.

Сафар бўйи шу ҳол такрорланди. Ниҳоят Баҳира яшайдиган ерга келдилар. Кекса роҳиб аллақачон вафот этганди. Ўн уч йил олдин кичиклигида кўрган бу роҳиб энди уни йигирма беш ёшида яна кўрса, ким билади, нима қилган бўларди, қай даржада ҳаяжонга тушарди?

Унинг ўрнига Настуро исмли бир роҳиб келганди. Майсара билан илгаридан таниш бўлгани учун бироз суҳбатлашишди. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) эса бир неча йиллар олдинги ширин хотираларини ёдга олганча дарахт остида дам оларди.

Роҳиб Настуро дарахтнинг олдида ўтирган улуғ Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳақида маълумот олди, у тўғрисида ўзи билган айрим нарсаларни ҳам айтиб берди. Лекин Баҳирадаги ишқ ва ҳаяжон унда йўқ эди. Ёнига бориб кўришишни лозим топмади.

Карвон у ердан жўнади. сўнгги бекат Басра бўлди. Бу шаҳарда катта бозор бор эди. Савдо-сотиқни шу ерда қилиб, кейин ортга қайтишга қарор қилинди. Майсара олдинги сафарларда карвон билан доимо Шомгача борарди. «Шомдаги бозор кўпроқ фойда келтиради», — деб ўйларди. Лекин бу сафар карвонбошига эътироз билдирмади.

Моллар бозорга солинди. Ҳеч ким кутмаган ҳолат юз берди. Энг қиммат нархларда барча моллар сотилди.

Майсара бироз орқароқда турар, савдо ишларига қарашарди. Фақат берилган буйруқларни бажарарди. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) қўлидаги молни харидорга кўрсатаркан, уни ортиқча мақташни ўйламасди. Олаётганда камситиш, сотаётганда кўкка кўтариш одати йўқ унинг.

Бу орада бир яҳудий билан ораларида гап қочиб қолди. Яҳудий уларнинг Маккадан эканликларини билгани учун уларда эътиборли бўлган қасам ичиш одатини талаб қиларди.

— Лот ва Узза номлари билан қасам ич, ўшанда гапингга ишониб молингни оламан, — дерди.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг юзлари қизарди, пешонаси қабарди.

— Мен шу кунгача уларнинг номи билан қасам ичмадим. Уларнинг юзига ҳам қарамадим. Ёнларидан ўтаётганда юзимни буриб ўтдим.

Яҳудий бу сафар Муҳаммадга «Ундай бўлса билганингча қасам ич», — демади. «Айтганингча бўлсин!» — деди-да ишини битириб кетди.

Майсара эшитганларидан бирор маъно чиқара олмади. «Нима учун Лот ва Уззодек бутларни ёқтирмас экан? Бутларни ёмон кўриш яхши одат эмас. Бутун Макка халқи, қолаверса, уларнинг энг обрў-эътиборлиси бўлган Бани Ҳошим уруғи бутларни жуда ҳурмат қиларди-ку!»

Яҳудий у ердан узоқлашаркан:

— Ўша бўлса керак, ҳа-ҳа! Худди ўша! — деб ўз-ўзига гапириб кетарди.

Майсара яҳудийнинг ортидан бориб деди:

— Сен нималар деб кетаяпсан?

— Нимани нима дебман?

— Хўжайинимиз ҳақида нималардир дединг-ку!

— Менинг билишимча, бу одам пайғамбардир. Бизнинг диний китобларимизда таърифи келган айнан шу одам бўлиши керак, — деди ва ўз йўлига равона бўлди.

Ким не деса десин, даромад ҳар сафаргидан юз чандон кўп эди. Ўзлари олиши лозим бўлган молларни ҳам жуда арзон нархларда сотиб олдилар.

Бир неча кунлик савдо-сотикдан кейин қайтиш ҳозирлиги кўрилди. Бу орада Майсара карвонбошининг дастурхонида, унинг таклифини қабул қилганча, таомланди. Ҳолбуки, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дан бошқа ҳеч бир карвонбоши уни ўз дастурхонига таклиф этмаганди. Бундан ташқари, Майсара олдиларига қўйилган таомнинг баракали бўлаётганини ўз кўзлари билан кўрмоқда эди. Бироқ, энди у бундай ҳолатларга анча кўникиб қолганди. Энди:

— Бу нимаси бўлди? Туш кўряпманми?.. — деб айтмасди. Шундай бўлса-да, ҳар бир сўзига ишониш мумкин бўлган бу Амин зотнинг бутлар ҳақидаги фикрини ҳеч тушуна олмасди. «Уларга топиниш у ёқда турсин, ёнидан ўтаётганда юзини ҳам тескари ўгириб олишига нима дейиш мумкин? Бут-санамлар нега уни бир балога йўлиқтирмайди?»

Майсара йўл бўйи Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дан бутлар ҳақида ҳеч нима эшитмади. Тўхтаб, яна юриб, илгарилаб кетавердилар. Лекин ҳеч бир хавф-хатарга дуч келишмади. Қанча тепаликлар, ялангликлар шу тарзда ошиб ўтилди. Чўллар ортда қолди.

Марр-уз захрон деган жойга етганларида Майсара бориб Хадичага хушxabарни етказмоқчи бўлди. Маъқул топилгач йўлга чиқди. Тезда хоними билан дийдор кўришди. Карвоннинг саломатликда келгани ҳақида хабар қилди. Сафар давомида юз берган бир қанча аҳамиятга молик ҳодисаларни айтиб берди.

Хадича жуда мамнун эди. Деразасининг олдига ўтирганча карвонни кута бошлади. Ичида таъриф қилиб бўлмайдиган ҳаяжон бор эди.

Туш вақти. Узоқдан карвоннинг қораси кўринди. Энг олдинда Муҳаммад Ал-Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) келаётганди. Устида Майсара айтган икки хилқат унга соя-салқин қилиб келишарди.

Карвон охирги бор тўхтади. Юклар туширилди. Карвонбоши карвон соҳибасининг ёнига секин-аста юриб кела бошлади. Салом берди, эсон-омон етиб келганликларини, кутилгандан ҳам кўра кўпроқ фойда олинганини, зарар кўрмаганликларини дона-дона қилиб айтиб берди. Кейин рухсат олиб амакисининг ёнига кетди.

Хадича келтирилган молларни маккалик савдогарларга қисқа муддатда яхши нархга сотганда хурсандчилиги икки баробар ошди.

Майсаранинг берган ҳисоботлари жуда ҳайратланарли эди. «Бундай аслзода табиатли, фаришта хулқли, инсонни ерда эмас, осмонда ҳам топиш имконсиз!» — деганди у.

Энди яна ҳам кўпроқ ҳақ тўлаб бўлса-да, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни рози қилиш, карвонни фақат у билан сафарга юбориш кераклигига ишонч ҳосил қилди.

БАХТИЁР ОИЛА

Карвоннинг Маккага кириб келганига бир неча кун бўлганди. Бир куни Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) уни кўришни истаган Нафисани қабул қилди. Ҳол-аҳвол сўралгач, Нафиса асосий муддаога кўчди:

— Эй Муҳаммад, сени уйланмасдан юришингга сабаб нима?!

— Кўлимда бунга етарли даражада пулим йўқ.

— Мол-мулки кўп, гўзал, шон-шарафли бир аёл сенга турмуш қуриш таклифини қилса, нима деган бўлардинг?

— Ким экан у?

— Хадича!

— Бунга қандай қилиш мумкин?

— Ишнинг бу томонини менга қўйиб бер.

— У ҳолда қилинган бу таклифни қабул қиламан.

Нафиса Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг гапини эшитгач, хайрлашиб ташқарига чиқди. Вазиятни Хадичага билдирди, Хадича бу сафар қуйидагича хабар юборди:

— Эй Муҳаммад! Орамизда меҳр-муҳаббат борлиги, қавмлар орасида энг шарафли уруғдан эканлигингиз, ишончли, гўзал ахлоқли, хушхулқ бўлганингиз сабабидан сиз билан турмуш қуришни истардим.

Ҳолбуки, Хадичага жуда кўп одамлар турмуш қуриш таклифини қилган, уларнинг асл мақсади Хадичанинг гўзаллиги, мол-мулки бўлгани туфайли рад этганди.

Бу ҳақда Абу Толибга хабар берилди. Амакию аммалар бунга жуда гўзал турмуш бўлишига ишондилар. Дастлаб Абу Толиб бошчилигидаги Ҳошимийлар уруғи Хадичанинг уйига совчи бўлиб боришди. Хадича кўй сўйиб, дастурхон тайёрлатди. Таомлар ейилди. Кейин Абу Толиб сўз олди. Ўзларини Иброҳим ва Исмоил алайҳиссалом

авлодларидан қилган, Каъбага хизматчи бўлиш шарафига муяссар қилган Аллоҳга ҳамд айтди. Жияни Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам)нинг фақир, аммо гўзал хулқларга эга бир йигит эканини айтиб, Хадича бинти Хувайлидга совчи бўлиб келганликларини билдирди.

Хадичанинг амакиваччаси Варақа ибн Навфал ҳам қисқагина фикр айтиб ўтди. Бу таклифни мамнуният билан қабул қилишларини айтди. Шундай қилиб никоҳ маросими адо этилди. Маҳр сифатида Хадичага йигирмата туя берилди.

Бу ажойиб маросимда ҳозир бўлганлар ҳар икки тарафнинг ҳам бир-бирларига жуда мос эканликларини сездилар. Бу вақтда куёв йигирма беш, келин қирқ ёшда эдилар.

Энди Хадичанинг қалби қониқиш ҳосил қилди. Ишларини бошқарадиган, тижоратларини юритадиган эри бор. Ҳеч ким маломат қила олмайдиган бахтиёр оила вужудга келганди. Бу вақтда фил воқеаси содир бўлганига ҳам йигирма беш йилу икки ой тўлганди.

КЎЗИДА ОЛОВИ БОР БОЛА

(Умар)

Бу пайтларда ўн икки, ўн уч ёшга етиб қолган Умар отаси Хаттобнинг буйруғига мувофиқ туялар ортидан тушди. Уларга чўпонлик қилиш масъулиятини ўз зиммасига олди. Бани Маҳзумдан ташқари яна айрим оилаларнинг туялари ҳам унинг сурувига қўшилар, Умар эса ҳар куни тонг саҳардан оқшомга қадар уларга кўз-қулоқ эди.

У эндигина ўн икки ёш бўлишига қарамай, узун бўйли, куч қувватли эди, худди катта йигитларга ўхшарди. Тенгдошлари орасида унга бас кела оладигани йўқ эди. Ўзидан уч-тўрт ёш катта ўсмирларни ҳам курагини ерга текказиш Умар учун муаммо эмасди. Фурсат топди дегунча кураш тушар, катта-катта йигитларга юлдуз санатар, чавандозлик, ўқ отиш каби машғулотларга ҳам вақт топарди. Уни кўрганлар «Умар шу кетишда отасини ортда қолдириб кетади!» — деб айтишдан ўзларини тўхтата олмасдилар.

Умар меҳр-шафқат нималигини билмайдиган бир отанинг ўғли бўлиб вояга етмоқда эди. Бир замонлар ўғли туғилганда қувонганидан дунёларга сиғмаган Хаттоб ўғлидаги энг кичик нуқсонларга ҳам аҳамият берар, қулларнинг кифтида синашни ёқтирадиган қамчисини Умарнинг елкасига ҳам тушириб қоларди.

Умар кетма-кет елкасига тушаётган қамчи зарбаларига бир амаллаб чидар, қаршилиқ қилмас, отасига исён кўтармасди. Вақт ўтиб бу калтакларга бир жисмоний машғулот сифатида қарай бошлади.

Умардан калтак еган болалар унинг елкасида қолган қамчи изларини кўриб роса севинишар, ўзини ўққа-чўққа ураверадиган бу боладан худди шу шаклда ўч олгандек қувонардилар.

Хаттоб Умар туғилганда хотини Хонтамага «Бундан кейин қиз туғсанг ҳам чурқ этмайман», — деган ваъдасида турди. Ҳақиқатан ҳам Умардан кейин Фотима исмли қиз кўрдилар. Энди Хаттоб қиз фарзанди борлигидан уял-

масди. Кифтига уй қурса бўладиган, кўзида олови бор Умар бор эди. Фурсат топиши билан уни калтаклашига қарамай, аслида ўғлини жуда яхши кўрарди. У «Бу калтаклардан ўғли янада пишиқ бўлиб улғаяди», – деб ўйларди.

Бир куни Хаттоб узоқдан ўғлининг кураш тушаётганини кузатиб турди. Умар ҳар бири ўн уч, ўн тўрт ёшлардаги уч бола билан бараварига курашишни таклиф қилганди. Болалар рози бўлишгач, шамолдек ҳаракат қилиб, уларни барини устидан ошириб юборди. Қайта ва қайта ерга қулатди. Буни кўриб турган Хаттоб «Менинг арслон болам!» – дейишдан ўзини тиёлмади.

Умарнинг шоирларникидек яхши нутқи бор эди. Келажакда уста нотик бўлиши сезилиб турарди. Ҳамма ўрганишни хоҳлайдиган, сўзлай олиш санъатини шахсан отаси Хаттобдан ўрганарди. Бунга қўшимча равишда Умар машҳур шоирларнинг шеърларини қисқа фурсатда ёдлаб олар, қиру адирларда туяларнинг ортидан юрган пайтларида уларни айтиб юарди.

Жўшқин дарёлар йўлида учраган ҳар нарсани кўпориб кетади, дарахтларни қулатади, уйларни бузади, ҳайвонларни сурувлари билан оқизиб кетади. У тошган ерлар анча вақт ботқоқлик бўлиб ётади. Аммо инсоннинг билим ва тафаккури ёрдамида тўғонлар қурилади, асов дарёлар жиловланади, яхшиликларга хизмат қилади. Бир эмас минглаб соҳаларда фойда келтиради.

Умар ҳам худди шундай дарёга ўхшарди. Унинг вужудида қудратли қувват жо бўлганди. Ундан тўғри фойдаланадиган, инсонларга хизмат қилиш учун йўналтирадиган бир устоз бўлса, унинг номи асрлар давомида тилдан-тилга ўтиши аниқ эди. Бироқ бундай устозни топа олмаса, у қиладиган ишлар даҳшатли оқибатларни келтириб чиқариши ҳам мумкин эди.

Бундан кейинги шамоллар қай тарафга эсади, келажакда қандай ишлар содир бўлади, буниси ёлғиз Аллоҳга аён!

СЕВИМЛИ КИЧИК АСИР

(Зайд)

Калб қабиласининг болалари орасида эндигина етти ёшни қаршилаган, қорачадан келган, кўзлари кулиб турувчи ширингина бир болакай кўзга ташланиб турарди. Зайд деб аташарди уни. Болалар ичида ўйинкулгу билан ўтган етти йил ҳам ортда қолганди. Отаси Ҳориса ўғлини жуда яхши кўрар, унга гард юқишини ҳам хоҳламасди. Бу боласининг бошқа фарзандларига қараганда шафқатлироқ, яхшироқ одам бўлишини кўзларидан ўқигандек бўларди.

Ҳақиқатан ҳам Зайд яхши, тоза табиатли эканини намойиш этар, яхшини ёмондан ажрата оларди.

Бир куни Зайд онаси Судо билан бирга онасининг уруғи ҳисобланган Бани Маънга меҳмондорчиликка боришиди. У ерда бироз тургач, яна ота юртига қайтмоқчи эдилар. Зайд, тезда ўша ердаги болалар билан тил топишиб, дўст-ўртоқ бўлиб кетди. Улар билан кунора ўйнай бошлади.

Бир куни эрта тонгда нохуш шовқин-сурондан уйғониб кетди. «Нима гап, нима содир бўляпти?» — дейишга вақт йўқ эди. Қиличларнинг шақир-шуқури, отларнинг кишнаши ва улар билан қоришиб кетган дод-фарёдлар, чинқириклар эшитилди. Арабларда ҳали ҳам поёнига етмаган босқин уюштириб асир олиш балоси бу сафар меҳмондорчиликка келган — Зайд билан онасининг бошига тушганди.

Кўп ўтмай Зайд ўзи танимаган бир одамнинг қўлида эди. Бу қўллар унинг ёқасидан қаттиқ сиқиб олганча судраб борарди. Ҳар томондан эшитилган дод-фарёд, шовқинлар орасида Зайднинг ҳам «Ёрдам беринг, қутқаринг!» — деган овози эшитилди, лекин фойдаси бўлмади.

Ҳар ким ўз жонини қутқариш билан овора. Ҳеч кимнинг бошқа одам билан иши йўқ. Тез орада олиб кетил-

ган Зайднинг кўз олдида ерда ётган бир нечта жасад-гина қолди. Анчагина узоқлашиб кетганларига қарамай, у ҳали ҳам қандайдир додлаган овозларни эшитгандек бўларди.

Қаерга кетаётганини билмасди. Қўллари боғланганди. Уни бир дарахтнинг остига ўтқазиб қаттиқ боғладилар. Шундай ҳолда тонггача қолиши керак эди. Ундан нима исташади, нима учун олиб қочишди, ундан бошқа олиб қочилганлар ҳам бормиди?..

Зайд бу саволларга жавоб берадиган аҳволда эмасди. Онасининг бошига нималар тушганидан ҳам хабари йўқ эди. Чарчоқ, ғам-алам уни ҳолдан тойдирганди. Эрталаб боғланган ерида йиғлаганча уйғонди.

Бугун ҳам узоқ йўл юришди. Зайд ўзи билан бирга бошқа болаларнинг ҳам асир тушганини энди фарқлади. Уларнинг ораларида аёллар ҳам бор эди. Онасини қидирган кўзлари ноумид бўлди. Бу борада яқинида кетаётганлардан сўрашнинг ҳеч бир фойдаси йўқ эди. Энди қайтиб онасини кўролмайди.

Қўл-оёқлари боғлиқ ҳолда туяларга ўтқизилган асир болалар ўзлари истамаган ҳолда қаергадир кетишарди. Бу ҳолат бир неча кун давом этди. Ора-сира дод-фарёдлар эшитилар, кейин калтак овозлари яна дод-фарёдга алмашинарди.

Қандайдир бозорга бордилар. Юклар туширилди. Болаларнинг бўйнига арқонларни чиқиб кетолмайдиган қилиб боғлашди. Бунинг устига, ҳар бир бола бир-бирига боғланганди.

Бозор очилди. Ҳар тарафдан келган савдогарлар асир бозорларини ҳам айланар, ўзларига мос бирор хизматчи сотиб олишга ҳаракат қилардилар. Баъзан сўралган нарх жуда юқори бўлар ёки «Бу асир айтилган пулга арзимайди», деган мазмундаги гаплар қулоққа чалинарди. Болалар худди ҳайвондек битта-иккиталаб сотила бошланди.

Бу орада Зайдни сўраган харидорлар ҳам бўлди. Унинг аламли нигоҳи харидорларни ўзига тортар, лекин сўралган нархни эшитгач кетиб қолардилар. Харидорлар уни сотиб ололмаса ҳам «Қандай ширин болакай!» — деб ўтиб кетишарди.

Охири Ҳарам аҳлидан бўлган Ҳаким ибн Ҳизом исмли бир одам икки болани сотиб олди. Булардан бири Зайд эди. Зайд учун тўланган пул тўрт юз ёки олти юз дирҳам эди.

Зайд биргаликда сотилган бола билан нохуш сафарлари давомида танишиб қолганди. Бундай вазиятлар айрим пайтларда мустаҳкам дўстликнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Узоқ йўл юрдилар. Кечасию кундузи давом этган бу сафар бир неча кунга чўзилиб, ниҳоят Макка шаҳрида якунланди.

Бир кундан сўнг улар уйга таклиф қилинган бир аёлнинг олдига чиқарилди.

Зайд бир қарашдаёқ бу аёлга нисбатан қалбида онасига туйган меҳрни ҳис қилди. Модомики энди ота юртига қайтмас экан ва кимдир уни сотиб оларкан, ўша инсон шу аёл бўлишини ич-ичидан хоҳлади. Бироқ бу ишни ҳал қилиш унинг қўлида эмас.

— Кел бу ёққа, Зайд! Кимни хоҳласанг, ўшанинг ёнида қоласан, — деб айтилмасди ҳеч қачон.

Зайднинг хоҳишига қараб иш қилинадиган кунлар ортида қолганди. Балки энди у ҳеч қачон ортига қайта олмас, умри хизматкорликда ўтиб кетар.

Унинг маъсум нигоҳи қаршисидаги аёлга қаради. Ичида «Аллоҳим, мени танласин!» — деган дуолар янгарди. Аммо аёл уларни олиб келган одамга юзланди:

— Булардан қай бирини мен учун олгандинг, Ҳаким? — деди.

— Фарқи йўқ, холам қай бирини истаса, ўшани олар, — дегандим.

– Жуда олижанобсан-да, Ҳаким!

– Ахир мен кимнинг жияниман, холажон? Биласиз, холамнинг исмлари Хадича!

– Ташаккур сенга, Ҳаким. Демак, ўзим танлаб олавераман.

– Албатта, холажон!

Зайд исми Хадича бўлган бу аёлнинг гапиришларидан оналарча меҳрни сезди. Ёнидаги биродари нималар ҳақида хаёл сураётганидан хабари йўқ эди. Хадича хоним бу сафар унга қараб деди:

– Ўғлим, исминг нима?

– Исминим Зайд, хоним.

Хадича жиянига қаради:

– Мен мана шу Зайдни оламан. Энди айт, қанча ҳақ берай?

– Ҳеч қандай ҳақ йўқ, холажон!

– Бу нима деганинг?

– Бу болакай Ҳакимдан холасига ҳадя!

Бир соатдан сўнг Зайд бекаси ортидан янги уйига қараб борарди. Энди ҳақиқатан ҳам қул бўлганди. Борйўғи етти-саккиз ёшида бошланган бу қуллик яна қанча давом этади? Балки бутун умрга чўзилар. Зайд озодликнинг тамини буткул унутиб ҳам юборар.

У нима сабабдан, қайси гуноҳи учун қул қилинганини билмасди. Эҳтимол, онаси ёки отасининг ҳасратида умрининг охиригача қул бўлиб ўлиб кетар.

Зайд уйдаги хизматчилар билан танишиб олди. Унга вазифалари нималардан иборат эканлиги айтилди. Оқшомга яқин Зайдга бу ҳовлида янги келин бўлган Хадичанинг эри келгани, унинг ҳузурига чиқиши лозимлиги уқтирилди.

Оила бошлиғининг ҳузурига чиққанда Зайдни титроқ босди. Юзларидан нур ёғилиб турган бу инсоннинг рўпарасига келди. Дунёда бундай гўзал юзли инсон бошқа

йўқлигига қасам ичиш мумкин эди. Аллоҳ барча гўзалликларни шу одамга берган, деган одам сира муболаға қилмаган бўларди. Бу даражада келишган, жонтомирдан-да яқин инсонни нафақат Зайд, бошқа бири ҳам кўрмаганди.

- Ҳаким ибн Ҳизом сенга олиб келган бола шуми?
- Шундай, эй Муҳаммад!
- Исми нима экан?
- Зайд экан.

Зайд исми Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) эканини билиб олган, бу одамнинг ўзига нисбатан меҳр-шафқат билан қараганини кўрди. Қалбини қандайдир фарах эгаллади. Олдига бориб кўлидан ўпди.

Чўл ўртасида узоқ вақт сувсиз қолиб кетган одам бир қултум сувга қанчалар муҳтож бўлса, Зайд ҳам ширин сўзга шунчалар муҳтож эди. Бу оила Зайдга бундай икромни ҳадя қилишди. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дек инсоннинг нурли боқишлари Зайднинг ичидаги бутун чарчоқни, ғам-аламни суғуриб олганди. Унинг юзига қараганда ҳаётга нисбатан меҳри ортарди.

- Хадича, бу болани менга ҳадя қилмайсанми?
- Агар бу сизни хурсанд қилса, Зайд сизники.

Хадича бу ҳадядан эрининг мамнун бўлганини кўзларидан билиб олди. Зайд эса бир кун ичида учинчи бор хўжайин алмаштирди. Нур юзли инсон унга ўгрилиб, бошларидан силади.

– Зайд, шу ондан эътиборан озодсан. Энди қул ёки асир эмассан. Эркин бир болакайсан. Хоҳлаган кунинг истаган ерингга кетавер.

Зайд қулоқларининг ёнаётгандек қизиб кетганлигини ҳис қилди. Қулоқлари эшитган бу гапдан олдин унинг юраклари қинидан чиққудек ура бошлаганди. Дарҳол фаришта юзли инсоннинг қўлларига ёпишди, кўз ёш тўкканча мушк анқиб турган бу қўлларни тўйгунича ўпди.

Ўша кеча Зайд ўзини озод қилган буюк инсон ва унинг гўзал хотинидан бошқа ҳеч нимани ўйламади. Қўлини ўпгандаги хушбўй ҳид ҳали ҳам димоғидан кетмаганиди. Уйқудан тургач ҳам шу ҳақда ўйлади. Кўз ўнгида фақатгина шу нур юзли инсон гавдаланарди.

Эрта тонгданоқ уларнинг дастурхонида биргаликда нонушта қилишди. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) билан бирга ташқарига чиқдилар, кўча айланишди. Ўтириши, гап-сўзлари, юриш-туриши, инсонлар билан муомаласи... ҳар бир ҳаракати Зайдга қаттиқ таъсир этар, уни борган сари бу инсонга ипсиз боғлаб борарди.

Асирга тушган кунидан буён чеккан азоблари, бозорда ҳайвондек сотилгани, ота-онаси, ака-укалари учун чеккан ҳасратлари бу инсоннинг юзига қараганда буткул унутиларди. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг оиласига нисбатан ҳис этган севги ва ҳурмати ҳаммасини босиб кетарди.

ДАРДЛИ ОТА

Ҳориса хотини ва ўғлининг кетганларидан бир ҳафта ўтказ олган хабаридан ақлдан озаёзди. Чунки Той қабиласига босқинчилик уюштирилган, кимлардир ўлдирилган, кимлардир асир олиб кетилганди. Ўлганлар орасида хотини, асир қилиб олиб кетилганлар орасида ўғли Зайд бор эди. Ҳориса юрагини оловдек ёнаётганини ҳис этди. Дарҳол ҳаракатга тушди. Тўрт томонга хабар берди. «Бирор маълумот топарман», — дея бош суқмаган тешиги қолмади. Аммо ҳамма ҳаракатлари бекор кетар, бироқ ҳеч қандай хабар йўқ эди. Кечалари кўзларига уйқу келмас, кундузи қалби роҳат нима билмасди. Фикри-ёди фақат уларда эди. Баъзан бирор хилват жойга бориб, дардли кўшиқлар куйларди, кўз ёшлар тўкарди.

Хотинининг вафотини анчагина эсдан чиқарган бўлса ҳам Зайд учун юрагида ёнган олов бир онга-да сўнмади. Далага чиқди, лекин ишлай олмади. Қабилдагилар орасида унинг юзи кулганини кўрганлар топилмади. Орасира чуқур бир оҳ тортар, ичидаги олов баттар юқорига кўтарилиб, яна ва яна оҳлар чекарди. Қаерга борса энди уни «Кўзи ёшли Ҳориса» — дейдиган бўлишди.

Бир куни унинг куйидаги мазмундаги байт айтиб юрганини эшитдилар.

«Ўғлим Зайд учун йиғлаб турибман, унга нима бўлганидан эса хабарим йўқ, Ажабо, жони соғмикан? Ёки ажали етдимикан? Шунини сўраб турибман. Оҳ, Зайд! Сени бирдан чўллар олиб кетдими ёки баланд-баланд тоғларми? Қани энди сени бир кунмас бир кун қайтишингни билсам! Уфқдан бош кўтарган қуёш менга сени эслатмоқда, ботган пайти ҳам фақат сен ёдимдасан. Эсган шамоллар ҳам сени эслатар, ўғлим Зайд!»

* * *

Маккага ҳаж қилиш ниятида келган икки киши Каъба яқинидаги бир ерга ўтириб суҳбатлашмоқда эдилар. Булар Калб қабиласидан эди.

- Мен аниқ санадим. Роппа-роса уч юз олтмишта.
- Шунақа кўп эканми?
- Унисидан хабарим йўқ, мен фақат бирма-бир санаб чиқдим.

Улар бут-санамларнинг ҳисоби ҳақида баҳслашмоқда эдилар. Ҳақиқатан ҳам бут-санамлар катта-кичик тўдани эслатарди. Каъбанинг атрофига қатор қилиб териб қўйилганди.

Бу одамларни ҳайратга солган нарса ҳаж мақсадида келган кўплаб инсонларнинг Каъбани яланғоч ҳолда тавоф этаётгани эди. Хотинларнинг ҳам эркакларнинг ҳам устларида ҳеч қандай либослари йўқ. Ичларидаги баъзилари эса Каъбани либосли ҳолда тавоф қиларди.

Ҳалиги икки кишидан бири ҳайратини яширолмай, Маккадан бўлган бир одамдан сўради:

– Нима учун бир гуруҳ одамлар Каъбани яланғоч ҳолда тавоф қилишмоқда.

– Бу одамлар Каъбага гуноҳларидан фориғ бўлиш умидида келишган. Аллоҳга осий бўлган вақтларида устларида либослари бўлгани боис, энди Унинг Байтини яланғоч тавоф қилишмоқда. Улар «Мана шу либосда гуноҳ ишлар қилдик ва худди шу либосда сенинг уйингга келдик», – деб айтишни тўғри ҳисоблашмайди. Булар эса Қурайш, Кинона, Хузоа қабилаларинг либосларини кийиб олганча тавоф қилишмоқда. Бўлмаса яланғоч тавоф қилишга мажбур бўладилар. Санаб ўтган қабилаларим хоҳлаган либосларида Каъбани тавоф қилса ҳам бўлаверади.

Аслида шу ва шунга ўхшаш бемаъни тушунча ва ҳаракатлар қурайшликлар томонидан ўйлаб топилганди. Эҳромда экан, сутдан қатиқ, ёғ олишни, сўйилган ҳайвонларнинг ёғидан фойдаланишни, жундан ўриб тўқилган матодан қилинган чодирда дам олишни ҳожиларга таъқиқлаб қўйдилар. Қурайш, Кинона, Хузоадан бошқа қабилалар ўз либослари билан Каъбани тавоф

қилолмасдилар. Уларга «Ё бизнинг либосларимизни киясизлар, ёки кийимсиз тавоф қиласизлар!» — деган ҳам шу уч қабила эди.

* * *

Зайд ҳаж мавсуми давомида ҳар тарафдан келган жуда кўп ўзи танимаган одамлар орасида айланиб юрарди. Шу пайт йўл четида ўтириб, суҳбатлашаётган бир неча кишини кўрди, такрор қаради. Булар Калб қабиласидан эдилар. Улардан бири Зайдга кўзи тушиши биланоқ:

— Ана Ҳорисанинг ўғли Зайд! — дея бақирди.

Одамлар севиниб кетишди, Зайд уларнинг ёнига келиб ўтирди.

— Хуш келибсизлар!

— Хуш кўрдик, эй Зайд! Аҳволинг қалай?

— Жуда яхшиман.

— Бу ерда нималар қилиб юрибсан?

Зайд Калб қабиласидан кетган кунидан бошлаб бугунгача бўлган воқеаларни айтиб берди. Ҳозир ҳаётидан жуда мамнун эканлигини ҳам қўшимча қилди.

Калблик кишилар унга отасининг аҳволини айтдилар. Зайдни деб девона бўлганини, ҳамма тарафни излаганини, ғамгин шеърлар тўқиб юрганини, кўп кўз ёш тўкканини сўзладилар.

— Отамга саломимни етказинглар. Мен жуда яхшиман. Ҳеч қандай шикоятим йўқ. Қурайшлик Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг ёнидаман. Улар дунёдаги энг яхши одам. Менга қилган яхшиликларини, уларнинг фазилатларини ҳеч қачон унутмайман, — деди.

Калблик кишилар:

— Бу гапларингни, албатта, отангга етказамиз, — деганча хайрлашдилар.

Хадича энди савдо-сотифини юритадиган, карвонларини бошқарадиган одам топиш ташвишидан қутулганди. Ҳар куни янги бир фазилатини кашф қилаётган эрига кундан-кунга қаттиқ боғланиб қолаётганди. Унга бўлган ҳурмати, боғлиқлиги кундан-кунга ортиб борарди. Бахтиёр бир оила қурганди. Бир аёл орзу қиладиган энг буюк ҳузур-ҳаловатга эришганини кўп ўтмай тушуниб етганди.

Турмуш қурганларидан буён ўткан бир неча ой унинг ҳомиладор эканидан дарак берарди. Турмушининг бир йил тўлишига яқин бир ўғил туғди. Уни Қосим деб номладилар. Арабларнинг одатига кўра, ота ва она туғилган илк фарзандларининг номи билан чақириларди. Бундан кейин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) «Абул Қосим», яъни Қосимнинг отаси деб, Хадича эса «Уммул Қосим» — Қосимнинг онаси деб чақириладиган бўлди.

Абдулмутталибнинг қадрли набираси Муҳаммад Ал-Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) кунларнинг бирида болалик пайтларини хотирлади. Қалбида чексиз севинч ҳис қилди. Чунки қаршисида турган аёл уни эмизган сут онаси Ҳалима Ас-Саъдия эди. Кичкинагина бола эканида онасига топшириб кетганидан буён ҳали кўришмагандилар.

— Хуш келибсиз, онажон! — дея қарши олди.

Севиқли она ҳам жуда мамнун бўлди, йиллар бўйи кўролмаган фарзандини соғинганидан ўзини аранг босди. Ҳозир қаршисида карвонда тижорат қилувчи, ўттиз ёшлардаги мард йигит турарди.

Макка халқи ҳақли равишда Ал-Амин дея ном берган улуғ Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) қадрли онасини уйига олиб кирди. Иззат-икром қилди. Бир умр

онасига хизмат қилишни хоҳларди, бироқ Ҳалима яна Бани Саъд юртига қайтмоқчи эди. Қайтди, аммо қандай ҳолда?! Хадича инъом қилган қирқта қўй ва бир туя унга берилган кўплаб ҳадяларнинг бири эди.

Болалигида Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг ҳурматидан уйи барокатга тўлганди. Энди эса Ҳалимага қимматбаҳо совғалар берилди. Улуғ Амин қадрли онасини шанига муносиб тарзда кузатиб юборганидан хурсанд бўлди.

Ривоят қилишларича, суюкли она кейинги бор Ҳунайн жангидан сўнг яна Маккага келади ва оламларга раҳмат бўлиб келган ўғлининг ҳузурда мусулмон бўлади.

Бугунги кунда Мадинанинг Бақиъ қабристонига кириб, чап томондан тўғрига уч юз қадамча борганлар йўлнинг охиридаги тупроқ уюми олдида бир он турсинлар, энди бу ерда токи Қиёматгача ётадиган меҳрибон она, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга сут берган Ҳалима Ас-Саъдияни хотирлаб унинг руҳига фотиҳа бағишласинлар.

Агар бу қабр ростдан ҳам уларга тегишли бўлса, демек, Ҳалима Ас-Саъдия умрининг сўнгги кунларида Мадинага кўчиб келган ва азиз руҳини шу ерда Аллоҳга топширгани маълум бўлади.

* * *

Соиб ибн Абдуллоҳ юксак ахлоқ эгаси бўлган савдогар эди. Етимларга нисбатан шафқат ва марҳаматли, мусофирларга иззат-икром кўрсатувчи, қўшнилари билан гўзал муомала қилувчи инсон сифатида машҳур эди. Шом ва Яман тарафларга сафарлар қилар, йилнинг маълум вақтларида очиладиган катта бозорларга қатнарди.

Соиб ўша бозорларга яқинда қатнай бошлаган, Хадичанинг номидан тижорат қилувчи Муҳаммад ибн

Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни жуда яхши кўрар, унинг савдо-сотикқа яхшилиги, инсонларга нисбатан муомаласини кўриб ҳайрон қоларди. Унинг Маккадаги, керак бўлса, сафардаги ҳолатига ҳар қандай одам ҳавас қилса арзир эди. Чунки у таниган инсонлар орасида шаҳарда бошқача юрадиган, сафарларда эса умуман бошқа бир одамга айланадиганлари бор эди.

Савдо-сотик ишларида молини сотаётиб, уни кўкларга кўтарадиган, сотиб олаётиб қусур ва камчилик топадиган, сўзларининг ишончли бўлиши учун тинмай қасамлар ичувчи савдогарлар кўп эди.

Бошқа бир одамнинг номидан тижорат қилиб, соҳибининг ёнига қайтганда савдо-сотик ҳақида ёлғон маълумот берувчи, қолган фойдани жиғилдонига урувчи савдогарлар ҳам йўқ эмасди.

Тижоратнинг ўзига хос нозик жиҳатларини савдо-сотик давомида ўрганган, бу орада ақлга сиғмайдиган, хаёлга ҳам келмайдиган ҳийла-найранглари ўз кўзлари билан кўрган Соиб шундай савдогарларни кўрса ранжирди. Ҳалол савдогар бўлишни, ҳалол луқма билан қорин тўйдиришни ҳар нарсадан устун қўярди.

Кунларнинг бирида ўзи яхши кўрадиган Муҳаммад ибн Абдуллоҳга бирга шерикликда иш қилишни таклиф қилди. Таклиф узоқ ва давомли шериклик эмасди. Бозорларда бирга шерикликда савдо-сотик қилиш, бозор тугагач, ёхуд моллари тугагач, ниҳоясига етадиган шериклик эди бу. Шерикчилик қилишга келишиб олдилар.

Бу шерикликдан иккиси ҳам хурсанд эди. Хурсандчилик савдо-сотикларини юритгунларича давом этарди. Бундай биродарлик ва шерикчиликнинг ширин хотиралари узоқ вақтларгача унутилмади. Бир неча йиллардан кейин учрашганларида ҳам ўша кунларни қувонч билан эслардилар.

Абдуллоҳ ибн Абу Ҳамсо Абул Қосимдан озроқ мол олганди. Ёнида тўлаш учун етарлича пули йўқ эди. Лекин ҳалол киши эди. Шу сабабли бошқа куни қарзини беришига руҳсат берилди. Аниқ бир кун белгиланди. Кейин Абдуллоҳ:

— Мени фалон ерда кут, эй Абул Қосим! Ўша ерда учрашамиз, — деди ва хайрлашдилар.

Айтилган кун келди, бироқ Абдуллоҳ ибн Абу Ҳамсодан дарак йўқ эди. «Бироздан сўнг келса керак», — деган ўйда Абул Қосим (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ўтириб кута бошлади.

Орадан бир неча соат ўтса-да келадиган одам кўринмади. Оқшом тушди, лекин у келмади. Абул Қосим (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ўша ерда тунади. Эрта тонгда берилган ваъданинг устидан чиқиш учун оқшомга қадар кутиш бошланди.

Абдуллоҳ қарзини бериш учун аҳдлашган жойига бориш кераклиги эсига тушганда учинчи кун эди. Борганда Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ни ўша ерда кутиб ўтирганини кўрди.

— Эй йигит, мени роса кунимни кўрсатдинг. Уч кундан буён сени шу ерда кутиб ўтирибман, — деди.

Абдуллоҳ узр сўради. Ёмон мақсади йўқ экани, шунчаки ёдидан кўтарилиб кетганини тушунтирди.

Абдуллоҳ ибн Абу Ҳамсо кейинроқ бу воқеа ҳақида эсларкан:

— Агар унинг ўрнида мен бўлганимда биргина ваъданинг устидан чиқаман, деб бунчалар кутмаган бўлардим. Кутган тақдиримда ҳам уни шунчаки қўйиб юбормаган бўлардим, — деганди.

Калб қабиласининг ҳожилари юртларига қайтгач, биринчи галда бутларнинг олдига боришди. Қўлларини

уларга сурдилар. Кетаётганларида ҳам худди шундай қилишган, уларни тавоф қилиб хайрлашгандилар. Арабларнинг одати шундай эди. Сафар давомида ўзларига ёрдам бўлиши, барокат бериши ва таҳликалардан кўриқлаши учун шундай қилишарди.

Кейин кўзлари ёшли Ҳорисани қидириб топишди.

— Хушхабар, эй Ҳориса! Ўғлингни топдик, — дедилар.

Ҳориса ҳеч кутилмаган пайтда эшитган бу хабаридан девона бўлиб қолаёзди, ҳожиларнинг бўйинларига осилди.

— Рост гапиряпсизларми? Қасам ичинг, илоҳлар номи билан қасам ичинг!

У йиғлашни ҳам кулишни ҳам билмайдиган аҳволда эди. Уни бир амаллаб ўзига келтириб, бўлган воқеани айтиб бердилар. Ҳориса бутун мол-давлатини бир ҳалтага жойлади. Укаси билан йўлга чиқишди.

Ҳар дақиқаси соатга тенг бўлган бу сафар Ҳорисанинг сабр косасини тўлдирар, битиб адо бўлмайдиган йўлларга, қиздираётган қуёшга ёлворган кўзлари билан боқар, бир дақиқа бўлса-да Маккага олдинроқ кириб бориш учун туясига қамчи урарди.

— Янаям тезроқ, янаям тезроқ юр. Ўғлим Зайдни бу дунёда ўз кўзларим билан бир бор бўлса ҳам кўришим керак.

Ҳориса йўл бўйи ғамгин шеърлар ўқиб борди. Кўзларидан оққан ёшни артишни ҳам лозим топмади. Ниҳоят Маккага етиб келдилар.

— Муҳаммад ибн Абдуллоҳни қидирмоқдамиз!

Бу гапни Ҳориса илк учратган одамига айтди. Яна бир қанча кишилардан ҳам сўраб-суриштирдилар.

— Уни Масжид-ул Ҳарамда, Байтнинг ёнидан топасан, — деган жавоб қайтарилди.

Байт жойлашган ерга бордилар. Одамлардан сўраганди, кўрсатишди.

Ҳориса айтилган одамига қараганда қидирган нарса-сини топишига, Зайдни аниқ қутқара олишига ишонч ҳосил қилганди. Бу муборак юз, бу марҳамату шафқат тўла кўз, бу салобатли одам Ҳорисага бир боқишдаёқ кўп нарсани англаганди.

— Ал-Амин деган киши сизмисиз, эй нур юзли одам?

— Ҳа, менман.

— Яъни Абул Қосим, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб?

— Худди ўзи. Нима ишингиз бор эди?

Ҳориса бир ютиниб олди, кейин мақсадини англади:

— Эй Абдуллоҳнинг ўғли! Эй Абдулмутталибнинг ўғли! Эй Ҳошимнинг ўғли! Эй қурайшликларнинг аслзода инсони! Сиз Каъба халқи ва Ҳарами шарифнинг кўшнилари сиз. Байтуллоҳнинг ёнида асирларнинг асорат занжирларини узган, мусофирларнию очларни тўйдирган инсонлар сиз. Сизнинг ёнингизда юрган ўғлимиз учун келдик. Сиз унинг учун биздан мамнун ва хушнуд бўладиган миқдорда ҳақ сўранг. Уни берайлик ва фарзандимизни озод қилинг!

Ҳорисанинг куюниб айтган гапларини эшитган Абул Қосим (соллалоҳу алайҳи васаллам) сўради:

— Ўғлингиз ким?

— Зайд ибн Ҳориса.

— Сиз айтаётган ишнинг бошқа чораси ҳам бор.

— Қандай экан у?

— Зайдни чақираман. Агар сиз билан кетишни хоҳласа, бемалол олиб кетавering. Ўшанда мен сиздан эвазига ҳеч нима сўрамайман.

— Қасам ичиб айтаманки, сиз бизга нисбатан инсоф ва адолатнинг энг юқори чўққисидан туриб эҳсон қилдингиз.

Зайдга хабар юборилди. Ҳориса бироздан кейин келадиган ўғлини ниҳоят кўра олади, уни бағрига босади, ҳасратларидан қутилади.

Ҳориса боласини ўзи ҳам англаб етолмайдиган туйғулар ичра кута бошлади. У қўлини пешонасига қўйди. Ҳаяжонланганидан кўз олди қоронғилашиб кетди. Ўрнидан турди. Ўғлини кучоқлади, тўйиб-тўйиб ўпди, ҳидларини ислади.

Ота ва боланинг учрашиши жуда таъсирли бўлди. Севинч кўз ёшларига тўлган бу ҳолат анча вақтгача давом этди.

— Эй Зайд, бу одамни танийсанми?

— Албатта, бу отам, бу эса амакимдир.

— Отанг билан амакинг сени олиб кетишга келибдилар. Менинг сенга нисбатан меҳр-муҳаббатимни қандайлигини биласан. Энди хоҳласанг, мени танлагинда ёнимда қол ёки буларни танлаб бирга кет.

Зайд ҳеч ўйлаб ўтирмай жавоб қайтарди:

— Мен ҳеч кимни сиз билан алмаштира олмайман. Сиз менга ҳам ота ҳам амакисиз. Мен сиз билан қоламан.

Ҳориса қулоқлари эшитган гапларидан қизиб кетганини ҳис қилди.

— Зайд, жиддий айтяпсанми? Бизни эмас, бу одамни танлайсанми? — дейишдан ўзини тиёлмади.

— Худди шундай.

Ҳориса турган ерида йиқилиб тушай деди. Зайднинг амакиси:

— Минг афсус, Зайд! Демак озодликни эмас, қулликни афзал кўрасан. Қул бўлишни ота ва амакингни ёнида бўлишдан ортиқ кўрасан. Ўз юртингга, оиланг бағрига қайтишни асло истамайсан, шундайми?

— Мен бу инсондан кўрган яхшиликларимни ҳеч нима билан тенглаштира олмайман. Шу ерда қоламан.

Ҳориса ҳали ҳам «туш кўряпман», — деб ўйлаётганди.

— Ўғлим, биз сен билан ҳазил-хузул қилгани келмадик, — деди.

— Мен ҳам ҳазиллашаётганим йўқ, отажон, жиддий айтяпман.

Ҳориса энди ҳеч нима қила олмасди. Абул Қосим Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Зайднинг қўлидан тутди. Каъбанинг Ҳижр деган жойига олиб борди. Уни бир тошнинг устига чиқариб одамларга кўрсатганча:

– Эй инсонлар, гувоҳ бўлингларки, Зайд менинг ўғлимдир. Уни ўзимга фарзанд қилиб олдим. Зайд менга меросхўр, мен ҳам унга меросхўрман! – деди.

Ҳориса ва укаси бу ҳолатни кўргач, ёнаётган юракларига сув сепилгандек бўлди. Энди бу ишни ўз ҳолига қўйишдан бошқа чора йўқ эди.

Бундан кейин Зайд Ҳорисанинг эмас, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг ўғли дея айтилар, узоқ йиллар давомида шундай қоларди.

Ҳорисанинг ўғли Зайддан айрилиши қийин кечди. Ҳар бир йилларга тенг бўлган, кўз ёшларга тўла ҳолда ўтган кунларда уни излаганди, ою йиллар давомида уни ахтарганди. Ниҳоят, бор-йўғини ўртага қўйиб, кучи етган ҳар бир ишга тайёр ҳолда не-не умидлар билан келганди.

Ҳориса уйига қалбида минг бир хил туйғулар жўш урган ҳолда, ажойиб инсон бўлиб қайтаётганди. Ҳиди ҳали димоғидан кетмаган боласидан айрилиш пешонасида бор экан. Лекин ўғли энди бир асир, озодликдан маҳрум қилинган қул ёки хизматчи эмасди. Қўлидан мажбуран олиб қолинмади. Отасию амакисидан ҳам минг бора ортиқ яхши кўрадиган нур юзли инсонининг ёнида қолишни ўзи ихтиёр этди.

Ҳориса баъзан шуларни эслаб ўзини овулар, баъзан гул юзли боласини яна кўра олиши ёки кўра олмаслиги ҳақида ўйлаб йиғларди.

Қўйларининг кўп экани билан машҳур бўлган Калб қабиласининг ерлари кўринган пайтда унинг кўз ёшлари ҳали ҳам соқолини юварди.

Хадича хоним иккинчи ўглини дунёга келтирди. Абдуллоҳ дея исм бердилар унга. Жуда чиройли ва суюкли бу болани отаси «Тоййиб» ёки «Тоҳир» лақабини берди. Баъзан Абдуллоҳ дея эркалар, баъзан Тоййиб, баъзан эса Тоҳир дея бағрига босарди. Орадан бир ой ўтди. Олдин Қосим кейин Абдуллоҳ вафот этишди. Бу болаларнинг ўлими ота-она учун жуда катта дард бўлди. Зайд яқиндагина кучоғига олиб, айлантириб юрган бу икки гўдак ортидан ота-онасига қўшилиб аччиқ кўз ёш тўкди.

Кейинроқ Хадича хоним навбати билан Зайнаб, Руқайя, Умму Кулсумларни дунёга келтирди. Бир ривоятга кўра, Зайнаб Қосимдан кейин Абдуллоҳдан олдин туғилган дейилади. Ҳазрат Фотима онамиз бу пайтда туғилмагандилар.

Қизалоқларнинг ҳар бири бир-бирдан гўзал, нур юзли эди. Уларни кўрган ҳар қандай инсон «Аллоҳ бу оилага ўзгача марҳамат ва лутф кўрсатади», — дейишдан ўзини тўхтата олмасди.

Хадича хоним қараганда кўнгилларни яшнатувчи фарзандларни дунёга келтирганидан, эрига фаришталарга ўхшаш фарзандлар ҳадя қилганидан жуда мамнун эди.

Кичик ёшидаёқ нобуд бўлган Қосим ва Абдуллоҳнинг қайғусини қизалоқларига қараганда унутарди. Ора-орада жигарларини ўртаган аччиқ хотираларни мана шу гўзал фарзандлари туфайли эсдан чиқарарди.

Эри бирин, кетин қўлидан олинган гўдаклар учун кўз ёш тўкди, бироқ дардини тилга чиқараркан «Демак, бу хайрлироғидир» — деб тақдирдан рози бўларди. Боласидан жудо бўлган бошқа ота-оналардек етук инсонга ярашмайдиган ёқа йиртиб йиғлашлар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)да кузатилмади.

Кетганларга қайғургандан кўра бу қизалоқларга эътиборли бўлиш муҳимроқ эди, шундай қилинди.

Бир бирига меҳр қўйган, тушунган, ҳурмат қиладиган, биргаликда ҳал қилинмайдиган ҳеч бир муаммоси бўлма-

ган бир ота ва онанинг қурган бу бахтиёр оиласи гўдакларнинг руҳий-маънавий оламига ҳам ижобий таъсир қилди. Ҳар тарафга тентирамайдиган, ёмон сўзларни билмайдиган, уятли сўз айтилганда яноғи оловдек ёнадиган, ор-номусли, ифбатли болалар бўлиб улғайдилар.

Ота-она қизалоқларидан мамнун эди. Улар бетайин эмас, балки юксак тарбияли оилада вояга етканликлари шундоққина кўриниб турарди. Уларни кўрганлар «Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ва Хадичанинг фарзандлари шундай бўлиши ҳам керак-да!» — дейдиган гулғунча эди бу қизлар.

Борган сари улғайиб, бир-бирининг ортидан қадамбақадам эргашаётган қизлар, кексайиб бораётган оналарига ёрдамлашар, оғирини енгил қилиш пайида бўларди.

Маҳалладаги бошқа болалар каби уятсиз, ёмон хулқли эмаслигининг ўзи ҳам буюк бир неъмат эди. Уларга боққан киши «Ким билади, оталари буларнинг ёшида қандай бўлган экан?!» — деб ўйлашдан ҳеч воз кеча олмасди.

Жуда оз муддатда Қосим ва Абдуллоҳни ўзи билан олиб кетган ажал бир куни яна келса, эндигина одам қаторига кирган бу болаларни ҳам олиб кетадими? Ёки кундан-кунга ширин бўлиб, гўзаллашиб бораётган бу қизалоқлар бир уйнинг бахтли бекаси бўладиларми?..

Хадича хоним атрофида югуриб ўйнаб юрган, баъзан келиб, юзини тутганча:

— Бир ўпиб қўйинг, отажон!

— Битта ўпиб қўйинг, онажон! — дея қувнаб юрган болаларига қараркан, ақлида қуйидагича ўйлар чарх урарди: «Аллоҳим, сен нимани хайрли деб ҳисобласанг, шуни қил!»

Кейин Хадича хонимнинг кўзлари осмонга тикилганча:

— Нур юзли, гул ифорли Муҳаммадимнинг ҳурмати учун, Аллоҳим! — деб дуо қиларди.

КАЪБА ҲАКАМЛИГИ

Каъба Иброҳим алайҳиссалом тарафидан қурилгандан буён доимо ҳурмат-эътибор кўрди, унга қилинган хизмат ҳар доим улуғ шараф сифатида баҳоланди. Каъба узун бўйли кишининг икки баробарича келарди. Пайғамбар Иброҳим алайҳиссалом авлодидан бўлган Аднон ва Ҳимяр шоҳи Туббодан буён Каъбанинг устига бирор нима ёпиш одат бўлиб қолганди. Ҳеч қачон тарк қилинмаган бу одат туфайли чодир ҳар йили янгисига алмаштириларди.

Бу муборак бино вақт ўтиб таъмирга муҳтож аҳволга келиб қолди. Аввал Амолика, сўнг Журҳум қабилалари томонидан таъмир қилинди.

Фил воқеаси содир бўлганига ўттиз беш йил бўлганди. Шиддатли ёмғир туфайли келган сел Каъбанинг асосларини кўпориб юборди, деворларини нуратиб, йиқилгудек ҳолга келтириб қўйди. Одамлар бу муборак байтнинг қулашидан қаттиқ ташвишда эди. Каъбанинг ичи сел олиб келган балчиқ, лойга тўлиб қолганди.

Бунинг устига Каъбани муаттар ҳидлар билан хушбўйлантиришни ният қилган бир аёлнинг ёққан тутатқисидан сачраган учқун Байтнинг чодирини ёқиб юборди. Бу чодир даҳшат ичида қараб турган халқнинг кўз ўнгида ёниб кул бўлди. Ўзи йиқилай деб турган Каъба бу ёнғинни кўргач, жуда хароб аҳволга келиб қолди. Бу ҳолда Байт яна қанча вақт тик тура оларди?.. Буни ҳеч ким билмасди.

Макканинг обрў-эътиборли кишилари маслаҳатлашдилар. Асосларигача бузиб, қайтадан қуришга қарор қилинди. Ҳеч кимнинг Байтни бузишга юраги дов бермасди. Уни бузишга ҳаракат қилганнинг бирор балога учраши аниқ, деган тушунча бор эди.

Биринчи бўлиб ўртага Валид ибн Муғийра чиқди:

— Бизнинг мақсад бузишми ёки қуришми? — дея сўради.

Яъни: «Бу иш билан Каъбани буткул бузиб, у ердан йўқотишми ёки уни янгидан қуриб, хизмат қилишни истайсизларми?» — демоқчи бўлди.

— Мақсадимиз, албатта, ислоҳ қилиш, — деб жавоб бердилар.

— Ундай бўлса, Аллоҳ ислоҳ қилишни хоҳлаганларни асло жазоламайди. Бу ишни мана мен бошлаб бераман. Аллоҳим, бизнинг мақсадимиз фақат ва фақат яхшиликдир, — деди.

Кейин қулаб тушай деган тошларни ола бошлади.

Бир қисм аҳоли узоқдан кузатар, «Ҳозир Валидга нимадир бўлади!» — деган хавотирда кутиб туришарди, лекин ҳеч нима бўлмади, Валид ўз ишида давом этаверди.

— Энг яхшиси, эртага тонггача кутайлик, — дедилар.

Бу сўз барчага маъқул келди. Валид ибн Муғийра эса яна бир бор Каъбани бузиш эмас, қайтадан қуриш ниятида эканини такрорлади.

— Бу ҳолда Байт яна қанча туриши мумкин? — дерди у.

Эрта тонгдан Валидни хавотир ичида кута бошладилар. У келиб кечаги чала қолган ишини бошлаб юборди. Бу сафар унга ҳамма қўшилди. Оз фурсатда Каъбанинг деворлари бузиб ташланди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом қўйган тамал тошларигача очилди.

Абу Ваҳб Амр ибн Оиз Маҳзумий баланд бир ерга чиқиб, у ерда ишлаётганларга ҳитобан деди:

— Фақат Аллоҳга дахлдор бўлган бу байт муқаддас ва муборақдир. Унинг таъмирланишига ишлатиладиган қурилиш ашёлари турли шубҳалардан йироқ, пешона тери билан ишлаб топилган ҳалол мол бўлиши лозим. Зино йўли билан, алдов билан, фоизли пуллар билан, ўғрилиқ билан топилган ёки эгасидан мажбуран тортиб олинган бирор молнинг бу Байтга сарф қилиниши ҳаромдир.

Кейинроқ Валид ибн Муғийра бошчилигидаги бир неча кишилик гуруҳ Қизил денгизда, Жидда яқинидаги қояга урилиб шикастланган кемадаги қурилиш молларини сотиб олиш учун йўлга чиқдилар. Бу жуда гўзал тасодиф эди. Яна ҳам тўғрироғи, Аллоҳнинг тақдири одамларга чиройли тасодиф кўринишида зоҳир бўлганди. Чунки бу кемага фақат қурилиш моллари ортилган бўлиб, Ҳабашистонда қурилиши режалаштирилган бир қаср учун Рум ҳукмдори тарафидан юборилганди. Бу аҳволда кеманинг Ҳабашистонга етиб боролмаслиги аниқ эди.

Қурилиш моллари харид қилинди, кемадаги Боқум исмли меъмор ҳақ эвазига хизматга ёлланди.

Каъбанинг деворлари Қурайш уруғлари томонидан бўлишиб олинди. Ҳар бир девор тайин қилинган уруғ одамлари томонидан қуриладиган бўлди. Бундай йўл қуръа ташлаш йўли билан ҳал этилди. Эшик бор тараф Абдуманноф ўғилларига тушди. Ҳошимийлар Абдуманнофнинг бир уруғи эди. Бундан ташқари, Зухра ўғиллари ҳам Абдуманнофга бориб туташарди.

Бошқа томонлар ҳам икки-учта уруғлар томонидан қуриладиган бўлди.

Меъмор Боқум тош олиб келишларини буюрди. Эркаклар тош, аёллар оҳак таший бошладилар.

Елкаларида тош ташиган эркаклар, тош елкаларини қонталаш қилмаслиги учун белларидаги пешбандларини елкаларига ташлаб ишлашарди.

Абул Қосим Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳам амакилари билан биргаликда тош таширди.

Тошлар бир ерга тўпланди, иншоотнинг қурилиши бошлаб юборилди. Меъмор келтирилган тошлар билан муборак бинони қуради. Одамлар улуғ ниятлар билан унга ёрдамлашарди. Деворлар юксалиб, одамнинг кўкси қадар кўтарилганди. Энди «Ал-Ҳажар-ул Асвад»ни

жойлаштирадиган вақт келганди. Лекин бу ишни ким қилади, бундай шараф кимга лойиқ кўрилади?

Айнан шу муаммо ҳамжиҳатликни бузиб юборди. Каъбани қуришни бир ибодат деб ҳисоблаётганлар ҳозир буткул ўзгаргандилар. Шараф ва аслзодаликни таллашишга берилиб кетишганди. Ҳар бир уруғ бу ишга ўзини муносиброқ кўрар, иккинчи ёки учинчи даражали бўлиб қолишни асло исташмасди.

Қурилиш иши тўхтаб, ғалағовур бошланди. Турли уруғлар ўртасида бошланиб кетган бу баҳс эрта тонгдан шомга қадар давом этди. Ҳар ким ўз билганини гапиришни кўймасди. Ҳеч ким бошқа бировни эшитишни хаёлига ҳам келтирмади.

Натижада Бани Абдуддор уруғи вазиятни янада оловлантирди. Одамларнинг кўзи олдида қон тўлдирилган бош чаноғини ўртага қўйиб, унга қўлларини ботирганча қасам ичдилар. Бани Адий ҳам бу қасамга қўшилди. Унинг маъноси «Сўнгги томчи қонимиз қолгунча шу йўлда курашамиз!» — дегани эди.

Бошқа қабилалар ҳам шунга ўхшаш фикрда эдилар. Улар ҳам шу йўлда курашишни мақсад қилиб, ўлмагунларича «Ал-Ҳажар-ул Асвад» номи билан аталган муборак тошни жойига қўйиш учун курашишга қарор қилишганди.

Қиличлар бир марта қинларидан чиққач, осонлик билан жойига кирмасди. Балки бир неча йиллаб давом этувчи қон даъволарининг эшиги бироздан сўнг очилар, Каъбанинг ёнида тўкилган қонларнинг ҳисоби бир неча авлодларга алмашилиб кетарди.

Аслида Макка ва унинг атрофи Ҳарам ерлари саналарди. Фавфо-тўполон қилинмайдиган муборак тупроқ эди бу ер. Бу тупроқда ҳар бир киши моли ва жонидан бежавотир юра оларди. Аммо «Ал-Ҳажар-ул Асвад»нинг ўрнига жойлаштириш масаласи уларга Ҳарам ҳудудида, ҳаттоки Каъбанинг ёнида, Каъбани қуриш жараёни устида турганликларини ҳам унуттирганди.

Мунозаранинг бешинчи куни қўллар қилич сопига боришга тайёр турган вазиятда ўша ердагиларнинг энг улуғ ёшлиси Абу Умайя ибн Абдуллоҳ ўртага отилди.

– Тўхтанг, одамлар, тўхтанг! – дея ҳайқирди.

– Гапиринг, қария! Нима демоқчисиз?

– Жанжал билан ҳеч нимани ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг устига биз Байтнинг хизматчиларимиз. Жанг қилган тақдиримизда бу муборак Байтга нисбатан ҳурматсизлик қилган бўламиз. Аслида бу жанжал ҳам Каъбага бўлган ҳурматингиздан келиб чиқди-ку!

– Унда нима қилишимиз кераклигини сиз айтинг бизга.

– Бу ишга бир ҳакам тайин этайлик, у ҳал қилсин.

– Кимни ҳакам қиламиз, кимга топширамиз ишни?

Абу Умайя гаплари одамларга таъсир қилганини кўриб хурсанд бўлди ва Шайба эшигини кўрсатиб:

– Шу эшикдан ким биринчи бўлиб кирса, уни ҳакам қилиб тайин этамиз, – деди.

Бу таклиф ҳаммага маъқул келди, чунки эшикдан ким киришини аниқ билмасдилар.

– Яхши, шундай қиламиз!

– Биз ҳам розимиз. Шу эшикдан ким биринчи бўлиб кирса ўшани ҳакам қиламиз.

Кўзлар Шайба эшигига тикилди.

* * *

Абул Қосим Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Каъбанинг қурилиши учун ҳамма билан биргаликда тош ташиди, фақат бундай можаро юзага келганда у ерда чиқиб кетганди. Маъно-мантиқсиз жанжалга бош суқушни сира ҳам истамаганди.

Орадан бир неча кун ўтгач, вазият қайси томон ўзгарганини билиш мақсадида тўғри Каъбага келди.

Каъбанинг атрофини ўраб турган ва Масжид-ул Ҳарам деб номланган жойнинг бир нечта эшиги бор эди.

Абул Қосим (соллаллоҳу алайҳи васаллам) уларнинг энг биринчиси бўлган Шайба эшигидан ичкари кирди. Энди эшикдан ҳатлаган ҳам эдики:

– Ал-Амин, Ал-Амин, ана Ал-Амин келди!

– Ал-Амин келди, унинг ҳакам бўлишига розимиз, — деган овозлар эшитилди. Юзлар кулиб, узоқ давом этган оғир ҳолат бирданига юмшади.

– Нима бўлди? Нима истайсизлар мендан?

– Бизларнинг ўртамизда ҳакам бўласан.

Унга масалани тушунтирдилар. Қандай йўл билан ҳакам қилиб эълон қилинганлиги айтилди. Энг охирида яна Абу Умайя сўз олди:

– Сенинг инсоф ва адолатингга ишонамиз, эй Абул Қосим. Бизларга адолатли ҳукм чиқар! — деди.

Улуғ Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) атрофдагиларга:

– Менга бир кийим олиб келинг, — деди. (У замондаги кийим оддий пешбанд ҳисобланарди. Бугунги кундагидек танага мослаб бичиб-тикилган либослар бўлмасди).

Олиб келдилар, улуғ Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) кийимни олди, бир четда кўриқланаётган муборак тошнинг ёнига келиб, кийимни ерга ёзди. «Ал-Ҳажарул Асвад»ни ўз қўллари билан олиб кийимнинг устига қўйди.

– Ҳар бир уруғдан бир киши келиб ушбу кийимнинг учидан ушласин, — деди.

Енгил нафас олдилар, кўзларда мамнунлик кўринди. Утба ибн Робиа, Абу Замъа ибн Асвад, Абу Ҳузайфа ибн Муғйра, Қайс ибн Адий каби кишилар кийимнинг тўрт томонидан ушладилар. Биргаликда кўтаришди. Каъбада ўрнатиши лозим бўлган ергача олиб келиб, юқорига кўтардилар. Кейин Ал-Амин бу тошни ўз қўллари билан олиб ўрнига қўйди.

Барча муаммо бир онда ҳал бўлди. Катта жанжалнинг олди ҳеч ким эътироз қила олмайдиган шаклда олинди. Ҳамма бу адолатли ҳукмдан мамнун бўлдилар.

— Қасам ичамизки, Ал-Амин адолатли ва ҳикматли ҳукм чиқарди, — дедилар.

Каъбанинг баландлиги икки баробар кўтарилди. Эшиги одам бўйидан сал баландроқ эди. Шу сабабли ҳам Каъбага истаган нарсаларини қўйиши ёки қўймаслиги мумкин эди. Каъбанинг усти ёпилди. Ҳалол пул етишмаганлиги сабаб унинг маълум бир жойи очиқ қолди. Бу ер «Ҳатийм» деб аталарди.

* * *

Кейинги йил ёз об-ҳаво қуруқ келди. Макка халқи учун янги бир қийинчилик, оғир синов бошланганди. Тез-тез такрорланиб турган бу қийинчиликлардан одамларнинг жони ҳалқумига келди.

Бир куни Аббос акасининг ўғли Ал-Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни учратди.

— Нима гап, эй Ал-Амин? — деб сўради.

— Биласизку, амаким Абу Толибнинг аҳволи яхши эмас. Болалари кўп. Уларнинг болаларидан бирортасини ўзимиз учун олсак, шу билан бироз бўлса-да ёрдам қилсак, нима дейсиз?

Аббос бу таклифни қабул қилди. Бориб Абу Толибга мақсадини тушунтирдилар. У жуда мамнун бўлди.

— Толиб ва Ақийлни менда қолдириб, истаганингизни олинг, — деди.

Аббос Жаъфарни, Ал-Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Алини ўзларига олдилар.

Шундай қилиб, Абу Толибнинг энг кичик ўғли Али ибн Абу Толиб шу ондан эътиборан инсонийликнинг фазилатхонасига жойлашди, дарсларини ўша ерда ола бошлади.

ЯНА САЛМОН

Салмон Мосулга борди. Роҳиб устози тавсия этган одамни топди. У роҳиб айтганидек жуда тақводор одам эди. Кейинроқ у ҳам вафот этгач, васиятига биноан Нусайбинга борди. Нусайбиндаги роҳиб ҳам қазо қилди. Салмон Онадўлидаги Аммурия шаҳрида яшовчи роҳибнинг ҳузурига жўнади.

Шу тарзда кўплаб эшикларни қоққан Салмон уни ҳам топди. Бошқа бир ривоятга кўра, Анқарадаги Ҳожибайрам жоме масжиди ёнида ҳали ҳам мавжуд бўлган черковда бир роҳиб кўлида ўн йил хизмат қилди.

Энг охирида Аммурияда кўл остида хизмат қилган роҳибини жуда яхши кўрарди, унга қаттиқ ишонарди. У ҳам бошқа роҳиблардек дин йўлида юргувчи, ҳақ сўздан бошқасини айтмайдиган кишилардан эди. Салмон унинг ҳузурида диний вазифаларни бажарар экан, бироз молдунё ҳам орттирди. Кўй-кўзи, сигирли бўлди.

Бир куни ажал бу роҳибнинг ҳам ёқасидан олди.

Салмон ундан энди нима қилиши лозимлигини, кимнинг ёнига боришлигини сўради. Роҳиб зўрға жавоб қайтарди:

— Эй Салмон, замон жуда ўзгариб кетди. Яхши одамлар бир-бир вафот қилдилар. Энди шу одам тўла дунёда сени омонат ташлаб кетадиган бирор ишонган одамим йўқ.

Бу сўзларни эшитган Салмон қайғуга ботди. Кўзларидан ёшлар оқди. Бироқ роҳиб ҳали сўзларини охирига етказмаганди. Оғир-оғир кўтарилиб тушаётган кўкси унинг гапиришга қанчалар қийналаётганини кўрсатарди. Бир он дам олгач:

— Бироқ эй Салмон, Аллоҳнинг энг охирги пайғамбари келадиган кунга жуда оз фурсат қолди. Унинг исми Аҳмад Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дир. Бу

пайғамбар Тихома тарафлардан, Ҳарам халқи орасидан чиқади. Кейин хурмо дарахтлари бўлган, менимча Ясриб бўлса керак, шаҳарга кўчиб ўтади. Бу пайғамбар садақа олмайди, ҳадяни қабул қилади. Кифтида, икки курагининг ўртасида пайғамбарлик муҳри бор.

Роҳиб озроқ тин олди. Пешонаси терга ботганди. Салмон унинг терларини артиб, оғзига бир неча томчи сув томизди.

— Энди мен бу пайғамбарни кўра олмаслигим аниқ. Агар сен уни топсанг, дарҳол иймон келтир. Унинг пайғамбар эканини тасдиқла. Унга эргаш. Буюрган ҳар бир ишини чин қалбдан бажар.

Салмон бу сўзларни ҳайрон бўлганча тинглади. Хазина топиб олгандек қувонди. Кейин бу пайғамбарнинг буйруқларини қай даражада бажариши борасида савол берди:

— Ўша пайғамбар ҳозирги динимдан воз кечишимни буюрса, шундай қилишим керакми?

— Албатта, ҳеч иккиланишсиз қабул қил. Чунки у сўзлаган ҳар бир нарса ҳақиқатдир. Буюк Аллоҳ юборган ҳар бир пайғамбаридан унинг замониغا етган тақдирда иймон келтириши ва унга ёрдамчи бўлишлари ҳақида ваъда олган. Ҳар бир пайғамбар вафот қилаётганда умматларига Аҳмад — Муҳаммадга иймон келтиришни васият қилган. Унинг атрофида тўпланиб айтганларини бажаришни амр қилган.

Салмон билан роҳиб ўртасида бўлиб ўтган бу суҳбатдан сўнг кўп ўтмай роҳиб вафот этди. Салмон Аммурияда бир муддат қолди. Бир куни тижорат мақсади билан Онадўлига бориб қайтаётган Калб қабиласига оид карвон келиб қолди. Салмон кўлидаги бор мол-мулкни бериб, эвазига ўзини Ҳарам тарафларга олиб боришларини илтимос қилди. Сигирларини, қўй-қўзиларини

берди. Йўлга чиқдилар. Водил Қуро деган жойга келганлариди карвондагилар айтган сўзида турмай, Салмонни бир яҳудийга қул сифатида сотиб юбордилар.

Салмон атрофнинг тўла хурмозор эканини кўргач, роҳиб айтган жой шу бўлса керак деб таҳмин қилди. Бироқ, ундай эмасди. Кейинроқ Қурайза қабиласидан келган, Салмон хўжайинининг амакиваччаси бўлган бошқа бир яҳудий уни сотиб олди. Ўзи билан Ясрибга олиб келди. Салмон қул бўлиб келган бўлса ҳам турган жойи роҳиб айтган шаҳар бўлгани боис жуда қувонди. Буюрилган оғир-оғир юмушларни бажариб, роҳиб шу шаҳарга келиши хушxabарини берган пайғамбарни кута бошлади.

ЯХУДИЙ ОЛИМЛАРИ

Шом тарафларда Мусо алайҳиссаломнинг динини қабул қилиб, ибодатларга эътибор билан қаровчи бир яҳудий бор эди. У кичик ёшидан буён динга боғланган, ўз замонидаги олимлардан дарс олиб, кўп китоблар ўқиган эди.

Бир куни биродарлари ва қўшнилари унинг йўлга ҳозирлик кўраётганининг гувоҳи бўлишди.

— Қаерга, эй ибн Ҳаййибон, йўл бўлсин! — дедилар.

— Сафарим бор. Ҳижоз тарафларга кетмоқдаман. Ўша ерга жойлашаман.

— Нима сабабдан, эй ибн Ҳаййибон? Нима учун бизларни ташлаб кетяпсан? Ёки биздан бирор ёмонлик кўрдингми?

— Йўқ, ҳеч кимдан ёмонлик кўрмадим. Бироқ кўнглим ўша ерларга кетишни тусаяпти.

— У ерда нима қилмоқчисан, савдогар эмассан-ку?!

— Ҳақсизлар, тижорат билан шуғулланмаслигим аниқ. Аммо Аллоҳга таваккал қилмоқчиман.

Ибн Ҳаййибон шундай деб улар билан хайрлашди. Эртаси куни тонгда биргина оиладан иборат кичик карвон йўлга чиқди.

Сафар олдинлаган сари иқлим ўзгариб борарди. Шомнинг ям-яшил водийларини бир-бир учраб қоладиган хурмозорлар эгаллади. Бир неча кунлик сафардан кейин хурмозорлар ҳам кўринмай қолди. Шомнинг юмшоқ иқлимига ўрганган оила мўлжалдан ҳам кўпроққа чўзилган сафарда бу чўлларни баъзан умидга тўлган ҳолда, баъзан эса чорасизликнинг қучоғига ўзларини ташлайдиган даражада чарчаб босиб ўтаётганди.

Ибн Ҳаййибон гоҳ бу уфқдан нариги уфққа қадар чўзилган қумли чўлларни, гоҳ куёш нурида мавжланган денгиз саробларини кузата-кузата, терга ботганча йўли-

да давом этарди. Унинг тили танглайига ёпишган, бир томчи сувга ҳам ташна бўлган вақтлари бўлди.

Хайбарда танишган яҳудийлар уни яхши кутиб олдилар. Бундай илми ва амали бир бўлган инсонга керагича ҳурмат кўрсатишини изҳор қилишди. Аммо Ибн Ҳаййибон меҳмондорчиликда кўп қолмади.

– Қаергача боришни истайсиз, эй Ибн Ҳаййибон?

– Ясрибга боришни мўлжал қилмоқдаман.

– Бу ернинг иқлими Ясрибникидан ҳам яхши, тупроғи ҳосилдор.

– Шундай бўлса-да биз ният қилгандик, энди бормасак бўлмас.

Бироздан сўнг карвон йўлга чиқди.

Қурайза яҳудийлари бир куни маҳаллаларига келган Ибн Ҳаййибон деган олимни меҳмон қилдилар. У Шомдан келаётгани, энди эса Ясрибга бормоқчилигини айтди.

– Мана Ясриб, чақирсанг эшитилади.

Ҳақиқатан ҳам бақирса эшитиладиган даражада масофа қолганди ўртада. Уларнинг орасида қолишга қарор қилди. Энди кўнгли жойига тушганди. Лекин у аслида бу ерда нима қилмоқчи эди? Илмини ошириш нияти йўқ эди. Чунки Шомда топилмайдиган юксак савияли олимнинг бу ерда бўлмаслиги аниқ эди. Бу ерда молмулки ҳам йўқ эди. Савдогар ҳам эмасди.

Унинг илм ва ахлоқини кўрган яҳудийлар ер ажратиб бердилар, бир боғ барпо қилиб, рўзғорини тебратишга имкон яратдилар. Ибн Ҳаййибон ўқир, ибодат қилар, тоза ва ҳалол умр кечирарди.

Қурғоқчилик бошланганди, ёмғир сўраб дуо қилишини Ибн Ҳаййибондан илтимос қилишди.

– Йўқ, бундай қилолмайман. Олдин муҳтожларга, бева-бечораларга садақа беришинглар керак.

– Қанча беришимиз лозим?

— Бир миқдор хурмо, ёхуд икки миқдор арпа.

Ибн Ҳаййибон айтган миқдордаги садақалар муҳтожларга тарқатилди. Кейин Ибн Ҳаййибон яҳудийлар билан бирга дуога чиқди, дуо қилиб ёлворди. Жаноби ҳақ ёмғир юборди.

Бу ёмғир дуосига бир неча бор чиқилди. Ҳар сафар халқ севинч билан юзларида табассум билан қайтдилар. Ўз-ўзидан инсонларнинг Ибн Ҳаййибонга бўлган ишончлари ҳам ортди.

Бир куни Ибн Ҳаййибоннинг мазаси қочиб, бетоб бўлиб қолди. Ёши улғайиб, вужуди кексая бошлаганди. Зиёратига келганлар «Кўрган-кечирганингиз шу бўлсин!» — дедилар. Лекин Ибн Ҳаййибоннинг яшашдан умиди қолмаганди. Бир куни ўзини анча қўлга олди. Кейин хабар бериб Қурайзалик яҳудийларни йиғди.

— Эй яҳудий миллати! Мен Шомдек барокатли ва серҳосил ерни ташлаб мана шу қақроқ жойларга нима мақсадда келганимни биласизми? — деб сўради.

— Билмаймиз, лекин албатта, сиз муҳим мақсад билан келгансиз.

— Бу ерларга жуда тез кунларда келиши айтилган пайғамбарни кўриш умидида келгандим. Зеро, Ясриб у кўчиб келиб ўрнашадиган шаҳардир. То бугунги кунгача ўша пайғамбар келишига, мен ҳам унинг динига киришга умид қилгандим. Лекин умрим шомига яқинлашганини сезяпман. Уни кўриш менга насиб қилмади. Шунини яхши билингларики, у пайғамбар бўлиб келадиган фурсат жуда яқин. Сояси бошингиз устига тушиб турибди. Унга ишониб, динини қабул қилишда ҳеч бирингиз тараддуд қилманг. Чунки у ўзига тобе бўлмаганларга қарши қилич кўтаришга, болалар ва аёлларни асир олишга ҳам вази-фалантирилади. Унинг динига ўтишингизда ҳеч нима тўсиқ бўлмасин.

Ибн Ҳаййибон сўзларини шундай тамомлади ва бир неча кундан сўнг вафот этди. Қурайза қабристонини унинг жасадини бошқа яҳудийларники сингари қабул қилди.

Ибн Ҳаййибон бу сўзларга қанчалар содиқ эди? Юбориладиган охириги пайғамбарнинг даъват кунларига қадар яшаганда ростдан ҳам иймон келтирармиди? Мусулмон бўлармиди? Илоҳий ирода уни қандай қарши оларди? Эртага Ҳисоб Кунини унга қандай муомала қилинади?

Биз бу саволларнинг жавобини билмаймиз. Аммо унинг шу мақсад йўлида ватанини тарк этганини, бунинг оқибатида турли машаққатларни бошидан кечирганини биламиз. Афсуски, у юрагида армон билан бу дунёдан ўтди.

Бунинг ҳақини раҳмати бутун оламларни қоплаган Буюк Роббимизга қолдирамиз.

* * *

Ясрибнинг бут-санамларга топинувчи бир маҳалласи.

Салама ибн Салом исмли гапирганда тушунадиган ва ўзи ҳам бошқаларга гапини тушунтира оладиган ёшдаги болакай. У уйларининг олдидаги бир тошга ўтириб олганча йиғилган одамларга ҳаяжон билан нималарнидир айтиб бераётган яҳудийни тингларди.

Яҳудий атрофида йиғилган оломонга қиёматнинг бўлиши ҳақида сўзлар, бутун тирик жоннинг маҳв бўлиши, такрор тирилиши, амалларнинг ҳисоб-китоб қилиниши, шундан сўнг одамлар ё жаннатга ёки дўзахга киритилишини тушунтирарди.

Атрофида уни тинглаётганларнинг бари мушрик эди. На охиратдан хабари бор, на қайта тирилишнинг борлигидан. На ҳисоб-китобни, на тарозини қабул қила оларди.

— Менга қара, роҳиб! Сен мана шу ўзинг айтаётган гапларингга ишонасанми?

– Албатта!

– Яъни одамлар ўлганларидан сўнг қайта тирилиб ҳисоб-китобдан сўнг жаннат ва жаҳаннамга тушадилар, шундайми?

– Албатта! Қасам ичишга арзигулик нималар бўлса, барининг номи билан қасам ичиб айтаманки, сўзлаганларим, шубҳасиз амалга ошади.

Роҳиб атрофида тўпланганларга бирма-бир кўз югуртирди.

– Мен сизлардан уйимдаги тандирга олов ёқиб, ўша оловга мени ташлашингизни хоҳлайман. Токи эртага жаҳаннамнинг оловида ёнмайин!

Эшитиб турганлардан бири орага суқулди:

– Ҳайф сенга, эй кўшни, ҳайф. Мана шу айтаётган гапларингга бирор мисол келтира оласанми?

Яҳудий кўзлари билан Макка томонга қаради.

– Менинг сўзларимни мана шу тарафдан пайғамбар бўлиб келгувчи инсон тасдиқлайди.

– Яхши, биз уни қачон кўрамиз?

Яҳудий бу сафар эшиги олдидаги тошнинг устида уларнинг суҳбатини диққат билан эшитаётган Салама ибн Саломни кўрсатиб деди:

– Мана шу бола улғайса кўради.

Бу суҳбат Саламанинг қалбига нақш бўлиб битилди. Узоқ йиллардан кейин ҳам унутилмайдиган хотира сифатида қолди.

* * *

Кунлардан бир куни Ясрибнинг туб аҳолиси бўлган мушриклар ва яҳудийлар орасида оғзаки баҳс бўлиб қолди. Мушриклар кўп эди. Аслида сон жиҳатдан кўпроқ бўлган яҳудийлар анчадан буён бери лом-мим демас, оғизларига мум солиб олгандек эди. Қачонки сал овозлари чиқиб қолса, Ҳазраж ва Авс қабилалари бу яҳудийлардан устун

келар, яхудийлар мағлубиятнинг аччиқ аламини тотиб, уйига қайтишарди.

— Эй ясрибликлар! Бир куни, албатта, бунинг ҳисобини сизлардан сўраймиз.

— Бугун сўрашингизга нима ҳалал бермоқда?

— Бугун сизлар кучлисизлар. Буни тан оламиз.

— Шундоқ ҳам ҳар доим тан оласизлар-ку!

— Кўрасизлар, бир куни бизнинг ҳам кўчамизда байрам бўлади.

— Бу сизлар учун тушдан бошқа нарса эмас. Ясриб доимо яхудийлар учун мисоли тегирмон бўлади. Шундай кунлар келадики, қабрингизни қазишга ҳам бирор яхудий қолмайди.

— Унисини ҳали ҳеч ким билмайди. Кутаётган пайғамбаримиз келсин, ўшанда кимнинг ғолиб, кимнинг мағлуб бўлишини кўрамиз. Ҳали сизларнинг бурнингизни ерга ишқаймиз. Од ва Ирам қавмларига ўхшаб ер юзидан йўқ бўлиб кетасизлар!..

ҲАҚ ДИН ЙЎЛИДА (Ҳанифлар)

Маккада байрам куни эди. Деярли барча маккаликлар бир бутнинг атрофига тўплангандилар. Қурбонликлар сўйилиб, уларга тақдим қилинарди. Бутларнинг эса қилинган қурбонликлардан нимани тушунаётганлари аниқ эмасди.

Бу орада одамларга қўшилмай, қилаётган ишларига бир четдан назар солиб турган тўрт кишининг қарашларида ғам-андуҳ мужассам эди.

— Қавмимизнинг амалга ошираётган ишлари ҳеч ҳам тўғри эмас. Ҳақиқий дин бу эмаслигига кафолат берман.

— Тўғри айтмоқдасан, Варақа. Мен ҳам сен каби ўйламоқдаман. Мисол учун олдида қурбонлик сўйилаётган ана шу бутнинг бошқа тошлардан ҳеч қандай фарқи йўқ. Унинг ҳеч кимга фойдаси ҳам, зарари ҳам йўқ.

Бу сўзни айтган Зайд ибн Амр биродарларига:

— Мен айтадиганимни айтдим, — деди. — Ҳозироқ йўлга чиқиб, ҳақ динни ахтарайлик. Менимча, ҳақ дин Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг дини бўлса керак.

— Албатта, Иброҳим алайҳиссаломнинг динидан бошқа ҳақ дин йўқлигига аминман.

Суҳбат шу йўсинда давом этди. Тез орада йўлга чиқишга келишиб олдилар. Булар Варақа ибн Навфал, Зайд ибн Амр, Усмон ибн Ҳувайрис, Убайдуллоҳ ибн Жаҳш эди.

Бу йиғиннинг Фил воқеасига нисбатан олганда қачон юз берганидан беҳабармиз.

* * *

Варақа ибн Навфал Шом тарафларни кўзлаб йўлга чиқди. Кўришган дин олимларининг таъсирида насро-

нийликни қабул қилди. Ўқиш-ёзишни ўрганди. Насронийларга оид китобларни ўқиди. Иброний тилини ўрганиб, Тавротни ҳам ўқиди.

Варақа Маккага қайтган вақтда яҳудийликдан ҳам, насронийликдан ҳам хабардор бўлган олим бўлиб етишганди. Ҳаттоки Таврот ва Инжилдан айрим нарсаларни ёд олганди. Иброний тилида ўқиган китобларини арабчада сўзлаб берарди. Лекин у на одамларни насронийлик динига даъват қилар, на маккаликлардан бирортаси келиб:

— Эй Варақа, менга Исо алайҳиссаломнинг динидан хабар бер. Мен бу динга киришни истайман, — дерди.

У ўзи билганича, тўғри эканлигига ишонган насронийликка боғлиқ ҳолда қолди. Бошқа бирор киши келиб:

— Эй Варақа, бутларимизга ибодат қилаётганингни кўрмаймиз. Ортиқ биз билан юрма, сафимизга қўшилма! — демади.

Вақт ўтиб Варақанинг кўзлари заифлашди. Яхши кўрмай қолди. Фақат ўзи ўқиб, ёдлаган нарсалари ҳамон эсида эди. Бундан ташқари, Таврот ва Инжилда кўрган кўплаб оятларда келиши хабар қилинган охирзамон пайғамбари тўғрисида ёзилганини ҳам биларди. Ўша пайғамбарнинг ўзи яшаб турган Макка шаҳридан чиқишига ҳам амин эди. Ора-сира Макка халқидан таниган инсонларини кўздан кечирар, «Ажабо, буларнинг қай бир пайғамбар бўлиб, бошига саодат тожи кийдириларкан?!» — дея ўй сурарди.

— Аллоҳим, менга ҳам пайғамбарни кўришни насиб эт!..

Охирги вақтларда Варақа фақат шу дуони пичирлаб айтадиган бўлиб қолганди.

* * *

Усмон ибн Ҳувайрис ҳам Шомга бориб жойлашди. У ҳам насронийликни қабул қилди. Бунинг устига Шом

волийсига маккаликлар устидан шикоят қилиб, устиларига бир қўшин тортилса, осонлик билан босиб олиш мумкинлигини айтди.

Волий қўл остидаги яна бир кичикроқ волийга мактуб ёзиб, Усмон ибн Ҳувайриснинг қўлига берди. Мактубда катта қўшин билан Макка устига юриш қилиш ва у ерни қўлга киритиш ҳақида ёзилганди.

Амр ибн Жафна буйруқни бажариш учун тайёргарликни бошлаб юборди. Бу орада унинг мақсадидан хабар топган бир гуруҳ бадавийлар Ибн Жафнани ҳузурига киришга ижозат сўрадилар. Ибн Жафна паришон ҳолдаги меҳмонлардан сўради:

— Нима истайсизлар?

— Эй волий! Ҳарам халқи устига қўшин тортаётганингиз ҳақида эшитдик, шу ростми?

— Албатта, рост. Бу борада олган буйруғимни бажаришим шарт.

— Эй волий! Биз сизни яхши кўрамыз. Шу боис сизга бирор зарар етишини истамаймиз. Маккани босиб олган тақдирингизда ҳам бизга бундан ҳеч қандай зарар-зиён етмайди. Бироқ у ерда Каъба деб аталган бир Байт борки, у пайғамбар Иброҳим алайҳиссаломдан қолган. Аллоҳ ҳеч кимнинг бу Байтга қарши чиқишига, уни қулатишига йўл қўймайди. Жумладан, Яман томондан келган катта бир қўшин Маккага кириб келганда буткул қирилиб кетди. Асло бундай ишга киришманг! — дедилар.

Кейин фил ҳодисаси ҳақида маълумот бердилар.

— Буларни сизнинг яхши инсон эканингиз учун айтмоқдамиз. Сизнинг бошингизга келадиган балодан биз асло хурсанд бўлмаймиз.

Ибн Жафна уларни кузатгач, бир текширув ўтказди. Абраҳа қўшинининг фожиавий ҳалокати ҳақидаги тўғри маълумотларни олгач, тайёргарликни тўхтатди. Усмон ибн Ҳувайрисни ёнига чорлади. Ҳарам ерини босиб олишда ўзига имкон яратгани учун ташаккур билдир-

ди. «Бу сизга қилинадиган эҳсонларнинг бошланиши»,
— дея устига либос ёпди.

Усмон бу либосни кийган куни кечқурун баданининг қичиётганини ҳис этди. Қичигач яралар пайдо бўлди. Бора-бора ҳолсизланиб кетаётганини сизди. Кейин бирдан:

— Бўлиши мумкин эмас! — дея ўйлади. Бироқ гишт қолипдан кўчганди. Либоснинг заҳарланганига ҳеч қандай шубҳаси қолмаганди. Дарҳол ечиб ташлади. Лекин энди ҳеч қачон қайтиб бўлмайдиган кўчага кириб бўлганди. Ажал унга қадам бақадам яқинлашиб келарди.

Бир неча соат ўтиб Ибн Жафнанинг ҳузурига кирганлар Усмон ибн Ҳувайриснинг тўлғона-тўлғона жон берганини хабар қилдилар.

— Бизга қазиган чуқури ўзига қабр бўлибди, — деди Ибн Жафна.

* * *

Убайдуллоҳ ибн Жаҳш ҳам ҳақ динни қидира-қидира насронийликни қабул қилди. Бу дин унинг қалбига ҳузур ва сокинлик бағишлади. Убайдуллоҳ қидирганини топганига амин эди. Яна Маккага қайтди ва ўша ерда тинчлик ва осойишталикда, ҳеч кимга ортиқча сўз айтмай яшай бошлади.

* * *

Зайд биродарлари билан хайрлашгач, ўз мақсадини биринчи бўлиб, хотини Сафияга билдирди. Ҳазрабийнинг қизи бу янгиликни яхши кутиб олмади. Эрини жуда яхши кўрарди. Зайд яхши ахлоқли, хушфёъл одам эди. Мазмунли умр кечирмоқда эдилар. Шунинг учун узоқ вақтга ундан айрилишни хоҳламади.

— Кетманг, Зайд! Шу ерда ёнимда қолинг, сизсиз яшай олмайман, — деди.

Аmmo Зайднинг уйида қолиш нияти йўқ эди. Онгу шуурини эгаллаб олган бу масала шунчаки воз кечиб кетиладиган иш эмасди. Иш узоқ чўзилди. Зайд кетиш фикридан бир онга бўлса-да қайтмади. Сафия уни қўйиб юбормасликка ҳаракат қилди. Зайд хотини кўрсатган важ-сабабларни сабр-тоқат билан тинглади, кейин:

— Мен мутлақ ҳақ бўлган динни топишим лозим. Бу йўлда ҳар нарсага тайёрман, — деди.

— Яхши, унда мен сизсиз нима қиламан?

Зайд ўғлини кўрсатиб:

— Мана Саид, болангни бағрингга босиб овунасан.

Келажакда ҳаётлигидаёқ жаннат хушхабарини эшитадиган бу болакай ўн жаннатий саҳобаларнинг бири бўлган Саид ибн Зайд эди.

Аmmo бу гап Сафия учун етарли эмасди.

— Айтишга осон, бироқ бир хотин учун эрининг ўрни бошқа, ўғлининг ўрни бошқадир.

Мунозара шу тарзда чўзилар, эр-хотин бир-бирларига гап уқдира олмасдилар. Охир-оқибат, Зайд хотини норози бўлса-да йўлга чиқишга қарор қилди. Сафия эса бу ишни зўрлик билан бўлса-да олдини олмоқчи эди. Ниҳоят вазиятни Зайднинг амакиси бўлган Хаттобга айтиб берди. Хаттоб Зайдни топиб насиҳат қилди, таҳдид ҳам қилди. Ҳақ дин ҳақидаги эртакни калласидан чиқариб ташлашини тайинлади.

Хаттоб Зайднинг ҳам амакиси, ҳам акаси эди. Зайднинг бобоси Нуфайл вафот этган пайт ундан бир хотин ва икки ўғил қолганди. Бири олдинги хотинидан бўлган Амр, бошқаси эндигина бева қолган хотинининг ўғли Хаттоб эди.

Ташқарида Нуфайлнинг жанозаси бўлар, ҳар тарафдан тўпланган хотинлар ёқаларини йиртганча бўкириб йиғлашарди. Араблар одатига кўра, марҳумнинг қилган яхшиликлари тилга олиниб, марсиялар ўқиларди. Шу

пайт Нуфайлнинг ўғли Амр секингина хонага кирди. Ўнгу сўлга назар солди. Ҳеч ким унга эътибор бермаётганини сезгач, қўйнидан чиқарган рўмолни ўгай онасининг бошига ёпди.

Аёл бирдан сапчиб тушди. Аммо энди бўлар иш бўлган, бошига рўмол ўралганди. Бундан сўнг Амр ўгай онасининг эри ҳисобланарди. Хоҳласа, унга ўзи уйланар, хоҳласа бошқасига берарди. Чиркин, бироқ кенг ёйилган одат эди бу. Эри ўлган бир хотин ўлган эрининг азасини қилсинми, ёки унинг яқинлари бошига рўмол ўраб қўймасликлари учун ўзини кўрисинми? У ё ҳаммасини қўйиб, ўзини эҳтиётини қилиши керак эди, ёки бошига тушган ишга рози бўлиши лозим эди. Учинчи бир йўл йўқ эди.

Жанозали уйдан чиқилгач, аза муддати тугарди. Амр ўгай онасига рўмол ёпгач, уни ҳеч кимга ҳадя қилиш ниётида эмаслигини айтди. Ўзи муносиб деб билган вақтда унга уйланди.

Шу нарса аниқки, бу йўл билан ов қилинган, ўгай ўғлига ёки эрининг ака-укасига хотин бўлган аёлларнинг биринчиси Хаттобнинг онаси эмасди.

Амр ўгай онасига уйлангач, Зайд дунёга келди.

Зайд улғайгандан кейин қавми қилаётган ҳар хил бетайинликларга нисбатан қалбида нафратни ҳис этди. Тошларга, ёғочларга «илоҳ» дея топинишнинг маъносиз эканини тушунди. Бунинг хато эканини очиқ айтишдан ҳам чекинмади. Лекин бу йўлнинг қаршисига биринчи бўлиб ҳам амакиси, ҳам акаси ҳисобланган Хаттоб тўғаноқ бўлди. Хаттоб Зайдни каттик калтаклаган эди.

Бундан сўнг қачонки Зайд кетмоқчи бўлса, Сафия Хаттобга хабар берар, масала шу йўл билан ҳал қилинарди. Аммо шундай кун келдики, калтагу дўқ-пўписа ҳам қилмайдиган бўлиб қолди. Эрта тонгда бир ишни битириб келишга чиқиб кетган Зайд оқшом пайти қайтиб

келмади. Сафия ўғли билан бирга эрининг ортидан кўз ёшини оқизганча қолди.

Зайд Ҳарам худудидан узоқлашгач, бир неча кун йўл юрди. Тўхтаган ерида дин олимларининг бор ёки йўқлигини суриштирар, кўнглида ёнаётган дардига малҳам қидирарди.

Ниҳоят, бир насроний роҳиб унинг саволига шундай жавоб берди:

— Сенга Исо алайҳиссаломнинг динига киришни тавсия қиламан.

— Исонинг дини кўнглимга ҳаловат бермаяпти.

— Нима учун?

— Чунки Ҳазрати Исо биргина Аллоҳга итоат қилишга чақирганди. Сизлар эса бунинг сонини учтага етказдингиз. Аллоҳ ягона бўлмаса, учта бўлиши шарт эмас. Менинг юртимда уч юздан ортиқ бут бор.

— Исонинг фақат Аллоҳга имон келтиринглар, деганини қаердан биласан?

— Чунки Аллоҳ ягонадир. Ўзига шерик бўладиган кишини пайғамбар қилиб юбормайди. Исодан кейин сиз қолдингиз. Яъни Аллоҳни учта деган Исо эмас, сизлар-сиз.

Зайд бир-икки сония кутди, ўзини ҳайрат билан тинглаган роҳибнинг кўзларига боқди:

— Мен эса фақат ягона Аллоҳга ибодат қиладиган дин қидирмоқдаман, — деди.

— У ҳолда сенга, эргашсанг ҳидоятга эришадиган бир дин ҳақида маълумот бераман.

— У қандай дин экан?

— Иброҳим алайҳиссаломнинг дини.

— Қани, менга у ҳақда маълумот бергин-чи?

— Мен сенга бу диннинг қандайлигини тушунтириб беролмайман.

— Нима учун?

– Чунки бу динни тўлиқ билмайман. Биладиган бирор кишининг борлигига ҳам ишонмайман.

Зайд роҳибнинг ёнидан кўзлари ёшли ҳолда чиқиб, яна йўлга тушди.

– Аллоҳим, сен шоҳид бўлки, мен Иброҳим пайғамбарнинг динидаман. Бу дин бўйича яшашни, шу динда ўлишни истайман! – деганча илгарилаб борарди.

Сўнг оғир-оғир қадамлар билан кетаётган туясининг устида Иброҳим пайғамбар танитган Аллоҳга сажда қилиш учун бошини туясининг бўйнига теккунча эгди. «Аллоҳим, Аллоҳим, мен сенга қандай ибодат қилишни ҳам билмайман!» – дея ингради.

Шом томонларда учратган роҳибга бошидан ўтганларни ҳикоя қилиб берганда роҳиб унга:

– Эй маккалик инсон! Билишимча, сен Иброҳим пайғамбарнинг динини қидириб юрибсан. Қидирганинг билан шу диндан хабардор бирор одамни учратишингга ишонмайман. У яҳудий ҳам, насроний ҳам эмасди. Тўғридан-тўғри ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишни амр қилган пайғамбар Иброҳим алайҳиссалом эди. Яҳудийлик ва насронийликнинг иккиси ҳам Иброҳим пайғамбарнинг динидан кейин вужудга келган.

Иброҳим пайғамбар намоз ўқир, сажда қилар ва ибодатларида сенинг юртингда жойлашган Байтга йўналарди. Чунки у байтни Аллоҳнинг амрига бинонан ўзи қурганди. Сен энди ўз юртингга қайтиб бор. Чунки яқинда Аллоҳ сенинг қавмингдан бир инсонни пайғамбар қилиб юборади. У сизларга Иброҳим пайғамбар тарафидан келтирилган соф динни ўргатади. У Аллоҳнинг энг сеvimли қули ва пайғамбари бўлади.

Шундан кейин Зайд Иброҳим пайғамбарнинг дини борасида бошқа нарса билолмаслигини тушуниб ортга қайтди. Учрашган дин олимлари берган энг охирги

маълумот ҳақ динни ўз юрти Маккада топишига ишора қилаётганди.

Маккага келди. Инсонлар ҳали ҳам бутларга сиғинишар, қурбонликлар қилиб, мол-дунё атардилар. Таниганлар унга:

— Қаерларда эдинг, нималар қилдинг? — дея саволлар берди.

— Варақа насронийлик динини танлабди, лекин у дин менга унчалик ҳам манзур келмади. Мен Иброҳим пайғамбарнинг динига ишондим, — деди.

— У нимага эътиқод қиларди?

— Нимага эътиқод қилганини билмайман, бироқ у нимага ишонган бўлса мен ҳам ишонаман, қабул қилишини Аллоҳдан сўрайман.

Бир куни Зайднинг куйидаги сўзларни пичирлаб айтиб юрганини кўришди:

— Роббим, чин маънода сенинг буйруғингга мунтазирман. Сенга қул ва хизматчи сифатида амрларингни бажарсам дейман. Яхшиликни соғинган қулингман, тақаббур эмасман. Қайноқ қумлар устида юрган киши ухлаб ётган одам каби бўлармиди?! Аллоҳим, юзим фақат сен учун сажда қилади. Менга қандай муомала қилсанг қил, нима қилсанг ҳам мен сенга йўналавераман.

Зайд шу мазмундаги байтларни ўқигач, эгилиб сажда қилди.

У шафқат ва марҳамат соҳиби эди. Шу сабабли ҳам тупроққа кўмиш ҳақида ҳукм қилинган қиз болаларнинг ҳайвондек ўлдирилишига асло чидаб туролмасди.

Шундай қайғули ишни қилаётган бир отани кўриб шундай деганди:

— Бу қизалоқни менга бер, ўзим боқиб катта қиламан.

Зайд шу йўсинда бир қизалоқни қутқариб қолди. Йиллар ўтиб, балоғатга етган, бир ҳуснига ўн ҳусн қўшилган қиз бўлгач, унинг отасига шундай таклиф қилди:

– Хоҳласанг қизингни олиб кет, хоҳласанг яна менинг уйимда қолаверсин.

Бу воқеадан сўнг Зайд яна шундай усулда бир қанча қизалоқларни жонини қутқариб қолди.

Хаттоб кичик укаси ва айна пайтда жияни бўлган Зайд қайтгач, ундаги ўзгаришларни кўриб унча хушламади. Уни қўлидан судраганча бутларнинг ёнига олиб борди.

– Қани, Зайд! Бутларга бир топингин-чи!

Зайд бу гапга рози бўлолмасди. Ахир, айнан шу бутларга сажда қилмаслик учун шунча вақт йўқ бўлиб кетди, юрагидаги ярага малҳам қидириб неча-неча чўлларни кечиб ўтди.

Юлдузлар чарақлаган осмон остида ёлғиз ўзи қанчадан-қанча тунларни тонгга улади. Неча кунлаб машаққатли сафарда «Аллоҳим, сени қидирмоқдаман. Аллоҳим, пайгамбар Иброҳимга юборган динингни ахтармоқдаман!» — деб юраркан, қайноқ кўз ёшлари оққанди. Бағридаги олов ловуллаб ёнганди. Хаттоб эмас, бутун дунё бир бўлганда ҳам бу ночор махлуқларнинг қаршисида сажда қилишга Зайдни мажбур эта олмасдилар.

– Мен айнан шу бутларга сажда қилмаслик учун ҳам дунё кездим, — деди.

– Яхши, демак сен буларнинг ҳақиқий илоҳ эканига ишондинг, шундайми?

– Йўқ, булар ҳақиқий илоҳ эмаслар. Уларга ибодат қилиш одамлар учун ҳеч нима бермайди. Улардан юз ўгириш ҳам зарар келтирмайди.

Хаттоб ишнинг яна чўзилишини хоҳламади, унинг табиати бунга йўл қўймасди. Масалани узил-кесил ҳал қилишга қарор қилди. Зайдни ўласи қилиб калтаклагач, бу ўй-хаёлларидан воз кечишини айтиб, уйига равона бўлди.

Макканинг Жидда тарафида Балда деб номланган ерида Абдулмутталибнинг набираси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ

(соллалоҳу алайҳи васаллам) ҳам Зайд ибн Амр билан ҳамфикр эди. Зайд бутларни ёқтирмайдиган, ҳаттоки улардан жуда нафратланадиган Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни яхши кўрарди, унга ҳавас қиларди. Анча йиллардан буён ўзи қидириб юрган улуғ инсонни ёнгинасида у билан суҳбатлашиб юрганидан беҳабар эди. Фақат бу эмас, бу гаплардан ҳали Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг ўзи ҳам мутлақо хабарсиз эди.

Зайд ҳам иштирок этган бир зиёфатда уларнинг олдиларига дастурхон ёзилди. Гўшти таом бор эди. Бутлар учун сўйилган жониворнинг гўшти эмасди бу. Шунга қарамай, Зайд ундан емади ва деди:

— Мен сизларнинг бутлар учун сўйилган молларингизни ҳам, Аллоҳ номидан бошқаси билан сўйилган молларингизни ҳам емайман. Чунки қўйни Аллоҳ яратган. Унинг яшаши учун ердан гиёҳ ундириб, осмондан ёмғир ёғдирган ҳам Аллоҳдир. Буларни билиб туриб, қўйни бутларнинг ёки бошқа бировнинг номи билан сўймоқдасизлар.

* * *

Бир куни Абу Бакрнинг қизи Асмо Каъбанинг ёнидан ўтиб кетаётганди. Зайднинг бутларга сиғиниб турган одамларга хитобан айтган қуйидаги гапларини эшитиб қолди:

— Эй қурайшликлар! Орангизда Иброҳим пайғамбарнинг динига эътиқод қиладиган мендан бошқа бирор кимса йўқ. Зиновдан узоқ туринг! Чунки у хорликка олиб боради. Аллоҳ номи билан сўйилмаган гўштлиқни ҳам еманг!

Кейин шундай мазмундаги байтни ўқиди:

— Мен юзимни залворли тоғларни, қояларни кўтариб турган Ерни яратган Зотга бурдим. Мен кўнглимни ширин ва ҳаётбахш сувларни ўзи билан олиб юрувчи булут-

ларни яратган Зотга таслим эттим. Шамоллар кимнинг амри билан ўннга, чапга эсадиган бўлса, мен ҳам ўша Зотга йўналдим ва Унга қул бўлдим.

Асмо у ерда кўп қолмади, чунки одамлар Зайдни ёмон сўзлар билан ҳақорат қилишни бошлаб юборгандилар. Бирор жанжал чиқиши аниқ бўлиб қолганди.

Хаттобнинг фикрича, Зайд еган калтаклар унга камлик қилаётгандек эди. Ҳали ҳам ўша эски тушунчалари билан юрганди. Биргина Иброҳим пайғамбарнинг динига эътиқод қилаётганди. Ҳар ерда пайдо бўлиб, одамлар билан баҳслашар, бутларнинг оддий тошдан фарқи йўқлигини айтиб ғавғо чиқараётганди.

Хаттоб уни яна тарбиялаш лозимлиги ҳақида ўйлади. У куч-қувватга тўла эди. Чинордек қоматга эга бўлиб бораётган ўғли Умарни ҳам гоҳ-гоҳида дўппослаб қоларди. Бироқ у отасининг ҳурмати учун жимгина елка тутиб турардими ёки бўлмаса отасига кучи етмасмиди?

Ҳақиқатан ҳам куч-қувватга тўла Хаттоб Зайдни тутиб олди. Иккинчи бор ўлгудай калтаклади. Кейин унга насиҳат қилган бўлди. Фойдаси бўлмагач, яна калтаклади ва:

— Бундан кейин Макка тупроғига оёқ босганингни кўрмай, чунки энди одам бўлмаслигинг аниқ, — деб қувиб юборди.

Иш ўлимга олиб бориши мумкин эди. Шу сабабдан Зайд ватанини тарк этди. Маккадан ҳеч ҳам узоқлашгиси келмасди. Макка атрофидаги тоғу тошларда, ғорларда ётиб юрди. Ора-сирада кўзлари ёшга тўлганча мунгли байтлар ўқирди. Дунёда фақат биргина орзуси борлигини, юборилган охирги пайғамбарни учратиб, унинг оёқлари тупроғини кўзига суртмоқчи эканини қайта-қайта такрорларди.

Хаттоб Маккадаги ёшлардан бир гуруҳ тузди. Зайдни қаерда кўрсалар ҳам тўшбўрон қилишларини буюрди.

Зайд бирор хабар топиш умиди билан келганда ҳар гал бу йигитларнинг тошларига нишон бўларди.

Бу бир неча бор такрорланди. Ҳар доим рўпарасидан чиқиб тош отиб қувишарди. Зайд Шом тарафларга бош олиб кетди. Тилида шу мазмундаги байтлар бор эди:

«Воқеалар ақл билан ўйланса, мен биргина Аллоҳга қулдирман. Мен Лотни ҳам Уззони ҳам тарк қилдим. Жасорат ва сабр эгаси худди шундай иш қилади. Мен на Уззони илоҳ дейман, на унинг икки қизини. Бани Амрнинг икки бутини ҳам зиёрат қилмайман. Бизнинг биргина Роббимиз борки, фақат Унга ишонамиз. Чунки ақлимиз ҳали жойида...»

Зайд Шомда янги дин қидирмоқчи эмасди. Фақат ичида ёнаётган оловни пасайтирмоқчи эди. Уни учратган бир роҳиб:

— Қаерлардан келаяпсан, эй туякаш? — деди.

— Иброҳим ўғилларининг юртидан.

— Яхши, мақсадинг нима?

— Ҳақ динни топиш.

— У ҳолда сен юртингга қайт. Ҳақ динни ўзи билан бирга олиб келадиган пайғамбар ё чиқди, ёки энди чиқиш арафасида.

Зайд иккинчи бор Маккага қайтди. Нима бўлса ҳам энди унга барибир эди. Қалбини буюк ҳаяжон эгаллаб олганди. Босган ҳар бир қадами борган сари уни Ҳарам ҳудудига яқинлаштирарди. Аммо Арзи Лаҳм деган жойга келганда пешонасидан совуқ терлар чиқиб кетди.

Атрофини танимайдиган одамлар ўраб олганди. Балки улар қароқчидирлар. Зайд уларнинг ҳеч бирини танимади. Уларнинг қўлидан қутулиш учун ҳар нимасини беришга тайёр эди. Лекин бу кишилар уни қўйиб юбормоқчи эмасдилар.

Охир-оқибат Зайд оғир бир зарба таъсирида бу дунёдан кўз юмди.

Бу вақтда Қурайш ҳали ҳам Каъбанинг таъмири билан машғул эди.

Унинг ўлимига кўз ёш тўкканлар орасида Варақа ибн Навфал ҳам бор эди. У биродарининг ортидан қуйидаги мазмумли байтларни айтиб қолди:

«Эй Амрнинг ўғли! Тўғри йўлни топдинг. Соф ва ҳалол ҳаёт кечирдинг. Қизиган оловли жаҳаннамдан йироқ бўлдинг. Бунинг сабаби, сен ёлғиз ва ягона бўлган Аллоҳга ишондинг, бутларга қайрилиб ҳам қарамадинг. Баъзан инсон ернинг етмиш қават остида бўлса ҳам унга Роббисининг раҳматлари тўсиқсиз ҳолда етиб боради».

ҒАРОЙИБ САЁҲАТ (Пайғамбарликнинг кутилиши)

Фижор жанггининг қаҳрамонларидан бири сифатида билганимиз Умайя ибн Ҳарб сафар пайтида вафот этганди, сафардаги шериклари уни ўша ернинг ўзига кўмгандилар.

Маккага келган заҳоти унинг ўлганини хабар қилдилар. Бу мудҳиш хабарни эшитганлар унинг қабрини қаерда эканлигини сўраганларида хабарни олиб келганларнинг шоирликка мойилроғи шундай жавоб берди:

– Ҳарбнинг қабри изсиз чўлдадир, унинг қабри олдида бошқа бир қабр йўқ.

Шундай дейишга мажбур эдилар. Чунки энди ўзлари қайтиб боришганда ҳам, Умайя ибн Ҳарбнинг кўмилган ерини тополмаган бўлишарди.

Энди Амавийларнинг раиси Ҳарбнинг ўғли Абу Суфён бўлиб қолди. Маккада илк номи тилга олинган ўн кишидан бири Абу Суфён эди.

Каъба таъмирланаётган вақтда Сақиф қабиласининг машҳур шоири Умайя ибн Абу Салт Абу Суфён билан бирга Шом сафарида эдилар.

Насронийларнинг қишлоғида дам олиш учун тўхтадилар. Қишлоқдаги бир неча киши шоир Умайя ибн Салтга ҳурмат бажо келтирди, ҳадялар берди. Ўзини ҳам меҳмонга чақирдилар. Умайя уларга эргашиб, бир қанча вақт қолиб кетди.

Умайя борган жойидан қайтиб келгач устидаги кийимларини ечди ва қоп-қора рангли кийим кийиб олди. Сўнг Абу Суфёнга:

– Насроний олимларидан бири билан кўришишни хоҳлайсанми? — деди.

Абу Суфён ўйлаб ҳам ўтирмай жавоб қайтарди:

– Йўқ.

– Нима учун?

— Чунки менга ёқадиган гапни гапирса, унга ишонмайман. Агар ёқмайдиган гап гапирса асабийлашаман.

Умайя ёлғиз ўзи кетди. Қайтиб келганида тун ярмидан ўтганди. Хурсанд эди, уйқуга ётди, лекин тонг отганда ҳам кўзларига уйқу келмади. Юзидан ғамгинлиги сезилиб турарди. У гапирмади, Абу Суфён ҳам ҳеч нима демади. Ниҳоят Умайя жимликни бузди:

— Йўлга чиқмаймизми?

— Хоҳласанг чиқамиз.

Яна йўлга отландилар. Икки кун йўл юрилди. Умайя ҳеч гапирмас, фақат ниманидир ўйлаб кетарди. Учинчи кун:

— Гапдан ол, эй Абу Суфён, — деди.

— Ўзинг нега ҳеч гапирмайсан? Ўша насронийнинг олдига борганингдан буён лом-мим демадинг. Сени ҳеч бундай аҳволда кўрмагандим. Нималар бўлганини айтарсан балки!

— Менга ҳеч нима бўлгани йўқ. Мен фақат ўша қайта тирилишдан кўрқаяпман.

— Қандай тирилишни айтяпсан?

— Ўлгандан кейин тирилишни айтяпман-да.

— Сен бу гапнинг жиддийлигига ишонасанми?

— Албатта, ҳаммамиз ўлгач яна қайта тириламиз.

— Мен айтган гапга кирсанг, яхши бўларди.

— Нима экан у?

— Ўлганингдан кейин умуман тирилмайсан ва ҳисобкитоб ҳам қилинмайсан. Гапимга ишонавер.

Умайя аччиқ-аччиқ кулди.

— Эй Абу Суфён, мен билан ҳазиллашма. Қасам ичиб айтаманки, ҳар бир одам ўлгач, қайта тирилади. Ҳисобкитоб қилинган, уларнинг бир қисми жаннатга, бир қисми жаҳаннамга йўл олади.

Абу Суфён киноя билан сўради:

— Сенинг олим дўстингга кўра, ўзинг жаннатга тушасанми ёки дўзаҳга?

— Бу ҳақда на мен биламан, на олим дўстим.

Суҳбат шу ерда узилди.

Умайя Абу Суфённинг гап уқмайдиган аҳволини кўриб ачинди, Абу Суфён ҳам Умайяга кўз остидан кулиб қараб қўйди. Анча вақт шундай кетдилар.

Шомдан қайтишда бир қишлоқда тўхтадилар. Умайя яна ўша дўстининг олдига бориб, гамгин ҳолда қайтиб келди. Абу Суфён энди унинг дардини билгани учун ҳеч нарса демади. Жимликни яна Умайя бузди:

— Бирор қулайроқ ерга борсак, нима дейсан, эй Абу Суфён?

Бир четга бориб тўхтадилар.

— Гапирсангчи, Абу Суфён!

— Нимани гапирай, сенинг эски ҳикоянгними?

— Утба ибн Робиа ҳақида айт. У зулм ва ҳақсизликдан сақланган кишими?

— Албатта, худди айтганингдек.

— Қариндошлари билан яхши, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилади, шундайми?

— Абатта, Робианинг ўғли айнан шундай!

— Отасию онасининг ҳам насли тоза, шарафли оиладанми?

— Худди шундай!

— Қурайш орасида унда шарафлироғини биласанми?

— Йўқ, билмайман.

— Камбағал одамми?

— Йўқ, яхшигина бойлиги бор.

— Ёшини биласанми?

— Етарлича катта.

Умайя шунча савол-жавобдан сўнг ўзига-ўзи айтаётгандек деди:

— Бойлик ва ёш... Мана шулар Утбанинг энг катта камчиликларидир.

— Адашаяпсан, нега энди қусур бўларкан? Утба учун бу иккиси юксак шараф ҳисобланади.

Умайя Абу Суфёнга олайиб қаради:

— Мен билиб гапирмоқдаман. Мен айтганлар айна ҳақиқатдир.

— Сен мендан ниманидир яширяпсан, Умайя. Қани айт, менга нима ҳақида гапирмоқчисан?

— Келажакда бўлиб ўтадиган ҳодисалар ҳали сенга менинг бу гапларимни эслатади. Ўшанда мен айтган гапларни яхшилаб ўйла.

— Ахир, бирор нима деганинг йўқ-ку!

— Мен паришон ҳолда қайтиб келган кунимни эсла. Ўшанда мен олим дўстим билан кўришгандим.

— Эсладим.

— Мен ундан кутилаётган пайғамбар ҳақида гапириб беришини илтимос қилдим. Ўртамизда шундай суҳбат бўлиб ўтди:

— У араб миллатига мансуб бўлади.

— Араб эканини мен ҳам биламан, қайси араблардан?

— Араблар зиёрат қиладиган Байтнинг атрофидан, яъни Қурайш қабиласидан.

Шу ергача гапирган Умайя сўзларини яна давом эттирди:

— Устимдан сув қуйилгандек бўлди. Умримда бу даражада ҳаяжонланмагандим. Дунё ва охират ҳаётини бой берганимга амин бўлдим. Чунки бу вазифа менга берилишидан умидвор эдим. Олим дўстимга айтдимки:

— Яхшироқ тушунтир, у пайғамбар қандай бўлади ва ким?

— Ўрта ёшларга етганда пайғамбарлик бериладиган бир инсон. У зулм қилишдан, ҳақсизликдан сақланади. Қариндошлик ришталарини узмайди, қўшнилари билан яхши муносабатда бўлади. Камбағал бўлади, ота ва она тарафдан ҳам асл насабли. Халқ орасида ҳурмат-эътибори бор. Ёрдамчиси фаришталардир.

— Умайя, сен айтаётган гапларнинг бари уйдирма. Агар Аллоҳ бирор пайғамбарни юбормоқчи бўлса, ёши улуг бой одамни танлайди.

КАТТА БОЗОР

(Укоз)

Укоз — Арабларнинг узоқ вақтлардан буён давом этиб келаётган бозори жойлашган ер. Бу ерда савдо-сотиқнинг ҳар қандай турини учратиш мумкин эди. Узоқ юртлардан чўлу биёбонларни ошиб келган карвонлар, Шомдан Ямангача бўлган ҳудудда жойлашган шаҳар ва қишлоқларнинг маҳсулотларини шу ерга олиб келишарди. Шом ва Яман ўртасида узаниб ётган юзлаб чақиримли йўлда Укоз бозоридан-да катта бозор йўқ эди. Бунчалик кўп оломон, харидору сотувчиси бу қадар кўп бозорни араблар бошқа бир ерда борлигини билмасдилар.

Бир томонда мева-сабзавотлару, бир томонда кийим-кечаклар, бошқа тарафда эркагу хотин, қарияю болалардан иборат кул бозори харидорларини кутиб ётарди. Нариги томонда ҳайвонлар сотиладиган бозор ҳам бор эди.

Шу билан бирга ҳар томонда ўчоқларда ўт ёнар, келган-кетганларга таомлар таклиф қилинади. Махсус тайинланган кишилар:

— Овқати бўлмаганлар, ётоғи бўлмаганлар, тўлашга етарли пули бўлмаганлар бу ёққа келинглар... Душманларидан қўрққанлар бу ёққа келсин! Эркини сақлаб қолишга пул топа олмаганлар бу ёққа, фалон зотнинг ёнига келсин! — дея бақириб юришарди. Шоирлар шеър ўқир, нотиқлар баланд жойга чиқиб олиб, ваъзхонлик қилишарди.

Хадичанинг молларини бозорга олиб келган Улуф Амин Абул Қосим Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳам бу йил савдо-сотиқ қилиш учун Укоз бозорига келганди. Майдоннинг ўртасида қизил тунинг устида халққа ҳитоб қилиб турган қариянинг гапларини охиригача эшитди. Бу Иёд қабиласидан бўлган машҳур нотиқ Қусс ибн Соида эди. У араб қабилалари

орасида чиройли нутқи билан шуҳрат топганди. Қария Араб адабиёти учун намуна бўла оладиган нутқини шундай бошлади:

— Эй инсонлар, тингланг ва билиб олинг! Бирор нарсани ўргансангиз ундан фойдаланинг. Сира шубҳа қилмангки, туғилган ўлади, ўлгач номи ўчади. Тақдирга нима ёзилган бўлса, ўша бўлади.

Ёмғир ва майса, озиқ-овқат ва неъматлар, ота ва оналар... Оломон ва ёлғиз кишилар... Ибрат олинувчи далиллар ва яна бир қанча далиллар...

Кўкда хабар бор, ерда ибрат. Қоронғу кеча буржлари билан гўзал, дунё водийлари билан, денгиз тўлқинлари билан гўзалдир...

Менга нима бўлмоқда? Инсонларнинг кетаётганини кўраяпман. Улар энди ҳеч қачон ортларига қайтишмайди. У ерда рози бўлиб қолдиларми ёки уйқуга чўмдиларми?!

Қусс рост бир қасам билан тўғрилиқдан айрилмаган, гуноҳга алоқаси бўлмаган бир қасам билан қасамёд қиладики, Аллоҳнинг бир дини бордир. У дин бугунги динимиздан кўра хайрлироқ. Бир пайғамбар бордурки, келадиган они яқинлашди, сояси устимизга тушиб турибди.

Унга етишган, унга иймон келтирган ва у орқали ҳидоятга эришган киши қандай бахтли! Унга қарши исён қилган, гуноҳ қилганларга афсуслар бўлсин!

Фафлатда қолганлар, ўтиб кетган асрлар, ўша асрларда яшаган умматлар ҳалок бўлишди. Эй Иёдликлар, боболар ва оталар қани? Қадамидан ўт чақнаганлар қани? Катта-катта бинолар қуриб, безак берганлар? Қани мол-мулклар, қанчадан-қанча авлодлар? Йўлдан озиб қутурган, «Мен сизнинг Роббингизман» — деган фиръавнлар қани?

Улар сиздан кўра бойроқ, сиздан кўпроқ умргузаронлик қилмадиларми? Дунё тегирмони уларни ҳам ўз тошлари орасига олди. Қарши чиққанларнинг боши ян-

чилди. Мана уларнинг чириб кетган суяклари, бўш ва хувиллаб қолган уйлари. Энди бу уйда қурт-қумурсқалар яшамоқда. Йўқ, барчаси сиз ўйлаганчалик эмас. Ёлғиз ва ягона Аллоҳ бордир, ибодатга лойиқ бўлган ҳам Удир. Туғмаган ҳам туғилмаган ҳам ва туғдирмаган ҳам.

Ўтиб кетган умматларнинг ҳаёти биз учун ибратхонадир. Ўлимга қараб кетган ва қайтиши бўлмаган йўлларни кўрдим. Қавмнинг каттаю кичик — бари шу йўлнинг охирига борганларини гувоҳи бўлиб, кетган қайтмаслигини, қолган эса абадиймаслигини билиб, аниқ бир тўхтама келдим: бошқаларнинг бошига келган ўлим мени ҳам қидириб топади.

Қусс ибн Соида сўзларини шундай тугатди. Бир нарса қизиқки, «Аллоҳнинг охирзамон пайғамбари бор, яқин орада келиб қолади...» — деганда ўзини тинглаб турганлар ичида ўша оламларга раҳмат бўлиб келгувчи набийнинг борлигидан бошқалар каби беҳабар эди. Шунингдек, бир неча йилдан сўнг вазифа олиши аниқ бўлган Улуғ Амин ҳам.

Бу пайтларда ўттиз олти — ўттиз саккиз ёшлар оралиғида бўлган Ал-Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Қусс ибн Соида тилга олган ҳақиқатларни вақт ўтиб тушунди. Инсонлар том маънода бир ботқоқлик ичида эдилар. Борган сари чуқурроқ ботмоқда эди. Бу аянчли ҳаётнинг тамал тоши ўзининг кимлигидан, нималигидан хабарсиз бўлган тош бутларга сиғиниш устига қурилганди.

Энг кичкина сабаб ҳам катта бир жанжалнинг бошланиб кетишига етарли эди. Бу жанжал туфайли бирор одамнинг ўлиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди. Гўдаклигидаёқ кўзига қум тортилган қизларнинг сон-санови маълум эмасди. Бу қабиҳ иш борган сари авжланиб бормоқда эди. Шароб ҳар бир мажлиснинг энг бошида турадиган ва ҳеч қачон воз кечилмас ичимлиги эди. Ичмайдиган-

лар бармоқ билан санарли даражада кам. Аллоҳнинг гўзал бир неъмат қилиб яратган хурمولари, узумлари олдин ачитқи ҳолига келтирилар, сўнгра ичиларди. Уни бир бор ичганлардан ачитқи ҳиди уфуриб турарди.

Инсонлар бозорга олиб чиқилиб, ҳайвондек сотиларди. Уни сотиб олганлар ҳам бу одамларга буюмдек муносабатда бўлардилар. Бу бечора қулларнинг ҳам ўзларидек инсон эканини ҳеч ким ўйламасди.

Баъзи-баъзида бундай ҳолатга қарши чиққанлар ҳам учраб турар, лекин улар халқнинг дардига дармон бўладиган даражада эмасдилар. Улардан бир Ҳотам Тои бўлиб, жўмардлиги билан шуҳрат топган бўлса, бири Зайд ибн Амр эдики, қумга кўмилишига бир баҳя қолган бир қанча қизалоқларни қутқариб вояга етказганди. Яна бири Абу Бакр эди. У бутларга топинмас, шароб ичмас, зинога яқин йўламасди. Бири Қусс ибн Соида – Укозда янги пайғамбар келиши ҳақида нутқ сўзлаганди.

Албатта, булар саодатга эришиш учун камлик қиларди. Улар худди катта бир дарёда оқиб кетаётган кўпикларга ўхшарди. Жаҳолат дарёсининг йўлини тўсиш учун эса, улкан бир тўғон лозим эди. Бу ишни фақатгина Аллоҳ томонидан юборилган пайғамбаргина қилиши мумкин эди.

Муҳаммад Ал-Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳаётининг ўттиз тўққиз йилу олти ойини ортда қолдирганди. Жуда машаққатли ҳаёт сўқмоқлари орқали шу кунгача етиб келганди.

Ҳали туғилмай отасидан, олти ёшида онасидан, саккизга тўлганда бобосидан жудо бўлишнинг азобини тотиб кўрганди. Абу Толибнинг уйида йигирма беш ёшигача ҳаёт кечирди, кейин Хадичага уйланди.

Ўқиш ва ёзишни билмас, бу борада ҳеч кимдан дарс олмаганди. Бошқаларга ўхшаб бирор кишидан илм ўрганмаганди. Чунки бунга имкон ҳам йўқ эди. Шундай

бўлса-да Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳар қандай инсон ибрат олса арзийдиган даражада одоб ва хулқ соҳиби бўлиб вояга етди. Атрофида доимо уни кузатиб юрганлар, феълу атворини яхши биладиганлар «Ал-Амин» дея ном бергандилар.

Унга бу номнинг берилганига ҳам неча йиллар бўлиб кетди. Ҳеч кимса унинг бу номга номуносиб иш қилганини кўрмади. «Бундай номга унинг нима боғлиқлиги бор?» ёки «Бу номни унга бекор берибмиз!» — деганлар ҳам бўлмади.

ОЛАМ УЗРА ТУШГАН НУР

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) шаҳардан ташқарида айланиб юрганди.

– Салом сизга, эй Аллоҳнинг Расули!..

У ёқ бу ёққа қаради, ҳеч кимса йўқ эди. Овоз узоқдан келмаганди. Янглиш эшитди, деб ҳам бўлмасди.

– Ассалому алайка, йа Расулуллоҳ!

Бу овозни иккинчи марта эшитди. Яна атрофга қаради. Кўз илғайдиган жойда ҳеч ким йўқ эди. Кимдир беркиниб олиб чақираяптими, деса бу ерда беркинадиган жойнинг ўзи йўқ эди.

– Сизга салом бўлсин, эй Аллоҳнинг Пайғамбари!

Учинчи бор бу овозни эшитгач, қаердан келаётганини аниқлади. Бу овоз тошдан келмоқда эди.

Ал-Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) у ердан узоқлашди.

Суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам орадан бир неча йиллар ўтқач, бу воқеани эслаб, «Маккада нубувват келмасидан илгари менга салом берган тош бор эди», – деб марҳамат қилгандилар.

Аллоҳнинг Расули нима дегани? Кимга айтди бу сўзни? Бунинг маъноси нима?

Энди Ал-Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) тушлар кўра бошлади. Бу тушлар ўнгида ҳам рўй берарди. Унинг устига бу тушлар бир-икки эмас, ўттиз тўққиз ёшининг сўнгги олти ойидан ҳар куни муттасил кўринди. Энди кундуз куни нима бўлишини тушда кўргани боис бемалол айтиб бера оладиган ҳолга етганди. Чунки бу тушлар қуёш нуридек ёруғ, ойдин тушлар эди.

Тафсилотлари ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаганимиз, бу тушлар бошланган вақтдан буён беш ой ўтган, Рамазон ойи яқинлашиб келаётганди. Бу сафар Улуғ Аминнинг кўнгли ёлғизликни истади ва истак кундан-кунга кучайиб борди. Гузарда, бозорда, ҳаттоки

уйда ҳам ҳаловат тополмай қолди. Кимсасиз ерларни, ёлғизликни озру қила бошлади.

Одамлар орасида унинг дилини оғритган ҳеч кимса йўқ эди. Уйида ҳам ҳузур-ҳаловат ҳукмрон эди. Аёли Хадича, қизлари Зайнаб, Руқайя, Умму Кулсум ва Фотима, боқиб олган ўғли Зайдлар ҳам шикоят қиладиган аҳволда эмасди. Қизларидан Зайнабни Хадичанинг синглиси Ҳоланинг ўғли Абул Осага турмушга берган, Руқайя ва Умму Кулсумни амакиси Абдулуззонинг икки ўғлига унашиб қўйганди.

Сиқиладиган ҳеч нима йўқ эди. Шунга қарамай, кўнглида узоқ вақт ёлғиз қолиш истаги жўш урар, нима қилса ҳам ундан ҳеч қутила олмасди.

Рамазон ойи кириб келган вақтда бу истак ўзининг ҳадди аълосига етди.

Аслида бир неча йиллардан бери Рамазон ойи келгач, Макка халқидан баъзилари каби у ҳам Ҳиро тоғига чиқиб кетар, у ерда бир ойча туриб, келган-кетганга ҳурмат кўрсатарди. Инсонларнинг жоҳилликларидан узоқда бўлишни, қайтгач эса олдин Каъбани тавоф қилиб, сўнг уйига боришни одат қилганди.

Бу йил ҳам Рамазонни ўша ерда ўтказишни хоҳлади. Бу хоҳиш шу қадар кучли эдики, агар ўзи бормаса, кимдир келиб олиб кетадигандек эди гўё.

Ўй-хаёлларини ўзини энг яхши тушунадиган аёлига очди. Хадича ҳам унинг фикрини тўлиғича маъқуллади. Кейин вақтдан ютқазишни истамай, озиқ-овқатларни тайёрлади. Ортидан унинг ҳар ҳолатига мафтун бўлган аёли, қизлари ва Зайд:

— Тезроқ қайтишингизни кутамиз!

— У ерда бизни ҳам ёдга олинг, отажон!.. — деган сўзлар билан йўлга кузатдилар.

Хадича турмушга чиққан кунидан бери эрини фазилат йўлида илгарилаб бораётганини сизди, доимо яхши кўрди ва бундан асло пушаймон бўлмади. Унга жуда қаттиқ ишонарди. Охирги пайтда бир тошнинг:

«Салом сизга, эй Аллоҳнинг Расули!..» деганини айтганда:

— Ёлғон гапиряпсиз, ҳеч замонда тош ҳам гапирадими? Ким кўрган экан тошнинг гапирганини? — демади. Ёки: «Тўхта, тагин бу жин ва шайтонларнинг иши бўлмасин!» — деб ўйламади. Юрагида таъриф қилиб бўлмас даражада бахт ва мамнунликни ҳис этди, юзлари кулди. «Бу ишларнинг ҳаммаси ҳали ойдинлашади», деган фикр ўтди кўнглидан.

Бу сафар ҳам эрининг ёлғиз қолмоқчи эканини эшитгач, уни тўғри тушунди. Маънавий оламлардан узатиладиган бир қўл эрига, албатта, ёрдам беришига қаттиқ ишонди.

Улуғ Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бир соат йўл юргач, Ҳиро тоғининг олдига келди. Энди юқорига чиқиш талаб қилинарди. Тошларга тирмаша бошладди. Чақирилган жойга бораётган одамдек шошиларди. Ниҳоят, тоғнинг чўққисига яқин ерда жойлашган горнинг олдида тўхтади. Маккадан чиққандан буён бу тоққа, унинг чўққисига чиқишни ундаб: «Юр, яна олдинга юравер», деган ички овоз энди шу горга киришга ундаётгандек эди. Янада юқорига чиқишни истамади.

Худди уни бошқараётган ғайриоддий куч бордек эди. Келиб-келиб бошқа тоққа эмас, айнан Ҳиро тоғига, бошқа бир горга эмас, фақат шу горга олиб келганди. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллалоҳу алайҳи васаллам) горга жойлашди.

Орадан кунлар ўтди.

Бир куни Хадича рўпарасида Муҳаммад Ал-Амин (соллалоҳу алайҳи васаллам)ни кўриб жуда севинди.

Озиқ-овқати тугаганди. Яна ғамлаб, ғорға қайтмоқчи эди. Тез фурсатда озиқ-овқат ҳозир қилинди. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ яна уйдан чиқди. Каъбани тавоф қилгач, яна тоғдаги ғорға қараб йўл олди.

Тақдир уни ҳар тарафдан кузатиб тургандек эди. На Маккада тинч қўяр, на бирор жойга бош олиб кетишига изн берарди.

Яна ўша ғорға борди. Бу ғорда у нима қиларди? Бу нарса тарих варақларига яширилган сирдир.

Сийрат китобларида: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ваҳий келишидан аввал ғорда «таханнус» ибодатини қилишлари келтирилган. Бу ибодат Иброҳим алайҳиссаломдан сақланиб қолган, ўзгартириш кири-тилмаган ибодат эди.

Эҳтимол, Улуғ Амин малакут оламидан келган қатъий қарор билан берилган илоҳий ҳукм ёрдамида ортиқча ҳар қандай алоқалардан узилгандир. У ерда эртанги куннинг ягона ва буюк қутқарувчиси бўлиши учун керакли бўлган руҳий қувватни аста-секин ўзига сингдиргандир.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) фақат инсонлардан узоқроқ бўлиш истагини ҳис этди. Ғорда бўлган вақтида бу туйғунинг роҳатини сизди. Ҳиро тоғининг қоялари орасидаги бу ғордан залолатнинг селларига, жоҳилиятнинг кучли бўронларига қул бўлган инсонларни, борган сари файзини йўқотиб бораётган муборак шаҳарни кузатди. Бу орада озиқ-овқати тугаган вақтларда Маккага тушди, тезда яна егулик ғамлаб, ўзини чорлаётган ғорға чиқиб кетди.

Рамазон ойининг йигирма олтинчи кунини ўтиб, атрофни тун қоронғулиги эгаллаганди. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) яна фақирона солинган ётоғига чўзилди. Ҳар доимгидек уйқуга кетди, эрта тонгда уйғонди. Тўғрироғи, ғалати тарзда уйғотилди. Бошқа ухлай олмади. Орадан бироз вақт ўтди. Бирдан

горда шу пайтгача ҳеч қачон кўрмаган хилқат пайдо бўлди. Бу хаёл эмас, аниқ кўриниб турган ҳақиқат эди. Аллоҳнинг хос вазифаси билан юборилган фариштаси Жаброил алайҳиссалом эди бу.

Фаришта Ал-Амин бўлган Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га:

— Ўқинг!.. — деди.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳаяжон ичида жавоб берди:

— Мен ўқишни билмайман!

Фаришта унинг икки билагидан ушлаб қаттиқ силтади. Шундай қаттиқ силтадики, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ суякларининг қирсираб кетганини сизди. Фаришта уни қўйиб юбориб, яна олдинги буйруқни берди:

— Ўқинг!..

— Мен ўқишни билмайман!..

Фаришта яна унинг билагидан ушлаб қаттиқ сиқа бошлади. Сиқиш шу даражада эдики, Улуғ Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) кучи қолмай, қуввати тугаганини, суяклари бир-бирининг орасига кириб кетганини ҳис қилди. Бир одам боласининг бундай оғриққа дош бераётгани мўъжиза эди. Фаришта уни яна қўйиб юбориб, буйруғини такрорлади:

— Ўқинг!..

— Мен ўқишни билмасам, қандай ўқийман?!

Фаришта уни учинчи марта силтаб сиқди. Қўйиб юборган пайтда Улуғ Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) худди ўлимдан қайтгандек бўлди. Эту суяклари бир бўлиб кетганди. Энди яшашдан умидини узди. Ўзини тақдир ҳукмига ҳавола қилди.

Бу сафар фаришта беш оятдан иборат илк ваҳийни зеҳнидан ҳеч қачон чиқиб кетмайдиган қилиб, қалби ва руҳига шундай нақшлади:

اقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ {1} خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ {2} اقْرَأْ وَرَبُّكَ الْأَكْرَمُ
{3} الَّذِي عَلَّمَ بِالْقَلَمِ {4} عَلَّمَ الْإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَمْ {5}

Мазмуни: Ўқинг! Бутун борлиқни яратган зот бўлмиш Роббингиз исми билан! (У) инсонни лахта қондан яратди. Ўқинг! Роббингиз эса карамлидир. У инсонга қалам билан (ёзишни ҳам) ўргатди. У инсонга билмаган нарсаларини билдирди (**Алақ сураси 1–5-оятлар**).

Кейин фаришта ғойиб бўлди.

Улуғ Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) умрида кўрмаган, ўйламаган, хаёлига ҳам келмаган бир ҳодиса қаршисида қолганди. Қаттиқ ларзага тушди.

Саводи бўлмаган бир одамга такрор-такрор «Ўқинг!» — деган буйруқнинг берилиши, ўқишни билмаслигини айтганда ҳар сафар тоқати етмайдиган даражада қийноққа солинишдан мақсад нима эди?

Нима учун фаришта ваҳий қилган ушбу беш оятни биринчи галдаёқ айтиб кўя қолмади.

Унинг ёмон мақсад йўлида келмагани аниқ эди. Чунки бу фаришта таърифга сиғмайдиган даражада қувват соҳиби эди. Ўзига яраша қувватли инсон бўлган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) унинг қаршисида фақатгина «Мен ўқишни билмайман!» — деб жавоб қайтара олди. Уни сиқиб азоб берган вақтда «Нима қиляяпсан?» дея олмади. Ёки иккинчи ва учинчи силташда «Етар энди, ҳаддингдан ошиб кетдинг!» — деб айтишга имкон топмади, ҳаттоки бу гап унинг хаёлига ҳам келгани йўқ.

Энди Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг хаёлида фақат ғордан чиқиб уйига тезроқ бориш истаги бор эди. Жуда кўрққанди, ақлдан озишига оз қолганди. Ғордан чиққан пайтида тонг шафағи кўрина бошлаган, атрофда саҳар вақтининг саринлиги бор эди.

Оқшом пайти Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бўлиб кирган ғоридан саҳар вақти МУҲАММАДУР РАСУЛУЛЛОҲ бўлиб чиқди. Бутун инсониятга охирги бор шараф бағишловчи буюк пайғамбар билан само орасида йигирма уч йил давом этадиган ваҳий Ҳиро тоғидаги бу муаззам маросим ила бошланди. Илк ваҳий қалби пок, ўзи пок Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га Жаброил фаришта ёрдамида олиб тушилди.

Бироздан кейин қуёш бутун ҳашамати билан чарақлаб чиқади. Коинот яратилган кундан буён ҳеч бир куннинг тонги бунчалар хайрли, қувончли хабар билан бошланмаганди.

Аслида ҳақиқий қуёш Ҳиро тоғидаги ғорда туғилганди. Бутун коинотни қамраб олувчи раҳматнинг намунаси, ҳидоят йўлининг энг буюк ва энг сўнги раҳбари, Аллоҳнинг энг шарафли, энг севиқли, энг буюк пайғамбари тоғу тошдан пастга қараб тушиб келарди. Бутун вужудини ларзага солган муаззам ҳодиса берган ҳаяжон ҳали ҳам тарқалмаганди. Муборак қалбида фаришта айтган сўзлар тинмай жарангларди.

– Яратган Роббингиз исми билан ўқинг!..

Қоядан пастга тушди. Водийга тушиб олгач, Маккага қараб йўл олди. Уйига келгунча ғорда бўлиб ўтган ҳодиса хаёлидан кетмади. Фаришта ўқиган оятлар тинимсиз миясида айланаверарди. Ҳаттоки бир-икки бор унга салом берган тошнинг навбатдаги саломига ҳам диққат қилмади.

Хадича хоним қуёш чиқа бошлаган вақтда уйга кириб келган эрининг юзларидан бир нима бўлганини сезди. Гуллар каби лов-лов ёниб турувчи бу юзларда ғордаги ҳодисанинг даҳшати кўриниб турар, елкалари тинмай титрарди.

– Мени ўраб қўйинглар, мени ўраб қўйинглар!..

Устига кўрпа ёпилди, бироз вақт шу ҳолатда ётди.

Бироз тинчланиб олгач, бўлган воқеани Хадичага айтиб берди. Сўзларини:

— Жуда-жуда кўрқиб кетдим, — дея тамомлади.

Ҳаётнинг пасту баландини кўп кўрган аёл Хадича хоним кўпдан бери кутиб юрган хушхабарини эшитганидан қувонди. Айтилган гап оддий гаплардан эмасди. Инсонларни залолатдан ҳидоятга бошловчи пайғамбар билан илк ваҳийнинг бошланиши, албатта, шундай содир бўларди. Хадича ҳеч ҳам ўйлаб ўтирмади. Бир меҳрибон отанинг ҳамда оламларга раҳмат бўлиб келган буюк пайғамбарнинг аёлига хос тарзда виқор ва қатъият билан шундай деди:

— Аллоҳ сизни ҳеч қачон паришон ҳолда, ёрдамсиз ва ёлғиз ташлаб қўймайди. Чунки сиз қариндошлик ипларини узмаган, мусофирга икром кўрсатган, кучсизларга ёрдам берган, қўшнилар билан яхши муносабатда бўлувчи инсонсиз.

Кейин Хадича хоним Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг қўлидан тутганча амакиваччаси бўлмиш Варақа ибн Навфалнинг олдига олиб борди.

— Эй амакимнинг ўғли, эрим айтаётган сўзларни эшит, — деди.

Варақа Муҳаммад Ал-Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни катта ҳаяжон ичида тинглади. У ўз сўзларини тамомлаган вақтда ҳаяжонини босолмай қолди:

— Қуддус, қуддус!.. — деб ҳайқирди. Сен кўрган хилқат Буюк Роббимизнинг Мусо алайҳиссаломга, Исо алайҳиссаломга туширган Номуси Акбар Жаброил фариштадир.

Варақа кексайиб, умри поёнига етиб бораётганидан кўп афсусланди. Анчадан буён дин олимлари, муқаддас китобларда келиши айтилган, келадиган вақти жуда яқин бўлган пайғамбарни ниҳоят кўрди. Аммо у энди

ёш эмас, бир оёғи ерда бўлса, бири гўрда. Бир пайтлар қавми ботган залолатга тушмаслик, улар каби бутларга топинмаслик йўлида юртини тарк этганди. Ҳафталаб, ойлаб сафарларда юриб, дин кишилари билан учрашганди. Ҳақ дин йўлида қанчалар заҳмат чекканди. Ниҳоят, насронийликни қабул қилиб, охирзамон пайғамбари ҳақида китоблардан маълумот тўплаганди. Унинг йўлини кўп кутганди.

Мана ҳозир охирзамон пайғамбарининг ҳаёт юлдузи чароғон бўлиб порлади, бироқ Варақанинг юлдузи сўнар ҳолга келиб қолган. Шу боис унинг ичи тирналди. Гапида шундай давом қилди:

— Оҳ, қани энди сен халқни ҳақ динга даъват қиладиган кунларингда ёнингда бўлсам, ёш, куч қувватли, ғайратли бўлсам! Қавминг сени Маккадан қувганларида соғ-саломат бўлсам, қани энди!..

— Улар мени Маккадан қувиб чиқаришадими?

— Албатта, чунки сенга ўхшаш ҳар бир ҳақ пайғамбарнинг даъвати ҳеч қачон яхши кутиб олинмаган. Агар ўша кунларни кўрсам, қўлимдан келганича ёрдам бераман.

Варақа яхшигина ҳаяжонланганди.

— Субҳаналлоҳ, субҳаналлоҳ! Бу Мусо билан Исога келган Жаброилдир! — деб қайта-қайта такрорлайверди.

Хадича неча йиллардан буён орзиқиб кутаётган бахтга эришганлигидан ўзида йўқ шод, руҳида кечаётган ҳолатни сўз билан ифодалай олмасди. Бошқа бирор нимани ўйламасди ҳам. Аллоҳнинг энг севимли қули, энг буюк ва энг сўнгги пайғамбарининг хотини бўлишдек шараф тожининг ўз бошига кийдирилганини ўйлаб, кўзларидан тинимсиз ёш қуйиларди. Бу бахтга эришганининг ифодаси юзларида порларди.

Шу кунгача дунёга келган бирорта аёл бу қадар бахтга эришмаганига, ундан сўнг ҳам эришмаслигига ишончи комил эди.

* * *

Ҳиро ғорида юз берган буюк ҳодисадан сўнг ҳаммаси тўхтагандек эди. Орадан бир неча кун ўтган бўлса-да ўша фаришта бирор марта кўринмади.

Бир, икки, уч, дея саналиб ўтиб бораётган кунлар ўн беш — йигирманчига қадар етса-да бирор ўзгариш сезилмади. Буюклар буюгининг юраги сиқилар, яна Ҳиродаги ғорга борар, аммо у ерда келган фариштани учратолмасди.

Бундай кунларда ёлғиз ўзи юрган вақтлари бир қанча тош ва дарахтларнинг:

— Ассаламу алайка, ё Расулуллаҳ! — деганлари эшитилиб турарди.

* * *

Хадича илк келган фариштанинг яна келганлиги ҳақидаги хабарни интизорлик билан кутарди. Эрининг ҳар келишида юзига қарар, «Бирор хабар бормикан?» — дея ўйларди.

Хадича хоним жуда матонатли, сабрли аёл эди. Масаланинг бундай ҳолда қолиб кетишига асло ишонмасди. Худди эртанги қуёшнинг чиқиши аниқ бўлгандек бу фариштанинг ҳам келишига аниқ ишонарди.

Қаттиқ сиқилишлар неча кун давом этганини биз аниқ билмаймиз. Икки-уч йилга чўзилмагани аниқ бўлса ҳам бир ҳафта ёки бир ойдан кўпроқ давом этгани ҳам эҳтимолга яқин.

Бу узилиш, тўхтаб қолишдан мақсад Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни навбатдаги ваҳийни қабул қилиб олишга тайёрлаш учун бўлган бўлса ажаб эмас.

Шундай кунларнинг бирида Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Ҳиро ғорида бир ойча турди. Лекин фаришта Жаброил алайҳиссаломдан дарак бўлмади. Қайтаётиб Батни Водий деган ерга келганида бирдан:

— Эй Муҳаммад!.. Эй Муҳаммад!.. — деган овозни эшитди.

Бу ниҳоятда ҳайбатли, одамни титратиб юборадиган овоз эди. У ёқ бу ёққа қаради, лекин ҳеч ким кўринмади.

— Эй Муҳаммад!.. Эй Муҳаммад!..

Ал-Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бошини кўтарди, иликларигача титраб кетди. Қалби кўрқувга тўлиб, тиззалари қалтираб кетди. Бу ғорда кўринган хилқат эди. Бу сафар унинг гавдаси ер билан осмоннинг ўртасича катта эди. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) у ердан кетиб уйга келди. Ҳали ҳам титрашдан тўхтамаганди.

— Мени ўраб қўйинг, мени ўраб қўйинг!.. — дерди.

Юз қўлини ювдиришди, сўнг ётқизиб устини ўраб қўйишди. Бироз вақт шундай ётди. Фақат энди кўп ётишга рухсат йўқ эди.

Энди у ўзи истаганидек эмас, балки уни башариятга ҳидоят йўлларини кўрсатувчи қилиб юборган Мавлосининг амрига кўра ҳаракат қиларди. Энди фаришталар олами инсоният олами билан алоқа ўрнатган, илоҳий иродани инсонларга етказиш пайти келганди.

Аслида у туғилган кунидан бери ўз ҳолига ташлаб қўйилгани йўқ. Унга ҳали йўрғакдалик пайтидаёқ сут онасининг чап эмас ўнг кўкрагини эмиздирган, бобоси билан ёмғир дуосига чиққанда булутларга ишора бердирган қудрат... Сафар вақтида туяларнинг оёқлари лат еб, юролмай қолганда унинг муборак қўли билан туяларга шифо берган, у ўтирган дастурхонга барокат берган қудрат... Унинг муборак вужудидан чиққан терларга хушбўйлик берган, бутларга нисбатан кўнглида чексиз нафрат уйғотган қудрат...

Мана шу қудрат Соҳиби энди Ўзини танитиб, уни тайёрлаган вазифага даъват қилмоқда эди.

Энди у фақат Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) деб билинган даврини тамомлаганди.

МУҲАММАДУР РАСУЛУЛЛОҲ деб аталадиган даврига қадам қўяётганди. Бу сафар узоқ ётиш учун рухсат йўқ эди. Жаброили Амин Муҳаммад Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни топди. Унинг муборак қалбини ваҳий нури билан тўлдирди. Лекин бу сафар Ҳиродагидек ёки йўлда учраганидек қўрқитмади. Аллоҳнинг юборган иккинчи амрини қандай бўлса шундай айтиб, у ердан ғойиб бўлди. Муҳаммад Ал-Амин (соллаллоҳу алайҳи васаллам) қалбига муҳрланган янги илоҳий ҳитобни такрорлади:

يَا أَيُّهَا الْمَدَّثُرُ {1} قُمْ فَأَنْذِرْ {2} وَرَبِّكَ فَكَبِّرْ {3} وَثِيَابَكَ فَطَهِّرْ {4} وَالرُّجْزَ
هُجْرَ {5}

Мазмуни: Эй (либосларига) бурканиб олган киши (Муҳаммад!) Туринг-да, (инсонларни охират тўғрисида) огоҳлантиринг, Раббингизни улуғланг, либосларингизни покланг, бутлардан йироқ бўлинг (**Мудассир сураси 1—5-оятлар**).

Бу оятлар уни иккинчи маротаба ётган ерларидан турғизганди.

Бу ваҳийни ҳам биринчи бўлиб эшитган одам Хади-ча хоним бўлди. Севинганидан нима қилишини билмай қолганди. Йиллар бўйи умидини йўқотмаган, сеvimли эрини «Эй Муҳаммад» деб эмас, «Ё Расулуллоҳ» деб чақиришни чин дилдан истаганди. Мана ўша ўзи орзу қилган кунларгада етиб келди.

— Ё Расулуллоҳ, сиз Аллоҳнинг Пайғамбари эканингизни биринчи бўлиб мен тасдиқлайман! — деди.

Бу овозда жиддийлик бор эди. Бу сас Буюк Аллоҳнинг ҳабибига лойиқ кўрган, аёлларнинг шараф тожи бўлишга муносиб ва лойиқ аёлга хос виқор билан ай-тилганди.

Иймон келтирганлар биргина сафга тизилганда, энг олдинда бошқа одамлар ҳеч қачон жойлаша олмайдиган

ерда биргина аёл туради. Бу мақомга ҳаттоки Макканинг мушриклари томонидан «Тоҳира» (пок) дея тан олинган шараф эгаси, жаннати аёлларнинг шериксиз султони буюк Хадича — Хадичаи Кубро розияллоҳу анҳо бўлади. Унинг бу фазилати ҳеч ўзгармай то Қиёматгача шундай қолади.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Хадичадан бу гапни эшитганида ниҳоятда хурсанд бўлди.

Тарихда шундай воқеалар бўлганди! Ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғли, Ҳазрат Лут алайҳиссаломнинг хотини улар Аллоҳнинг пайғамбари эканини айтганларида қарши чиққандилар.

Хадича эса энг сўнгги ва энг улуғ Пайғамбарнинг бошлаган янги ишида ҳеч тараддудланмай елкадош бўла олди.

Фил воқеасига қирқ йил тўлган, ҳар тарафда ғафлат, жаҳолат ва залолат уруғ бойлаб ётган бу вақтда Маккада бир пайғамбар, унинг эса ҳозирча биргина уммати бор эди.

Китоб тамомланган вақт:

29 Рамазон 1402 — 21.07.1982. Чоршанба

Сўнгги таҳрир:

09 Жумад-ул Охир 1436 — 29.03.2016. Якшанба

МУНДАРИЖА

Йўлчи юлдуз (<i>муқаддима ўрнида</i>)	3
Асар нашри ҳақида	8
КАЪБА ҚУЛАМАЙДИ (<i>Фил ва Абобил воқеаси</i>)	9
МАВЛУД-УН НАБАВИЙ (<i>Қутлуғ таваллуд</i>)	31
БАНИ САЪД ЮРТИДА (<i>Сут онага берилиш</i>)	53
АБВОДА ҚАЗИЛГАН ҚАБР	80
АБДУЛМУТТАЛИБНИНГ МЕҲР ҚУЧОҒИ	88
ЗАМЗАМ	99
БИР ҚУРБОНЛИК УЧУН ЮЗ ҚУРБОНЛИК	109
УЛУҒ ЧИНОРНИНГ ҚУЛАШИ (<i>Учинчи жудолик</i>)	117
АБУ ТОЛИБНИНГ УЙИДА	127
БУЛУТЛАРГА БЕРИЛГАН ИШОРАТ	133
ШОМ САФАРИ ВА РОҶИБ БАҲИРА	139
БИР СУИҚАСД ҲОЗИРЛИГИ	156
ЯНА БУТЛАР ОЛДИДА	160
БИР АРСЛОН БОЛАСИНИНГ ТУҒИЛИШИ	166
ФИЖОР ЖАНГИ	171
ШАРАФЛИ АҲДЛАШУВ (<i>Ҳилф ул-фузул</i>)	185
САЛМОН АЛ-ФОРСИЙ	195
ХАДИЧАНИНГ ТИЖОРАТ КАРВОНИ	201
БАХТИЁР ОИЛА	212
КЎЗИДА ОЛОВИ БОР БОЛА (<i>Умар</i>)	214
СЕВИМЛИ КИЧИК АСИР (<i>Зайд</i>)	216
ДАРДЛИ ОТА	222
КАЪБА ҲАҚАМЛИГИ	235
ЯНА САЛМОН	242
ЯҲУДИЙ ОЛИМЛАРИ	245
ҲАҚ ДИН ЙЎЛИДА (<i>Ҳанифлар</i>)	251
ҒАРОЙИБ САЁҲАТ (<i>Пайғамбарликнинг кутилиши</i>)	265
КАТТА БОЗОР (<i>Укоз</i>)	269
ОЛАМ УЗРА ТУШГАН НУР	274

900000

АҲМАД ЛУТҒИЙ

РИСОЛАТ

ҚУТЛУҒ ТАВАЛЛУД: ОЛАМ УЗРА ТУШГАН НУР

I

Муҳаррир:

Техник муҳаррир:

Мусахҳиҳ:

Саҳифаловчи:

А.Тилавов

Ю.Ўринов

Н.Муҳамедова

И.Зоҳидова

Нашр лицензияси. АИ 245, 02.10.2013.

Теришга 14.09.2018 йилда берилди. Босишга 09.10.2018 йилга
рухсат этилди. Бичими: 70x100 1/16. Офсет босма.

Virtec Times Uz гарнитураси. Шартли б.т. 16.7.

Нашр б.т. 12.0. Адади: 10000. Буюртма №117.

Баҳоси шартнома асосида.

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» MChJ босмаҳонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.

Телефон: (371) 228-07-96, факс: (371) 228-07-95